

МУСТАЙ КАРИМ  
БОЛАЛИК ЙИЛЛАРИМ

Қисса

---



ТОШКЕНТ — 1979

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

**Редколлегия**

**Б. БОЙҚОВИЛОВ, И. ҒАФУРОВ, ҲАМИД ҒУЛОМ, З. И. ЕСЕН-БОЕВ, В. Й. ЗОҲИДОВ, ЗУЛФИЯ, М. ҚУШҶОНОВ, МИРМУҲ-СИН, Н. САФАРОВ, Р. А. САФАРОВ, Р. ФАЙЗИЙ, П. ШЕРМУҲАМЕДОВ, О. ЁҚУБОВ, К. ЯШИН** (Редколлегия раҳбари).

*Русчадан*

**Одил Ёқубов ва Уткир Ҳошимов**  
*таржимаси*

К  $\frac{70303 - 47}{М352(04) - 79}$  93—79—3703040100

© Издательство «Современник», 1977 г.

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1979 й. (тарж.)

Бу китоб дунёда ҳар қачон мўъжизалар рўй бериши мумкинлигига ишониб яшайдиган одамлар тўғрисида. Бундайлар табиатан ғалати, содда, ўлгудек гўл бўлишади. Турмушлари ҳам бизнинг одатдаги кундалик ҳаётимиздан сал бошқачароқ, сал кулгилироқ, сал фожиалироқ кечади. Буларда хайрихоҳлик кучли; бир-бирларига одатдагидан кўра сабр-тоқатлироқ, раҳмдилроқ муносабатни раво кўришади; кимнидир дарров айблагга шошилишмайди. Бундай одамлар ўлимни ҳам, бахт-саодатни ҳам сабот билан қарши олишади. Қувончдан осмонга сапчишиб, ғамдан қоматлари букилавермайди.

Баъзи бировлар менга:

— Наҳотки, сизнинг овулингизда нуқул шунақа одамлар яшашган бўлса, — дейишлари мумкин.

Олдиндан айтиб қўйишим керак:

— Мен фақат шунақа одамларни кўрганман. Негадир булардан бошқалари эсимда қолишмаган.

Яна бир нарсани айтиб қўяй. Баъзиларга бу китобда ўлим ҳақида меъеридан ортиқроқ гапирилгандек туюлса ажабмас. Майли, китобхон менинг сўзимга ҳайрон бўлмасин, лекин ҳаётнинг ҳам, ўлимнинг ҳам ҳуқуқи бир. Кўпинча ўлим ҳақида гапирганингда, ҳаётнинг маъно-мазмунини, яшашнинг саодат эканлигини чуқурроқ тушунасан, киши.

Хуллас, бу китобдаги одамларнинг қисмати — мен бирга яшаган, ёки ҳаёт йўлимнинг маълум бир масофасини биргалашиб босиб ўтган кишилар қисмати. Улардан энг яхшилари ва энг ёмонларининг исмини ўзгартирдим. Қолганлари бор ҳолича қолаверди.

Воқеани, асосан, менинг ўзим ҳикоя қиламан... Эҳтимол, кейин бошқалар ҳам бу ҳикояга қўшилишар.

*Муаллиф*

Мен ҳали тирик бўлсам керак. Муздек қотиб қолган тиниқ фируза осмонни, унга ёпишганча яхлаган мисранг қуёшни кўряпман. Кимдир қуёш гардишига тош отяпти. Қуёшдан эса гум-гум-гум деган товуш таралади. Чамаси, унинг ҳам куни битганга ўхшайди. Кўп ўтмай, қулаб тушади-ю, кейин ҳаммаси тамом...

Мен ҳали тирикман. Эшитиб турибман, яқингина жойда сув шилдираяпти. Бутун баданим титраб турибди. Ажаб! Сув шилдираётган булоқ ердан эмас, менинг кўкрагимдан билқ-билқ қайнаб чиқаяпти.

Аста-секин ўзимга келдим. Энди аниқ эшитяпман. Кўкрагимда, кўксимнинг чап томонида қон аралаш юрагим ҳаприқиб кетяпти. На оғриқ сезаман, на азоб. Чамаси, мен — бу мен эмас, қандайдир, бошқа одамдек. Мен эса ана, иккита симғалтакни елкамга ормоқлаб, олдинги линияга қараб боряпман. Оёғим остида соям югурияпти. Атроф яйдоқ дала. Фақат у ер-бу ерга мина тушиб, тупроқ уюми ўқтин-ўқтин ўпирилади. Менинг соям эса, узундан узун бўлиб кетган. Демак, эндигина қуёш чиқибди. Бирданига менинг соям дала чеккасида қорайиб турган ягона дубга бориб урилди. Худди шу пайт рўпарамда лоп этган олов кўтарилиб, шу ондаёқ сўнди. Энг сўнгги кичкинагина учқун менинг кўксимга сачради. Югуриб келаётганимча, бирдан тўхтадим у қалқиб кетдим...

Мен ҳамон қалқиб турибман. Йўқ, мен қалқимаяпман, балки ернинг ўзи бешикдек мени тебратяпти. Осмон гоҳ юқорилаб кетади, гоҳ худди устимга энгашади. Ҳалиги симғалтак кўтариб югуриб кетаётган аскар билан мен яна бирлашдик. Бирлашдигу битта одамга айландик-қолдик. Ҳа, энди ҳаммаси жойида. Агар ик-

каламиз икки ёққа ажраб кетишсак, чатоқ бўларди.

Ҳа, энди тирилдим. Шундоққина бошим устида дуб япроқлари шовуллаб турибди. Дарахт атрофида эса, болакайлар қўл ушлашиб, давра олишганча қўшиқ куйлашяпти. Қизиқ, уларнинг орасида синглим Салиса, укам Илёс ҳам бор. Аввалига ҳаммамиз биргалашиб, аллақандай ҳушчақчақ ашула айтдик. Кейин гир айлана бошладик: негадир тортишиб, жанжаллашиб, кўзларимизни қизартириб ҳам олдик, кейин яна ярашдик. Ана, ҳаммамиз тагин айланяпмиз. Дубнинг атрофида фақат биз эмас, ер ҳам, осмон ҳам чир-чир айланяпти. Ана, қуёш ҳам, кейин ой ҳам, милтираб турган юлдузлар ҳам, ҳаммаси чарх уряпти. Фақат дуб ўз ўрнидан жилмайди, қимири этмайди.

Қизиқ, энди қарасам, дуб дарахт эмас, менинг Катта ойимга айланиб қолди. Унинг атрофида фақат болакайлар эмас, бутун оиламиз, дадам, Кичик ойим, акаларим, опаларим — ҳаммамиз айланяпмиз. Ҳатто, иккита тўриқ отимиз, иккита ола сигиримиз, бузоқлар, қўйлар, товуқлар, ғозлар ҳам Катта ойимнинг атрофида айланиб, рақсга тушишяпти. Унинг атрофида бизнинг бутун қувонч-бахтимиз, ғам-андуҳларимиз ҳам, кундалик ташвишларимиз, олис орзуларимиз, тақдирларимиз ҳам айланяпти. Катта ойим эса, ана шу улкан бир дунёнинг қоқ марказида бўлганидан, хотиржам ва собит; гўё умрида ғам-андуҳни ҳам, кексалик ва ажални ҳам писанд қилмагандек, чеҳрасида майин табасум порлаяпти...

Дуб япроқларида тонг шулалари жилваланади. Қилт этган шамол йўқ. Аммо дарахт япроқларида қуёш нурлари ўйнаб, уларни нозик чайқатиб турибди. Ер юзида уруш ҳам, ўлим ҳам йўқ. Ҳаммаси ёт нарсалар. Фақат кимдир ҳамон қуёш жомини гум-гум чалаётгандек.

Аллақаёқдан қанотида қора хоч тасвири туширилган ёвуз қузғунлар пайдо бўлишиб, бутун осмонни эгаллаб олишди. Уларга гирди-капалак бўлиб замбраклардан отилган ўқлар чатнай бошлашди. Мен эса чалқанча тушиб ётганча, ҳаммасига диққат қилияпман. Бирдан қузғунлар бағридан аллақандай қора қузғунчалар отилишди. Улар худди нақ менинг устимга ёпирилишди. Ҳар бир бомба мени, фақат мени чилпарчин

қилмоқчи. Ётган жойимда санайман: битта, иккита, учта, тўртта, бешта... тўққизта, ўнта, ўн битта... Биргина жон бунча балога юзлашиши инсофданмикан? Мана, ҳозир қиёмат қойим бўлади. Ана, биринчи бомба портлайди. Ер силкиниб кетади. Мана, ҳозир...

Бир кунда икки марта ўлгиси келмас экан одамнинг. Мен умримни ўтган йигирма икки йил бадалида ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа гўёки кафтимда томчилардан сув тўплагандек йигиб жамлаганман. Энди эса, уни бир йўла сочиб юборишга тўғри келяпти. Йўқ, мен буни ҳазм қилолмайман. Урнимдан сакраб туриб, қаергадир яширинишни ўйладим. Лекин ночор-ноиложман. Кучим юзтубан ағдарилиб ётишга етди холос. Шу ондаёқ кетма-кет портлашлар еру кўкни ларзага солди. Ҳар гал бомба портлаганда ер қаърига кириб, унга сингиб кетаётандек бўляпман.

Ана шунда бирдан ўзимдан-ўзим уяла бошладим. Нима, мен ковакка ўзини урган каламушманми? Ҳей, сен жангда, дўстларинг орасида қўрқоқ, деб ном чиқарган одам эмасдинг-ку: энди ўзингни қўлга ололмайсанми? Ҳеч ким йўқлигида даҳшат билан юзма-юз келиб, бехосдан шунақа қўрқоқ бўлиб қолдингми? Ҳеч ким йўқ; тўғри, сенинг қўрққанингни биров билмайди. Лекин бари бир сени кўргиси келган киши ҳар қандай вазиятда ҳам кўравериши аниқ. Масалан, сени севган киши. Ахир ошиқ-маъшуқлар учун вақт ҳам, масофа ҳам бекор эмасми? Ўлимни хотиржам қаршилаш ҳам мардликка киради. Қани, ўзингни қўлга ол!

Мен яна чалқанча ётиб олдим. Ҳеч бўлмаса, ажалнинг кўзига тик қарайин. Йўқ, бу сафар ўлим мени четлаб ўтди. Йигирма икки ёшимда мени жароҳатлаб, ёнимдан ўтиб кетди. Портлашлар тинди. Осмон қайтиб тиниқ, беғубор бўлиб қолди. Шундай сукунат чўкдики, юрак тарс ёрилгудек эди. Бунақа пайтда сукунат ҳам одамни қийнаб қўяр экан.

Шу асно яйдоқ дала устида кишининг баданини музлатиб юборадиган даҳшатли, аламли бир нидо янграб, тўппа-тўғри менинг қалбимга келиб чирмашди. Умрим бино бўлиб бундай нидони эшитган эмасман. Аянч, ўтинч, афғон ҳаммаси мужассам эди унда. Мен нидамай қулоқ солиб ётардим. Кутдим, узоқ кутдим. Аммо бу нидо бошқа такрорланмади. Такрорланмади-ю, фақат менинг қалбимда бир умрга сақланиб қолди.

Ушанда бу ерда, жанг майдонида, кимдир сўнги нидо билан дунёдан кўз юмганди.

Шу ондаёқ қандайдир ўнларча янги садолар эшитила бошлади. Бу энди дунёда кўз очган чақалоқларнинг илк «инга» товушлари эди; улар бунёд бўлганларини хабар қилишарди. Болалик пайтимда мен чақалоқ йиғисини кўп эшитганман. Бироқ мана шу жанг майдонида, мана шу мусаффо тонг чоғида дунёга келган инсон товуши билан дунёдан кетаётган инсон нидоси бирлашиб, қалбимда уйғун бўлиб қолди. Энди мен ана шу бир-бирига жўр ҳайқириқларни энг машаққатли пайтларда ҳам унутмаслигим керак. Негаки, мен бир ҳақиқатни — нега дарёнинг қирғоғи иккита бўлишини фақат ўшанда тушундим. Дарёнинг қирғоғи иккита бўлгани учун ҳам оқимни сақлаб туради. Бир қирғоқнинг номи — боқийлик, иккинчисининг номи — фонийлик. Замона деганимизнинг ўзи шу икки соҳил ўртасида абадий оқади. Инсон умри давомида иккала қирғоқни бир-бирига боғлашга уринади; ёғочдан, тошдан, темирдан, интилиш ва ақл-заковатдан кўприк қургиси келади. Кўприкни сув тошқинлари бузиб кетади; уни баъзан бўронлар кўчириб ташлаб, ёнғинлар кулини кўкка совуради. Инсонлар вафот этишиб, қайта туғилишади; яна ўзларининг абадий ишларини давом эттиришади: кўприк қуришга киришишади. Негаки, азалдан инсоннинг қалбида ҳаммиша ўша икки ҳайқириқ яшайди.

...Тўсатдан дуб силкиниб кетгандек бўлди. Аммо зум ўтмай яна тикланди. Кимдир мени авайлаб кўтариб, замбилга ётқизди. Олиб кетишди. Оёқ томонимда озгин бир солдат боряпти. Мен унинг ингичка елкаларини, рангсиз, сарғиш, қотма юзини кўриб турибман; юзида эгри-бугри из қолдириб, муттасил қора тер оқади. Қуралай кўзлари менга диққат билан, кишини сеҳрлайдиган назар билан тикилади. Гўё бу кўзлар мени олис-олислардаги шафқат уфқларига, беғубор, беташвиш йилларга чорлаётгандек. Балки, улар бошқа уфққа, борса-келмас зулматга чорлаётгандир. «Менга бунча тикилма, — деб бақиргим келади, — мени шу ерга ташлаб кетинглар». Аммо сўз ўрнида оғзимдан қон оқиб чўқади. Мен оёқ томонда бораётган шу аскарнинг нягидаги тиртиқни ҳам кўриб ётибман. Чамаси, эски яранинг изи бўлса керак. Мана шу рангсиз чеҳра, қу-

ралай кўзлар, иякдаги тамга, ҳаммаси бир нуқтага бирлашиб кетгандек туюлади. Ким ўзи бу одам? Менинг қонга беланган, ўзини-ўзи эплотмаган гавдамни не машаққат билан кўтариб кетаётган одам ким? Йўқ, мен уни хотирамда сақлаб қололмасам керак. Хотирам ваиф, фикримни бир жойга тўплай дейману қўлимдан келмайди; яна тўзғиб кетади. Майли, мен уни кейинчалик эслайман, яхшилаб эслаб қоламан. Ҳозир эса у этиклари билан ерни ковлугудек бўлиб қоқила-қоқила мени жанг майдонидан, ҳалигина ажал рўпара келган майдондан олиб чиқиб кетяпти.

Уша майдон энди мендан ўттиз йил орқада қолди. Ушанда менинг тасаввуримда Катта ойим бўлиб жонланган дуб ҳамон бормикан? Билмадим. Катта ойим эса, ўша мудҳиш тонгдан анча илгарироқ ўзининг сўнги маконига кетган эди. Катта ойим вафот этган куни қор ёгаверди, ёгаверди; унинг абадий уйқуда ётган макони ҳам бирпасда оппоқ қор остида қолди. Лекин Катта ойим ҳамон менинг ҳаётимда, гоҳ қуёш нур сочган, гоҳ булут қоплаган, гоҳ гуллар билан ўралган, гоҳ қор бўронларида сийқаланиб қолган ҳаётим майдонининг қоқ ўртасида турибди. Менинг болалигим, ёшлик йилларим, вояга етган дамларим, менинг бутун ҳаётим унинг атрофида муттасил айланади.

Эсимда, мени илк бор қўлимдан ушлаб йўлга солган қўл Катта ойимнинг қўллари. Мен у билан бирга кўп юрганман. Катта ойим итоаткор қўлларимни ўзининг юмшоқ ва бақувват кафтига олиб, мени етаклаб юрарди. Мана, ҳозир ҳам биз иккаламиз қўл ушлашиб кўча этагига томон боряпмиз. Балки одамлар булар қаёққа шошилиб кетишяпти, деб ҳайрон бўлишар. Агар мендан сўрашса, «доялик қилишга» деб, жавоб берган бўлардим.

## ДОЯЛАР

Овулдагилар Катта ойимни «доя буви» дейишарди. Менга эса «доя бува» деб лақаб қўйиб олишган. Мен ҳали кичкина боламан. Катта ойим кийиб юрадиган оқ камзулининг чўнтагига аранг қўлим етади. Дунёда бундан сеҳрлироқ чўнтак бўлмаса керак. Қачон қўлимни тиқсам бир бўлак қандми, бир кафт майизми, ширин кулчами, шумурт майизими, нўхат қовурдоқми —



хуллас, нимадир қўлимга илашиб чиқади. Баъзан чўнтакда чақалар жаранги ҳам эшитилиб қолади. Ёш бола бўлсам ҳам баломан! Пулга ақлим етади. Хуллас, Катта ойимнинг чўнтаги битмас-туганмас хазина.

Мана ҳозир ҳам. Шундоқ қўлимни тиққан эдим, икита туршак чиқди. Биттасини кечиктирмай оғзимга ташладим. Йўқ, биз унақа ширин нарсаларни дарров еб қўядиган очофатлардан эмасмиз. Кечгача мазза қилиб сўриб юришга нима етсин. Иккинчи туршакни шу бугун кийган янги шимимнинг чўнтагига солиб қўйдим. Уйга қайтганимда туршакни иккига бўлиб бир палласини синглимга, биттасини укамга бераман. Шундан кейин менинг чўнтагим ҳам улар учун сеҳрли чўнтак бўлиб қолса, ажаб эмас. Катта ойим «қўли очиқнинг — йўли очиқ» деб, бежиз айтмайди-ку, ахир.

Ҳозир биз Паст кўчадаги Қора Юмагулнинг уйига бэряпмиз. Унинг хотини бола туғадиган дардга йўлиқибди. Бу хабарни унинг ўзи келиб айтди. Рангини қарасангиз, дока бўлиб оқарган. Шу гапни айтди-ю, жавобини кутиб ҳам ўтирмай, келган изига чопиб кетди. Албатта, дояликка чақириш билан меҳмондорчиликка чақиришнинг фарқи бор. Меҳмондорчиликка чақириб келган одам аввал уйга киради. Курсига ўтиради. Шошилмасдан, мезбон билан дуо-фотиҳа қилади. Кейин бола-чақа, қозон-товоқ — барини бирма-бир сўраб чиқади. Ҳатто кўздек яқин қўшнингиз бўлса ҳам бунақа пайтда ҳеч нарсани қолдирмай, суриштириб чиқиши аниқ. Таомил шунақа. Мен буларнинг ҳаммаси шунчаки бемаъни одат эмаслигини кейинчалик, катта бўлганимда тушундим. Ахир, бировни меҳмонга чақириб келган одам бўлажак меҳмоннинг аҳвол-руҳиясини, қариндош-уруғлари туриш-турмушини, тан-сиҳатлиги, хотиржамлигини аввало билиб олиши керак-да. Бир нарсадан ташвишланган одамга меҳмондорчилик татирмиди?..

Шуни айтиш керакки, бизнинг овулимизда одамлар борди-келди бобида фақат қариндош-уруғчилик жиҳатидангина эмас, ўзига бадастурми, бечораҳолми, бу жиҳатдан ҳам фарқланиб туришарди. Ҳар бир одамнинг ўз давраси, ўз жўралари бор. Тайин гапки, ҳар бир давранинг меҳмондорчилиги ҳам ўзига яраша.

Ўртаҳол пиво ичиб, 95

Бойлар асал еган чоқ —

Тишининг кириб сўриб,  
Тўйиб юради қашшоқ.<sup>1</sup>

Менинг дадам бўзахўрлар даврасида меҳмондорчилик қиларди. Улар хонаки пиво ичишади. Мен бундан аниқ биламан. Қора Юмагул эса, яқинда уй-жой тузашга эришган бўлса ҳам, қашшоқлар тоифасига киради. Албатта, у бизнинг хонадонимизда меҳмон бўлиб ўтиришни хаёлига ҳам келтирмайди. У ёғини сўрасангиз, менинг отам ҳам бадавлат одамларнинг даврасига кирмайди. Балки уни чақиришмас, балки чақиришганида ўзи ҳам бормас. Ҳарқалай, иккинчиси тўғри бўлса керак. Рост, бадавлат одамларнинг даврасида базм ҳам катта бўлади. Бироқ дадам уларнинг даврасига кириб пойгакда ўтиришни ўзига раво кўрмайди. Кейинчалик вояга етганимда отам чиндан ҳам худди шу сабабга кўра уларга қўшилмаганини тушундим.

Катта ойим билан менга ҳамиша эшиклар очиқ. Ерга қапишиб ётган лой сувоқ уйларнинг пастак эшиги ҳам, томига тунука қопланган уйларнинг ўрисча темир дарвозаси ҳам бирдек очиқ.

Биламан, баъзи дарвозалар аслида бизгаям очилмаслиги мумкин. Лекин маълум бир сабаб уларни бари бир очилишга мажбур қилади. Баҳордами, куздами, кундузимиз ёки кечаси, ҳаво очиқ пайтидами, булут пайтидами, хуллас, вақти-соати етгандан кейин, ҳар бир уйда чақалоқ туғилади. Чақалоқни кутиб олиш учун эса, Катта ойим билан мен керакмиз.

Бир сафар Кичик ойим менга имо қилди-да, Катта ойимга гап отди:

— Бу бола билан киндигинг биттами, ҳой кундош? Бошлашиб юрмасанг, кўнглинг тўлмайдиганга ўхшайди.

— Ёнимда гуноҳи йўқ норасида бўлса, хотинларнинг кўзи осон ёрийди. Ҳамма гап шунда, Вазифа!

— Савил.— Кичик ойим қандайдир ғалати қилиб кулиб қўйди.— Бөлани жодуга ўргатганмисан, нима бало?!

---

<sup>1</sup> Қиссадаги шеърларни шоирлар Омон Мухтор ва Муҳаммад Алилар таржима қилишган.

— Ҳар ҳолда, эримнинг қисмати — менинг ҳам қиоматим. Шундан бошқа жодуни билмадим,— деди Катта ойим. Шунда у менинг назаримда секин хўрсиниб қўйгандек бўлди. Ким билсин, балки хўрсинмагандир.

«Эримнинг қисмати — менинг қисматим» — бу гапнинг маъносини мен кейин, орадан анча йиллар ўтгач тушундим.

— Майли, билганингни қил,— деди Кичик ойим ва айбдор одамдек бошини қуйи солди.— Қачон қараса, сенинг гапинг тўғри.

— Сен билан менинг йўриғимиз бошқа. Ҳар биримизнинг ўз эътиқодимиз бор. Ҳар қандай эътиқоднинг ўз ҳақиқати бор. Сен билан мен битта ҳақиқат остида яшай олмаймиз. Балки мен ҳақлидирман ҳам. Лекин бундан нима фойда.

Ана холос! Менга у ойимнинг гапи ҳам, бу ойимники ҳам ўз ҳолича тўғри бўлиб туюлади. Аммо уларни бир-бирига қўшадиган бўлсам, кўз ўнгимда оламдаги бутун нарсалар гўёки қоришиб кетади. Ниҳоят, кўнглимда ҳар сафар қандайдир ғусса, номаълум бир алам уйғонади. Менинг қалбимни қоқ иккига бўлиб ташлаган ғам-ғусса узоқ йилларгача вужудимни тарк этмади; негаки, мана шу икки аёлнинг туйғулари менга ҳамиша йўлдош бўлишди. Уларнинг муҳаббати туйғуларимни қалбимда уйғонган қўшалок андуҳ худди қўшалок соя сингари бир умр кетимдан эргашиб юрди.

Ҳа, мени иккала ойим баб-баравар яхши кўришади. Мен ҳам иккига парчаланиб, ўз муҳаббатимни уларга баб-баравар тақсимлаб беришга ҳаракат қилардим. Шундан, замонлар келиб мен муҳаббатнинг қувончининггина эмас, изтиробларини ҳам ҳис қиладиган бўлиб қолганман.

Мана, туршак сўрганча Катта ойимнинг кетидан судралиб, югургилаб боряпман. Қора Юмагулнинг дарвсзасига яқинлашдик. Омбор ёнида ўтириб олиб, қандайдир арқон эшаётган Қора Юмагул югуриб келиб дарвозани очди. Катта ойим дарров уйга йўналди. Бу ёғига мен ўзимни-ўзим овора қилиб туришим керак. Аниқ биламанки, шу тобда менинг уйга кпиришим мумкин эмас. Қовоқлари шишиб кетган, бақувват Қора Юмагул қисн; кўзларини ҳадеб пирпиратиб Катта ойимга ялинди:

— Худо хайрингизни берсин, айтинг, нима қилса ҳам ўғил туғсин. Биринчи, тўнғич болам, ахир. Яхши-лигингизни бир умр унутмайман.

Катта ойим унинг елкасига оҳиста қоқиб қўйди.

— Майли, танлашнинг иложи бўлса, ўғил танлаб оламан. Бор, юмушингни қил,— деб ўзи эшик олдида ғойиб бўлди.

— Худо хайрингизни берсин, жон ойи,— деганича қолди Қора Юмагул негадир лаблари учиб.

У яна омбор ёнбошига бориб ўтирди-да, арқон тўқишга киришди. Мен унинг рўпарасидаги каттакон ғўлага миниб олдим. Бунақа пайтда ўз иззат-нафсимни яхши биламан. Ахир, мен доя бувимнинг ўғлиман. Майда-чуйда нарсаларга аралашмайман. Катталарнинг оёғи остида ўралашмайман. Кўнглимга ёққан жойга ўтириб оламан-да, сабр-тоқатим бисёр эканлигини кўрсатаман. Шунинг учун ҳам, чақалоқ туғилаётган уй эгалари менга шунчаки «қой бола» деб, мурожаат қилишмайди; тўлиқ исмимни айтиб гаплашишади.

Анча-мунча ўтиргандан кейин Қора Юмагулга сўз қотишни лозим топаман:

— Хўш, нима тўқияпсан?

— Арқон. Арқон тўқиганда вақт тез ўтади. Тўқий-верасан, ўрайверасан, ўрайверасан...

Қора Юмагул камгап одам. Овулдагилар Қора Юмагулдан гап олиш нима-ю, қудуқдан сув тортиш нима дейишади. Йўқ, бугун жуда гапдон бўлиб қолибди. У бир зум тинч турди-да, қўшиб қўйди:

— Эҳ, ука, бу дунёни тутиб турган нарса арқон, арқон бўшаса, дунёнинг ўзи тўкилиб кетади.

Рост айтади! Арқонсиз яшаб кўр-чи. Мен унинг гапига қойил қолиб, жим ўтиравердим. Қора Юмагул ҳам жимиб қолди. Арқонини тўқийди-тўқийди, уй томонга қулоқ солиб қўяди. Кейин яна ишини давом эттиради. Охири мен зерика бошладим.

— Арқонингни қачон тўқиб бўласан?

— Бола туғилгунича тўқийвераман.

— Ҳали-вери туғилмаса-чи?

— Туғилади. Менда чиптадан кўпи йўқ. Беш кун ўришга ҳам етади.

Эшикда икки марта Катта ойим кўринди. Қандайдир ёш жувон уч марта опкашда сув олиб келди. Кун

оғиб қолди. Оғзимга солган туршагим аллақачон эриб, тамсэм бўлди. Билмасдан қолиб, данагини ҳам сандиқчага — қорнимга равона қилибман. Қорин жонивор бўм-бўш. Данакнинг у ёқ-бу ёққа думалаётганини аниқ сезиб турибман. Пода қайтишга яқин бояги ёш жувор бизга егулик олиб чиқди. Иссиқ таом бўлмаса ҳам ҳар ҳолда, нафсимни қондириб, кайфиятим ҳам яна жойига тушди.

Мен тагин ғўлага миниб олдим. Қора Юмагул эса янгидан арқон тўқишга киришди. Бу арқонни тортса бир учи мачит мезанаси устидаги ойга ҳам етадиган бўлиб қолганди.

— Бунча арқонни нима қиласан?

— Манави омборга беркитиб, асраб қўяман. Ҳабибулла ўн етти ёшга чиққанида, унга бераман.

— Ўн етти ёшга чиққанида арқонни нима қилади?

— Нима қилади дейсанми? Қулоқ сол, — Қора Юмагулнинг қийиқ кўзлари бирдан катта очилгандек, уларда қандайдир сеҳрли нур ярақлаган, бу нур аввал учинг ясси юзини, кейин арқонни ёритиб юборгандек бўлди. Назаримда, оддий сариқ чипта арқон заррин камарга айланиб қолгандек, шу кўримсиз кишининг кўзларидан ёғилган нур унга ҳам сеҳр бағишлагандек эди. Ҳатто қўлим билан арқонни пайпаслаб кўргим келди-ю, унда ловиллаб турган шуълани ҳуркитиб қўйишдан қўрқдим.

— Қулоқ сол, — деди яна Юмагул. Энди унинг товуши қизларникидек ингичка эмасди; қандайдир кўксидан тўлиб чиққан, қудратли эди. Шу тобда у қўшиқ айтаётганга ўхшарди.

Ҳозир бир мўъжиза рўй беради-ю, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган сирнинг гувоҳи бўламан. Мен бутун вужудим қулоққа айланиб, худди шундай бўлишини кута бошладим.

Қора Юмагул нафас ютиб бир лаҳза ичкарига қулоқ солди. Лекин уй томонда тиқ этган товуш эшитилмасди. Демак, Ҳабибулла дунёга келганини хабар қилганича йўқ.

— Анави уфқни кўряпсанми? — Қора Юмагул ияги билан олисларга имо қилди, — ўша уфқнинг орқасида осмон баробар тоғ бор. Урал дейишади. Мана шу тоғнинг нақ тепасида каттакон ўрмон бор. Ўша ўрмоннинг орқасида айлана майдон бор. Ўша майдоннинг

ўртасида юмалоқ кўл бор. Кўлнинг теграси етмиш қулоч келади. Сувнинг таги кўринмайди. Бу кўлда балиқ ҳам, биронта жонивор ҳам яшамайди. Фақат битта от бор. Олтин ёлли, кумуш туёқли бу отнинг номини Оқбузот дейишади. Бу тулпорга парвоз қилишда қуш бас келолмайди. Кўнглинда нимаики ниятинг бўлса, ҳаммасини мустажоб қилади. Инсон билан инсон тилида гашлашади. Олло-таолонинг сир-асрорларини билади. Кундузи узун, кечаси ниҳоятда қисқа бўлган бир пайтда, ёнғоқ дарахти гуллаб, арғувонлар асал нафаси уфурган, гиёҳлар шарбатга тўлган тунда тулпор сувдан чиқиб келади. Тонг отиб қуёшнинг биринчи нурлари кўрингунча ёлларини силкитиб ўтлоқда ўт чимдийди. Ҳеч кимдан қўрқмайди ҳам, ҳеч кимни пайқамайди ҳам. Кимки узунлиги 70 қулоч келадиган арқонни бўйнига ташлаб уни тутиб ололса, тулпор ўшаники. Лекин бу тулпорни тушовлайдиган йигит кундузи юлдузни кўрадиган, кечалари якка ўрмонга бориб, ваҳший ҳайвонларни сувлашда қўрқмайдиган мард бўлиши керак. Менинг ўғлим шундай йигит бўлади. Кўрарсан, менинг ўғлим ой эмас, кун сайин ўсиб вояга етади; ўн етти ёшга етганида мен унга етмиш қулоч арқон бераман. У мана шу арқон билан ўз бахтини излаб йўлга чиқади. Худо хоҳласа, тулпор менинг ўғлимга насиб этади.

Утирган жойимда ҳали туғилмаган Ҳабибуллага ҳавасим келиб кетди. Ҳали ўзи кўз очмабди-ю, унга аталган тулпор думалоқ кўл ёнидаги ўтлоқда тайёр турибди. Оқбузотни тутиш учун унга арқон ҳам тўқияпти. Худди шу заррин арқон билан роппа-роса ўн етти йилдан кейин у сеҳрли тулпорни жиловлаб олади. Шундай қилиб, яқин ўртада туғилиши керак бўлган Ҳабибулла кўз ўнгимда сочлари тилларанг, кумуш қалқон тутган баҳодир бўлиб жонланди. Демак, менинг Катта ойим ҳозир ана шундай паҳлавонга доялик қияпти.

Қора Юмагул, ҳикоясини тугатди-да, негадир маъюс бўлиб қолди. Уй томонга интиқ қараб қўйди-да, яна ишини давом эттирди.

Оқшом туша бошлади. Худди сув юзи юпқа музлагани сингари осуда ва зангори сукунат чўкди. Мен каёлан ҳалиги кўлни кўз олдимга келтирдим. Мана, арқон ушлаб кўл бўйида ўтирибман. Ҳозир сув остидан тилларанг ёлларини силкитиб тулпор чиқади. Ана,

у сувдан чиқди. Елларини силкитиб, баланд кишнаб юборди.

— Туғилди!— Қора Юмагул чақалоқ йиғисини эшитиб шундай деганча ҳаяжондан беихтиёр ўтирган ўрнида андак чўкиб қолди:— Туғилди! Менинг ўғлим туғилди!

У ниҳоят уй томонга югурмоқчи бўлди-ю, бирдан тўхтади. Орқага қайтди. Омбор ёнига келиб, боягидан ҳам кўпроқ ғайрат билан яна арқон тўқишга киришди. Шундай тез тўқий бошладики, қараб кўз тинади. Одатда, доя хотин келиб суюнчи олмагунча, эркак уйга кирмай туради. Юмагул индамай ўтирар, аммо ўлгудек ҳовлиқаётгани аён эди. Тентак, ҳовлиқиб нима қилади?

Мен бўлсам, ҳамон ғўлада оёқларимни осилтирганча хотиржам ўтирибман. Ҳовлиқишдан нима фойда? Мана, ҳадемай бизга хушxabарни айтишади. Чақалоқ туғилдими, бўлди-да, қайтиб қаёққа борарди? Шундай-ку, лекин нега ҳали ҳам Катта ойимдан дарак йўқ. Бора-бора мен ҳам тинчимни йўқотдим. Юмагулнинг қўрқув тўла кўзлари косасидан чиққудек бўлиб кетганди. У ишни ҳам бир чеккага йиғиштириб қўйиб, уф тортди. Чиройли ўтлоқ, ўтлоқ ёнидаги кўл, кўл соҳилида юрган тулпор — ҳаммаси энди зулмат қўйнида қаёққадир йўқолганди. Юмагулнинг оёқ остидаги ўтлар устида ётган заррин арқон ҳам қайтиб оддий чипта арқонга айланиб қолди. Мен уй томонга қарашга ҳам қўрқаман; гўё ҳозир эшик очилади-ю, ичкаридан аллақандай қутилмаган қора кулфат чиқиб келади. Йўқ, ундай бўлмайди, йўқ. Ахир, у ерда менинг Катта ойим бор-ку!

Ичкаридан беҳос бояги биринчи қичқирикдан ҳам қаттиқроқ товуш эшитилди. Қора Юмагул бир чўчиб тушди. Менинг ҳам баданим сесканиб кетди. Йўқ, бояги нидо шунчалик тез ўчиш учун дунёга келмаган, у энди ўчмайди.

Мен биламан: замонлар ўтади; шундай пайт келадикки, мен жанг майдонида дуб остида чалқанча тушиб ётганча кимнингдир сўнгги нидосини эшитаман. Кейин, шу ондаёқ хотирамда мана шу чақалоқ нидоси бошқа бир нидо бўлиб уйғонади-ю, иккаласи бутун қалбимни қамрайди; мен биламан.

Ниҳоят, остонада Катта ойим кўринди.

— Суюнчи, бер, Юмагул, — деди у. Шундай деди-ю, ўзи толиққаниданми, турган жойида тошдек қотиб турибди.

Юмагул югуриб Катта ойимнинг олдига борди. Унинг рўпарасида тиз чўкди.

— Нима туғди?

— Иккита ўғил.

— Иккита? Бирданига-я? Нега иккита? Иккинчисининг исмини нима қўяман энди?

— Вой, довдир-ей, биттадан кўра иккита бўлгани яхши эмасми? Ном бўлса топилар.

— Ҳа-ҳа, албатта, иккита бўлгани яхши. Ном топа-миз. Оллоҳу акбар! — Қора Юмагул тиз чўккан кўйи худога шукрона қилди. Кейин, Катта ойимга қараб сўз қотди:

— Хушxabар учун сизга битта қўй бераман. Йўқ, иккита қўй. Оллоҳу акбар.

— Эсингни ебсан! Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига! Битта тўқли берсанг ҳам етади.

Катта ойим иккаламиз шунча доялик қилиб Ҳасан-Ҳусан туғилишини иккинчи марта кўришимиз. Албатта, бунақа хушxabар учун битта тўқли камлик қилади. Шунақа-ку, лекин Катта ойим бир нима деб турганида, унинг гапини икки қилиб бўлармиди?

Катта ойим зинадан тушиб келди-да, Қора Юмагулнинг елкасига қоқди.

— Илойим, болаларингни боши тошдан бўлсин. Бахтли-саодатли бўлишсин. Хотининг азамат жувон экан. Хотин кишининг қадри туғаётган пайтда синалади. Хотинингни авайла.

Бола туғилгач, доялар суюнчини олишади-ю, кетаверишади, деб ўйлайсизми? Йўқ, ундай эмас. Бизга аталган меҳмондорчилик ана энди бошланади. Бир ҳафта, ҳатто ундан ҳам кўпроқ меҳмондорчиликдан бошимиз чиқмайди энди.

Бунинг ўзи таомили шунақа.

Чақалоқ туғилган хонадон бойми, камбағалми, бари бир, эртасигаёқ қариндош-уруғлари, овсинлари, холаваччалари, қўни-қўшнилари топганларини кўтариб келишади. Парамачни еб бўлмасингиздан дастурхонга қуймоқни қўйишади. Унинг кетидан асал томиб турган чак-чак ҳам муҳайё. Ундан кейин қарабсизки, ичига қийма тиқилган товуқ қовурдоқ пиширишибди.



Қатлама билан уни уриб олганингиздан кейин, бўғирсоққа навбат етади. Унинг кетидан қизтибий тортилади. Зум ўтмасдан Баланд кўчадан яна биттаси тоғора кўтарганча зингиллаб қолади. Хуллас, ким нима топса, олиб келаверади. Мабодо ўзида ҳеч нарса бўлмаса, қўшнисидан нимадир қарзга олиб бўлса ҳам, туғруққа чиқиш хотинлар учун фарз. Бизда фарзанд туғилишини ана шундай тантана билан нишонлашади.

Эрталабдан кечгача самовар тўхтамасдан қайнайди. Энг тўрда пар ёстиқларга суяниб, Катта ойим ўтиради. Унинг ёнида ким ўтиришини биласизми? Бизда, биз! Шундай қилиб, Катта ойим иккаламиз, бир ҳафта, ҳатто ундан ҳам кўпроқ меҳмондорчиликнинг тўрида ўтирамыз. Бундан ортиқ роҳат бўлмаса керак. Шунақа-ку, лекин ҳар қандай роҳатнинг бир оз даҳмазалари ҳам бўлади. Бу ҳузур-ҳаловатнинг менинг зиммамга тушган битта даҳмазаси бор. У ҳам бўлса, ҳаммом. Ҳар куни чақалоқни чўмилтириш учун ҳаммом қизитишади. Катта ойим ҳамма ювиниб бўлганидан кейин мени ҳаммомга олиб киради. Обдан совунлаб, чўмилтиради; шохча билан савалаб ҳам қўяди. Қанча кўп чўмилсам, шунча тез ўсармишман. Менга ҳар куни ювинишдан ортиқ азоб йўқ. Лекин Катта ойим иккаламиз ҳаммомдан чиқиб яна тўрдан жой оламиз. Мириқиб асал чой ичамиз. Буниси яхши.

Эртага Қора Юмагулнинг уйида меҳмондорчилик. Демак, мен тўрга чиқиб ўтираман. Ҳозирча менга бир чўмич сут билан бир бурда нон беришди-да, омборга жой солиб ётқизишди. Зиёни йўқ. Бир кеча минг кеча эмас; амаллаб тунаймиз. Эртадан янги ҳаёт бошланади.

Шундай қилиб, эртаси янги ҳаёт бошланди. Уйғо-нишим биланоқ уй томондан пиёздоғ ҳиди димоғимга урилди. Ҳатто бурним шишиб ҳам кетди. Роса бир ҳафтадан кейин эса Қора Юмагул суюнчига берган оқ тўқлининг бўйнига арқон солиб, уни етаклаганча Катта ойим билан уйимизга жўнадик.

Тайин гапки, чақалоқлар ҳар куни туғилаверишмайди. Бу масалада, албатта узилишлар бўлиб туради. Бундай кунларда мен ўз тенгдошларим билан мириқиб ўйнайман. Ниҳоят, ўйин ҳам жонга тегади. Бора-бора зерикишга тушаман. Янги бир чақалоқ туғилиб, ўзининг дунёга келганини хабар қилганча ингалашига, ча-

қалоқнинг отаси шодликдан яйраб, азоб-уқубатдан адойи тамом онанинг боласини кўриб чеҳраси ёришиб кетишига гувоҳ бўлгим келади.

Кунларнинг бирида парда орасидан мўралаб, ёш аёлнинг чақалоғини илк марта эмизаётганини кўрганман. Ҳали кўзлари юмуқ қип-қизил этдан иборат чақалоқ онанинг олранг маммасига чўччайган лабларини босиши билан, аёлнинг азобдан докадек оқариб кетган юзи тўсатдан ёришиб, она-бола иккаласи осмонга пардек енгилгина парвоз қилишган, тип-тиниқ осмонда, паға-паға булутлар устида сузиб кетишаётгандек бўлишганди. Нима учун кўнгли хушнуд эканида киши ёки сузаётган ва ёки учаётгандек туюлади. Ўшанда бирданига менинг кўнглимга ваҳм тушди. Мен бундай тикилишим буларни осмондан, парвоз қилишаётган ўша беқиёс баландликдан юлқиб, тўсатдан ерга тушириб юбормасмикин? Шунини ўйладиму кўзларимни чирт юмганимча, нари кетдим.

Агар овулда узоқ вақт чақалоқ тугилмай қолса, мен бир йўлни топиб қўйганман. Лекин бундай ишни жуда дўппи тор келиб, чидамим тугаган пайтда қиламан. Бизнинг томорқамизда каттакон ёнғоқ дарахти бор. Бу — сеҳрли дарахт. Айтишларича, ёнғоқ ярим кечада фақат бир неча дақиқага гуллар эмиш. Агар унинг гулини юлиб олсангизу журъат қилиб кафтингизни устара билан кесиб, ўша кесилган жойига гулни санчиб қўйсангиз, кўринмас одамга айланиб қолар эмишсиз. Ана ундан сўнг хоҳлаган жойингизга бориб, билганингизча иш тутаверинг. Кейинчалик, билагимда куч, юрагимда жасорат пайдо бўлиб, отамнинг ўткир устарасини ушлаб олганча неча-неча ёз кечаларини ёнғоқ гуллашини кутиш билан ўтказганман. Мабодо кўринмас одамга айланиб қолсам, нима қилишимни ўйлаб қўйгандим. Энг аввал лаънати золимларни ер юзидан бутун авлод-аждоди билан суриб ташлайман. Ҳамма мазлумлар, ҳамма эзилган халқларни озодликка олиб чиқаман.

Албатта, мен ёнғоқнинг гуллашини кўришга муяссар бўлолмайдим. Аммо кейин ҳам, ҳозир — йилларнинг гарди сочларимни оқартирганда ҳам, бундан сўнг ҳам бир нарсага қаттиқ ишониб яшайман. Кунларнинг бирида қоп-қоронғи ёз кечаси, ҳарқалай ёнғоқ ногаҳон ёрқин гуллар билан қопланади. Шундай бўлиши

муқаррар. Агар мен бунга ишонмасам ҳаётимда нима-лардандир айрилишим шубҳасиз эди.

Ўша пайтда эса, ҳали кечалари ёлғиз томорқага чиқиш ҳам, ёнғоқ гуллашини пойлаш, золимларни бутун авлод-аждоди билан заминдан суриб ташлашни ўйлаш ҳам олдинда эди; ҳали ҳеч нарсага кучим етмасди. Менинг фақат битта нарсам — тилак тилайдиган тилим бор эди, холос. Отам пешин намозини ўқишга кириб кетганида, айна ниятлар мустажоб бўладиган бир паллада томорқага чиқиб, ёнғоқнинг рўпарасида тиз чўкаман. Назаримда, бу дарахт менинг тилимга ҳам, худонинг хоҳиш-иродаларига ҳам тушунадиганга ўхшайди. Шунинг учун мен қўлларимни олдинга чўзганимча ёнғоқни кафолатга олиб, тўғри худо тасолага илтижо қиламан. Худога қандай илтижо қилиш кераклигини Катта ойимдан аллақачон ўрганиб олганман. Энг муҳими, олло-таолони улуғлаш керак. Мақтаган худога ёқибди, деган гап бор.

— Яратган эгам,— дейман ёлвориб.— Сенинг марҳаматинг кенг. Менинг бутун умрим сендан. Сен марҳамат қилиб, овулимизда чақалоқлар туғилишсин: илоё, улар кўпроқ туғилаверишсин; бу дунёга бегуноҳ норасидалар келаверишсин. Ё худо, марҳаматингни биздан дариг тутма!

Шунда ёнғоқ шохлари оҳиста шитирлашади. Демак, дарахт менинг гапимни эшитиб, худога етказган.

Худо таоло бир томондан мақтовга ўч бўлса ҳам, ўз сўзининг устидан чиқадиган яхши хислати бор; бунисини тан олиш керак. Икки кун, нари борса уч кун илтижо қилсам бас — овулимизда албатта, биронта ўғил ёки қиз бола дунёга келади. Лекин ҳали айтганимдек, жуда ноилож қолган пайтимдагина худога мурожаат қиламан. Бўлар-бўлмас нарсага парвардигорни аралаштиравериш, албатта инсофдан эмас.

Шундай еганим олдимда, емаганим ортимда, маза қилиб юрардим, сеҳр деган нарса фақат Катта ойимнинг чўнтагига эмас, балки менга ҳам боғлиқ бўлиб қолганди. Укам билан синглим, баъзан эса дўстим Асқад энди менинг совға-саломларимдан баҳра оладиган одат чиқаришганди.

Буни қарангки, кунлардан бирида шундоқ силлиқ кетаётган ҳаётим издан чиқди-қўйди. Ҳаммасига болалар сабабчи. Менинг пичоғим мой устида экани улар-

нинг ғашини келтира бошлади, шекилли, мени ҳар қадамда «Доя бува», деб чақириш авжига минди. Хўш, Доя бува бўлсам нима қипти? Мен бунга унча пинак бузмадим. Бор нарсани тан олиш керак-да. Ахир, ҳатто акаларим ҳам мени шу лақаб билан аташганига кўп бўлган-ку. Билганини қилишмайдами!

Лекин шундан сўнг рўй берган аҳвол жуда устихондан ўтди. Аввалига ўша шум болалар «Доя бува» деган лақабимни «Энага чол»га айлантиришиб, кейин мени умуман, «Энага» аташди. Буларга чидаб юргандим, бир куни келиб, қўққисдан лақабим «Киндик» бўлди-қолди. Бунисига энди ўласизми, куясизми? Кўз ўнгим қоронғилашиб кетди; кўчага чиқолмайман. Ҳар қадамда янги лақаб билан чақиришади:

— Ҳой, Киндик, бу ёққа кел.

— Қалай, туғруқнинг қуймоғи ширин эканми, Киндик?

— Ҳой, Киндик, қани бир киндигингни кўрсат-чи.

— Киндик! Киндик!

Бодринг бошли Ҳамидхон орамизда жуда ювош бола эди, ҳатто ўша ҳам мени кўрса мазах қилиб мингирлашни касб қилиб олди.

Ростини айтганда ўртоқларимдан кўнглим совуди. Чамаси, улар ҳам мени унчалик яхши кўришмасди. Булар орасида фақат Асқадгина сал бошқача эди.

Бора-бора овулимизда чақалоқ туғилса аввалгидек суюнмайдиган бўлиб қолдим. Катта ойимга эргашиб юришни ҳам камайтирдим. Мен бирон жойга бормайман десам, Катта ойим ҳам судрамай қўя қолишга одатланди.

— Мана, бўй-бастинг ҳам энди бинойидек, — дерди у юзимни силаб. Бошқа болаларнинг елкасига қоқиб эркалар, фақат менинг юзимни силаб-сипаларди. Унинг юмшоққина кафти юзимга тегиши билан мен яна кичкина болага айланиб қолардим. Орадан йиллар ўтар, мен ўсиб-улғаярман, илк муҳаббат азобларида тўлғанарман. Ана ўшанда ҳам Катта ойимнинг майин бармоқлари юзимга тегса, бас, мен дунёдаги барча азобларни унутиб, яна ўша кичкина болага айланиб қоламан.

Кунлар ўтиб борар, ҳар қандай яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам унутиларди; фақат «Киндик» деган лақабни ҳеч ким унутмасди. Бу лақаб менга соядек эр-

гашиб юргани юрганди. Тўғриси айтганда, овулдаги одамларнинг кўпчилиги менинг отимни ҳам энди эслашмасди. Улар тўғридан-тўғри лақабимни айтиб чақиршарди. Узим ҳам шунга ўрганиб кетдим. Биронта-си исмимни айтиб чақирса, бошқа бировни чақирмаётганмикан, деб алаңлайман. «Киндик» бўлса, бутун овулда, балки бутун дунёда — битта; мен бунга ранжимасам ҳам бўлади. Энди менга лақабим ҳатто бир оз ёқа бошлади. Лекин мен унга кўниккунимча қанча азобларни кўрмадим. Қанча кўз ёши тўкмадим, дейсиз. Мен бу лақабни ўзимдан олиб ташлаш учун жонжаҳдимни аямай ёқалашган пайтларим кўп бўлган. Лекин мен уни қанчалик нари сурсам, лақаб ўлгур менга шунчалик ёпишиб олар эди. Бу борадаги биринчи қонли жанг бундай рўй берганди.

### ҚУРБОН ҲАЙИТ

Бугун байрам. Қурбон ҳайит. Кўпдан шу байрамнинг лаззати билан яшардим. Байрам ўзини соғинтириб, секин-секин яқинлашиб келар эди. Мана, ниҳоят байрам куни. Тонг отар пайтида олис уфқда энди кўтарилаётган қуёш нурларида ярақлаган булут қандай сирли кўринса, ҳайит лаззати ҳам менинг қалбимда шундай нурли ва сирли туюларди. Кечаси ҳеч ухлай олмадим. Бошимда минг хил хаёллар чарх уришарди. Мана, байрам бошланади. Шунда ҳаётдаги ҳамма нарса ўзгаради-қолади. Худди Катта ойим айтиб берган эртақдек: ўт билан сув, қўзи билан бўри дўст тутинади. Ҳеч ким бир-бирига ёмонлик қилмайди. Мен бунга ниҳоятда қувонар, қувонган сайин ташвиш ҳам чекар эдим. Борди-ю, бўрилар қўзичоқларни еб қўйса, нима бўлади? Борди-ю, сув оловни ўчириб қўйса-чи? Мен яхшиларга жуда ачинаман. Мабодо ёмонларнинг кўнглида шумлик уйғониб, яхшиларни йўқ қилиб юборишса-чи?

Мен ташвиш чекардим. Лекин бари бир қувончим чексиз эди. Шодлигимнинг бошланишига эса қора бахмал дўппи билан янги калиш сабабчи бўлди; ҳайит арафасида катта акам Муртазо шаҳарга ун сотгани борган эди. Уша ердан менга дўппи билан калиш олиб келганди.

Мана, бир неча кундирки, дўппи яхшилаб қиртишланган бошимга, калиш эса оёғимга мунтазир. Майли, шундай бўла қолсин. Мен ҳам уларни озмунча кутмадим. Катта ойим ҳам мени қуруқ қўйгани йўқ. Оқ йўл-йўлли қизил матодан ўз қўли билан чолвор тикиб берди. Тагин иккита чўнтаги ҳам бор. (Кези келганда, айтиб қўяй. Орадан 40 йил ўтгандан кейин, Европанинг манаман деган шаҳарларида худди шунақа оқ йўл-йўлли қизил чолвор кийиб юрган йигитларни кўрдим. Ушанда бу мода аллақачон биздан қолиб кетганини эслаб, жилмайиб қўйдим. Яна ҳазил қилиб, шуниси ҳам айтдимки, европаликлар кийган чолворнинг матоси бизникичалик пишиқ-пухта эмаскан.)

Балки сиз менинг шунчалик ясан-тусан қилиб олганимга ҳайрон бўларсиз? Ҳайрон бўлиш у ёқда турсин, ёқангизни ушласангиз ҳам арзийди. Ана, қозиқда қайтарма ёқали кўк кўйлагим илиғлиқ турибди. Уни менга Абдулла Бўроннинг хотини Шарифа тикиб берган.

Кўрдингизми, байрамга бошдан-оёқ ясаниб олдим. Қизиқ, янги кийим кийса одамнинг кайфияти ҳам ўзидан-ўзи яхшиланаркан. Эртага кўчага шуларни кийиб шаҳзодадек бўлиб чиқаман. Нима, уйда ўтириб кутилган байрам байрамми? Киройи ҳайит бўлгандан кейин кўчада ўйнаш керак-да!

Эртага мени яна бир қувончли воқеа, энг қувончли нарса кутяпти. Бунисини айтмоқчи эмасдим-ку, оғзимдан чиқиб кетди. Майли, айтсам айта қолай. Эртага биз болалар билан Оқманайга отларни чўмилтиргани борамиз. Ундан кейин эса Катта ойим билан тўриқ отни аравага қўшамиз-да кечки салқин билан Сайранга жўнаймиз. Катта ойимнинг эрга теккан қизи Ғайникамол опайникига меҳмонга борамиз. Аравани менинг ўзим ҳайдаб бораман. Сайранда Катта ойим билан мени тўрга ўтқазиб, роса меҳмон қилишади. Умуман-ку, тўрда ўтириш мен учун кўп ҳам янгилик эмас. Ҳамма қонун-қондасини биламан. Қора дўппи, қизил чолвор, қайтарма ёқали кўк кўйлак ана ўшанда иш беради. Мезбонлар менинг ким эканлигимни билиб қўйишади. Яқинда Катта ойим, одам либоси билан, деган гапни бекорга айтгани йўқ. Шунинг учун ҳам Катта ойим мени бунчалик ясантирди.

... Паст кўчадаги одамлар эрталабдан ҳайит намов-

га йўл олишди. Улар йўл-йўлакай тўхтаб Фотиҳа ўқиб, яна йўлларида давом этишарди. Отам ҳам кўчага чиқиб ўшаларга қўшилди. Қурбон ҳайит куни одатда эрталабки чой намоздан кейин ичилади. Бугун бизнинг уйимизда тариқ солинган парамач пиширишди. Катта-ойимнинг қўли жуда ширин-да. Нима пиширса, асал қилиб юборади. Тўғриси, дунёда байрамдан яхшироқ нарса йўқ.

Янги шимимнинг бир чўнтагига писта тўлатиб олдим. Бошқасига эса шумурт туршагини солиб, ташқарига чиқдим. Бутун овулда аллақандай ёқимтой ҳид кезади. Ҳамма ҳовлиларда ўчоқларга ўт ёқилган. Ҳатто йил бўйи сут ёки қатиққа озги тегмаган оилаларда ҳам бугун ширин-шакар овқатлар пишади. Биров табикмоқ, яна бошқа биров қуймоқ, яна бировлар қизқибий, бошқалар ёғли кўмач пишириш билан овора. Унинг кетидан қозонга ёғли гўшт солинади. Байрам кунлари бутун овулни тутган тотли исларни билмабсиз, дунёга келмабсиз!

Шундоққина бошим устида қалдирғочлар ҳуштак чалиб ўтади. Ям-яшил ўтлар устида чумчуқлар сакрайди. Бугун ҳатто қушлар ҳам байрам қиляпти.

— Ҳой, Киндик! Эшитяпсанми, Рукавказ!— Шагибеков кўчасида турадиган Шаҳидулланинг товуши келди. Демак, мени чақириняпти. Шаҳидулланинг овози эшитилса ҳам ўзи кўринмасди. У бизнинг жўрабошимиз. Чақирган заҳоти етиб бормасанг, ишинг чатоқ. Мен ўша заҳоти югурдим.

— Рукавказ!— Бу сафар Валиддин деган бола менга қараб ўдағайлади.

«Рукавказ» менинг иккинчи лақабим. Буниси жанговар лақабим десам ҳам бўлаверади.

Яқинда биз болалар иккига бўлиниб уруш-уруш ўйнай бошладик. Жанг бошланишидан олдин ҳар ким ўзига биронта мамлакатнинг номини оладиган бўлди. Ичимизда энг кучли Шаҳидулла «Россия» деган лақаб олди. Валиддин эса «Германия», Искандарнинг ўғли Ибрай — «Америка» бўлди. Бошқалар эса «Англия», «Япония», «Франция», «Австрия», «Туркия», «Руминия», «Кавказ» деган номларни олишди. Болаларнинг ичида энг кичкинаси ўзимман. Гал менга келганида, мамлакатлар ҳам тугашди. «Бошқа мамлакат қолмади»,— деди Шаҳидулла. Жўрабошимиз бир гап

айтгандан сўнг, ҳеч ким унинг сўзиня икки қилолмайди. Мен аввалига эсангираб турдим. Кейин, сенингина йиғлаб юбордим.

«Бу қанақаси,— дер эдим ўзимча алам билан.— Худди менга гал келганида, мамлакатлар тамом бўлса. Нега доим шунақа? Ҳамма болаларнинг ўз номи бор, жангга кираётганида шунини айтиб киришади. Менчи? Бир чеккада қолиб кетяпман».

Шаҳидулла бизга узокроқ қариндош эди. Менга раҳми келди, шекилли, сап-сариқ сочли бошини қашлаганича, бир иложини топди.

— Бўлди, болалар! Ер юзида яна битта жуда жангари, сал йиғлоқироқ мамлакат бор. Жуда ажойиб мамлакат. Бу — Рукавказ! Эшитдингми, Киндик, сенинг лақабинг Рукавказ!

Уша Рукавказ дегани сал нарсага хафа бўладими, йўқми, унисини билмайман. Лекин ўзим дарров жаҳлим чиқиши рост. Бу сафар шундай лақаб олганимга ҳам шукур қилдим. Начора, бир нарсадан кечмагунча бошқа нарсага эришиб бўлмайди-да. Бу гапни дадам айтган. Киндик деганининг олдида, Рукавказ лақабини минг марта яхши эмасми?

Бугун байрам кунинда жўрабошимиз ҳаммамизни жанговар лақаб билан чақирингга аҳд қилган, шекилли. Бўлмаса, тўғридан-тўғри Киндик деб, қўя қоларди.

Мен етиб келганимда кўча тўла бола эди. Фақат Асқад йўқ экан. Биров писта чақади, биров қуритилган қарагатни ҳузур қилиб чайнайди.

— Қаранглар, болалар! — Ибрай қўли билан менга имо қилиб атрофимдан айланиб чиқди. — Олифта бўлиб кетганини қаранглар. Кумуш занжирли соат тақса борми, худди савдогарга ўхшайди қолади. Ия, мана занжири ҳам бор экан. — У югуриб келди-да, иштонбоғимдан тортди. Яхшиямки, боғичи ечилиб кетмади.

Ибрай — дўстим Асқаднинг акаси. Нима учундир шу бола мени ҳеч ёқтирмайди.

Шаҳидулла аввалига менинг кийимларимга унчалик эътибор бермаган экан. Қўлини бир силтаб, Ибрайни нарига ҳайдади.

— Чолворинг нимага бунақа кенг, — деди у бир оздан кейин ияги билан имо қилиб.

— Бир чўнтагимда писта, бунисиди шумурт туршаги бор, Шаҳидулла оғай, — дедим чўнтагимни кўр-



сатиб.— Пистам жуда яхши. Лекаревкадан Тимофей деган танишимиз олиб келган.

— Сен галварс уни бари бир болаларга тарқатиб чиқасан. Яхшиси менинг чўнтагимга солиб қўя қол.

Мен қувониб кетдим. Чўнтагимдан аввал писталарни, кейин эса шумуртни олиб Шаҳидулланинг янги зангор шими чўнтагига солиб қўйдим. Ўзимга бир дона қолмаса ҳам ачинмадим. Нима қипти, умрида писта чақмаган одамманми? Ўзимнинг сахийлигимни кўрсатиб қўйиш учун, аввал ўнг чўнтагимнинг, сўнг чап чўнтагимнинг астарини ҳам бир карра ағдардим.

— Сен яхши боласан, зиқна эмассан,— мени мақтаб қўйди жўрабошимиз.

Кейин у каттакон кафтига ҳовучлаб аввал бир қисим писта, сўнг шумурт олиб қайтадан менинг чўнтагимга солди. Дунёда яхши одамлар ҳам бор-да. Бизнинг жўрабошимиз шундай. Шаҳидулла ажойиб бола. Унинг устига, қариндошмиз. Шунақа ўйинларни ўйлаб топадики, одамнинг ақли бовар қилмайди.

Мана, ҳозир ҳам бир нарсани ўйлаб топди.

— Болалар!— деди у. Биз унинг оғзига қараб жимиб қолдик.— Кимнинг уйи ҳамманикидан баланд?

Биз барчамиз бараварига сотувчи Шамсулланинг уйи томонга қарадик.

— Шамсулланики!— Ибрай ўз одатига кўра биздан олдинга отилиб чиқди.

Шу ондаёқ жўрабошимизнинг каттакон суяқдор мушти унинг жағига тушди. Биз довдираб қолдик. Жўрабошимиз тагин ўша оҳангда сўради:

— Ким айтади? Энг баланд уй кимники?

Бу сафар Шаҳидулланинг тенгдоши Валиддин ўзининг билағонлигини кўрсатди.

— Тўғриси айтсам, дунёдаги энг баланд уй бозор кўчада турадиган мулла Ахмарнинг уйи.— У ҳам гапини тугатмасиданоқ, қулоғининг тагига мушт тушди.

Биз бутунлай довдираб қолдик. Бўлмаса, қайси уй энг баланд экан? Бунисини жўрабошидан бошқа ким билади? Яна иккита бола ўзининг омадини синаб кўрди. Бири Эшмирза чолнинг уйини, яна бири темирчи Аъламникини айтди. Лекин улар ҳам қулоғининг тагидан қуртдеккина мушт еб дами ичига тушди.

Шу пайт бирдан фикрим ўзидан-ўзи ёришиб кет-

гандек бўлди. Ҳатто, бутун вужудимда ёқимли титроқ уйғонганини сездим. Юрагим гурсиллаб урарди. Ҳозир ўзимнинг билагонлигимни шундай кўрсатиб қўяйки! Мен бутун кўчани бошимга кўтариб, қичқириб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим:

— Дунёда энг баланд уй мачитнинг минораси.

Жўрабоши ҳатто турган жойида бир чўчиб тушгандай бўлди. У ўзини йўқотиб қўйди. Аввалига ранги ўчиб кетди. Кейин юзлари қип-қизариб, сепкил босган бурнига тер чиқди. Лекин у дарров ўзига келди. Шу ондаёқ менинг нон соладиган сандигимга, (бизлар оғизни шундай деб атардик) мушт туширмоқчи бўлди-ю, аммо ундай қилмади.

— Мачит худонинг уйи. Сен уни одамларнинг уйи билан солиштирма. Шунга ҳам ақлинг етмайдими, аҳмоқ!

Балки мен айтган уй худонинг уйи бўлмаганида, яхшилаб калтак ермидим. Лекин нима қилганда ҳам, Шаҳидулла аввалгидек керилиб турмасди. Чамаси, мен унинг режаларини остин-устин қилиб юборган эдим. Болалар бу ўйиндан кўнгиллари совуб, қизиқмай қўйишди. Энди улар Шаҳидулланинг саволига жавоб беришга ҳам унчалик шошилишмасди.

— Охирги марта сўраяпман. Кимнинг уйи ҳамма-никидан баланд?

Ҳеч ким миқ этмади. Фақат Валиддин бурнини тортиб қўярди. Шу пайт шайтонлиги туфайли Тулки деб, лақаб олган Шайхаттор тилга кирди. У чайналиб, гап бошлади.

— Буниси қайси томондан қарашга боғлиқ,— деди Тулки.— Бир томондан қарасак, Шаҳидулла оғай, сизнинг уйингизни томи жуда баланд. Бошқа томондан қарасак, дудбурони ҳам булутга тегиб турганга ўкшайди. Бундан чиқди сизнинг уйингиз энг баланд экан-да.

Икки-уч бола дарҳол бу гапни қўллаб-қувватлашди.

— Тўппа-тўғри. Энг баланд уй сизларники!— Ҳатто, болалардан бири шапкасини осмонга отди.

Жўрабошининг юзи ёришди. Унинг қизғиш-сариқ сочларида нур жилоланиб кетгандек бўлди. Шунга қарамай, ўзининг қувончини яширишга уринди. Босиқлик билан гап қотди:

— Ҳамма гап шунда. Ким яхшилаб қараса, ўша

кўради қайси уй энг баландлигини. Баланд нарсани пастдан ажратишни ўрганиш керак. — У тишлари орасидан тупурди. Шайхаттор томонга эса қайрилиб ҳам қарамади.

Биз Шаҳидулланинг отаси — Кашфулла оғайнинг уйи томон қарадик: шундоққина кўчанинг нариги бетида бир ёққа тоб ташлаб, ерга кириб кетгудек бўлиб турибди. Деразаларининг бир кўзига ойна ўрнига ёстиқ тиқиштириб қўйилган. Томдан чиқиб турган дудбурон ҳам унчалик баланд эмас. Лекин тутун чиндан ҳам тиккасига баланд кўтариляпти.

Биз бўлсак шуни билолмай боядан буён бош қотириб ўтирибмиз. Уни қаранг-а! Шундоқ ақлли жавоб берадиган одам бор экану биз ўзимизни бекорга қийнаб ўтирган эканмиз. Шундан кейин, болалар анча энгил тортишди.

Нима бўлганда ҳам менинг кўнглимда қандайдир нохуш шубҳа қолди. Тўғриси айтганда, Шаҳидулланинг уйи энг баланд уйми? Балки бу саволга кейинроқ ўсиб-улғайганимда жавоб топарман. Тахминан, бундай: кимнинг мушти қаттиқроқ бўлса, ўшанинг уйи ҳам баланд.

Мачит минораси томонидан муаззиннинг азон айтгани эшитилди. Руҳимга яна байрам кайфияти ёпирилиб келди. Бугун оламда мўътабар кун. Бугун ҳамма уйлар ҳам баланд. Ҳамма одамлар баравар. Яқингина жойда, шундоққина яшил тоғ ортида қўйлар билан бўрилар бирга ўтлаб юришибди. Уларни кичкинагина чўпон бола боқяпти. Чўпон бола оёғига калиш, бошига бахмал дўппи, эгнига қайтарма ёқали кўк қўйлак, қизил чолвор кийиб олган. Гоҳ қўзичоқ унинг қўлини ялаб эркаланади, гоҳ бўри эркаланади.

Ғалати одатим бор. Бир хаёл суриб кетсам, ҳамма нарсани унутиб юбораман. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Бир вақт кимдир биқинимга туртганини пайқадим. Чўчиб, ўгирилиб қарадим. Ёнимда Ибрай илжайиб турарди.

— Эшитдингми, Ҳамидхон сени нима деяпти. — У кўзларини сузиб қўйди. — Уят-э!

— Йўқ, эшитмадим, — дедим ҳушёр тортиб.

— Нуқул сени «Киндик» дейди.

Мен ғазабдан ёниб кетдим. Ҳамидхон бодрингга ўхшаш узун бошини лиқиллатди.

— Айтганим йўқ. Худо урсин, айтганим йўқ!

Ибрай бўлса энди унинг олдига бориб пичирлади.

— Кўряпсанми, анави сени нима деяпти? Лаблари пичирлаб турибди-ку. Нуқул «Бодрингбош», «Бодрингбош» деяпти.

Мен йиғлагудек бўлиб қичқирдим:

— Нон урсин агар, айтганим йўқ. Ҳамидхон етимча-ку! Етим болаларни ҳайит куни хафа қилиш гуноҳ.

— Бор, ҳайитингни пишириб е! Кўряпсанми, сенга қараб нуқул «Киндик» деб, пичирляпти. Бошини лиқиллатишини кўряпсанми?

Чиндан ҳам Ҳамидхон бошини лиқиллатиб пичирлаётганга ўхшарди. Йўқ, бу бежиз эмас. Кесақдан ўт чиқиб, мени маскура қилаётган бўлмасин. Балки мана шу бодринг каллада бир дунё ёмон хаёллар бордир. Мен шуни ўйладиму аламдан нафасим қайтиб кетгандек бўлди. Чамаси, Ҳамидхон чиндан ҳам менинг лақабимни қайта-қайта пичирлаб айтаётгандай, ҳозир овозининг борича айтиб юборадигандай эди. Мен тилимнинг учиде турган гапни ҳар қанча қайтараман десам ҳам бўлмади. Худди япроққа илиниб турган шудрингдек, ўзидан-ўзи тўкилиб туша қолди:

— Нега ҳадеб бошингни лиқиллатасан, Бодрингбош!

— Менга гапиргандан кўра киндигингни эплаб ол, Киндик!

Мен ҳар ҳолда бундай гапни кутмаган эдим.

— Тағин бошингни бодрингдек узиб олмай,— дедим хезланиб.

— Киндигингга бир боссам, қорнинг ёрилиб кетади.

— Мени қўрқитмоқчимисан, Бодрингбош?

— Сендан қўрқаманми, Киндик?

— Бодрингбош! Бодрингбош!

— Киндик! Киндик!

Болалар атрофимизни секин-секин ўрашиб «жанг учун жой ҳозирлашди».

— Қани, бошла! Бирингга арпа, бирингга бугдой, гиж-бадабанг.— Ибрай иккаламизни гиж-гижлай бошлади.

Энди, аслида, бизни гиж-гижлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Муштлар тугилган, тишлар гижирлаган...

Мен Ҳамидхонга биринчи бўлиб ташландим. У ўзини чеккага олди-да, қорнимга тепди. Мен оғриқдан икки букилиб қолдим. Лекин шу ондаёқ нафасимни ростлаб олиб, унинг бурнига мушт туширдим. Ҳамидхоннинг бурни қонаб кетди. Қонни кўришим билан бирдан эсанкирадим. Ҳамидхон бўлса, бутунлай қутурди.

— Қонга-қон!— Шундай деди-ю, кўйлагимнинг ёқасига ёпишди. Мен ўзимни орқага ташлаган эдим, кўк кўйлагимнинг бир парчаси унинг қўлида қолди. Дунё энди кўзимга қоронғи кўринди. Бир-биримизнинг юз-кўзимизга аёвсиз мушт тушира бошладик. Мен оғриқни ҳам, ғазабни ҳам ҳис қилмасдим. Жанг шиддати бутун вужудимни эгаллаб олган эди. Атрофимизни ўраган болалар эса қоққан қоziқдек қимирламай туришарди.

Фақат Ибрай атрофимизда гир айланиб қичқирарди:

— Қани, бўш келма, жағига тушир!

Унинг товуши олисдан эшитилаётгандек эди. Шу пайт Ҳамидхон кучи борича кўзимга мушт туширди. Ушанда, саккиз ёшимда биринчи марта, кўзидан ўт чақнаб кетди, деган гапнинг маъносини тушундим. (Кейинчалик ҳаёт кўп марта «кўзимдан ўт чақнатди».) Чиндан ҳам аввал кўзимдан ўт чиқиб кетгандек бўлди. Кейин эса, ҳаммаёқни қоронғилик босди. Мен ўзимни ўнглаб Ҳамидхоннинг қулоғини чангаллаб олдим. У орқага силтанмади. Аксинча, менга яқин келди-да, ғазаб билан бодрингга ўхшаш боши билан жағимга калла қўйди.

Шундан кейин, яна қанча олишганимизни билмайман. Чамаси яна узоқ уришдик. Охири мен кучдан толдим. Ҳамидхоннинг ёши ҳам катта, ўзи ҳам бақувват эди. У менинг ҳолдан тойганимни пайқаб белимдан ушлаганча қийшайтириб туриб қовурғам билан ерга урди. Курагимга аллақандай ўткир, қаттиқ нарса ботганини ҳис этдим. Тошга йиқилдим, шекилли. Мен нафас ололмай қолдим. Қутуриб кетган Ҳамидхон кўкрагимга тиззаси билан урди. Оғзимдан аллақандай илиқ бир нарса отилиб чиқиб, юзимга оқа бошлади. Мен қандайдир зулмат қўйнига чўкиб бораётганимни сезиб турардим. «Ёрдам беринг, бизни ажратиб қўйинглар» деб, қичқиргим келарди-ю, овозим чиқмасди.

Бақиршига кучим ҳам қолмаганди. Атрофимизни ўраб олишган болалар эса, ҳамон қоққан қоқиқдек қимирламай туришарди. Фақат кўзлари ялтирайди. Йўқ, бу кўз ҳам эмас, шунчаки ялтироқ бир тош, холос.

Орадан қирқ тўрт йил ўтгандан кейин, ҳаётимда худди шунга ўхшаш ҳолат яна юз берди. Кимдир мени тагига босиб, тупроққа қориштиргандек бўлди. Менинг ўзимни, менинг муҳаббатимни, менинг маслагимни оёқ ости қилди. Кўксимдан босиб, оғзимдан қонимни келтирди. Бу пайтда ҳам атрофимни одамлар ўраб олишган эди. Болалик чоғимдаги рақибимни ўзим гиж-гижлаб атрофимизни ўраб олганлар шунчаки ёш болалар бўлишса, кейинги жангдаги рақибим чинакам душман, атрофимдаги одамлар ҳам энди ёш болалар эмас эди. Улар — эс-ҳушини таниб олган мана шу одамлар, мени ҳимоя қилди, дейсизми? Йўқ, улар миқ этишмади. Ҳолбуки, мени ҳурмат қилишарди. Ҳатто, биттаси мени яхши кўрарди ҳам. Нима, қўрқиндимми? Балки улар: «бизнинг бошимизга тушган савдоларни бу ҳам тортиб кўрсин» деб, атайлаб жим туришгандир? Ким билсин, балки, улар ҳам ўзича ҳақлидир?

Болалик пайтимдаги ўша жангда менга бир нарса алам қилган эди. Авваллари биров билан уришсак катталар ажратиб қўйишарди. Ҳозир-чи? Нега ҳеч ким индамайди? Нега биронтаси устимга миниб ўтирган Ҳамидхондан мени ажратиб қўймайди?

Кўз ўнгимда ҳамма нарса чирпирак бўлиб айлана бошлади. Ер ҳам, осмон ҳам. Ана шу айланиб турган мавжудотнинг қоқ ўртасида Катта ойим турарди. Ниҳоят чирпирак бўлиб айланаётган нарсалар тўхтади. Аммо ўзим энди қаёққадир учиб бораётгандай, қаёққадир сузиб кетаётгандайман. Юзимга қандайдир илиқ нарса тегди. Мен Катта ойимнинг қўлларини пайқадим.

Йиллар ўтади. Бутун умрим мобайнида мана шу мулойим қўллар мени ҳамиша асрайди, ҳамиша ҳимоя қилади. Бошимга катта-кичик савдолар тушганида мен ҳар доим мана шу садоқатли қўллар паноҳидан ҳимоя топаман. Балки сўнгги нафасимни олаётганимда ҳам, ёруғ дунё билан видолашаётганимда ҳам худди мана шу қўлларни, марҳум Катта ойимнинг илиқ қўлларини ҳис этиб турсам ажаб эмас. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чуқур сукунат чўкди. Мен мана шу

галати сукунат қўйнида гоҳ сузиб, гоҳ учиб боряшман. Қуёш нурлари киприкларим орасига сизиб кириб, уй-ғотмоқчи бўлаётгандек. Кўзимни ғира-шира очиб, аввал кўм-кўк осмонни, кейин Катта ойимнинг ғамнок чеҳрасини кўрдим. У мени қўлида кўтариб борарди. Афтидан, уйга олиб кетарди.

Мени уйнинг кўча томонга қараган хонасига, меҳмонхонага ётқизиб қўйишди. Бошқа пайт бўлса, биз болалар бу хонага қадам босолмасдик. Меҳмонхонага кириш биз учун байрамдек гап. Ҳозир эса бурчакда юмшоқ пар тўшақда тўралардек талтайиб ётибман. Фақат сал нафас олсам, биқиним санчади. Шундай қаттиқ санчадики, ичимда олов ёниб кетгандай бўлади. Йўталиш ундан ҳам азоб. Секин йўталсам-да, оғзимдан тирқираб қон оқади. Ёнбошимда қон артилавериб қизариб кетган сочиқ ётибди.

Ҳеч ким мени юпатиб ўтирмади. Ҳеч ким Ҳамидхонни ёмонламади ҳам. Фақат бир марта отам олдимга келди. У менга диққат билан узоқ тикилиб турди-да, хўрсинди:

— Майли, пишийсан...

Шундай деди-ю, чиқиб кетди.

Акаларим бирма-бир кириб жимгина қараб туришди-да, жўнаб қолишди. Кичик укаларимни, чамаси, ёнимга киритишмас эди. Бир маҳал Кичик ойим кирди-да, секин пешонамдан ўпди. Шунда бир неча йирик ёш томчиси юзимга оқиб тушди. Унинг кўз ёши руҳимни кўтариб юборгандай бўлди. Қандайдир миннатдорлик туйғуси вужудимни тўлқинлантириб юборди.

— Йиғлама, Кичик ойи, йиғлама. Мен сени ҳам яхши кўраман.

— Ҳа, албатта мениям яхши кўрасан,— деди Кичик ойим.— Мен бунга йиғлаётганим йўқ... Кўрдингми, ҳечам йиғлаётганим йўқ... Нима оғрияптими, болажон?

— Энди оғримайди,— дедим мен. Агар шикоят қилсам Кичик ойим баттар азоб чекишини билиб, гапни бошқа ёққа бурдим.— Қурбон ҳайит ҳали тугамадимми?

— Йўқ, тугагани йўқ. Кўрдингми, қанча ноз-неъматлар тайёр турибди. Сенга шарбат тайёрлаб қўйдик. Озгина овқат ейсанми, болам?

Шундоққинна тўшагим ёнида лаззатли таомлар би-

лан тўлиқ патнис турарди. Уша томонга қарашим билан кўнглим ағдарилиб кетди.

— Яхшироқ овқатлардан Асқадга обориб бер, Кичик ойи,— дедим илтимос қилиб.— Унинг қулоғини от тишлаб олган. Уйдагилар тишининг кирини сўриб ўтирганмиш.— Кўнглим айнишини амаллаб босиш учун кўзимни юмдим.

— Хўп бўлади, жоним,— Кичик ойим патнисни кўтариб чиқиб кетди.

Зум ўтмай, бошқа эшикдан Катта ойим кириб келади. У чойнакдан қандайдир аччиқ суюқлик қуйиб, менга ичиради. Эрманни дамлаб келган, шекилли. Мана, сенга меҳмондорчилик! Оғзим тахир таъмдан буришиб кетса ҳам, яна ичгим келаверади.

— Ича қол, болам, жигарингга, буйрагингга фойдаси бор.

Ичим қандайдир бўм-бўш бўлиб қолгандек туюлади.

... Энди Яшил тоғ ёнбошида пода боқиб юрганга ўхшайман. Ҳаво очиқ, ҳаммаёқ гулга бурканган. Ана, оппоқ қўзичоқлар бўри болалари билан чопқиллашиб ўйнаб юришибди. Бир-бирининг қулоғидан тортқилашиб шўхлик қилишади. Катта қўйлар, катта бўрилар ҳам уларнинг шўхлигини бир чеккада томоша қилиб туришибди. Шунчалик қувониб кетишганки, овқат ейишни ҳам унутиб қўйишган. Мана, бўри болалари қўзичоқнинг оёғидан тортиб юришибди. Қўзичоқ жон ҳолатда маъраб юборди. Кейин ўзини ўнглаб олди-да, бўри боласини калласи билан урди. Шунда ҳамма катта совлиқлар, қўчқорлар бирданига бўриларга ташланиб қолишди. Бир зумда ҳамма бўриларни бўғиб ташлашди. Ниҳоят қўйлар қаёққадир ғойиб бўлишди. Тоғ ёнбағрида фақат бўриларнинг ўлиги чўзилиб қолди.

Мана, сув ва олов ҳам бир-бири билан чиқишмай қолди. Аввалига улар ёнма-ён югургилашиб кетишаётган эди. Дарё ўзининг ўзанидан оқиб борар, олов эса қирғоқда ярқироқ ёлларини ловиллатиб, югургиларди. Оловнинг сеҳрли сояси дарёда акс этиб кўзни олар, сув сатҳидан минглаб ранг-баранг нурлар товланарди. Нима, дарё ўз ҳукмини кўз-кўз қилиб қаёққа шошиляпти. Байрамгами, тўйгами? У қувончдан тошиб кетди. Бир томчиси оловга томди. Шунда ға-



забнок олов вишиллаб сувга ҳужум қила бошлади. Сув бечора шафқат тилаб илтижо қилишга улгура олмади. Олов бир зумда сувни буғлантириб юборди. Ўзининг ёмонлиги туфайли дўстидан айрилиб қолган олов энди аламданми, ғазабданми, каттакон юмалоқ золдирга айланди-ю, уфқ томонга думалаб кетди. Ана, у ҳамон ғазаб билан думалаб боряпти. Бутун ер юзида сув қолмади. Бир томчи ҳам сув қолмади. Сув беринглар! Сув!

— Мана, болажон!— Катта ойим яна ўша чойнак жўмрагини тутқазди.— Жуда тинч ухладинг, болам,— деди у.— Мана, тонг ҳам отди.

Деразадан қуёш нури тушиб турарди. Мен дераза томонга амаллаб бурилиб қарадим. Шу ондаёқ дераза ортида Ҳамидхоннинг сочи қиртишланган бодрингсифат боши кўрингандек бўлди. Аввал манглайини, сўнг қулоқларини, ундан сўнг қўрқув акс этиб турган қоп-қора кўзларини кўрдим. У менга тикилиб, йиғламоқчи бўлдими, кулмоқчи бўлдими, лаби титраб кетди. Деразага пешонасини қўйганича, жим қараб тураверди. Мен унга ҳеч нима демадим. Йўқ, алам қилганидан эмас. Гапиришга мадорим йўқ эди. Уни Катта ойим ҳам кўрди. Аммо индамади. Шундай қилиб, Ҳамидхон иккаламиз бир-биримизга узоқ тикилдик. Ниҳоят, мен унинг кўзларидаги ўкинчга чидолмасдан юзимни тескари ўгирдим.

«Мана сенга қурбон ҳайит»,— деб ўйладим алам билан. Қизиқ, нима учун одамлар худди мана шунақа байрам кунлари бир-бирларига айниқса азоб беришади. Бултур сабантўйда қорадарёлик гармончини полицай пичоқлаб қўйган эди. Гармончи бечора бир умр майиб бўлиб қолди. Баҳорда, муз кўчиш байрамида эса овулимизнинг йигитлари Қиз тоғига бориб, кўчама-кўча муштлашишибди. Ушанда ҳам қанча-қанча қон тўкилди. Қишда эса Бойқуш кўчасидаги бир тўйда одам ўлди. Йигитларга ҳайронсан. Бир ўтиришда ўтириб ҳам жанжал чиқаришади. Улар муштлашиш учун атайлаб байрам бўлишини кутиб юришади, шекилли. Буни қарангки, улар йил бўйи пул йиғиб сотиб олган янги кийимларини ёқавайрон кўйда балчиққа белашади, қонга ботиришади. Бир-бирларининг тумшугига мушт тушириб, уят сўзлар билан сўкинишади. Бирон жойда тўйми, байрамми бўлиб

қолса, бутун уй ичи билан катта акам Муртазодан хавотир олиб, жон ҳовучлаб ўтирамиз. У ҳам менга ўхшаган сиркаси сув кўтармайдиган. Ўлгидек уриш-қоқ. Жанжал деса, пулга сотиб олади. Тезроқ бошини иккита қилиб қўйсак, қўйилиб қолармиди деб, умид қиламиз. Менга қолса-ку, у уйланганда ҳам одам бўлмаслигини биламан-а. Мана кеча ҳам сўфи азон айтмасидан туриб, қўриқ отимизни етаклади-ю, ер ҳайдашга жўнади. Қурбон ҳайит бу ёқда қолиб кетди. На отамнинг, на Катта ойимнинг сўзига кирмади. Қаранг, йигитларнинг қурбон ҳайит билан бир пақирлик иши йўқ экан. Отам ҳам уни байрам қилгин деб, унчалик қистаб ўтирмади. «Ақл ёшда эмас, бошда, балки, сенинг гапингда ҳам жон бордир», деб қўя қолди. Хуллас, катта акам Муртазо ғалати йигит. Ҳамма байрам қилипти-ю, у аллақаяқда ер ҳайдаб юрибди. Унинг қандай қайсарлигини шундан билавринг.

Мен яна дераза томонга амаллаб бурилиб қарайман. Энди Ҳамидхоннинг юзи эмас, бодрингга ўхшаш узун бошини, ингичка гарданидаги чуқурчасинигина кўраман. У кўчани томоша қилиб тургандек. Қимир этмайди. Эртасига ҳам, индинига ҳам Ҳамидхон деразамиз олдидан кетмади. У эрталабдан-кечгача гоҳ деразадан ичкарига қарайди, гоҳ қимир этмай кўчани томоша қилади. Фақат биринчи марта кўчага чиққанимда, у мени кўрди-ю, орқасига қарамай кетиб қолди. «Ҳамидхон!» деб, қичқирдим орқасидан. Аммо у эшитмади. Шундан кейин, ҳаёт яна ўз йўлида давом этди. Биз болакайлар урушардик ҳам, ярашардик ҳам. Аммо барча аламлар унутилар, юзимиздаги, баданимиздаги яралар изсиз тузалиб кетарди. Фақат Ҳамидхон менга бошқа бирон марта ҳам қўл кўтармади. Шунга қарамай, «Киндик» деган лақаб энди менга бари бир елимдек ёпишиб олганди.

Орадан роса ўн тўрт йил ўтгач, ёз кунларидан биринда, жанг айна қизиган тонг палласида якка-ёлғиз дуб остида яраланиб йиқилдим. Кўкрагимга санчилган снаряд парчаси ўпкамини тешиб ўтди. Орадан беш йил ўтганидан сўнг эса ярам янгиланиб, ўпкамдан қон кела бошлади.

...Мана, мен Москва яқинида силга қарши муолижа госпиталида ётибман. Томдан кўклам сувлари

муттасил томчилаяпти. Менинг касалимга баҳор фасли, айниқса, ёмон таъсир қилади. Қизиқ, худди шу паллада — ер юзида ҳаёт туғила бошлаётган, бутун борлиқ уйғонаётган бир пайтда, менга ўхшаган беморлар ҳаёт билан ҳисоб-китоб қилгудек аҳволга тушиб қолишади. Биз ўзимизча, бундай деймиз: «Шу баҳордан омон-эсон ўтиб олсак эди, у ёғи яхши бўлиб кетарди». Биз баҳор фаслини амаллаб ўтказиб олишигини умид қилардик. Бу бизнинг ягона юпанчимиз эди.

Кунлардан бирида шундай деб қолишди:

— Қандайдир милиционер мотоцикл миниб келибди. Сизни сўраяпти. Қирсинми?

— Милиционер? Нима бало, қилган гуноҳларим учун жавоб бераманми ҳали, — дедим ҳазиллашиб. — Майли, кирса-кира қолсин. — Сирасини айтганда, милиционер — ҳукумат одами. Уни чўзилиб ётиб қарши олиш одобдан эмас. Мен ўрнимдан туриб ўтирдим. Уни кута бошладим.

— Мумкинми?

Эшикдан кириб келаётган гавдали милиционернинг боши кесакига тегай деб турарди. У палатага кирди. Худди ўзининг анчайин гавдали эканлигидан хижолат чеккандек, тўхтаб қолди. Ноқулайлик сезибми, аланглай бошлади. Кейин, бошидан шапкасини олди. Унинг пешонасида чуқур чандиқ изи бор эди. Мен энг аввало, шу чандиқни кўрдим. Сўнг, унинг кўзлари, ғуссага тўлиқ кўзлари менга жуда ҳам танишдек кўринди.

— Ҳамидхон! — деб қичқириб юбордим.

У эшитмади. Эҳтимол, мен ҳам қичқирмагандирман. Фақат ўзимга шундай туюлгандир. Тўсатдан унинг азамат гавдаси қандайдир кичрайиб қолгандек бўлди. У шундоққина тўшагим олдига келиб, тиз чўкди. Худди бир вақтлар бизнинг деразамизга пешонасини босиб, ичкарига қарагандек, ҳозир ҳам темир каравот суянчиғига бошини қўйганча, қимир этмай турарди.

— Киндик! — деди у. — Сени кўрадиган кун ҳам бор экан. — Шундай деди-ю, йиғлаб юборди.

— Қўйсанг-чи, бодрингбош, — дедим уни юпатиб. — Яхшимас, уят бўлади. Гавданга қара. — Мен унинг сочини силай бошладим.

— Чидолмайман, Киндик. Юрагим тўлиб кет-  
япти...

— Бўлди, бўлди, Ҳамидхон. Қани, бу ёққа  
ўтир-чи.

— Қўй, мени юпатма. Яхшиси, кўнглимни бўша-  
тиб олай,— деди у, бир оздан сўнг. Жимиб қолди.  
Чўнтагидан рўмолча олиб, юзини артди. Шундан ке-  
йингина бошини кўтарди. Аммо ҳар қанча қиста-  
сам ҳам, ўрнидан турмади. Тиз чўкканича, ўтира-  
верди.

Биз анчагача бир-биримизга тикилиб қолдик.

— Салом,— дедим мен.

Шундай қилиб, икки дўст саломлашдик. Қўл бе-  
риб кўришарканмиз, унинг ўнг қўлида иккита бар-  
моғи йўқлигини пайқадим.

— Мана, ниҳоят сени кўрадиган кун ҳам бор  
экан,— деди у бояги гапини қайтариб.— Мен бўлсам  
бутунлай умидимни узган эдим. Хайрият, сени топ-  
дим.

Ҳамидхон қандай қилиб мени излаганини бир  
бошдан айтиб берди.

— Овулдан хат олган эдим. Сенинг бундай касал-  
ланиб, Москвада ётганингни ёзишган экан. Мен бу  
ердан 60 чақирим нарида хизмат қиламан. Бўш қол-  
дим дегунча мотоциклга ўтириб, Москвага келавер-  
дим. Роса бир ой қидирдим. Аввалига жамики сил ка-  
саллиги шифохоналарини айланиб чиқдим. Кейин,  
санаторийларни қидирдим. Тополмадим. Шаҳар яқи-  
нидаги район, қишлоқ касалхоналаригача бордим.  
Ерда ҳам, кўкда ҳам йўқсан. Шундан кейин, юрагим-  
га ваҳима тушди. Қаердаки, «Касалхона» деган ёзув-  
ни ўқиб қолсам, бир чўчиб тушаман. Бу сўз ҳаттоки  
жонимга ҳам тегиб кетди... Ҳалиям ўлгидек галварс-  
ман-да! Овулга телеграмма ювориб сен ётган жойнинг  
адресини сўраш хаёлимга келмабди. Мана, ҳозир бу  
ерга келганимда, шу гап эсимга тушиб қолди. «Тел-  
банинг ишини худо тўғрилайди»— деганларидек, се-  
ни бугун мутлақо тасодифан топдим. Москвадан чи-  
қиб кетаётсам, бир аёл мотоциклни тўхтатди. Йўла-  
кай ташлаб кетинг, деди. Савоб бўлар деб, ўтқазиб  
олдим. Йўл устида гаплашиб келавердик. Касалхона-  
да санитарка бўлиб ишлайман, дейди. Сени сўрасам,  
билмас экан. Яхшиямки, шу хотинни учратганим;

ҳар ҳолда, мени бу ёққа йўллаб юборди. Мана, тақдир экан, дийдор кўришиш ҳам nasib этди. — Ҳамидхон ўзини босиб олди шекилли, энди анча осойишта товушда гапира бошлади. Аммо бу ҳолат узоққа бормайди. У менга аламли назар ташлади.

— Киндик! — деди у изтиробли товушда. — Сенинг касал бўлишингга мен сабабчиман, биласанми! Агар ўшанда устингга чиқиб тепкиламаганимда, сен бундай фалокатга йўлиқмасдинг... Мен айбдорман, мен! Мен сендан энди кечирим сўрашим ҳам қийин. Бари бир, мени кечирганинг билан тузалиб қолмайсан. Тушунаман, ҳаммасига тушунаман... Мени кечиришингни, умуман ҳожати ҳам йўқ. Керак эмас! Фақат бир нарсани билиб қўй. Сен қанчалик азоб чексанг, мен ҳам сен билан баравар азоб чекяпман. Соғайиб кетишингга қанчалик умидвор бўлсанг, мен ҳам шунчалик умид қиламан. Қани, иложим бўлса, ўпкамнинг биттасини кесиб сенга берардим. Жонимнинг ярмисини сенга берардим. Шунча пайтдан бери сени излаб юрганимда ўзимча бир нарсага қарор қилдим. Балки айтсам, доктор битта ўпкамни олиб, сенга ўрнатар. А, Киндик, нима дединг? Ҳозир бунақа операцияни бемалол қилиша олармиш-ку. Докторга айтиб кўрайлик...

— Жинни бўлсан, Бодрингбош, — дедим уни юпатиб. — Биринчидан, докторлар фақат чириб кетган ўпкаларни кесишади. Янги ўпка қўйишни билишмайди. Иккинчидан, менинг ўпкамни фашист ўқи тешиб ўтган. Ҳамма бало шунда. «Военкомат айбдормас, гитлеризм гуноҳкор» деган ашула бор, эшитганмисан? Шунга ўхшаб менинг касалимга сенинг ҳеч қанақа дахлинг йўқ.

— Биладан. Немис осколкасини ҳам биладан. Ким айбдорлигини ҳам биладан. Йўқ, сенинг ўпкамга ўша, қурбон ҳайити куни шикаст етган. Бўлмаса битта сенинг ўпкамга осколка тегибдими? Нега бошқаларга ҳеч нима қилмайди? Вақтида сен қандоқ бақувват бола эдинг; сизларни бутун авлоди билан чинор умрли одамлар, дейишарди. Болалик қурсин, аҳмоқлик қурсин! — у чуқур уф тортди.

Ҳамидхоннинг одати маълум: бир нарсани мулоҳим тушунтирсанг, тушунмайди. Фақат сўкиб гапириш керак. Ҳозир шу нарса эсимга тушиб қолди.

— Менга қара, Бодрингбош,— дедим шовқин солиб.— Нима учун ўлмасимдан туриб, жаноза ўқиясан? Йўқ, мен ўладиган аҳмоқ эмасман. Сен бўлсанг, албурутдан аза очишга шайланиб ўтирибсан. Тагин милиционер эмиш.

— Сен ўлмайсан,— деди Ҳамидхон тўсатдан.— Менинг изтиробим, кўз ёшларимга келсак... Сен бунинг боисини билмайсан.

Ҳамидхонга ачиниб кетдим. Бир вақтлар минг азоб-уқубат билан, минг сарсон-саргардонлик билан ўсган етимча бола кўз олдимга келди.

— Сен ўлмайсан,— секин такрорлади у.— Бир марта сенга аза очишгани етади. Энди аза очтишмасин. Бир одамга бир марта ўлиб тирилишнинг ўзи кифоя.

— Қачон? Менга ким аза очган?

— Нима, сенинг хабаринг йўқми?

— Йўқ,— дедим ҳайрон бўлиб.

— Қирқ учинчи йили шундай бўлганди. Нима, сенга айтиб беришмаганмиди?

— Йўқ, ҳеч ким айтгани йўқ.

— Айтиб берайми?

— Қани, одам ўзининг ўлганини ўзи эшитса, қиниқ бўлса керак.

Шундай қилиб, Ҳамидхон, мен бир ўлимдан қолганим тўғрисида ўтган воқеани ҳикоя қилиб берди. Рост, мен ўлимдан бир қур омон қолганман. Лекин кейинчалик бу хабар бир умр юрагимга муҳрланиб, бир умр менга азоб берадиган бўлиб қолди. Уша куни ва, суҳбатимиздан кейин Ҳамидхон кетди. У чиқиб кетгач, тўшагимнинг бош томонида, тумбочка устида турган тугунга кўзим тушди. Газета қоғозига ўроғлик тугунни очдим. Бурушиб кетган иккита сарғиш-кўк сўзма экан...

Ҳамидхон кетди. Бу бизнинг сўнгги учрашувимиз бўлди. Негаки, орадан кўп ўтмай кутилмаган даҳшатли хабарни эшитдим. Ҳамидхон аллақайси станцияда ичиб олган бандитлардан бир қизни ҳимоя қиламан, деб ўртага тушибди. Бандитлар унинг кўксига пичоқ санчишибди. Айтишларига қараганда, ўша кунги Ҳамидхон ўзи хизматда ҳам эмас экан. Бу хабарни мен анча кечкииб эшитдим; кўмиш маросимига ҳам боролмадим. Охири марта учрашганимизда у менга битта ўпкасини, умрининг ярмини бермоқчи эканли-

гини айтган эди. Шу гапдан, мана, жилла ўтмасдан, бировнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун, у ўз ҳаётини бус-бутун қурбон қилди.

Бу хабарни эшитганимдан сўнг, икки туйғу иккита зулук бўлиб, виждонимни кемира бошлади. Биринчиси, дўстимнинг кутилмаган ҳалокати эди. Иккинчиси эса, ўзимнинг омон қолганимдан уялиш туйғуси эди. Мана шу икки туйғу бутунлай тинчимни олди. Ҳамидхон, менга бир пайт аза очишганини ҳикоя қилиб бергани сабабли, мен энди ўзимни бировнинг умри ҳисобига яшаётгандек, бировнинг уюридан от ўғирлаб кетган кишидек сезиб, азоб чека бошладим. Юрганда ҳам, турганда ҳам, худди бировдан қарздор одамдек, беихтиёр виждоним қийналадиган бўлиб қолдим.

Ҳамидхон ўша воқеани сўзлаганида, менга далда бермоқчи, менинг умрим узун бўлишини айтиб, кўнглимни кўтармоқчи эди. Аслида эса, ўзи билмаган ҳолда мени азобга дучор қилиб кетганди. Ҳамма қатори менинг ҳам ўнта бошим йўқ; битта бошимни ҳам қаёққа уришни билмай қолганман. Мана, ўша Ҳамидхон айтиб берган воқеа. Марҳум дўстим уни қандай ҳикоя қилган бўлса, мен ҳам сизларга худди шундай ҳикоя қилиб бермоқчиман.

#### «ЕШ БОШИМДАН ҚОЛДИМ ФИРОҚДА»

...Немис ўқи мана бу еримни, пешонамни тешиб ўтганидан кейин, анча пайтгача контузия бўлиб, гарангсиб юрдим. Оёққа турганимдан сўнг, бир ҳафтага овулга бордим. Қишлоққа келган куним ўқитувчилар одамларнинг сал бўлсаям кўнглини кўтариш учун клубда концерт ташкил қилишди. Қўшиқлар айтилди, рақсга тушилди, шеърлар ўқилди.

Охирида саҳнага сенинг хотининг Рауза чиқди. Шунда одамлар ўтирган қаторлар орасида ҳадикли шивир-шивир бошланди. Бошланди-ю, дарров тинчиди. Сенинг Раузанг эса, одатдагига нисбатан ҳам очилиб кетган, оппоқ капалакка ўхшарди. Баъзан шундай бўлади. Ҳаво тўсатдан ёришиб кетади-ю, олио уфқлар кўзга яққол ташланади. Осмондаги ҳавонинг ҳам, шамолни ҳам аниқ кўриб тургандек бўлади ки-

ши. Рауза саҳнага чиққанида, худди шундай ҳолат рўй берди. Уфқлар кенгайиб, қўл чўзса етгудек жойга келгандек, дунёдаги жамики тўпларнинг уни ўчгандек, яралар азоби босилгандек, ташвишлар орқага чекингандек, гўёки ёруғ жаҳонда фақатгина бир нарса — сенинг Раузанг қолгандек эди. Унинг чехрасида аламга қоришган қувончми, мағрур аламми, шунга ўхшаш ифода акс этарди. Шу топда у осмондан бир лаҳзага, фақат бир марта қўшиқ айтиш учунгина тушган фариштага ўхшаб кетганди.

У «Ашкадар» қўшиғини айтди. Қўшиқ бошланиши биланоқ, одамлар боши устида ҳадикли сукунат чўкди. Қўшиқ давом этаркан, бу сукунат борган сайин қуюқлашар, бирданига босиб тушиб, ҳаммани эзиб ташлайдигандек туюларди. Мана шу сукунат ичида фақат Раузанинг овози эшитилар, бу овоз шу оғир сукунат одамлар устига босиб тушмаслиги учун, уни тутиб турганга ўхшарди.

Ов қасдида ёрим кетди йироққа,  
Еш бошимдан йўлиққанман фироққа...

Қўшиқнинг охирида у одамларнинг юрагини эзиб юборгандек бўлди. Лекин нима учундир қарсак чалишмади. Фақат икки-уч ерда тортинчоқ қарсақлар эшитилди.

Шу пайт орқа қаторда, девор тагида ўтирган хотин йиғлаб юборди. Кейин, унинг ёнидаги хотин йиғи бошлади. Менинг ёнимда ўтирган қизча кафти билан юзини тўсиб олганди. Залнинг гоҳ у, гоҳ бу чеккасида йиғи товушлари эшитилар эди. Рауза ҳайрон бўлиб қолди; чехрасига ғамгинлик чўкди. Чамаси, у ўз қўшиғи билан одамларнинг кўнглидаги дардни янгилаб қўйган эди. Ахир, «ёш бошидан ҳижронда қолганлар» озмиди? Мана, учинчи йилки, уруш боряпти. Одамлар кўп нарсаларни кўришди. Кўп кўргиликларга кўникишди. Лекин бу қўшиқ уларнинг кўнглидаги дардини чиндан янгилаганди. Одамлар ҳамон йиғлашарди. Бировни биров юпатмайди ҳам. Фақат менинг кўзимга ёш келмас эди. Наҳотки, менинг кўнглим тошга айланиб қолган?

— Ҳар доим шунақа қиласизларми? — деб сўрадим ёнимда ўтирган қизалоққа энгашиб. — Клубга ўз-



ларинг йиғилиб, ўзларинг ашула айтиб, ўзларинг шундай йиғлайсизларми?

— Йўқ,— деди қизалоқ.— Фақат бу сафар чидол-маяпмиз. Мана, бир ҳафта бўлди, Киндикдан қора хат келди. Бутун овул билади. Битта Раузанинг хабари йўқ. Унга буни айтишга одамларнинг тили борма-япти. Эшитса чидолмайди. Эрини қандоқ яхши кўрарди!

Мен ўтирган жойимда михланиб қолдим. Рауза эса, ҳамон саҳна чеккасида турарди. Шундай нозик, шундай нафиски, шамол тегса, қулаб кетадигандек. Елкасига тоғдек оғир кулфат тушишини билармикин? О, сахий табиат, бу жажжигина аёлга ўзинг кучқудрат ато қил.

Шу пайт менинг кўнглимдан бундай гаплар кечди. Ҳозир турсаму, қичқирсам... «Одамлар, нима қил-япсиз! Бу бегуноҳ аёлни нега қийнайсиз? Биз унга шафқат қиламиз деб, ҳалокатга етаклаб боряпмиз-ку. Эртага унинг кўзига қандоқ қараймиз». Йўқ, мен қичқирмадим. Балки одамлар ҳақлидир. Балки улар бутун умидлари чилпарчин бўлмасидан туриб шу бечора хотин ҳеч қурса бир марта қўшиқ айтиб олсин, дейишаётгандир. Ахир кулбанга кулфат бир кеча кейинроқ келса, шунинг ўзи ҳам мадор-ку. Ҳеч бўлмаса, ўлган эри бирон кеча бу аёлнинг хотирасида тирик турсин.

Эрталаб Рауза мактабга кетганида мен сизларнинг уйингизга бордим. Ота-онанг совуқ хабарни билишаркан. Лекин бу гапни Раузадан яшириб келишаётган экан. Қисматни алдаб бўлмайди. Начора. Бу гап қанча кўп яширилса, зарбаси ҳам шунчалик оғир ботади. Уша куни биз ҳамма гапни айтишга қарор қилдик. Бу мушкул вазифани мен ўз зиммамга олдим. Сенинг жажжи ўғилчанг ҳеч нимадан беҳабар, ухлаб ётар эди. Мен унга тикилиб қарадимۇ қотиб қолдим. Гўё ҳозир бу болани мен етим қилиб қўядигандай.

Минг қатла шукрки, бу мушкулот менинг зимма-га тушмади. Чамаси, кимдир бу сирни сақлай олмай айтиб қўйган экан: кўчадан иккита хотин рангида ранг қолмаган Раузани икки қўлтиғидан тутиб, суяб келишди. Уст-бошини ечинтириб, сандиқ устига ўтқа-вишди.

— Киндик ҳалок бўпти,— деди у анчадан кейин.— Хат келди. Мана,— у эскириб кетган қора хатни стол устига қўйди.

— Хат бошқа, ажал бошқа, қизим,— деди Кичик ойинг.— Биз бу хабарга ишонмадик. Болам тирик. Кўнглим сезиб турибди, болам қора ерда ётгани йўқ. Узингни бос, қизим.

Ҳеч биримиз Раузанинг олдига боролмадик. Ҳеч ким уни юпатишга уринмади ҳам. Кечгача шу алфозда қимир этмай, бир оғиз гаплашмай ўтирдик.

— Тақдирга тан бермай илож йўқ.— деди ниҳоят отанг уф тортиб.— Нима қила олардик, кўникамизда. Қани, хотин, чироқни ёқ. Ўғлим бечора кўнгли ёруғ йигит эди. Чироғини ёқайлик.

Ўша кеча биз ҳар биримиз ўзимизча илтижолар билан фотиҳа ўқиб, сени ерга топширдик.

Сенга келган қорахат менинг қўлимга қандоқ ўтиб қолганини ўзим ҳам билмайман. Бир неча марта қайта-қайта ўқидим. Исминг, фамилиянг, отангнинг исми ҳаммаси тўғри ёзилган. Овул ҳам бизнинг овул. Фақат, қизиқ, туғилган йилинг бунга мос келмайди. Чамаси, котиб адашган бўлса керак. Адашиб, ёшингни катта ёзиб юборибди. Шошма-чи, шошма! Нимага бу ерда «оддий аскар» деб ёзилган. Мен сўрадим:

— Унинг ҳарбий унвони бормиди?

Отанг айтди:

— Урушга ҳамма бир хил унвонда боради. Унвони ошса, хизматига яраша оширишади.

— Бу ерда «оддий аскар» деб ёзишибди-ку. Эшитишимча, сизнинг ўғлингиз командир эди, шекилли?

— Мен ўқимадим, ўқий олмадим,— деди Рауза. Унинг кўнглида қандайдир умид йилт этиб, дарров сўнгандек бўлди.

— Рост, бизнинг ўғлимиз командир эди,— деди онанг пичирлаб.— Командирни оддий аскар, деб ёзишмас, ахир.

Кўнглимиздаги кичкина умид учқуни энди секин алангалана бошлади. Балки бу хат бошқа одамга тегишлидир. Аввалига сен билан фамилияси бир хил одамларни эслаб кўрдик. Кейин сенинг адашларингни қидирдик. Уйма-уй, кўчама-кўча, ҳаммасини хотирлаб кўрдик. Ҳеч қайсиси тўғри келмасди. Отанг-

нинг исмига келсак, у бутун овулда битта эди. Ниҳоят, янги қишлоқ — Акманой қишлоғидаги одамларни эслай бошладик. Биринчи хонадонларни хотирлашимиз билан Кичик ойнинг қичқириб юборди:

— Поччамиз! Акманойлик почча! Вой, шўринг қурғур Кафия! Вой, бечора, бахтсиз жувон! Ҳар доим айтар эди. Мен куёвингизни жонимдан ҳам яхши кўраман. Ўғлингизга шунинг исмини қўйинг, деб ялнгарди. Вой, шўрингга шўрва тўкилгур!

— Ҳа, айтгандек унинг отаси билан мен ҳам адашман-ку... Худо раҳмат қилгур яхши одам эди,— деди отанг.

Шундай қилиб, поччанг билан сенинг исминг ҳам, фамилиянг ҳам бир хил экан. Тўғри, бу қувончли хабар эди. Лекин бировнинг ҳаёти билан бошқа бировнинг ўлими қўшилиб кетса, бунақа қувончинг кимга кераги бор? Уша куз оқшоми кечаси билан бир оғиз сўз айтмай шунчаки ўтириб чиқдик. Гўё ухлаб қолсак, бутун умидларимиз тушга қўшилиб, сувга қиб кетадигандек эди. Биз бундай бўлишидан қўрқардик.

Эрталаб қоғозни олиб қишлоқ Советига бордим. Ўстиба қиз бу ерга яқинда кўчиб келган экан. У овулимизда сенинг адашинг борлигини хаёлига ҳам келтирмабди. Қишлоқ Советидаги дафтарларни кўтариб, текшириб кўрган эдик, хат чиндан ҳам поччангга келганлиги маълум бўлди. Қисқаси, ўлим қисматини сендан олиб, унга юклашга тўғри келди. Ажал ўзи сени қўйиб, унинг ёқасига ёпишган экан.

Эртасига, айниқса оғир кун бўлди. Амманг Кафия йиғидан кўзлари шишиб кетган алфозда уйларингга келди. Унинг қўлида ўша қорахат бор эди. Хатни ойингга узатиб, бундай деди:

— Опажон, шу ҳам инсофданми, ахир, бу хат сизларга келган экан-ку. Буни сизларга топширишган. Сиз бўлса, менга оширибсиз. Жон опа, қайтиб ол, зормонда қолгур бу қоғозни!

Кичик ойнинг аммангни қўлтиғидан тутиб ўтқазди. Шунда Кафия Раузага ғалати қараш қилди:

— Келин! Инсофинг борми! Сенинг битта-ю, битта боланг бор. Меники бўлса бир этак. Сен битта болангни етим қилгинг келмайди-ю, мен бешта боламни етим қилиб қолавераманми? Бир боланинг ўрнига

бештаси бадбахт қолса, худо нима дейди. Пешонам қурсин. Ўзим етим ўсдим. Қорним тўйиб овқат емадим, умримда бир кўйлагим иккита бўлмади. Ё худо! Бу қандоқ кўргилик! Ё худо!

У бир неча марта ҳиқиллаб энтиқди. Кейин яна Кичик ойингга қараб сўзланди:

— Опажон, нима учун ўғлингга эримнинг отини қўйгандинг? Нима, ўшанда, бошқа от қуриб қолганмиди? Агар болангга эримнинг отини қўймаганингда, бу савдолар йўқ эди.

Ойинг бир оғиз ҳам гапиролмайдиган ҳолда эди. Шунга қарамай:

— Қаёқдан билибман, синглим... Агар шундоқ бўлишини билганимда, икки дунёда бунақа қилмасдим, — деди у Кафиянинг бошини силаб.

— Ё парвардигор! Энди қаёққа бораман? Нима қиламан? Болаларим кимдан нажот тилайди? — деди Кафия яна йиғлаб.

Шу пайтгача айбдор одамдек бошини қуйи солиб, индамай ўтирган отанг энди тилга кирди:

— Сен ўзимизнинг жигаримизсан. Омон бўлсак, чеккада қараб турмаймиз. Болаларингга қўлдан келганча ёрдам берамиз. Ростини айтсам, ҳозир сени юпатишга бошқа сўз тополмайман. Лекин мен сўзимнинг устидан чиқадиган одамман. Ўзинг биласан. Болаларинг ҳамиша бошимда бўлади.

Кечаги жойда ғужанак ўтирган Рауза ўрнидан туриб кетди; Кафияни қучоқлаб, йиғлаб юборди. Кафия ҳам унинг кўксига бошини қўйиб тураверди. Шундай қилиб, улар бир-бирининг бағрига кирганча узоқ йиғлашди. Икковининг ўртасида эса битта аза, битта ўлим турар эди. Бу ўлим, бу аза кимники эканлигини бишиш мушкул эди.

...Ўшанда касалхонага мени кўришга келган Ҳамидхон шуларни айтиб берганди. Дўстим менинг омон қолишим учун ярим ҳаётини, битта ўпкасини беришга тайёр эди. У кетди. Кетди-ю, ўзга кишининг ҳаётини асраб қолиш учун ўз ҳаётини бус-бутун бағишлади.

Худди шу воқеадан сўнг, Кичик ойимнинг ўғай синглиси Кафия опай назаримда ҳамиша менинг изимдан юрадигандек туюла бошлади. Унинг содда ва самимий кўзлари, йирик-йирик, қоп-қора кўзлари менга гоҳ ўкинч билан, гоҳ алам билан қараб турганга ўх-

шайди. Биламан, мен ҳеч кимнинг олдида айбдор эмасман. Ўз алашим ўзимга етиб ортади. Лекин менга келган қорахат оширилганидан, гўё менга отилган ўқ поччамга бориб теккандек туюлади. Бари бир шундай. Ана, томдан апрель томчилари муттасил томиб турибди. Бу томчилар менинг сўнгги дақиқаларимни санаётгандек. Балки, энг сўнгги томчи томиши билан менинг ҳам сўнгги нафасим чиқар. Лекин ҳозирча мен тирикман. Модомики одам тирик экан, азоб чекишга, умид қилишга, иккиланишга қодир. Ҳарқалай менинг кўнглимда умид бор. Ҳарқалай тирик қолишим мумкин...

Ўша мушкул кунларда мен оддий бир ҳақиқатни англадим. Ўзгаларнинг ўлимида менинг ҳам ажалим бор. Менинг ҳаётимда эса ўзгаларнинг — жангда ҳалок бўлганларнинг улуши бор. Ўшанда Ҳамидхон мени юпатаман деб, бекорга уринди. Гап шундаки, ўзгалар бу дунёдан кетишар экан, бу билан менинг ажалимни сал бўлса-да, орқага чекинтиришди. Ўз ҳаётларини менга қарзга топшириб кетишди...

Бир маҳаллар ўсмир пайтимда шом палласи Сағил тоғида айланиб юриб, бир тўда тошларга дуч келган эдим. Биров ҳаммомни қиздириш учун йиғиб қўйган бўлса керак. Нима учундир улар орасидан битта тошни қўлимга олиб кўрдим. Тош илиққина эди. Мен ҳайрон қолдим. Бошқа тошларни ҳам ушлаб кўра бошладим. Бошқалари ҳам илиқ эди. Тўрт-бешта тош бир чеккада ётар эди. Мен уларни ҳам тўдага қўшиб қўймоқчи бўлдим. Қизиқ, чеккадаги тошлар булардек эмас, совуқ. Шунда мен бир нарсани тушундим. Ҳатто тошлар ҳам қуёш нурини ўзларида узоқ вақтгача сақлаб бир-бирига тақдим этишар экан.

Одамлар-чи? Қанчадан-қанча одамлар ўз ҳароратларини, ўз куч-қудратларини, ўз нурларини менга тақдим этишди. Болалик дўстларимдан тортиб, бугунги кунгача қанчадан-қанча одамлар менга ҳарорат бағишлашди... Менга ўз ҳароратини бағишлаган биринчи тенгдошим, болаликдаги дўстим Асқад эди. У бошда мендан икки ёш катта юрарди; мен саккизга чиққанимда у ўнда эди; ўн саккизга тўлганимда у йигирмага чиқди. Кейин мен Асқаддан икки ҳисса катта-роқ бўлиб қолдим. У эса ўша жойда — ўз ҳаёти аввалида тўхтади. Назаримда, у ҳамон ўша манзилда

гўхтаб тургандек. Мен бўлсам, нуқул олға кетяпман. Лекин қанчалик илгарилаб борсам, шунчалик кўпроқ орқамга қайрилиб қарайман; хотирамда қолган кечмиш оҳангларга, товушларга — келажакка умидвор, аммо кечаги кунга содиқ кўйда қулоқ солгандек бўламан. Бу оҳанглар, товушлар аксари виждон садоси, номус садосига айланиб жаранглайди. Гоҳо бунга ҳайратланаман.

### МЕНИНГ ДУСТИМ АСҚАД

Асқад Губернатор кўчасида туради. Сиз бу кўчада губернаторнинг ўзи яшаркан, деб ўйласангиз, хато қиласиз. Қачонлардир, тахминан бундан юз йилларча муқаддам мана шу кўчанинг қоқ ўртасидан губернатор учта гижинглаган от қўшилган аравасини ғизиллатганча ўтиб кетган, дейишади. Одамлар шундай улуғ амалдорнинг араваси кўтариб кетган чанг орасида қолиб кетишгану эс-ҳушларини йиғишиб, дарҳол фахрланганча, ўз кўчаларига Губернатор, деб ном беришган. Лекин шунини айтиш керакки, нари борса бештагина уй жойлашган бу кўчанинг илгариги номи «Эчки даҳаси» дегани ҳам анча вақтгача сақланиб қолди. Губернаторлар, бойлар, амалдорларнинг оёғи осмондан келгандан кейин, кўчага ўзининг эски номи «Эчки даҳаси»ни бермоқчи бўлишди. Лекин бу ерда яшайдиганлар, гарчанд кўчаларида эчкилар бемалол ўт кавшаб юрса ҳамки, қайтадан ўша номни олишни хоҳлашмади. Ахир, Губернатор деганлари Музлаган мўри, Учхўроз, Бойқуш деган номларга қараганда минг марта яхши-да. Қишлоғимизда унақа номлар сероб эди. Борингки, бир кўчага Чиллак деган ном ҳам қўйишган. Хуллас, қаёққа қараманг, бачкагалик, мирқуруқлик уфуриб туради.

Губернатор кўчасининг ўзига хос иккита хусусияти мавжуд. Бирини қашшоқлик, бири калондимоғлик. Бешта қўра бўлса, шундан тўрттасида эчки билан тўвуқдан бошқа ҳеч вақо йўқ. Қорамол анқонинг уруги; фақат Асқадларнинг уйида битта қирчанғи от, сигир ва буқа бор. Кўчадагилар қадимдан шундай қашшоқ яшайдилар. Бу нарса уларга ота-боболаридан мерос. Лекин калондимоғликка келганда, уларнинг олдира тушадигани йўқ. Каттадан-кичик ҳаммаси худди губернаторга қариндошдек, димоғидан эшак қурти

ёғилади. Мақтанчоқлигини айтмайсизми? Қулоқ солсангиз, ёқангизни ушлайсиз. Масалан, губернатор кўчасида турадиган биронтаси бўрини отган бўлса, бўри жонивор камида ҳўкиздек келади. Биронтаси елим балиқ тутиб олса, нақд бир қулочлик балиқ тутдим, деб мақтанади. Биронтаси ўрдак отиб қолгудек бўлса, турнадан қолишмайди, деб керилади. Шу кўчада турадиган бир оёқли Шаряй деган киши бор. Бу одам ўзининг чўлоқлиги билан мақтанади. Мана, гапига қулоқ солиб кўринг: «Оқсашда ҳикмат кўп, деган гапни менга атаб айтишган. Яхшиям герман урушига бориб, бир оёғимни ташлаб келган эканман. Жуда омадим бор экан. Ёғоч оёқдан яхшиси борми? Чарчмайди, оғримайди, совуқ қотмайди, терламайди, бошқалар бир жуфт чориқ кийса, мен битта кияман. Бунинг устига, анча муддатга етади».

Еш болалик пайтимда тасаввуримда Губернатор кўчаси тупканинг тагида жойлашганга ўхшарди. Унинг одамлари ҳам сирли туюлишарди. Фақат кейинроқ, бир оз ўсганимдан кейин, бу ялангоёқларнинг галати феъл-атворига тушуна бошладим. Улар ўзларининг қашшоқликларини мана шу мақтанчоқлик билан, калондимоғлик билан енгилга ҳаракат қилишаркан. Ахир, ўзгаларнинг устунлигига қарши, нимаидир қурол қилиш керак-ку. Ҳа, Губернатор кўчасидагилар камбағал бўлишса ҳам, мағрур эдилар. Ўша кўчадан чиққан баъзи танишларим ҳамон барҳаёт, баъзилари дунёдан ўтишган. Мен Сизларни ҳаминча ва изтироб билан эслайман, азизларим. Шу кўчада турадиган Асқад менинг дўстим эди.

Бир куни қишлоқ чеккасидаги ўша Губернатор кўчасига бузоғимни излаб бориб қолдим. Қарасам, өшигининг тагида Асқад ўтирибди. Оқиш, тиниқ сочлари офтобда ярақлаб турибди. Кўзи ҳам кўм-кўк. Мен уни танисам ҳам, бирон марта биргаллашиб ўйнаган эмасдим. Биламан, у ҳозир ё тош отади, ё жаҳлимни чиқариб, лақаб тўқийди. Хуллас, тайёр бўлиб туришим керак.

— Ҳой, бола, қани бу ёққа кел, — деб қичқирди у. Галини қаранг!

— Керак бўлса, ўзинг кел, мен бузоғимни қидирапман.

— Қўрқма, еб қўймайман.

Мен тўхтаб қолдим. Қўлимни мушт қилиб туганча орқамга яшириб туравердим. Ҳарқалай, керак бўлиб қолиши мумкин. У шошилмасдан ёнимга келди. Кўзимга тикилиб турди-да, кафтини бурнимнинг тагига тиқиштирди.

— Ниманинг ҳиди келяпти?

Мен қандай жавоб қилишни билмасдим. Агар у кафтини эмас, муштини кўрсатганда ҳамма нарса аён эди. Одатда, муштлашадиган болалар шундай қилишадди.

— Айтсанг-чи, ниманинг ҳиди келяпти?— сўради яна у.

— Кучук боланинг ҳиди келяпти!— Шундай дегим келди-ю, лекин Асқаднинг кўзларида табассум борлигини кўриб, тилимни тийдим.

— Ҳеч нарсанинг ҳиди келаётгани йўқ,— деб тўғриси айтиб қолдим.

— Яхшилаб ҳидлаб кўргин-да,— деди у, тиқилинч қилиб.— Қани, яна бир ҳидлаб кўр-чи.

У ҳадеб тиқилинч қилаверганидан кейин, кир кафтини ҳидлашга мажбур бўлдим. Лекин бирон нарсани сезмадим.

— Сени қара-ю,— деди у қўл силтаб.— Шуниям билмайсанми? Патирнинг ҳиди келяпти. Ҳозиргина ёғлиқ патир едим.

Мен ҳайрон қолдим. Мақтанган нарсасини қаранг. Патир еганми, бало еганми, менга бунинг нима қизиғи бор?

— Хўп, есанг, ебсан-да,— дедим тўнғиллаб.— Мен бузоғимни қидиряпман.

— Юр, биргалашиб қидирамиз. Менга қўйиб бер, бирпасда топаман.

— Бўпти.

Қишлоқ чеккасида Кичик дара деган жой бор. Иккаламиз қўл ушлашиб, ўша ерга бордик. Шу қисқа вақт ичида Асқад менга ёқиб қолди.

— Менга қара, чўнтагинг нега бунақа дўппайиб кетган?

— Чўнтагимда нон бор.

— Алдаяпсан. Тош солиб олганга ўхшайсан.

— Мана, ишонмасанг қара,— дедим чўнтагимдан каттакон нон бўлагини олиб.— Бузоқни шу билан алдаб тутмоқчиман.



— Қизиқ экансан. Бузоқни нонсиз ҳам тутса бўлади. Ке, яхшиси, биргалашиб нонингни еб олайлик.

— Ҳозир ёглиқ патир едим, деб мақтандинг-ку.

— Патирни ўзи нима бўларди? Уни нон билан қўшиб ейиш керак.

— Уйингда қўшиб ея қолмадингми!

— Уйда нон йўқ эди,— деди Асқад қовоғини солиб.

Дунё қизиқ экан! Бировнинг уйида патири бор, нони йўқ, бировникида нон бору патир йўқ. Масалан, бизникида фақат жума кунлари патир ёпишади. Асқад қўлимдаги нонга суқланиб қараб, лабини ялаб қўйди.

— Ма, ея қол,— дедим нонни узатиб. У нонни эҳтиётлик билан тенг иккига бўлди. Ярмини менга узатди. Мен бошимни чайқадим.

— Нон емайдиган одам ҳам бўларкан,— деди у, ўт устида ўтириб. Кўйлагининг этагини тиззасига тортди-да, нонни қўйганча шошилмасдан ейишга киришди. Нон ушоқлари этагига тушиб қолса, у шошилиб тегиб олар, дарҳол оғзига солар эди.

— Нонни ўтириб ейиш керак,— деб тушунтирди у.— Туриб овқат еган одам ҳеч қачон тўймайди. Ноннинг увоғини тўкиш катта гуноҳ. Гуноҳ қилган одам ўлганидан кейин дўзахда ёнади.— У сўнгги бўлак нонни шошилмасдан чайнади. Шундан сўнг ҳам ўрнидан туришга шошилмади. Чамаси, қорни тўйиб қайғуси кетган эди. Ниҳоят, у менга ғалати воқеани ҳикоя қилди.

— Бу ҳангомани дадам айтиб берган эди,— деди у.— Кунлардан бирида бир подшо от миниб кетаётган экан. Кетаверибди, кетаверибди; қорни очиб қолибди. Шунда қўйнидан нон олиб, эгарга ўтирганча, ейишга тушибди. Хотиржам овқатланишга вақти йўқ экан-да. Охирги бўлак нонни еб турганида, битта ушоқ ерга тушиб кетибди. Подшо отдан сакраб тушиб нон ушоғини қидира бошлабди. Қидираверибди, қидираверибди, ҳеч тополмабди. Отининг атрофида уч кеча, уч кундуз эмаклаб ушоқни излабди. Бари бир тополмабди. Тўртинчи кун подшо уйга келса, бошига каттакон кулфат тушганини эшитибди; уч кун илгари унинг севимли ўғли сувга чўкиб ўлган экан. Подшо қўрқиб кетибди. Қилган гуноҳи учун худонинг қаҳри келма-

син деб, ўша нон ушоғи тўкилган ерга қайтиб бориб, каттакон мачит қурибди. Шундан кейин худо унга марҳамат қилганми, йўқми, бунисини билмайман.

— Кўрдингизми, Асқад шунақа гапларни ҳам биледи.

Шу пайт бошимиз устидан зағизгонлар шовқинсурон солиб, учиб ўтишди. Биламан, улар ўз болаларини учирма қилишяпти. Ўтган ҳафтада қарқуноқлар, қалдирғочлар боласини учирма қилган эди. Бугун эса зағизгонларга навбат етган. Мен ердан тош олиб, зағизгонлар тўдасига отдим.

— Мана, сенга!— дедим бақириб.

— Биронтасига тегса нима бўлади?— Асқад ўрнидан туриб кетди.

— Тегса нима қипти? Зағизгон булбулмидики, ачирсанг. Доим тухум ўғирлайди.

— Майли-да. Зағизгон ўз боласига ачинмайдими; унинг ҳам жони бор, дарахтнинг ҳам, тошнинг ҳам, ўтнинг ҳам, ҳаммасининг жони бор. Қара, ўт ҳам осмонга қараб ўсяпти. Демак, жони бор. Қўлингни кесиб олсанг, қон оқадими, оқади! Дарахт шохини синдирсанг, унинг ҳам қони оқади. Фақат дарахтнинг қони қизил эмас, Темирга темирни урсанг, овози чиқади, чиқади? Темирнинг йиғлагани шу бўлади.

Қаранг, Асқад ҳамма нарсани биледи! Балки у едам эмас, ажинадир? Ўзиям ғалати. Сочлари оқиш, кўзи кўк, киприклари сап-сариқ. Эшитганман. Қишлоғимизда шунақа одамлар учраб туришади. Балки бешикда ётганида ажиналар уни алмаштириб жетишгандир. Айтишади-ку, ажиналар бировнинг боласини ўғирлаб, ўрнига ўз боласини ташлаб кетаркан. Йўқ, ажинанинг боласи бунақа ақлли бўлмайди!

Кичик дарада ҳам, Катта дарада ҳам бузоғим тоғилмади. Ҳамма ёқни қидириб чиқдик. Қайинзорга кирдик. Мушук булоғининг олдига бордик, булоқдан сув ичиб олдик. Ҳамманинг бузоғи бор, фақат бизнинг Оқ қашқа йўқ. Иккимиз бўшашиб уйга қайтдик. Қарасак Оқ қашқа ўз деворимиз тагида, сояда маза қилиб, кавш қайтариб ётибди. Биз дарҳол дарвозани очиб, бузоқни ҳовлига ҳайдаб кирдик.

Айвонда юмуш қилиб юрган Катта ойим бизнинг бузоқ етаклаб келганимизни кўриб, қувониб кетди. Мени мақташга тушди.

— Айланай, ўзимнинг лочинимдан. Қаранг, катта бўлиб, пинжимга ҳам кириб қолибсан.

— Мен эмас, бузоғимиз катта бўлиб қолган.

— Демак, сен ҳам, бузоғинг ҳам катта бўлиб қолибсизлар.

— Бу боланинг оти Асқад. У бузоқни мен билан биргалашиб қидиришди.

— Унга ҳам раҳмат,— деди ойим.— Бундан чиқди учовинглар ҳам катта бўлиб қўшибсизлар. Менга қара, ўғлим. Омборга кирсанг, муздеккина қатиқ бор. Меҳмон — икковинглар ичиб ола қолинглар.

— Нон ҳам борми?

— Нон ҳам бор.

— Бўпти, мен борай,— деди Асқад тортинчоқлик билан.— Уйда тухум пишириб, кутиб ўтиришгандир.

Катта ойим Асқаднинг гапини эшитиб муғамбиро-на жилмайиб қўйди. Кейин уни ичкарига қистади.

— Ҳар овқатнинг мазаси бошқа. Майли, тухумга ҳам жой топилар. Ҳозирча ертўлага кириб, ёглиқ қатиқни ичиб олинглар.

Шундан кейин Асқад ортиқча таранг қилмади. Биз айвон соясида ўтириб, қатиқни тушира бошладик. Асқад косасини бўшатиб ялаб қўйди-да, менга қизиқ гап қилди.

— Ҳали сенга патир едим, девдим-ку. Алдаган эдим. Сени эмас, ўзимни алдамоқчи эдим. Тухум пишириб қўйишибди, деганим ҳам ёлғон. Икки ҳафтадан бери тишимизнинг кирини сўриб ўтирибмиз. Дадам мачидан бери келмайди. Акам шаҳарга тушиб, йўқ бўлиб кетди. Бутун турмуш Ибрай иккаламизнинг бўйнимизда қолган.

Энди унинг товушида калондимоғлик йўқ эди. Менинг рўпарамда ўз ташвиш кулфатлари билан адо бўлган қария ўтиргандек эди.

— Теримиз устихонимизга ёпишиб кетди,— шикоят қилди у.— Кеча Ибрай билан кўйлагимизни ечиб, қорнимизни офтобга товлаб ўтирдик. Қарасак, қовурғаларимиз саналиб қопти. Мен акамни мазах қила бошладим. Нима деганимни айтайми? Ҳеч кимга айтиб қўймайсанми?

— Нон урсин агар,— дедим дарҳол қасам ичиб.

— Қасам ичмасанг ҳам ишонаман. Мен акамга бундай ашула тўқидим:

Ўзи бир қарич Ибрай,  
Қорни унинг ғарчча мой.  
Ёгин, офтобда ётиб,  
Эритади ҳойна-ҳой.

— Боплапсан! Ибрай ҳеч нарса демадимми?

— Нима дерди? Уриб бошимни ёргудек бўлди. Ма-на, қара, бошимдаги ғуррани? Майли, зиёни йўқ. Ғу-ранинг ўрни босилиб кетади. Лекин тўқилган ашула қолаверади.

Асқад дилидаги тилига чиқадиган содда бола экан. Ҳамма сирларини ўртага тўкди:

— Менга Сариқ Пашша деб, лақаб қўйишган. Аф-ангорим сап-сариқ экани-ю, асосан, тилим заҳар бўлган-ни учун. Бошингга не келса, тилингдан келар, деганла-ри бежиз эмас. Кўпинча бир гапни айтиб қўйиб, кейин азобини тортиб юраман. Ҳе, майли, Сариқ Пашша де-йишса дейишибди-да.

— Менинг ҳам лақабим бор-у,— дедим ундан қо-лишгим келмай, секингина.— Лекин жуда уятли ла-қаб-да.

Асқад фикримга қўшилмади.

— Йўқ, сенинг лақабинг жуда зўр. Киндикдан ях-ши нарса борми? Араванинг гупчаги ҳам киндикка ўх-шайди. Бола онасининг қорнида киндик билан боғла-ниб туради. Ҳатто, энг обрўли одамларни ҳам дунёнинг устуни, ернинг киндиги деб аташади. Бунинг устига, қаерда чақалоқ туғилса сен ўша ерда тайёрсан. Катта ойинг билан доим меҳмондорчиликда юрасан. Бунинг сабабчиси нима? Киндик!

— Шу гапни кўп қайтараверма, ҳозир уришиб қо-ламиз,— дедим уни огоҳлантириб.

— Вой, жинни-ей, сенинг лақабинг менда бўлса, мақтаниб юардим.

— Бунинг мақтанадиган жойи йўқ,— дедим унинг гапини бўлиб.

Шундан кейин бу ҳақда у қайтиб гапирмади. Мабо-до мени бошқалар эмас, Асқад «Киндик» деганида, ун-чалик хафа бўладиган ҳам эмасдим, аммо бошқалар гапиришса, таъзирларини бериб қўйишим аниқ. Ахир, кейинчалик худди шу гап учун Ҳамидхон иккаламиз жўжахўроздек уришиб, бир-бирларимизни қонга бо-тирганмиз. Бари бир, ёқадими, йўқми, Киндик лақаби

менга бир умрга ёпишиб қолаверди. Лақаб менинг устимдан ғалаба қилди. Начора, ғолиб олдида бўйин эгишга тўғри келади...

Бир кун ичида Асқад менга шундай ёқиб қолдики, кўрмасам соғинадиган бўлдим. Уша дамдан бошлаб иккаламиз қил ўтмас ўртоққа айландик.

Асқад омадсиз бола эди. Қачон қараса, иши орқага кетади. Қурбон ҳайити арафасида унинг бошига бир эмас, иккита кулфат тушди.

Кунлардан бирида қишлоққа пода қайтган пайтда хилват кўчадан ўтиб, Асқадларнинг уйига бордим. Акаси Ибрай билан икковлашиб мол-қолни ҳовлига ҳайдашаётган экан. Буқача индамасдан кетиб борарди-ю, сигир чарслик қилиб, ҳеч ичкари кирмасди. Силаб-сийпалашди, хипчин билан савалаб ҳам кўришди. Бўлмади. Шундай оёғини ерга тираб олганди. Ибрайнинг жаҳли чиқди. Устига миниб, уни ичкарига киритмоқчи бўлди. Бари бир фойдаси тегмади. Қайтага унинг ўзини четга олиб чиқиб силтаган эди, Ибрай шўрлик тўдалаб қўйилган гўнг устига шалп этиб бориб тушди. Мақтанчоқ Ибрайнинг асли жазоси шу. Асқад акасига қараб дарров шеър тўқий қолди:

Минди йўргага, Ибрай,  
Тушди ўртага, Ибрай.  
Оёқни тираб ерга,  
Тихирлик қилди йўрга.

Ибрайнинг кўзи олайиб кетди. Асқадга томон бостириб келаётган эди, Асқад уддабуронлик қилиб, гизиллаб қочиб қолди.

— Нима кучли, сигирми, буқами?— деди гапни чалғитиб.

— Буқа!— дедик Ибрай иккаламиз бараварига. Албатта-да, эр ҳамиша кучли эканини ёш бола ҳам билади.

— Бўпти, буқа ёрдамида сигирни ичкарига олиб кирамиз.

— Қанақасига?

— Думини думига боғлаймиз,— деди Асқад сигир билан буқага ишора қилиб.

Ибрайнинг калласи ишламайди. Икки дунёда ҳам унинг бундай нарсани ўйлаб тополмаслиги аниқ. Шун-

дай бўлса ҳам ёши катталиги учун ори келди, шекилли, укасига қараб ўдағайлади:

— Аҳмоқ! Сен айтмасанг ҳам шуни мен ўзим ўйлаб тургандим. Нега энди мен топган нарсани сен айтасан? Нима, тилинг қичидими?

— Йўқ, ўзим.

— Бўпти. Қани бошладик. Менинг айтганимни қилсанг, ёмон бўлмайсан. Менинг бошим бош эмас, хазина.— Ибрай ўз пешонасига уриб кўрсатди. Бошланди. Губернатор кўчасига хос мақтанчоқлик бошланди.

— Қаки, опкел буқани.

Асқад ола буқани секин-секин етаклаб сигирнинг ёнига олиб келди. Ибрай уларнинг думини ўз қўли билан маҳкам қилиб боғлади. Асқад ювош буқанинг шохидан ушлаганча молхонага етаклади. Сигир ўлгур тўрттала оёғини ҳамон тираб туриб олганди. Йўқ, буқа ҳамиятли махлуқ, у ҳам бўш келадиганлардан эмас. Қараб турсак, сигирнинг ҳам, буқанинг ҳам думи чўзилгандан чўзилиб, борган сайин ингичкалашяпти. Шунда Ибрай қизишиб кетиб, буқага жипчин солди. Ола буқа жаҳл билан олдинга бир сакради. Шу пайт алланарсанинг ширт этгани эшитилди. Бундай қарасак, буқанинг думи узилиб, бир тутамгинаси қолган; шариллаб қон оқяпти. Буқа аянчли ўкириб юборди. Шаталоқ отиб, ҳовли бўйлаб югура бошлади. Уй яқинига борганида, кучи борича четон деворга калла қўйди. Девор омонатгина турган экан, ағдарилиб тушди. Буқа бечора эсдан оғгудек бўлиб девордан сакраб ўтди-ю, тепалик орқасига қараб қочди.

Биз уч кишилашиб буқанинг орқасидан югура бошладик. Уни амаллаб ҳовлига олиб келганимизда қоронғи тушиб қолганди. Оғриқнинг зўридан, кўп югурганидан буқа бутунлай ҳолдан тойган, бошини кўтаришга мадори йўқ, оғзидан муттасил сўлак оқар эди.

Дарвоза олдида бизни Искандар оғай қаршилади. У салла ўраб олган, шом намозини ўқишга отланган кўринади. Қўлида буқанинг узилган думи турарди. Асқад билан Ибрайнинг опаси рўй берган воқеани кузатиб, афтидан дадасига айтиб берган эди; Искандар оғай нима гап бўлганини суриштириб ўтирмади.

— Буни қайси итвачча ўйлаб топди? — деди у, қўлидаги думни силкитиб.

— Асқад топди, — деди Ибрай дарҳол. — Мен бунақа нарсани икки дунёда ҳам ўйлаб тополмайман.

— Яна сендан чиқдимми? Сен кимга тортдинг ўзи, итдан тарқаган!

Оллонинг художўй бандаси, мачитдан бери келмайдиган Искандар оғай, Асқаднинг қулоғига чанг солди; бир қўлида қонга беланган думни тутганча, уни молхона томонга судради. Шу куни у шом намозини ўқиш ўрнига шусиз очликдан силласи қуриб қовурғалари саналиб қолган кичик ўғлини ўласи қилиб урди. Ибрай бир зумда кўздан ғойиб бўлганди. Асқад дадаси ураётганида дод-фарёд солмади. Фақат молхона томондан буқа думининг шартиллаб урилаётганигина эшитилиб турарди.

Ниҳоят, қоронғиликда Искандар оғайнинг оқ салласи кўринди.

— Сенга нима бор, бу ерда? Жўна уйингга, — деди менга ўшқариб. Кейин тўхтамай, остонада турган қумғонни бир тепиб, уйга кириб кетди.

Мен Асқаднинг ёнига бордим. У бурчакда тўдалаб қўйилган пичан устида юзтубан ётар, ора-сира инқиллаб қўярди. Мен нима дейишимни билмай унинг олдида чўнқайиб ўтирдим. Асқад секин қўлини чўзиб менинг тиззамдан ушлади. Шу пайт яқингина жойдан Катта ойимнинг овози эшитилди. У мени чақирарди.

— Мен бу ёқдаман, Катта ойи.

— Қаердасан?

— Искандар оғайнинг молхонасида.

Катта ойим молхона эшигидан мўралади.

— Қоронғида бировнинг молхонасида нима қил-япсан?

— Асқадни отаси ўласи қилиб дўппослади. Буқанинг думи узилиб кетгани учун. Асқад ўрнидан туролмаяпти.

Катта ойим қанақа буқа, қанақа дум деб, суриштириб ўтирмади. Қоронғида туртиниб келиб, ҳамон инграб ётган Асқадни пайпаслаб топди. Эҳтиётлаб ўрнидан турғазди.

— Юра қол, ўғлим.

— Вой, курагим! — деб ингради Асқад.

Катта ойим уни ҳовлига бошлаб чиқди.

Искандар оғайнинг уйида хира чироқ ёниб турарди. Унинг ўзи хонанинг бир томонида тасбеҳ ўгириб ўтирар, хона ўртасидан парда тўсиб қўйилиб, оиланинг бошқа аъзолари парданинг нариги томонига беркиниб олишган эди.

— Қани, тасбеҳингни қўй,— деди Катта ойим овозини баландлатиб. Чол унинг гапига парво қилмади.— Сенга айтяпман,— деди Катта ойим.

Чол тасбеҳини ташламади. Лекин бармоқлари тасбеҳ доналарини ушлаганча, қимирламай қолди.

— Салом, келинойи... Марҳамат, киравер,— деди у мингиллаб.

— Диёнатинг борми?— Катта ойим Асқаднинг кўйлагини кўтариб калтак зарбидан моматалоқ бўлиб кетган, қон оқаётган курагини кўрсатди.— Сендан ҳайвон яхши. Ҳайвон ҳам ўз боласини бунчалик азобламайди. Худодан қўрқмасанг, бандадан уял. Уқиган намозинг бир пул.

— Намозим билан ишинг бўлмасин, келинойи. Худонинг қаҳрига учрамагин тагин.

— Норасида болани шунчалик уришга уялмайсанми? Билиб қўй, ёш боланинг қарғиши нариги дунёда ҳам тинч қўймайди сени.

Мен Катта ойимнинг бунчалик ғазабланганини ҳеч кўрмаган эдим. Худди жўжаларини калхатдан ҳимоя қилаётган она оққушга ўхшаб кетганди шу тсбда. Бу жўжа аслида уники эмас. Лекин бундай дейиш унчалик тўғри бўлмайди. Нима қилганда ҳам, Катта ойим овулдаги ҳамма гўдакларнинг доя онасику, ахир.

— Билиб қўй,— деди у ҳамон жаҳл билан.— Агар болани яна бир тарсаки урсанг, кунингни кўрасан. Боланинг кўнглини вайрон қилган одам яхшилик кўрмайди.

Искандар оғай олишиб ўтирмади. Агар Катта ойим эмас, бошқа одам ўртага тушганида олишиши аниқ эди. Лекин овулда Катта ойим билан гап талашадиган одам йўқ.

— Ҳой, қаерда қолдиларинг,— қичқирди Искандар оғай чодир орқасига қараб.— Чой қўймайсанларми, меҳмон келди.

Чодирнинг нариги томонидан тарақ-туруқлаган то-



вуш эшитилди. Лекин унга ҳеч ким жавоб қилмади. Катта ойим Асқадни ўриндиққа ўтқазиб қўйди-да, икковимиз бу ердан кетдик.

— Катта ойи, буқанинг думи яна ўсиб чиқади-ми?— деб сўрадим уйга қайтаётганда.

— Ўсиб чиқади. Дунёда ҳамма нарса ўтади, унутилади. Фақат яқин кишингдан кўрган озор, жафоларгина унутилмайди.

Ушанда мен бу гапнинг маъносини унчалик тушунмаганман. Байрам арафасида Асқаднинг бошига яна бир кулфат тушди.

Кўчамиздаги ҳамма болалар байрам куни пешиндан кейин Оқманай кўлига отларни чўмилтиргани олиб борамиз, деб келишиб қўйган эдик. Тўнғич акам Муртазо, тўриқ отимизни чўмилтириб келиш учун менга ҳам рухсат берганди.

Оқманайда от чўмилтиришнинг ўзи бир байрам. Кўлга боришдан олдин ҳар бир бола ўз отини қашлагич билан яхшилиб тозалайди. Баъзилар отнинг ёлига ранг-баранг пилталар ҳам тақиб қўйишади.

Лекин бизнинг уйимиздагилар бунақа бачканаликни ёқтиришмайди. Мен бўйим етганича отни тозаладим. Бўйим етмаган жойларини устига миниб олиб текисладим. Кейин эса, Асқадникига бордим.

Асқаднинг курагидаги яра излари анча билинмай қолган, моматалоқ бўлиб кетган юзи ҳам хиёл ўзига келган эди. Биров нима бўлди, деб сўраса буқа сузиб олди, деб жавоб берадди. Менга ҳам шундай дейишни тайинлаганди. Бечора буқага думи узилгани етмагандай, бу айб ҳам юкланган эди.

Уларнинг ҳовлисида бир кўзли қирчанғи от худди куёв келишини кутиб турган, пардоз қилиб олган келинчакдай ясатиғлиқ турарди. Шунақа ясатилганки, кишининг оғзи очилиб қолади. Иккита қулоғига иккита рўмолча танғиб қўйилибди. Ёлларига кўк, қизил ленталар боғланган. Ҳатто, олдинги оёқларига оппоқ лента ўраб қўйилган. Думини айтмайсизми? Думи шу қадар ярақлатиб тозаланганки, офтобда ялтирайди. Майда сўлкавойлар ҳам илиб қўйилган. Фақат шўрликнинг айби бир кўзи кўр. Тагин худди ўша кўр кўзини ҳадеб пирпиратаверганидан шилпиқ босиб кетган. Отни безатишга шунча ялтир-юлтир нарсаларни қаердан топишган экан? Ҳа, ака-укалар

иккита бўйи етган опасининг бисотини титкилаб сандиқни роса ағдар-тўнтар қилишибди-да. Ким билсин, балки, опаларининг ўзи беришгандир. Асқад шўрлик калтак еб ўлар ҳолатга келганидан кейин, опалари уни анча аяйдиган бўлиб қолишган. Ибрай билан Асқад бўйни қисқа, қорни катта отнинг икки томонида туриб олишган, турган ерларида депсинишиб, барава-рига қўшиқ айтишар эди:

Чу, тулпорим, парвоз эт,  
Туёгингда ёнсин ўт.  
Оққуш каби ёлинг бор,  
Пешонагда холинг бор.  
Чу, тулпорим, парвоз эт,  
Туёгингда ёнсин ўт.  
Шамол каби уча қол,  
Уфқларни қуча қол.  
Чу, тулпорим, парвоз эт,  
Туёгингда ёнсин ўт.  
Кимки сени минолса,  
Миниб йиқилмай қолса,  
Шудир энг шоввоз йигит,  
Хон қизига мос йигит.  
Думинг қундузга ўхшар,  
Кўзинг юлдузга ўхшар.  
Чу, тулпорим, парвоз эт,  
Туёгингда ёнсин ўт.

Тулпор жонивор мақтовларни эшитиб миқ этмай турар, ҳатто думини қимирлатишга ҳам ҳафсаласи йўққа ўхшарди. Фақат «Кўзинг юлдузга ўхшар» деган мақтовни эшитганда, бир силкиниб қўйгандек бўлди. Бундай ортиқча мақтовга ори келди, шекилли. У тўсатдан Асқад томонга бурилди-да, чап қулоғини ғарч этиб, тишга олди. Буни қаранг, эртага ҳайит дейдиган кунни ҳам шунақа фожиа бўладими?

Хуллас, бу сафарги байрам қувонч келтирмади. Бу ёқда мен қон туфуриб ётибман, у ёқда дўстим бутун бошли қулоғидан айрилди.

...Учкўроз кўчасида турадиган қария Қодирқулнинг ўғли Эшмирза туғилганида Катта ойим иккала-мизни яна чақиринди. Бу сафарги туғуруқ байрами менинг охирги байрамим бўлди. Эшмирзанинг шарафига берилган зиёфатдан дўстимнинг насибасини

олиб чиқдим. Иккала чўнтагимни тўлдириб чакчак солиб олдим. Чўнтагимнинг биттасидаги чакчакни одатдагидек синглим билан укамга бўлиб бердим. Лекин иккинчисини асраб қўйдим.

Кечқурун тўриқ отимни миниб Асқадларнинг уйига бордим. Асқад ҳам ўзининг қирчанғи отини миниб чиқди. Даранинг нариги томонига ўтиб, отдан тушдик. Иккаламиз ўтлар устига ўтириб олдик. Мен чўнтагимдан чакчакни олмоқчи эдим, ёпишиб қолибди; «ажратиб олиш учун чўнтагимнинг авра-астарини ағдаришга тўғри келди. Асқад чакчакни иккига бўлиб, ярмини менга узатди.

— Йўқ, тўйиб кетдим. Мана бу еримда турибди,— деди томоғини кўрсатиб. Асқад ўз одатига биноан чакчакни шошилмасдан тановул қилишга киришди.

— Бугун яна калтак едим,— деди дўстим йўқ қулоғининг ўрнини силаб.

— Нимага?

— Ашула айтгандим. Дадам эрталаб турса боши, юз-кўзи товуқ пати билан қопланиб ётибди; «ухлаб ётганида ёстиқ йиртилиб кетган экан. Мен қандай қилиб бу воқеани қўшиққа солиб юборганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Бундай:

Дадам титиб чиқибди,  
Тушда ёстиқ ичинин;  
Энди бизга, аламдан  
Кўрсатади кучини!

Дадам менга: «Мана сенга шайтонвачча!» — деди-ю, бошмоғи билан савалаб қолди. Шунақа оғрийдиган жойимга тегдики, икки букилиб нафас ололмай қолдим. Албатта, айб ўзимда. Тилимни тийиб юрсам ўлармидим!

Бир қулоғи чиноқ бўлиб қолган Асқад четдан қараганда битта тутқичи синиб тушган самоварга ўхшаб кетарди. Ўзиям сап-сариқ. Ҳатто, сочлари ловиллаб турганга ўхшайди.

Тоғ этагида қизғиш-кўкиш шафақ кўзга ташлаварди.

— Кун бўйи осмон ерни нурга тўлдиради. Шунинг учун кечқурун ердан нур кўтарилади,— деб тушунтирди Асқад.

Тўппа-тўғри гап. Бўлмаса ерга нур қаердан келсин? Агар кўкиш нур ердан кўтарилса, туманнинг ўзгинаси бўлади. Сокин оқшом эди. Осмонда на бир парча булут, ерда на қилт этган шамол бор. Шу пайт олисдан кўнгилни ларзага соладиган қўшиқ садоси элас-элас эшитила бошлади. Чамаси, кимдир от миниб келар эди: пиёда юриб келаётган киши бундай бемалол қўшиқ айтолмайди. Мана, ўзимдан қиёс. Отга минишим билан қандайдир қувониб кетаман ёки баъзан худди жиннилардек илжаявераман.

Бизга қўшиқнинг сўнгги сўзларигина аниқ эшитиларди.

«...Ўзганинг гўрига кирмайди одам...»

— Бу Рамазон, Шайхнинг ўғли,— деди Асқад овоз эгасини таниб.— Бечора отасига жуда куяди.

Бир ҳафта илгари бутун овулни ларзага солган воқеа рўй берганди. Ака-ука Кашофиддин билан Шайхиддин Лекаревка қишлоғи яқинида, Дема дарёси устида кўприк қуришаётган эди. Кўприк битай деб қолганида, Кашофиддин дарёга тушиб кетибди. У сузишни билмас экан. Шайхиддин акасини қутқараман, деб ўзини сувга отади. Буни қарангки, дарёга калла ташлаганча, қайтиб чиқмайди. Сузишни билмайдиган Кашофиддин эса, амаллаб қирғоққа чиқиб олади. Шайхиддиннинг ўлигини уч кундан кейин, анча наридан топиб келишади. Бечора боши билан сув остидаги ғўлагами, илдизгами урилган бўлса керак.

Рамазоннинг товуши аллақачон тинган бўлса ҳам қўшиқ садолари ҳамон қулоғимизда жаранглаб турар эди.

«Ўзганинг гўрига кирмайди одам».

— Асқад менга қара,— дедим маъюс бўлиб қолган дўстимга қараб.— Ахир, Шайхиддин ўзининг эмас, акасининг гўрига тушган-ку. У эмас, Кашофиддин ўлиши керак эди-ку.

— Билмадим,— деди Асқад бошини чайқаб.

Мен бу гапни Катта ойимдан сўрашим керакка ўхшайди. Болаларнинг қандай туғилишини Катта ойимдан яхши биладиган одам йўқ; демак, кишиларнинг ўлишини ҳам Катта ойим яхши билиши керак.

Шунга қарамай, мен Катта ойимдан буни сўра-

мадим. У ўлим, ажал тўғрисидаги гапларни ёмон кўрарди.

Асқад узоқ жимиб қолди. Ниҳоят яна сирли оҳангда сўз бошлади.

— Бу дунёда мен ўзим учун ҳам, бошқа бола учун ҳам яшаётганим йўқ. Лекин менинг иккита сирим бор. Агар бировга айтмайман, деб қасам ичсанг, сиримни очишим мумкин.

— Нон урсин...

— Сизларнинг кўчада турадиган қора соч, қора кўз Фариди деган қиз бор. Биласан-а? Баланд уйда туришади, бечора етимча қиз.

— Биладан.

— Ўгай ойиси Фаридидага ҳар куни азоб беради. Шўрлик худди менга ўхшаган бахтсиз. Бу тўғрида менга Муқаддас жилга бўйидаги яшин уриб кетган қўшалок қайинлардан биттаси ҳикоя қилган. Шу қизни мен ҳамма нарсадан яхши кўраман. Унга жуда раҳмим келади. Ҳатто, ўзимга ҳам бунчалик ачинмайман. Мен унга атаб қўшиқ ҳам тўқиганман:

Зим-зиё кулбада қиз —  
Бечора тўкар кўз ёш.  
Қалбим ўртанар ёлғиз,  
Менда йўқ бунга бардош.

Шу ашулани айтиб йиғлайвераман.

— Сенинг йиғлашингдан унга нима фойда?

— Ҳозир фойдаси йўқ. Лекин катта бўлганимдан кейин, уни яхши кўриб қоламан. Бир баҳор куни саҳарлаб уни қўлидан тутиб, олиб кетаман. Иккаламиз қуёш томонга йўл соламиз. Йўлимизда қушлар сайрашади, капалаклар учишади: бизга гўёки йўл кўрсатишади. Гуллар ҳам бизнинг қувончимизга шерик бўлишиб, таъзим қилишади. Илонлар ин-инларига кириб кетишади. Бўрилар уяларига қочишиб, даф бўлишади.

Биз қуёшга қараб, юксалиб бораверамиз, бораверамиз. Энг баланд чўққига чиқамиз. Ҳатто Қизтепа ҳам пастда қолиб кетади. Ўша энг баланд чўққининг устида ҳаммаёқ ўт-ўланлар билан қопланган бўлади. Сал эгилсанг, ўтлар орасида ғойиб бўлиб кетасан. Ўша ерда мен Фариданинг чап юзидан секингина ўпиб оламан. Унинг чап юзида холи бор...

— Бор-э! Топган гапингни қара-ю!

Асқаднинг бировни ўпиши менга унча ўтиришмади. Фариданинг унга ўптириши эса, баттар ғашимни келтирди.

— Нима қипти: яхши кўрганлар ўпишишади-да. Бошқа иложи йўқ. Мен ҳозир эмас, катта бўлгандан кейин, деяпман-ку. Агар Фарида етимча бўлмаса-ю, ўгай ойиси унга азоб бермаса, мен уни, эҳтимолки, яхши ҳам кўрмасдим. Ўша иккита қўшалоқ қайинлардан бири менга бундай деган: «Ожизга суянчиқ, ёлғизга ҳамроҳ керак». Фарида ҳам, мен ҳам ожиз одамлармиз. Бизлар бир-биримизга суянчиқ бўлишимиз керак. Лекин сен буни ҳеч кимга айтма.

— Қасам ичдим-ку. Ишонмайсанми?

— Ишонишга ишонаман-ку...

Асқаднинг ошкор бўлган сири менга ёқмади. Тўғри, биламан. Асқад Фаридани баланд чўққиларга олиб чиқади, нурга кўмади, унга сайроқи қушлар тутиб беради, булоқдек шарқираган қўшиқ айтади. Улар осмону фалакка парвоз қилишади. Мен буни биламан, Асқаднинг куч-қудрати кўп.

Лекин мен Фаридани ҳам биламан. Ҳар гал уларнинг дарвозаси олдидан ўтаётганимда дўппимни яхшироқ кийиб оламан, иложи борича бурнимни тортмасликка ҳаракат қиламан. Асқад шунинг учун ҳам менга ўз сирини бекорга айтди. Демак, ўша қоп-қора сочли, қора кўз, чап юзида холи бор қизга мен муносиб эмас эканман-да. Нега деганда, мен ҳали дунёда ҳеч қандай ғам-ташвиш кўрганим йўқ.

Нима бўлиб, бошимга қандай кун тушганида ҳам, дўстимнинг сирини бировга айтмайман энди. Ёпиғлиқ қозон ёлиғлиқ. Асқад менинг ўйланиб қолганимни сезмай ҳамон сўзида давом этарди:

— Агар биз қушлар бўлсак, олис-олисларга учиб кетардик. Мен уни бунга кўндирардим.

— Сен қанақа қуш бўлардинг? Оққушми, чуғурчуқми?

Асқад узоқ ўйланиб қолди. Кейин, жавоб берди:

— Йўқ, мен бари бир қуш бўлмайман. Агар қушга айланиб қолсам, қуюн мени ўраб олиб, бошқа ёқларга олиб кетади.

— Қанақа қуюн?

— Иккинчи сирим ана шу-да. Қани, қасамингни қайтар.

— Нон урсин, бировга айтмайман!

Мен Асқаднинг озгин юзига тикилиб, шундай қасам ичдим. Унинг мовий кўзлари ўйчан боқар эди.

— Мен-чи, асли бу ерда эмас, бошқа ажойиб бир мамлакатда туғилганман. У ёқларда майсалар гилам бўлиб ётади, ширин-шакар мевалар пишади. Бир куни кучли бўрон бўлганда, қуюн мени осмонга кўтариб тубсиз даралар, қоронғи ўрмонлар, чексиз дала-лар устидан олиб ўтиб, шу ерга келтириб ташлаган. Менинг ўрнимга бу ердан бошқа болани опқочиб кетган. Шундай қилиб, мен ҳам, у ҳам адашганмиз. У бахтли, мен эса, бир умр бахтсиз бўлиб қолганман. Агар мен бундай бегона юртлардан келиб қолган бўлмасам, шунчалик хор қилишармиди? Вақти етиб, яна ҳамма нарса ўзгаради. Мен яхши биламан; ташвиш билан қувонч ёнма-ён юришади. Кўрарсан, бир куни ўша қайин ортидан қуюн кўтарилади-ю, биз яна олим-ларга учиб кетамиз. Ҳар гал шамол туриши билан саройнинг томига чиқиб олиб, шамол кўтариб кетармикин деб, кутиб тураман. Лекин ҳозирча бунинг вақти етгани йўқ.

Мен қўрқиб кетдим:

— Демак, сени ажина алмаштириб кетган экан-да. Бундан чиқди сен шайтоннинг боласи экансан-да.

— Йўқ, шайтоннинг боласи қоп-қора бўлади. Айтяпман-ку. Мени бу ерга ўзга мамлакатдан — бахтиёрлар мамлакатидан шамол олиб келган. Кўрарсан, ўз одамларим мени бир куни бари бир топиб олишади...

Ушандан кейин, кўп бўронлар бўлди, кўп довул-лар турди. Лекин улар менинг дўстимни олиб кетишди. Асқад бу ҳақда бошқа гапирмади. Мен ҳам эслатмадим.

Шундай қилиб, қисмат билан беллаша-беллаша, аста-секин ўса бошладик. Бўйимиз чўзилиб, всяга етиб қолдик. Асқад ўйчан, оғир-босиқ йигитча эди. Кичкиналигида Искандар чол уни мактабга юбормаган эди. «Ўқиб олим бўлармидинг, тирикчиликдан қолма», — дерди у. Кейинчалик Асқаднинг ўзи ҳам ўқишга қизиқмайдиган бўлди. Шундай қилиб, у амаллаб ҳарф ажратадиган чаласаводлигича қолиб кетди. Лекин бутун овулда, ҳатто қўшни овулларда ҳам галга чечан, аскиябоз, қўшиқлар тўқийдиган йигит деб,

ном чиқарди. Баъзан гапга чечанлиги ўзининг бошига бало келтирарди. Шунга қарамай, у ўз билганидан қолмас, «Бошинга не келса тилингдан келар» деб, ҳасрат қилиб қолса ҳам, бари бир феълени ўзгартирмас эди. Йиллар ўтиб, кунлардан бир куни қора тўфон бошланди. Бу тўфон бутун мамлакатни ларзага солди; овулимиз йигитларини ҳам олис-олисларга олиб кетди. Аммо бу шамол Асқад айтганидек бахтиёрлар мамлакатидан эмас, қора ниятли жойлардан келганди. Асқад орзу қилинган худди ўша ям-яшил майсалар билан қопланган бахтиёр мамлакат ўзи яшаб турган жой эканлигини болалигида билмаганди. Биз бунга кейинчалик тушундик. Тўфон бизни тез орада тоблади, чинакам мардларга айлантирди. Бировнинг бошига шараф тожи қўнса, бировни ўлим ўз оғушига олди. Ҳар ҳолда, мана шу тўфон аро, жонажон юртимизнинг қутлуғ нури порлаб, шарафга чўмилган мардларни ҳам, шу йўлда ҳалок бўлган марҳумларнинг мозорини ҳам бирдан ёритди.

Оловли тўфон кўпларни борса-келмас манзилга олиб кетди. Асқад ҳам дом-дараксиз йўқолди. Лекин мен бунга ишонмайман. Асқад изсиз йўқоладиган одамлардан эмасди. Чоғимда унинг кўзларидаги мовийлик осмонга сингиб кетганга ўхшайди. Асқаднинг тупроққа қоришиб, жон берганига ҳеч ишонмайман. Балки у от устида елдек учиб бораётганида ўқ еб эгардан учиб кетгандир, балки баландда, осмон фалакда ўз самолётида ёниб, ҳавога сингиб кетгандир. У чиройли одам эди. Йўқ, гўзал эмас, шунчаки чиройли одам эди. Мен чиройли одамларнинг хунук алфозда ўлишига ишонмайман. Асқад шоир эди. Шоир эса, ҳеч қачон хунук тарзда ўлмайди.

Орадан йиллар ўтди. Мен йиллар шамоли уни хотирамдан ўчириб юбормасмикин деб, ташвишланиб турган бир пайтимда, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хабар етиб келди. Бу хабар бутун ер курраси узра таралди. Бу хабарни курраи заминдан осмон йўлига сўқмоқ очишга аҳд этган жасур йигит олиб келди, дейишади. Унинг айтишига қараганда, самовотнинг олис бурчагида сочлари оловдек нурланиб турган, кўзлари мовий, бир қулоғи чиноқ йигитни кўрган эмиш. Ўша йигит бир сайёрадан иккинчи сайёрага учиб ўтиб, қўлида машъала тутганча, ўчиб қолган юлдуз-



ларни ёқиб юрганмиш. Сўнай деб турган юлдузларга эса, нур бағишлаётганмиш. Бошқаларни билмадим, лекин мен бу хабарга жуда ҳам ишонаман. Негаки, бу гап шоир ҳақида. Демак, шоир дўстим ўзининг энг асосий вазифасига киришибди.

### ШАРМИСОР ШАҲАР

Валиддин уйининг орқасида ўтин ёряпти. Ҳар болта урганида, осмонга қараб нола қилади:

— Ё худо! Биттамининг жонимизни ол. Ё мени ўлдир, ё мана шу бувимни! Ҳар куни ўтин ёрдира-вериб, тинкамни қуритиб юборди.

У яна истар-истамас қайин тўнкасига болта уради. Утин жонивор ҳадеб сакрайди-ю, ҳеч ёрилай демайди.

— Утин чайир... Болта ўтмас...— дейди у алам билан.— Нима учун мени бунчалик омадсиз яратгансан!

Валиддин бошидан дўпписини ечиб, ерга урди. Дўппи ерга тушган жойда осмонга чанг кўтарилди. Валиддин яна кўм-кўк осмонга қараб, тикилиб қолди. Унинг жавдираб турган кўзларидан тирқираб ёш чиқди.

— Эй, яратган эгам. Мен етимчанинг жонимни олиб қўя қолсанг, нима қиларди. Майли, бу дунёда шум кампир яшай қолсин. Мол-давлатию топган-тутгани ўзига сийлов. Эшитдингми, худо!

Валиддин билан унинг мункиллаб қолган бувиси Ғазалнисо бирга туришади. Валиддиннинг отаси Герман урушидан қайтмаган. Онаси эса Қусум овулига бошқа эрга тегиб кетган. Валиддин айтаётган «молдунё» уларнинг бир шохи синган яккаю ягона олабула эчкиси. Эчки дейишга ҳам тил бормайди; қуёндек келади. Мана шу эчки кўпинча бутун овулнинг молларини аллақабққа бошлаб кетиб қолади. Валиддиннинг мақтанишини кўрсангиз: «Бизнинг ола эчкимиз бутун бир подага бошчилик қилади. Аллақандэй эси йўқ сигирлару телба қўйлар — ҳаммасини ўзи истаган томонга етаклаб кетаверади. Тўғри, сути унчалик кўп эмас, лекин бари бир кўпчиликка бош бўлиш осонми?»

Унинг назарида, эчкисини ҳамма ҳурмат қиладиган. Аслида эса, унчалик деб, бўлмайди. Яқинда Кн-

чик ойим сувлдаги хотинлар даврасида қолиб кетиб уйга кечроқ қайтганида, отам унга шундай деб қолди: «Нима бўлди, хоним? Худди Ғазалнисонинг эчки-сига ўхшаб бошинг айланиб қолдими?» Кичик ойим секингина беписанд кулиб қўя қолди.

Мен Ғазалнисо бувининг уйида бир чеккада Валиддинни кузатиб турибман. Ниҳоят, у болтани улоқтириб юборди-да, нарида ётган харининг устига ўтирди. Ҳамон кўзларидан ёш оқарди. У анчагача жим ўтирди-да, яна осмонга қараб илтижо қила бошлади:

— Ё худо! Бояги сўзимни қайтиб олдим. Иккаламиз ҳам омон бўлайлик. Мен ўлиб кетсам, бувим бечора нима қилади? Икки киши, ҳарқалай, икки ёрти бир бутун бўлиб, бир-биримизни суяб яшаймиз.

Шунда мен Валиддинга ачиниб кетдим. Бувисига ҳам раҳмим келди. Бирдан йиғлаб юбордим. Валиддин чўчиб менга ўгирилди. Аввалига қўрққаниданми, ўзини йўқотиб қўйганиданми, турган жойида қотиб қолди. Кейин унинг сўзини эшитган бегона одам «бор-йўғи мен» эканимни кўриб, анча ўзини босиб олди.

— Ким сени хафа қилди?— сўради юмшоқ товушда.

— Ҳеч ким.

— Нега бўлмаса йиғлайсан?

— Сенга ачиниб кетдим. Яхшиям бояги сўзларингни қайтиб олдинг. Нариги дунёга бориб, нима ҳам қилардинг, ахир?

Тўғриси, бу менинг ҳаётимда биринчи марта ўзгаларнинг ғамига шерик бўлиб, кўз ёш тўкишим эди. Ўзгалар билан қўшилшиб қачон қўшиқ айтганим эсимда йўқ. Чамаси, бу нарса кейинроқ, анча кейинроқ рўй берган бўлса керак...

— Сен ҳам йиғламадинг, мен ҳам; тушундингми?— деди Валиддин.— Эркак киши йиғласа ярашмайди; айб бўлади.

— Тушундим!— дедим яхши тушунмаган бўлсам ҳам. Бу гапни мен кейин ҳам тушуниб, ўзимга қабул қилиб ололмадим. Баъзан ҳаётда чинакам эрлар увесс солиб йиғлашганини кўрганимда ҳам, ҳайрон бўлмадим; уларни айбламадим. Агар дунёда тошдан сув силқиб чиққанида ҳам, сира ажабланмаган бўлардим. Негаки, баъзан шундан бошқа илож қолмайди.

— Агар мана шу тўнкани уч марта уришда ёролмасам отимни бошқа қўяман,— деди Валиддин. Кейин, кафтига уч марта туфлаб олди. Болтани қўлига олиб, шиддат билан бошига кўтарди. Биринчи урганида тўнкадан пайрача учиб кетди. Бундан сўнг Валиддин шу қадар шиддат билан болта ура бошладикки, тўнка ўзидан-ўзи майдаланиб кетди. Ё болта ўткирлашиб қолган, ё тўнка юмшаб қолган эди.

Ҳовлига Ғазалнисо буви чиқди. Неварасига қараб туриб суюнди:

— Баракалла, тойчоғим! Бир ишни бошласа, охирига етказмай қўймайди. Суянчиғим ўзингсан. Қара-я, ишга қизиқиб кетганидан дўпписини ҳам олиб қўйибди. Ерған ўтинларини уйга ташиса, янаям ақлли йиғит бўларди-да...

— Мен олиб кираман,— дедим ўтинларни шошапиша кўтариб.

— Илойим, умрингдан барака топ. Сен ҳам яхши бола экансан,— деди кампир мени ҳам мақтаб.— Бировга яхшилик қилсанг, худо сенга юз ҳисса қилиб қайтаради.— У шундай деди-ю, уйга кириб кетди.

Бир зум ичида икки қучоқ ўтинни ташиб қўйдим.

Уларнинг хонаси кичкинагина эди. Қишин-ёзин юқори кўчанинг болалари шу ерга тўпланишади. Негаки, бу ерда хоҳлаган шўхлигингни қилишинг мумкин. Биров мушугингни пишт демайди. Шунинг учун ҳам биз Ғазалнисо бувининг бир сўзини икки қилмаймиз. Инсоф билан айтганда, кампирнинг невараси ҳозир мақтаганчалик мўмин-қобил бола эмас. Бир ишни хоҳласа қилади, хоҳламаса иккала оёгини бир этикка тикиб тураверади.

Бу ерга биттамыз келдикми, дарров бошқа болалар ҳам йиғилиб қолишади. Мана ҳозир ҳам мендан кейин Ҳамидхон, унинг кетидан Шайхаттор, кейин Иброҳим билан Асқад, ундан кейин Ҳусаённинг ўғли Муҳаррам, Оқ Юмагулнинг ўғли Анвар, яна бошқа болалар келишди. Охирида жўрабошимизнинг ўзи ташриф бурди.

Туш пайтигача ҳар ким ҳамма ерда банд бўлади. Биров уйдаги юмушларни бажаради, биров ўзи ўйнаб юраверади. Кечқурун эса, бу ерга йиғилишиб иккига бўлинишамиз-да, уруш-уруш ўйнаймиз. Бу ўйиннинг номи «Герман уруши» деб аталади. Мен яна аввал-

гидек «Рукавказ» бўлишни жуда истайман. Фақат шуниси ёмонки, мени нуқул бир томондан иккинчи томонга ўтқазиб туришади: гоҳ Россия томонда, гоҳ Германия томонда жанг қилишимга тўғри келади. Нима бўлганда ҳам шиддат билан жанг қиламан. Пешонамиз гурра бўлиб, бурнимиздан қон оқмаган пайтлар жуда кам, тугмаларнинг узилиши ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Катта ойим тугма етказиб беролмайди.

«Герман уруши» энди бошланай деб турганда, Омадли Қўл лақабини олган Насиб ҳарсиллаб келиб қолди. Шу Насиб ҳам ғалати бола-да. Бирон ишни бошлашимиз билан ўртага суқилади. «Келинг, болалар шу ишни мен бошлаб берай, қўлимнинг омади бор»,— дейди. Балиқ овламоқчи бўлсак, қармоқни биринчи ташлайди. «Менинг омадим бор. Қармоқни ташласам бас, балиқ ўзи илинади». Шундай дейди-ю, сувга қармоқ ташлайди. Қармоқ сувда тураверади-тураверади. «Ҳозир,— дейди Насиб шивирлаб.— Балиқ бизни алдаяпти, бирпас сабр қилиб турсак, каттаси илинади». Сабр қилиб ўтираверасиз, ўтираверамиз, балиқ тугул чувалчанг ҳам илинмайди. Ёки ўрмонга қўзиқорин излаб борсак ҳам энг олдин Насиб ўртага тушади. «Шошманг болалар, биринчи қўзиқоринни мен уза қолай, ҳаммамизнинг омадимиз келади». Омад ўлгур қани қорасини кўрсатса. Эсимда бор, ўтган йили арпа ўроғи пайтида Насиб яна бундай деб қолди: «Дада, аввал арпага мен ўроқ солай, қўлим енгил, иш яхши юришиб кетади». Шундай деб, ўроқни бир тортган эди, чап қўлининг жимжилогини суягигача кесиб олди. Бечора Насибнинг омадли қўли бунақа синовларни кўп кўрган. Тепаликка чиқиб қоялар орасидан қуш тухумини қидираётганида, тош бармоғини мажақлаган. Ора-сира қўлини эшик қисади. Шунга қарамай, у ўзининг омади баландлигига мутлақо шубҳа қилмайди. Унинг ҳамма ерга бурнини суқавериши кўпинча менинг жаҳлимни чиқаради. «Узини кўрсатмоқчи» деб, ўйлайман ғашланиб. Насиб ўзи учун эмас, ўзгалар учун омад тилаб юришини кейинчалик тушундим. Пайти етиб, у қўлининг чиндан ҳам омадли эканлигини одамларга кўрсатди. Бир умрга исботлади.

Шундай қилиб, «Герман уруши» бошланай деб

турганида, Омадли Қўл ҳарсиллаб келиб қолди-ю, янгиликни маълум қилди.

— Болалар! Ҳозир менинг отам Думалоқ Толиб билан гаплашди. Думалоқ Толиб айтдики, руслар шаҳарда тешиккулча байрами ўтказишибди. Бу байрамда хоҳлаган одамни тешиккулча билан сийлашармиш. Текинга. Оппоқ тешиккулчалар эмиш. Йўғонлиги ҳам мана бундай келармиш,— у қўлини доира қилиб кўрсатди.

Бу янгилик чиндан ҳам ҳайратланарли эди. Ҳаммамизнинг оғзимиздан сувимиз келиб, лом-мим деёлмай қолдик.

— Ёлғон айтяпти,— деди биринчи бўлиб Шайхаттор. У ҳар гапдан ўзига манфаат изларди. Мана шу Шайхатторнинг темир конькиси бор. Унинг конькисидо Оқ Юмагулнинг уйи олдидаги тепаликдан икки марта пастга сирғаниб тушган бола бир тийин тўлаши керак. Олти марта тушса, уч тийин тўлайди. Вундан ортигига чўнтакнинг қурби етмайди. Қиш келиши билан менинг ҳам чўнтагимнинг таги кўриниб қолади.

— Ёлғон гап бўлса, отам ишонармиди? Отам ёлғон гапни дарров сезади.

— Тўғри, Думалоқ Толибнинг алдаш одати бор,— деди Шаҳидулла энди тилга кириб.— Лекин шаҳарда тешиккулча байрами ўтаётган бўлиши ҳам мумкин.

— Албатта, мумкин,— деди Валиддин жўрабошининг сўзини маъқуллаб.

— Лекин бунақа байрам нимага бўлади? Қани ким айтади?— сўради жўрабошимиз.

Биз ҳаммамиз унинг юпқа лабларига тикилиб, индамай туравердик. Ҳозир худди инидан парвоз қилган чуғурчуқдай унинг оғзидан жавоб отилиб чиқади. Аммо анчагача жавобдан дарак бўлмади. Ўрнига яна сўроқ давом этди:

— Тешиккулча қаердан чиққан?

— Қаердан бўларди, тандирдан-да,— Иброҳим билағонлик қилишга шошилди.

— Тандирдан сен чиққансан. Фақат шошилиброқ чиққансан,— деди жўрабошимиз ачитиб.

— Уни оқ ундан ёпишади,— деди Оқ Юмагулнинг ўғли Анвар қўшимча қилиб. Аммо Шаҳидулла унинг сўзига парво ҳам қилмади.

— Руслар тешиккулчани «калач» дейди. Калач сўзи эса, «Қалъа» сўзидан олинган. Қалъа дегани, шаҳар дегани. Демак, тешиккулча, шаҳарликларнинг нони, дегани бўлади.

Бизнинг қариндошимиз Шаҳидулла оғай ана шу нақа билимдон бола!

— Бўлса, нима? — деди Шайхаттор. — Келинлар, яхшиси «Қушим боши» ўйнаймиз.

— Тешиккулча байрами қачон бўлибди?

— Билмадим. Лекин Думалоқ Толиб дадамга айтдики, байрамни ўз кўзи билан кўрибди. Тешиккулчани ўз оғзи билан ебди.

— Қачон ебди? Кечами, бугунми, ё бир йил илгарими? — деди Шаҳидулла жаҳли чиқиб. Насиб бутунлай ўзини йўқотиб қўйди.

— Бугун гапирди-ку, бугун еган бўлса керак-да... Эҳтимол, кечадир, — деди мингиллаб. — У шаҳардан кела туриб, бизникига кирди-да.

— Думалоқ Толибинг янаги йилга ов қиладиган қуёнини ҳозирдан мақтайди. Лекин бултурги янгиликни шу пайтгача асраб ўтирармиди, — деди орамиздаги энг ювош бола Муҳаррам, энди гапга аралашиб. Унинг ёши Шаҳидулла ва Валиддин билан барабар. Бўйи ҳам шуларга тенг келиб қолади. Аммо одамларга буйруқ бермайди. Биров билан баҳслашиб ўтирмайди.

— Агар қуённинг ўзи йўқ бўлса-чи, — деди Шайхаттор шубҳаланиб.

— Йўқ нарсани гаприб ўлибдими? Гапида жон бор-да.

— Бор гапни айтайми? — деди тўсатдан Валиддин.

— Қани!

— Мен русларнинг одатини биламан. Улар бир байрам қилса, бир ҳафтагача ўйин-кулги қилышади. Бозор куни бошланган байрам янаги бозоргача давс олади.

Валиддин бир нарсани билмаса, гапирмайди. Ойини эрга текканида уч ойми, тўрт ойми русларнинг қишлоғида, бировнинг уйида яшашган. Уша ерда чўчқа бўлиб хириллашни ўрганиб келган. Шунақа келиштириб хириллайдики, бувиси эшитса, жон-пони чиқиб кетади. Лекин русча гапиришни ўргана олмаган.

— Бугун қанақа кун? — сўради жўрабошимиз.

— Жума. Бугут мачитда жума намоз ўқишди, — деди Асқад.

— Унақа бўлса, тешиккулча байрами ҳали давом этаётган экан, — деди Шаҳидулла. Унинг юзида тантанали аломат пайдо бўлди. — Кимки тўйгунча тешиккулча емоқчи бўлса ўнг томонимга ўтсин.

Шайхаттор билан Муҳаррамдан бошқа ҳамма ўрдак болаларидек саф тортишиб, жўрабошимизнинг ўнг томонига ўтишдик.

— Сенлар-чи, тешиккулчага тўйдиларингми?

— Мен бормасам керак, — деди Шайхаттор елкасини қисиб.

— Бугун биз дадам билан Уршакка тегирмонга борамиз. Арпа тортиб келишимиз керак, — деди Муҳаррам. — Арпа нонга қорнимиз тўймайди-ю, бизга тешиккулчани ким қўйибди?!

Бизлар эса, бир марта тешиккулча ейиш учун 25 чақирим нарига боришга тайёр эдик. Бу нима, очкўзликми ёки аҳмоқликми? Ё, бунинг сабаби бошқамикин? Мана бугун, сочимга қиров қўнган пайтда мен ўша дамларга назар солиб қарасам, гап тешиккулчада эмас, ҳамма гап ўзимизда экан, деб ўйлаб қоламан. Негаки, биз болалик қувончидан маҳрум бўлиб яшаганмиз. Биз заррача шодликка муҳтож бўлиб яшадик. Шунинг учун ҳам бўйимиз етиб шууримиз ақлга, қалбимиз эҳтиросга тўлганида ана ўша меҳр-муҳаббат учун ҳар қандай синовларга бардош беришга тайёр турадиган одамлар бўлдик. Биз сеvimли кишимизнинг меҳрибон табассуми учун минг чақирим йўл босишга, ажал кезиб юрган жанг майдонларига кириб бир зумлик меҳр-оқибат учун кўксимиздаги ярадан оқаётган қонни кафтимиз билан тўсганча, тишимизни-тишимизга босиб туришга ўргандик.

— Шаҳидулла! Нима бало, Ғазалнисонинг остонасига туз сепилганми, қачон қарасанг, ўша ерда бузоқлар ўралашгани ўралашган. Ана, даданг маст бўлиб келди. Отини боғлашга мадори йўқ. Тавба, буларнинг дастидан ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим. Бири пиёниста, иккинчиси овсар, яна бири саёқ. Шаҳидулла, сенга айтяпман!

Бу Минглакай янганинг товуши. У жўрабошимизнинг ойиси. Кўчанинг нариги томонидан туриб, ўгли-

ни шундай сўзлар билан сийлаяпти. Бу хотиннинг товуши бутун овулга эшитилади. Шунинг учун уларнинг уйида ҳеч сир ётмайди.

— Энди Герман уруши бўлмайди,— деди жўрабошимиз.— Эртага эрталаб пода кетганидан кейин, ҳаммамиз шаҳар йўлидаги қум кони олдида кўришамиз. Эшитиб қўйинглар, бировга оғиз очсанглар, абжағингни чиқараман,— у Шайхаттор билан Муҳаррам томонга қараб қўйди.

Биз ҳам ўйиндан совиб қолдик. Жўрабошимизнинг кетидан ҳаммамиз секин-секин уй-уйимизга тарқалишдик. Уша кун кеч кириши ҳам жуда қийин бўлди. Ниҳоят, оқшом тушди. Мен қимирламай ётар, аммо ухлаб қолишдан қўрқар эдим. Катта ойим уйғоқ ётганимни билмасин деб, нафас олишга ҳам ҳайиқардим. У эса пичирлаб дуо ўқирди. Унинг оҳишта дуо ўқиши мени қўрқувга солади. У менга аллақандай ажиналар билан гаплашаётганга ўхшайди. Фақат дераза ортидан ёғилиб турган ой нуригина қўрқувларимни бир оз тарқатгандек бўлади. Укам билан синглим аллақачон бир уйқуни уришга улгуришди.

— Нимага индамай ётибсан, синнай? Нега ухламаяпсан?

Кичкиналигимда Катта ойимнинг бу сўзини тусунмасдим. Кейинчалик билсам «синнай» дегани русча «ценный» деган сўздан олинган экан.

Мен индамадим. Негаки, жавоб қилсам ҳаммасини айтиб беришим керак. Бошқаларни хоҳлаганча алдашим мумкин. Бунақаси бўлиб туради. Лекин Катта ойимни алдай олмайман.

— Эртага нимани мўлжаллаб турибсан?

Юрагим зириллаб кетди.

— Қаёқдан биласан?

— Биладан-да.

...Ҳозир ўша оқшомни эсласам, Катта ойимнинг зийраклигига қойил қоламан. У «Бундай ухламаётган экансан, бир балони бошлагансан» демади. Негаки, болаликда киши ҳеч қачон ўтмиши билан эмас, келажак орзулари билан яшашини тушунарди.

— Ростдан ҳам ўзинг ҳаммасини биласанми, Катта оyi? Биз болалар эртага Шаҳидулла оғай билан шаҳарга бормоқчимиз. Русларнинг тешиккулча байрамини томоша қиламиз. Текинга меҳмон бўламиз.



— Уларнинг байрами баҳорда ўтади. Қор эриганда.

— Йўқ, ҳозир байрам экан. Эртагаям байрам экан. Думалоқ Толиб айтди.

— Ҳа, Думалоқ Толиб айтибдими, ишониш керак.— Мен Катта ойимнинг юзини кўрмасам ҳам жилмаяётганини пайқадим.— Думалоқ Толиб сувдан ҳолва ясашга уста. Энди ухла.

— Ухлаб қолсам нима бўлади? Биз тонготар йўлга тушамиз-ку.

— Ухлаб қолмайсан. Ўзим уйғотаман.

Катта ойим ғира-ширада мени уйғотди. Қизил латтага бир бўлак нон ўраб, қўлимга узатди. Мен унинг қўлини қайтардим.

— Керакмас, Катта ойи, у ерда тешиккулча тўлиб ётганмиш.

— Олавер, агар оғирлик қилса, йўлда биронта тўнқанинг ковагига қистириб кетасан. Қуёнлар ейди. Лекин йўлнинг ярмига боргунча, сғирлик қилса ҳам чидагин. Латтани қайтиб олиб келасан.

Мен Катта ойимни хафа қилмаслик учун нонни олдим.

— Латтани қуруқ олиб келмайман. Тешиккулча ўраб келаман.

Мен йўл бошига етганимда, болалар қум кони олдиди тайёр бўлиб туришган экан. Энг охирида Оқ Юмагулнинг ўғли Анвар иштонбоғи бўшаб кетган иштони кўтара-кўтара амаллаб етиб келди. Анварларнинг уй ичиси билан шу: ҳаммаси ландовур одамлар. Катта акаси Музаффар ҳанузгача бурнини артишни билмайди. Опаси Ямлагул эса, чоригининг ипини тузукроқ боғлай олмайди. Яқинда Асқад Анварнинг ойисини мазах қилиб, шеър тўқиди:

Ҳой, Анвар, ҳой, Музаффар!..

Қўйиш керак самовар;

Утинни ёриш керак,

Сувга ҳам бориш керак.

Хамирни қориш керак,

Қум билан ювиб қозон,

Йўлдан ўтган паҳлавон —

Кимга бўлмоқчи меҳмон —

Керак буни ҳам билиш,

Бир бошимга мингта иш;  
Мен-чи, ўтириб бекор,  
Сақич чайнайман такрор...

— Нима бу? — деди Шаҳидулла оғай қўлимдаги тугунчага ишора қилиб.

— Нон, — дедим мингиллаб.

Валиддин ҳиринглади.

— Арпа нонми? Ҳечам кераги йўқ-да. Иштаҳа сақлаб борганимиз яхши. Кечадан буён мен оғзимга ҳеч нарса олганим йўқ.

Мен ҳам, аслида шундай қилмоқчи эдим; Катта ойма қўймади. Болалар нон ҳақида бошқа гапиришмади.

— Ибрай қани? — сўради жўрабошимиз.

— Иброҳимнинг чурраги тушиб қолибди, — деди унинг укаси Асқад.

Шундай қилиб, биз етти киши эдик. Энг аввал онабошимиз, ундан кейин, қолганлар — Валиддин, Насиб, Ҳамидхон, Анвар, Асқад ва охирида мен, йўлга тушдик.

— Менга қара, Киндик, агар йўлда чарчадим деб мингиллайдиган бўлсанг, абжағингни чиқараман, — деди жўрабошимиз огоҳлантириб.

Мен индамасдан қаддимни роз тутиб туравердим. Жўрабошидан бу гап учун ранжисам ҳам сездирмадим. Текки зиёфатга у боради-ю, мен бормайманми? Ўзлари бирон нарса керак бўлса, дарров бизнинг уйга югуришади-ю!

Менинг ўрнимга Ҳамидхон жавоб берди:

— Йўқ, Киндик бизни уялтирмайди. Нонни мен кўтариб оламан. Бу ёққа бер.

— Сен-чи, Анварбек? Шаҳарга борганда ҳам иштонбоғингни чангаллаб юрасанми?!

— Ушламасам, тушиб кетади-да.

— Йўқ, Анварнинг иштони билан сафарга чиқиб бўлмайди, — деди жўрабошимиз. — Одамни шарманда қилади.

Валиддин билан Насиб иккита ёғоч бўлагини топишди. Шу ёғочлар билан Анварнинг иштонбоғини бураб-бураб қотириб қўйишди. Анвар қувониб кетганидан, ҳатто, ўйноқлаб, эчкига ўхшаб осмонга сакради.

Қуёш ҳали чиқмаган эди. Ортимизда, овул томонда хўрсоннинг қичқиргани, сигирларнинг маърагани эшитилди. Пастда эса, жилғанинг нариёғида, қалин туман ястаниб ётарди. Хуллас, биз шаҳар йўлининг тупроқли кўчасида етти жуфт катта-кичик яланг оёқ из қолдириб йўл босардик. Асқад овул томонга қараб қўйиб шеър тўқиди:

Биз тугилган тупроқдан кетдик,  
Қоплаганди дарёни туман.  
Насиб этса, қайтамиз бир кун,  
Сафар тугаб, яна олисдан.

Кетдик. Шодликми, интилишми, шунга ўхшаш бир туйғу вужудимизни ларзага соларди. Оёқларимиз ўз-ўзидан илдам босаётгандек.

Дуб тепалигигача индамасдан бордик. Қуёш терак бўйи кўтарилди. Ҳаво очиқ кунлари бу ердан олисда, оқ тепалик устида қад кўтариб турган шаҳар кўзга ташланади. Овулимизнинг чегараси шу ерда тугайди. Уроқ пайтида бизлар бу ерда ётиб қоламиз. Олисдан бир тўда шаҳар чироқлари кўринади. Тикилиб қарасанг, милт-милт этиб, сенга яқинлашиб келаётганга ўхшайди. Қисқаси шаҳар қаерда, унга қандай борилади — ҳаммамиз биламиз. Лекин биронтамиз ҳали у ерда бўлган эмасмиз. Ҳозир шаҳар кўзимизга, айниқса, жозибали, меҳмондўст ва саховатли бўлиб кўринади. Агар шунчалик сахий бўлмаса, биз унга борармидик? Назаримизда, биз шаҳарга бораётгандек эмас, унинг ўзи бутун хазиначарини очиб, бизнинг истиқболимизга сузиб келаётгандек эди.

— Шаҳарда қариндошимиз бор,— деди Анвар.— Энг баланд ўт ўчириш минорасида ўтиради. Ҳамма нарсани кафтида тургандек кўради. Бошига подшоларникига ўхшаган тилла тож қўндирган.

— У ерда иккита мезаналик мачит бор. Уша мачитнинг печкасини бизнинг қусумлик қудамизнинг қудаси ёқар экан,— деб мақтанди Валиддин.— Ушаларникига кирсак борми, қўйгани жой тополмай қолади. Мана кўрасизлар.

Мен буларнинг авлод-аждодларини яхши билмайман. Шаҳарда кимнинг қариндош-уруғи борлиги ҳам менга қоронғи. Лекин Асқаднинг тўнғич акаси Исмо-

ил чиндаж ҳам Уфада ишлайди, биламан. Лекин нима учун Асқад индамай боряпти. Бир марта Асқад иккаламиз гўланинг устига тахта ташлаб, «инана» қилиб учаётганимизда, Асқад бундай қўшиқ тўқиган эди:

Мен ҳам учдим «инана»,  
Сен ҳам учдинг «инана».  
Катта акам савдогар,  
Аммо ўлгудек зиқна.

Агар мен Асқаднинг ўрнида бўлсам, бошлаб мақтанардим.

Мен дўстимнинг ёнига келиб, шивирладим:

— Сен нега акангни гапирмайсан?

— Қўйсанг-чи! — деди у, қўл силтаб. — Акам думини тутқизармиди? Ҳозир Тошкент томонларга кетиб қолганмиш.

Биз Дуб тепалигидан ошиб ўтиб бир оз йўл босган эдик, шаҳар яна кўзимиздан ғойиб бўлди. Ўзимиз ҳам анча совиб қолдик. Менинг нон солинган тугунчам Ҳамидхоннинг қўлидан Насибга, Насибдан Валиддинга, ниҳоят жўрабошимизнинг қўлига ўтди.

— Йўлнинг ярмига едикми, йўқми, Шаҳидулла оғай? — сўрадим мен.

— Нима, чарчаб тамом бўлдингми? Мен сенга нима деган эдим?

— Ҳечам чарчаганим йўқ.

— Бўлмаса, нега сўрайсан?

— Катта ойим айтган эди. Нон оғирлик қилса, ярим йўлда тўнгаланинг ковагига ташлаб кетасан, деганди.

— Бекор айтибсан. Катта ойинг бунақа гапларни айтмайди.

— Айтди, айтди!

— Аҳмоқ, ахир, у оғирлик қилса деб айтган. Шум оғир бўптими? — жўрабошимиз нонни осмонга отиб илиб олди.

— Қўй, Шаҳидулла. Нонни увол қилма. Битта ушоғи ерга тушса, гуноҳга ботасан, — деди Асқад.

«Гуноҳ» деган сўздан ҳаммамиз ўлгудек қўрқамиз. Ҳатто жўрабошимиз ҳам. У нонни кўксига босиб, узр сўрагандек бир зум туриб қолди.

Биз йўлдан ўтаётган араваларни санайвериш, ҳи-

собдан адашиб кетдик. Учқур от қўшилган аравалар чанг-тўзон кўтаришиб бизни қувиб ўтишарди-ю, олға кетаверишарди. Баъзан рўпарадан ҳам арава учраб қолади. Фақат ўзимиздан бошқа пиёдалар йўқ.

— Шаҳарга оз қолдими? — сўради Валиддин қирчанғи отни миниб келаётган чолдан.

— Ун беш чақиримдан камроқ, ўн чақиримдан кўпроқ. Илдамроқ боринглар. У ерда сенларга кўзи учиб турибди.

Кўзи учаётган бўлса, шошилиш керак. Шу гапдан кейин, биз ҳатто чопиб-чопқиллаб кета бошладик. Фақат энди қадамимиз илгаригидек осон кўчмас эди. Қарангки, Анварнинг иштонбоғи яна бўшашиб кетди. Насиб унинг орқа томонидан ёғочни яна бир неча марта бураб қўйди. Бошқаларни билмадим-у, менинг тешиккулчасидан ҳам ҳафсалам пир бўлди. Шу пайтда қора нон бўлса ҳам йўқ демасдим. Аммо бу ҳақда биринчи бўлиб гапирсам, жўрабошимиз таъзиримни беради.

Кичкинагина, тўрт-беш хонадондан иборат рус қишлоғидан ўтиб, сийрак қайинзор соясида тўхтадик. Бир зум нафасимизни ростлаб олдик.

— Ўтиринглар,— буюрди жўрабошимиз. Ўзи ҳам тиззалаб ўтирди-да, қизил тугунни олдига қўйди.— Мулла Қурбон нима деган экан, ким айтади?

— Ўзинг биласан-да,— деди Валиддин шошилиб. Чамаси, у жўрабошимизнинг бир шумлик ўйлаганини тахмин қилганди.

— Мулла Қурбон айтадики, овқат овқатга йўл очармиш.

— Ҳа, Мулланинг билгани билган,— деди Асқад, қойил қолиб.

— Агар биз бу нонни есак, тешиккулчага ҳам жой қоладими?

— Албатта, қолади,— дедик ҳаммамиз бараварига.

— Ма, Валиддин.— Жўрабошимиз чўнтагидан пичоқ олиб, унга тутди.— Нонни тенг еттига бўласан. Баравар тақсимлаб чиқ.

Валиддин бир зумда нонни деярли баравар қилиб, етти бўлакка кесди; ҳа, бўлақлар «деярли» баравар эди. Бировга кўпроқ, бировга камроқ тегиши аммо аниқ эди. Жўрабошимиз нима учундир ўзига тегишли

катта бўлакни олмай турди. Биз эса ундан олдинроқ қўл чўзишга истиҳола қилардик.

— Сафарга чиққанда насибани ҳалол бўлашиш керак, — деди жўрабошимиз. — Келинглр «бўлаш-бўлаш» ўйнаймиз.

— Болалар! — Насиб ўрнидан сакраб туриб кетди. — Келинглр, менинг қўлим омадли, мен чақираман; ҳар ким ўзига яраша улуш олади.

Ҳеч ким қаршилиқ билдирмади. Насиб тескари қараб турди.

Валиддин нон бўлаklarини қўлига олиб, сўрай бошлади:

- Бу кимга?
- Ҳамидхонга.
- Бу кимга?
- Шаҳидуллага.
- Бу кимга?
- Киндикка.

Етти киши етти бўлак нонни тақсимлаб олди. Лекин тақсимлаш бари бир адолатли бўлмади. Менга энг катта бўлак, Жўрабошимизга эса, энг кичик бўлак тўғри келди. Жўрабошимиз бир нима демади. Лекин бари бир еган ноним менга татимади. Нима қилсаям ҳалол иш тутилмади. Шаҳидулла мендан беш ёш катта; катта одам катта ейиши керак. Алмашсак ҳам бўларди. Лекин мен буни ўйлаб олгунимча, жўрабошимиз ноннинг ярмини еб қўйди. Бошқалар ҳам иштаҳа билан тановулга киришиб кетишди. Энди бу адолатсизликни қандай тузатиш мумкин?

Мен нонни атайлаб шошилмасдан ейишга киришдим. Бир қисим қолганда, уни Шаҳидуллага узатдим.

- Ма, огай, сен еб қўя қол.
- Ўзинг е.
- Худо урсин, тўйдим.
- Қасам ичма. Беринг келса, шундай беравер.

Бўлмаса, сени қасам уради.

Қорин тўйгач, оёқларимиз ҳам чаққонлашди. Мен доим ҳайрон қоламан: бир бўлак нон одамга анча қувват беради; қорнинг тўйиши билан қайғунг ҳам йўқолади. Мана, ҳозир яна... Ёнимиздан аллақандай куш сайраб ўтди. Бугдойзорда шамол кезиб қолди. Қайинлар ҳам энгил шовуллай бошлашди. Ҳатто,

қуёш ҳам аввалгидек баданни куйдирмайди. Ҳаммасига сабаб эҳтимолки, ўша бир бурда нон.

Йўлга тушишимиз билан Насиб гап бошлади:

— Келинлар, болалар, Аминнинг отига ўхшаб юрамиз.— Шундай деб, ўзи югургилаб кетди. Лекин жўрабошимиз билан Валиддин уни дарров қувиб ўтишди. Фақат мен итнинг кейинги оёғи бўлиб қолдим.

Паст кўчада Амин деган одам бор. У айни пичан ўрадиган, арпага ўроқ тушган пайтда маймунжон қидириб, ўрмонга жўнайди. Эрталабдан отини аравага қўшиб, секин-секин юқори кўчага қараб йўл олади. Аравасини мойламай қўйганига минг йил бўлгани учунми, ғийқиллагани бутун овулга етади. Бир кун Асқад мендан сўраб қолди: «Аминнинг араваси нима деяпти?» «Нима дерди, ғийқилляпти-да». «Йўқ,— деди Асқад.— Араваси, олисга бормамайман, олисга бормамайман, деб нолиш қиляпти». Диққат билан қулоқ солган киши Асқаднинг гапи тўғрилигини тушунади. Арава ғилдираклари чиндан худди шунга ўхшаб нола чекапти. Кечқурун арава тепаликдан тушаётганда эса, от уни тарақ-туруқ қилиб олиб қолади. Асқад бунга ҳам гап топди. Бунақа пайтда араванинг ғилдираги «Ишлар создир! Ишлар создир!» деб тарақлармиш. Энди Асқаднинг гапидан кейин, бутун овул ушбу араванинг ашуласига тушунадиган бўлиб қолди.

— Шаҳардан қайтаётганимизда биз ҳам Аминнинг аравасига ўхшаб, ашула айтамыз:

Боплаб кездик оқ шаҳарни,  
Ишлар создир, ишлар создир.  
Қизил сандиқ — қоринларни,  
Тўлдирганмиз, ғамлар оздир.

Асқад қўшиқ бошлаши билан Валиддин, сўнг Насиб унга жўр бўлишди:

Боплаб кездик оқ шаҳарни,  
Ишлар создир, ишлар создир...

Бора-бора шунчаки тез юриш ўрнига худди самокат учаётгандек, тиззамизни баланд кўтаришиб, югура

бошладик. Йўл-йўлакай қадамимизга ҳам, кайфиятимизга ҳам мос тушадиган ашуланинг илк сатрларини қайтариб борардик:

Боплаб кездик оқ шаҳарни,  
Ишлар создир, ишлар создир...

Ашуланинг кейинги сатрлари «қизил сандиқ» — яъни, қорнимиз ҳақидаги мисралар бизга унчалик маъқул келадиган эмасди. Шунинг учун, биз уларни дарҳол унутиб юбордик. Аммо бояги сатрлар қайтарилавериш, ёд бўлиб кетди.

Шундай қилиб, югура-югура баланд тош йўлга чиқиб олдик. Йўлнинг икки томонида улкан тераклар осмонга бўй чўзиб туришарди. Йўлга худди ўзимизнинг мўрчаларда ишлатиладиган тошлар терилган. Аммо улар силлиқ эмас, ғудда-ғудда бўлиб қолган.

— Бир замонлар бу йўлдан фақат подшо юрарди. Энди совет ҳокимияти ўрнатилиб, хоҳлаган одам бемалол юрадиган бўлди,— деб тушунтирди жўрабошимиз,— Ҳозир ҳаммаёқ омон-омон, озодлик!

Биз бир муюлишга бордик. Шунда рўпарамиздаги тепалик устида оппоқ шаҳар пайдо бўлди. Ана, ана у. Қўл чўзса етгудек жойда турибди. Ниҳоят, унга етиб ҳам келдик.

— Ассалом алайкум, шаҳар! Мана, биз етиб келдик ҳузурингга! — деди Валиддин.

— Шаҳар бизни кутиб олди қучоқ очиб, йўлимизга кулчалар сочиб,— гапини қофиялаштирди Асқад.

— Йўлимизга кулчалар сочиб,— деб қайтардик ҳаммамиз.

Қаёққа қараманг, завод трубалари, мачитларнинг мезанаси, ибодатхоналарнинг қуббалари ярақлаб кўринади. Биз мачит билан ибодатхонани яхши ажратамиз. Овулимиздан Боголюбов черкови аниқ кўриниб туради. Фақат бир нарсага тушунолмаимиз. Бу черковларни нима учун ер ютмайди? Ахир, ҳаммага аён-ку: черков кофирларнинг жойи. Улар бир куни вайрон бўлишиб, кофирлар у дунёдаги дўзах ўтида куйишлари муқаррар. Ибодатхоналар дабдала бўлиб кетишса — майли, фақат кофир — бечораларга ачинади одам. Мендаги бу шафқат туйғусининг бошланишига бир воқеа сабаб бўлган.



...Ўтган баҳорда Лакаревкадан бизниқига танишимиз Тимофей амаки мен тенги ўгли Егоркани етаклаб келди. Тимофей амаки билан отам дастурхон ёнига ўтириб олишди. Егорка иккаламиз эса, биттадан нон олиб, ҳовлига чиқиб кетдик. Егорканинг сочлари сапсарик, малла, кўзлари эса, кўм-кўк. Юзи оппоқ, тиниқ. Иккаламиз бир-биримизнинг тилларимизни тушунмаймиз. Мен қаёққа борсам, у ҳам ўша ёққа эргашади. Нима қилсам, у ҳам қайтаради. Боққа борган эдим, у ҳам кетимдан борди. Молхонага кирсам, у ерга ҳам эргашиб кирди. Кейин бостирма олдидаги ғўлага миниб олдик. Мен оёғимни ликиллатсам, у ҳам ликиллатади. Уҳ тортсам, Егорка ҳам уҳ тортади.

Дадам билан Тимофей амаки аллақачон қиттакдан отиб олишган. Дадам нуқул ўрисча ашула айтгиси келади. Тимофей амаки, аксинча, бизнинг тилимизда айтмоқчи. Ҳарқалай, аввал у ашулани бошлади:

Ҳой янгажон, кезиб ўрмон,  
Юр, терайлик маймунжон.  
Маймунжонлар ширин, тайин,  
Аммо янгам жондайин.

Биламан, у дастурхон тузатаётган Катта ойимга яхши кўриниш учун бундай ашула қиляпти. Мана, энди дадам ашуласини бошласа керак. Ростдан ҳам ўрисча ашула бошлаб қолди:

Базар большой,  
Народ много,  
Русский барышня идет,  
Дай ему дорога.

Биз Егорка билан бир-биримизга қараб қўйдик. Унинг кўм-кўк маъюс кўзларига тикилиб туриб, қўрқиб кетдим. Томоғимга бир нима тикилиб қолгандек бўлди. Наҳотки, мана шу мовий кўзли бола кофир бўлганидан бир умр дўзах ўтида ёнса? Ахир, унинг жони огримайдими? Бундай азоблардан уни қандай қутқарсам экан?

— Егорка!— деб қичқириб юбордим-да, уни қучоқлаб олдим. У аввалига чўчиб тушди. Кейин пинжимга кириб олди. Шу тобда ўзимча уни даҳшатли

азсблардан ҳимоя қилаётган эдим. Энди худо мени ҳам жазолайди. Бошқа иложи йўқ. Негаки, мен ахир кофир болани қучоқлаб ўтирибман. Энди иккаламиз битта дўзах оловида куямиз. Оталаримиз эса, жўр бўлишиб ашула айтишга киришишди. Биз уларнинг хаёлига ҳам келмаймиз. Улар ўз бслалари — малласоч бола билан қорасоч бола, бир умр дўзах алаңгасида куйишидан буткул беҳабар... Эҳ, оталар, оталар! Юрагим ёрилгудек бўлиб нотинч тепар, оталарга ҳам, ўзимга ҳам, Егоркага ҳам ачинар эдим...

Нимага шу тобда беҳос Егоркани эслаб қолдим? Ҳа, черковни кўриб...

Ҳамон йўлда кетяпмиз. Юрагимиз гурсиллаб уради. Шаҳар кўриниб турибди-ку, ҳеч яқинлашмайди. Ҳатто, узоқлашиб кетаётгандек. Тош йўлга қадам босиб бўлмайди. Товонни куйдиради. Шунинг учун йўлнинг четига ўтиб олиб, изма-из юра бошладик. Чанқовдан тинкамиз қуриб кетди. Шўхлигимиз ҳам аллақаяёққа ғойиб бўлди. Энг олдинда Насиб, унинг кетидан Ҳамидхон, Ҳамидхоннинг орқасидан Валиддин кетяпти. Шаҳидулла бир ўзи кўчанинг нариги томонида боряпти. Шундоққина олдимда товонлари бармоқ тикса сиғгудек тарс-тарс ёрилиб кетган Анвар боряпти. Бу бола оёғига қишда пийма, ёзда этик кийганини ўзи ҳам эслай олмаса керак. Фақат баъзида чориқ кийганини айтмаганда... Қизиқ, шаҳарда чиндан ҳам бошига тилла тож кийиб юрадиган қариндоши бормикан ёки бизни лақиллатдими? Лақиллатган бўлиши ҳам мумкин. Умуман, ёлгончилик борасида бир-биримиздан қолишмаймиз.

— Сув топилса жон деб ичардим, — пичирлади Насиб.

— Нимасини айтасан! Ақалли, бир қултумгина сув бўлсайди, — деди Валиддин нолиб. — Томоғимми Сир марта ҳўллаб олсам ҳам майли эди.

— Ҳой, ҳўкиз, ёш болаларнинг олдида инқиллагани уялмайсанми? — уни жеркиди Шаҳидулла.

Шундан кейин, ҳеч ким «сув» деб, оғиз очмади.

Биз икки четидан унча катта бўлмаган ёғоч уйлар қад кўтарган кўчадан боравердик. Ниҳоят, Агидель дарёси устидаги кўприкка чиқиб олдик. Соҳил бўйига келиб биров дўпписида, биров туя жунидан тўқилган

эски шляпасида сув ичиб, тўйиб олди. Сув илиқ, бе-маза эди. Шунга қарамай, чанқовимиз босилиб, анча тетик бўлиб қолдик. Чамаси, тешиккулча байрам: кўприкнинг нариги томонида — тепаликда бўлаётганга ўхшайди. Ахир, байрам ҳамиша тепаликда бўлади-да. Бу ерда эса, байрамдан дарак йўқ. Биз кўприкдан ўтдик. Аммо у ерда ҳам байрамнинг биронта белгиси кўринмайди. Тўғри, бу ерда уйлар баландроқ, дарвозалар ўрисчасига ўрнатилган, кўчалар ҳам бизниқидан торроқ эди. Аравалар, отлар, одамлар у ёқдан-бу ёқа ўтиб туришибди. Биров-бировга салом берай демайди.

— Ана, болалар, «тешиккулча» деб ёзиб қўйибди. Тешиккулча дўкони шу ерда экан,— деди Валидин. У ўқишни ҳаммамиздан яхшироқ билади. Мен ҳарф ажратаману, ҳали яхши ўқий олмайман.

Биз кўчани кесиб ўтиб, сариқ уйнинг эшиги олдида тўхтадик.

— Болалар, эшикни мен оча қолай, менинг қўлим омадли,— Насиб, шундай деб, қўл чўзган эди, эшикнинг ўзи қарсиллаб очилиб, бошига тегди. Насибнинг пешонасида шу ондаёқ каттакон ғурра шишиб чиқди.

— Ассалому алайкум,— деди Насиб ичкаридан чиққан одамга.

— Кум-кум,— деди бояги киши бизни масхара қилиб. Кейин йўлига кетаверди.

Эшик ёпилгунча биз ҳаммамиз ичкарига кириб олдик. Саломлашишни ҳам унутиб, тўхтаб қолдик. Токчаларда қизариб пишган тешиккулчалар қатор туришар, деворга ўрама нонлар илиб қўйилган, боғ-боғ қилиб туташтирилган нонлар иштаҳани қитиқлар эди. Бунинг устига, ширинликларни айтмайсизми? Бир маза қиладиган бўлдик.

Дўкончи бизни кўриб, кўзи қинидан чиқаёзди. Биз ҳам жим, у ҳам. Аввалига шошиб қолди, шекилли, тарози устидаги тошни олиб шай бўлиб тураверди. Биз одоб сақлаб ҳамон эшик олдида турибмиз. Дўкондор лабини кинояли буриб, тикилганча қолган. Бизнинг нимамиздир унга ёқмаганга ўхшарди. Ҳайронман, нимамиз ёқмади?

Ниҳоят, унинг қалин, ёғли лаблари қимирлаб, каломга келди:

— Хўш, ялангоёқлар? Нима ишларинг бор?

— Биз, ўртоқ, ялангоёқ эмасмиз, қишлоқдан келдик,— деди Шаҳидулла обрўни қўлдан бермай.

— Кўриб турибман. Подшо саройидан келган эмассанлар, ўртоқ ялангоёқлар,— сотувчи томоғига бир нима тиқилгандек, юзи лавлагидай қизариб кетди.— Хўш, нима учун ташриф буюрдингиз бизнинг кулбага?

У ҳамон қўлида тарози тошини ўйнаб турарди.

— Биз, сўрамоқчи эдик... Тешиккулча байрами қаерда бўлаётганини билмоқчи эдик,— Валиддин гапини тугатмасданоқ жўрабошимиз унинг енгидан тортиди.

— Тешиккулча байрами?.. Ҳа, тешиккулча байрамини айтяпсанми?— деди лавлаги юз.— Тешиккулча байрами мана бу ерда, чўнтакда бўлади,— у чўнтагидан пул олиб, намойиш қилди.— Кўрдингми?

Бизлар худди келишиб қўйгандек ҳаммамиз баравар чўнтакка қўл суқдик. Буни қарангки, чўнтакда ҳемири йўқ. Шу ондаёқ тешиккулчалар ҳам, қозиқ михларга илиб қўйилган бурама нонлар ҳам, ҳолвалару ширинликлар ҳам ўзидан-ўзи биздан узоқлашиб кетганини пайқадик. Хайр-маъзурни насия қилиб, жўнаб қолдик. Лекин хафа бўлмадик. Йўлда давом этавердик.

— Ўзимиз ҳам аҳмоқмиз!— деди Насиб.— Тешиккулча байрамини ўрислар ўтказишади. Биз бўлсак, мусулмонлар билан ади-бади айтишиб ўтирибмиз.

— Мусулмонлар бўлса ҳам кофирдан баттар экан. Эшикдан киришимиз билан бизни ялангоёқ атаяпти!— деди Валиддин ғазабланиб.

— Мусулмоннинг ёмони ўнта кофирдан ўтади. Бунақа зиқналар тўғрисида байт ҳам бор,— деди Асқад.—

Яшарди лаънати зиқна ёруғ жаҳонда,  
Энди ётган бўлса керак совуқ маконда.

Кўрарсизлар, бунақаларни бир куни албатта ер ютади.

Шаҳар бўйлаб кетавердик. Тешиккулча дўконлари олдида узоқ-узоқ тўхтаб, нон ёпилаётган уйлар атрофида айланиб юравердик. Лекин биронта одам кимсан, деб сўрагани йўқ. Байрам қилаётган руслар қаёққа

кетиб қолишди? Ахир, улар барибир бўлишлари керак-ку. Шунча жойдан келиб оғзимизнинг сўлаи оққанча индамай кетаверамизми?!

Ҳамидхон менинг фикрларимни билиб тургандек, гап бошлади:

— Биз излашни билмаяпмиз. Одамлардан сўраш керак.

— Байрам адашиб қолган бузоқмиди, бировдан сўрайсан. Уни излашнинг ҳожати йўқ. Байрам дегани узоқданоқ билиниб туради. Бўлди, болалар, боплаб байрам қилдик. Тамом, вассалом!— деди жўрабошимиз гапга якун ясаб.

У шундай дейиши билан оёқларим қақшаб оғрий бошлади. Очлик ҳам, чанқоқ ҳам, баданимни куйдириб юборган офтоб ҳарорати ҳам бирданига ўз кучини кўрсатди. Бошқаларнинг аҳволи бундан яхши эмас эди. Биз дарвозаси тақа-тақ беркитиб қўйилган бир уй олдида тизилишиб ўтириб олдик.

— Келинлар, менинг қариндошимни қидирамиз,— деди Анвар.— Ўт ўчирувчилар минорасини топсак, бўлди. Ҳар ҳолда, бир пиёла чой билан меҳмон қилар.

Ўт ўчириш минорасини дарров топдик. Лекин минора тепасида бошига тилла тож қўндирган ҳеч қанақа одам йўқ эди. Биз бўйнимиз узилгудек бўлиб чўзилиб қарасак ҳам уни тополмадик.

— Балки, минорадан йиқилиб, майиб бўлгандир,— деди Анвар паришонланиб.— Янбирде оғай!— деди у қичқариб.— Қаердасиз?

— Агар Янбирде оғайнинг ақлли бўлса, бизни дарров меҳмон қилади,— деди Асқад ҳазилга олиб. Лекин бизнинг ҳазиллашадиган ҳолимиз йўқ эди. Ҳеч ким бу гапга кулмади.

— Янбирде оғай, мен Анварман! Қишлоқдан келдим.

— Нимага бақирасан? Томоғинг йиртилиб кетади-ку, хумпар! Жўна бу ердан! Қани, жўна бу ердан! Жўна ҳамманг! Ялангоёқ чулдирвоқилар!— Каттакон қизил дарвозадан чиққан шолмўйлов киши шундай сўзлар билан бизни ҳайдаб юборди. Қаранг, ялтироқ мис тўқали камар тақиб олганига мақтаняпти-да!

Шундай қилиб, Анварнинг қариндошидан умид қолмади. Шунда Валиддин тилга кирди:

— Бир сафар омад келмаса, кейинги гал, албатта,

келади. Юринглар, қўш минорали тош мачитда печка ёқадиган қариндошимизни топамиз. У бизнинг қусумлик қудамизга қуда бўлади.

— Саратонда ким печка ёқади? Қуданг аллақачон қишлоғига бориб ётгандир,— деди Насиб иккиланиб.

— Шаҳардаги мачитда қишин-ёзин олов ёқишади,— деди Валиддин. Унинг ёлғон гапираётгани кўри-ниб турарди.

— Алдаяпти, очкўз!

— Худо ҳаққи. Агар мачитда олов ёқишмаса, унга черковлардаги шайтонлар кириб олишади,— деди у ҳаммамизни мот қилиб.— Ана, ҳаммаёқда черков тикилиб ётибди.

Биз шаҳарни айлана-айлана қўш минорали тош мачитни топдик. Мачит дарвозалари берк экан. Мачит ҳовлисининг орқасида четан девор билан ўралган пастак уй кўзга ташланарди. Ўшанинг эшигига бормоқчи бўлдик. Кўча юзидаги катта уй эшигини тақиллатишга журъат қилолмадик.

Мени Валиддин билан олдинга юборишди. Ичкари киришимиз билан энг аввал ичкарини кун чиқар томонга қараган ойна деразасидан қандайдир йўл билан кирган чанг қоплаб ётганини кўрдик. Ерда бир болакай эмаклаб юрар, ундан ҳам кичикроғи қорни билан судраларди. Ўриндиқда кексароқ аёл иш тикиб ўтирар, қоронғи бурчакда эса, бир эркак киши ухлаб ёгарди.

— Ассалому алайкум,— дедик Валиддин иккаламиз йўғон, ингичка қилиб.

Бояги хотин ишдан бошини кўтармай, жавоб берди:

— Ваалайкум ассалом.— Кейин биз томонга секин бошини буриб қаради.— Дайди болалар яна кепти-да.— У бирданига тутақиб кетди.— Қишин-ёзин тинчлик йўқ. Эрта демай, кеч демай келаверишади булар! Жонга тегди-ку! Бошқа жой қуриб қолганми?

— Биз дайди эмасмиз, опай, биз...— Шундай дедиму, тутилиб қолдим.

— Дайди бўлмаганда нима, тиланчисанлар-да! Узига тўқ одам бу ерга келмайди,— деди у қўлини силтаб.

— Қусум овулидаги қудамизнинг қудаси шу ерда мачитга олов ёқаркан,— деди Валиддин гўлдираб.

Аёл бир оз юмшади.

— Қусумдан келдингларми? Қалай, овулдагилар омонми?

— Йўқ, биз Кляшевдан келдик. Лекин Қусумда қудамиз бор. Ушанинг қудаси шу ерда печка ёқаркан. Мен Ғазалнисо бувининг невараси бўламан.

— Танимас эканман,— деди хотин ҳафсаласи пир бўлиб.— Менинг бунақа қудам йўқ. Ҳой, Ишбирда, қудаларинг келишди.

Ишбирда дегани бояги ғужанак бўлиб ётган киши экан.

— Қудалар дейсанми? Марҳамат, қудалар!— деди у ўрнидан уйқучан сакраб туриб. Ҳамон кўзларини ишқалар экан такрорлади:— Марҳамат, қудалар. Тўрга чиқинг. Офарин, жуда вақтида келдинглар-да!

Ниҳоят, у бутунлай уйғонди. Хонани кўздан кечира бошлади.

— Қани қудалар? Нима бало, мен туш кўряпманми? Буни қара, тушимда қудалар бўйнига қўнғироқ осилган гижинглаган отлар миниб келишаётган эмиш. Қўшниларим оғзиларини очиб қолишибди. Қаёққа гойиб бўлишди қудалар?

— Ана қудаларинг!— деди хотин бизга имо қилиб.

— Буларми?— ҳайрон бўлди Ишбирда.

— Биз... Мен... Қусумдаги қудангларнинг яқин қудаси бўламан,— деди Валиддин аламини яширишга ҳаракат қилиб.— Ғазалнисо буви менинг бувим бўлади. У сизларга салом айтиб юборди.

— О, қудам Ғазалнисо!— хитоб қилди Ишбирда.— Хўп жаннати хотин-да. Унинг ўйинга тушишини бир кўрсангиз! Одамнинг оғзи очилиб қолади. Минг раҳмат қудамга. Саломат бўлсин!

«Бу қайси Ғазалнисони гапиряпти!»— деб ўйладим ҳайрон бўлиб. Шунда у бирдан мендан сўраб қолди:

— Сен ҳам қуда томонмисан?

— Мен ҳам қуда томонман,— бир зум ўзимни йўқотиб қўйдиму аммо бўш келмадим.— Кўчада қуда томондан келган яна бештаси ичкари киролмай турибди.

Баланд бўйли, ингичка бўйин, сочини қиртишлаб олдирган мезбон эшик олдига бориб, уни очиб юборди:

— Ҳой, қудалар, қани, марҳамат. Уялманглар!  
Болалар иккиланиб, уйга киришди. Уй бекаси уларни юқорига таклиф қилди.

— Баракалла! Бизни эслаб келибсизлар, минг раҳмат,— деди Ишбирда.— Қани, онаси, чой қўйиб юборчи.

У шундай дейиши билан кўнглимиз ёришиб кетди.

— Қўярдиму қуруқ чой ҳам, қанд ўлгур ҳам йўқ. Еуни қаранг, келин тушмагур нонни ҳам ҳали кечқурун олиб келади. Меҳмонлар олдида жуда уят бўлди-да.

— Овқат-повқат қилмайсанми?

Бека эрининг бу гапига жавоб бермади.

— Бирон нарсанг борми ўзи?

— Ивитиб қўйган нўхотим бор эди.

— Нўхот дейсанми?— Ишбирда қувониб кетди.— Дунёда нўхотдан яхши таом борми? Қудаларни нўхот билан сийлаш керак-да. Нима дединглар?

— Албатта, албатта,— дедик биз.

Уй бекаси ўртага кир босган сариқ дастурхон ёзди. Яхшилаб ивиган нўхотни каттакон тоғорага солиб келди. Нўхотлар йирик, оппоқ эди. Тўғриси айтганда, бунақа нўхот кам бўлади.

— Қани, ўтиринглар, олинглар. Бари бир ҳаммангларга қошиқ етмайди. Қўл билан олаверинглар,— деди хўжайин.

Биз чордана қуриб ўтириб олганча, шошилмасдан нўхот ейишга тушдик. Ҳаммамиз ҳам шошмасдан, аммо иштаҳа билан тановул қилардик. Тўғриси, ҳали ҳеч қачон бундай мазали овқат емаган эдик. «Қуда сийлов» деганлари тўғри гап экан.

Нўхотни еб бўлишимиз билан пақирда муздакки-на сув ҳам келди. Тагин ичига чўмич солиб қўйилган.

— Сахийнинг суви ҳам шарбат, дейишган машо-йихлар,— деди Ишбирда.— Улар бир гапни билишма-са гапиришмайди.

Бир зумда пақирнинг тагида озгина сув қолди.

— Қани, яратган неъматини учун худога шукр қилайлик,— хўжайин гарчанд нўхотдан бир дона ҳам емаган бўлса-да, ўзи фотиҳа ўқиди. Биз ҳам унга қўшилишдик.

— Шундай қилиб, қудалар, шаҳарни томоша қил-



гани келибсизлар-да?— деди Ишбирда суҳбатни бошлаб.

— Ҳа, қуда бува,— жавоб қилди Шаҳидулла лоқайдлик билан.

— Қалай, шаҳар ёқдимиз?

— Нима десак экан... Уйлар чиройли, деворлари баланд,— деди жўрабошимиз.— Фақат одамлари жуда шошқалоқ экан.

— Шаҳарга келиб яхши қилибсизлар, қудалар. Ёш бошингиздан дунё кўрганингиз маъқул. Шаҳарда ҳам ҳаммани тешиккулча билан боқишавермайди. Баъзан қора нонга зор бўламиз. Шунинг учун шаҳримиздан ранжиманг, қудалар.

Валиддин бу уйда кўп сергап бўлмади. Шунга қарамай, бизга нисбатан ўзини эркинроқ тутди. Ҳаммадан илгари қўзғалди ҳам.

— Берган нон-тузингиз учун, хушмуомалангиз учун раҳмат, қуда бува,— деди у катталарга ўхшаб.— Яхши-ёмон гапирган бўлсак, кечирасизлар. Овулга қайта қолайлик.

Биз ҳаммамиз бараварига ўрнимиздан турдик.

— Шунақами, майли бўлмаса. Уйга қайтгач, қудамизга салом айт; меҳмонга келсин,— деди аёл.— Камбағалчилик қурсин, меҳмондорчиликни ҳам ўрнига қўёлмадик.

— Ширин нонинг бўлмаса ҳам, ширин сўзинг бўлсин, дейдилар, ойи,— аёлни юпатди Ишбирда.

Биз эшик олдида туриб қолдик.

— Нима, қайтиш йўлини йўқотиб қўйдингларми?— деб сўради Ишбирда.

— Йўқ,— деди Асқад.

У орамиздаги энг сезгир бола. Худди искович итдек қаерга адаштириб кирсанг ҳам йўл топарди. Мен бўлсам кирган кўчамда адашиб юраман. Сезгирлик етишмайди.

Биз яна уй эгаларига бир неча бор миннатдорчилик билдириб, мана шу ажойиб, меҳмондўст хонадонни тарк этдик. Кейин Ишбирда кимга, қандай қуда бўлишини ўйлаб, буни бари бир аниқлай олмадик. Унинг бизга умуман қуда эмаслиги эҳтимолга яқин эди.

— Булар бадавлат одамлар бўлишмасаям, сахий

экан, — деди йўл-йўлакай Шаҳидулла Валиддинга. — Борини баҳам кўрадиган одамлар экан.

— Худо ҳаққи, чой ҳам қўйиб берарди-ю, менинг ўзим бунга истамадим. Сизларга айтгандим-ку; мени кўриши билан қучоқ очиб кутиб олишини билгандим. — Мақтаниб қўйди Валиддин. Ҳар ҳолда, у мақтанишга ҳақли эди; нима бўлганда ҳам бари бир унинг қудаси меҳмон қилди-да, бизни. Ниҳоят, ҳафсаламиз пир бўлиб, бу файзсиз шаҳарни тарк этдик. Қайтишда йўл олислаб кетгандек туюлди. Лекин ҳеч ким ёнгинишмади, шикоят қилмади. Шаҳардан орттирган нарсамиз битта эди. У ҳам бўлса, Насибнинг пешонасидаги ғурра. Шаҳардан яна, Ҳамидхоннинг қўлтиғида, ўша — мен нон ўраб кетган қизил латтани ҳам кўтариб кетяпмиз.

Дуб тепалигига етиб келганимизда қош қорайиб қолган эди. Ҳаммамиз чуқур хўрсиниб, орқага қайрилиб қарадик. Олисда қоронғилик қопланган уфқ этагида шаҳар чироқлари ярақлаб кўринарди. Улар галма-галдан кўз қисишаётганга ўхшашарди.

— Чироқлар нима дейишяпти, болалар? — Асқад шундай савол ташлаб, бунга ўзи жавоб қайтарди: — «Бопладим», «Бопладим», деб бизни мазах қилишяпти.

— Э, шаҳарингдан ўргилдим! Бизни шарманда қилди, — деди Насиб ва муштани дўлайтирди.

Биз ҳам чироқлар ёниб турган шаҳар томонга баравардан муштумимизни кўрсатдик. Эндиям «бопладим» десин-чи. Йўқ, аламимиз бу билан босилмади. Интиқом олгимиз бор эди. Қандай қилиб?

— Келинглар, болалар, биз ҳам уни шарманда қиламиз, — деди ҳаммамизнинг шунчалик сарсон бўлишимиздан куйган жўрабошимиз.

— Нима қиламиз?

— Мана бундай қиламиз... — у чолворини тиззаскача туширди-да, шаҳарга орқасини ўгириб олди. Биз ҳам шундай қилдик.

— Э, шаҳарингдан ўргилдим! Шарманда бўл! Шарманда бўл! Шарманда бўл!

Биз ҳам унинг изидан қичқирдик:

— Шарманда бўл! Шарманда бўл! Шарманда бўл!

Худди бу етмагандек, кимдир шаҳарда еб олган нўхотнинг кучини кўрсатди.

Шундай қилиб, биз шаҳардан аламимизни олдик.

Энди ундаги чироқлар маржон бўлиб товланмас, ёниб ёнмай, совун пуфагидек ёрилиб кетаётганга ўхшарди. Негаки, бу шаҳар энди шармисор бўлган эди.

Биз эса, аламдан чиқиб, йўлнинг бу ёғига ўйнаб-кулиб кетавердик.

## ДУМАЛОҚ ТОЛИБ

— Эчки терисини Толибникига олиб бориш керак. Негадир ўзи кўринмай қолди,— деди бир кунни отам чой устида. Кейин отни эгарлади-да, ҳовлидан чиқиб кетди.

Катта акаларим Кичик ойим билан кеча узоқ далага жавдар ўришга кетишганди. Эчки терисини ким собориб беради? Аннқ гапки, эчкининг устидан шилиб олинган тери ўзидан-ўзи бир ёққа боролмайди. Отамнинг ғалати одати бор. Агар бирон иш бўлса, бировга топширмайди, фақат гап орасида «анавини бундай қилиш керак эди», деб қўя қолади. Бу иш кимнинг зиммасига тушганини уйда ҳар ким билиб олиши керак. Яқинда кечки овқат устида отам акаларимни нишонга олиб, бундай ҳангомани ҳикоя қилиб берди.

— Қадим замонда бир чол ўғлига қайлиқ излабди. У бўйига бўйи тенг келиб қолган ўғлини йўлга солиб, кетаверибди. Қараса, алла бир сўқмоқ йўлдан қизлар сувга кетишаётганмиш. Чол сарвқомат қизларни кўриши билан ўғлини қамчи билан уришга тушибди. Қизлардан бири йўлда тўхталиб сўрабди:

— Ўғлингни нимага уряпсан, бобой?

— Ўғлим айтган гапни эшитиб, буюрган ишни бажаради. Шунинг учун уряпман,— дебди чол.

Қизлар кулиб юборишибди.

— Вой, эсини еган чол! Шундай яхши йигитни ҳам урадимки киши?— дейишиб, йўлда давом этишибди.

Кейин уларга яна бир қиз учрабди. У хаёл суриб келаётган экан. Чол яна ўғлини савалай бошлабди.

— Ўғлингни нега уряпсан?— сўрабди қиз.

— Ўғлим айтган гапни эшитиб, буюрган ишни бажаради.

— Қаттиқроқ ур, отахон, эси кирсин,— дебди қиз.—

Ўғлингни ёши бир жойга бориб қолибди. Айтмасдан туриб гапга тушуниши, буюрмасдан туриб ишни бажариши керак.— Шундай дебди-ю, йўлида кетаверибди.

Уша куниеқ чол шу қизниқига совчи юборибди...

Отам шуни ҳикоя қилиб, бир оз жимиб қолди. Катта акам Муртазо қулоғи динг бўлиб ўтирарди.

— Хўш, қиз совчиларга нима депти? Рози бўл-тими?

Дадам шу саволни кутиб турган экан, шекилли, шовилмасдан ҳикоясини давом эттирди.

— Совчилар келиб, чолга бундай дейишибди: «Топган қизинг ғалати экан. Ишни ўрнига қўяди-ю, лекин гапининг тайини йўқ. Авлод-аждоди билан шунақага ўхшайди. Тайинли гап ололмай келдик». Буни эшитиб чол нима бўлганини сўзма-сўз баён қилишни сўрабди. Совчиларнинг каттаси бундай депти: Уйга кирсак, қизнинг битта ўзи ўтирибди. «Отанг қани?» деб сўрасак, «Дўстдан душманни айирганг кетди», дейди. «Онанг қани?» десак, «Биттани иккитага айлантиргани кетди», дейди. Шундай суҳбат давомида у каттакон косада олдимизга таом келтириб қўйди. Биз овқатланиб бўлдик. У ёқ-бу ёқни томоша қилдик. Қарасак, уйнинг деворлари йўғон харилардан қилинган. «Бу хариларни ўрмондан ташиб келтириш қийин бўлгандир?» деб сўрадик. «Бир ташинида қанчадан судрадинлар?»— дедик. Қиз бундай жавоб берди: «Отларимиз ориқ пайтида бир йўла учта-тўрттадан хари ташидик. Сал тўйиб жир битганидан кейин, фақат иккитадан хари судрашди. Жуда кучайиб кетишганидан сўнг, бор-йўғи биттадан харини ташишга кучлари етди». Аҳмоқ қиз шундай дейди! Биз индамай чиқиб келавердик. Бундай қизни келин қиласанми, йўқми, бу ёғи сенга ҳавола.

«Эй, менинг эси паст биродарларим,— дебди чол шунда.— Ҳар қандай сўз ҳам бамисоли суякка ўхшайди. Илигига етиш учун аввал устихоннинг ўзини чақиш керак. Қиз сизлардан минг марта ақлли эканини намоиш қилибди, сизлар эса, тушунмабсизлар. Қизнинг отаси дўстидан қарзини қайтиб олгани кетган бўлса ажабмас. Онаси ой-куни яқин бўлганидан доянинг олдига жўнаган. Хари масаласига келсак, қиз сизларнинг овқат ейишларингга ишора қилган.

Сизлар оч пайтда ўртага қўйилган таомнинг хамири-ни қўшалоқ-қўшалоқ қилиб егансиз. Бир оз тўйгандан кейин, битта-биттадан олишиб, ниҳоят, фақат шўрбасини ичишга тушгансиз. Ростдан шунақа бўлибмиди?»

«Шунақа бўлувди» — дейишибди совчилар бўшашиб. Кейин ортиқча миқ этмай, уйдан чиқиб кетишибди.

Чол эса эртасига совчиликка бориб, ҳамма ишни битириб қайтибди.

Аслида, бизнинг Муртазога ҳам шундай ақлли хотин керак. Бу ҳам фақат айтган гапни эшитади. Кейинги ўғлимиз Солиҳ ҳам акасидан қолишмайди; нуқул буюрган ишнингина бажаради.

Акаларим отам ҳикоя қилган ҳангомани индамай эшитишди. Биргина улар эмас, мен ҳам отамнинг гаплари маънисига яхши тушундим.

...Хўш, қисқаси, Толибга эчкининг терисини ким обориб беради энди? Аниқ гапки, бу иш Катта ойим билан менинг зиммамга тушади.

Думалоқ Толиб Бойқуш кўчасида туради. Бу одам ниҳоятда кичкина, гўлабирдан келган. У йил бўйи бошига эски айлана шапка кийиб юради. Шапка жонивор исқирт босиб кетганидан доим ялтираб туради. Куз келганида у мана шу шапкасига қулоқчин улаб олади; баҳорда қайтиб узиб ташлайди. Шу пайтгача биронта одам умуман Толибнинг шапкасини ечганини кўрган эмас. Ҳаммомга ҳам шапка кийиб кирар эмиш. Қизиқ, бошида бирон балоси бормикан? Толиб бир вақт чувашлар қишлоғида мардикорлик қилган; ўша ёқдан хотин ҳам олиб келган. Биринчи пайтлари хотини: «Толибжон, нега бошингдан шапкангни ечмайсан», деб кунда сўрайверибди. Толиб охири унга, бизнинг наслимиз одати ўзи шунақа, деб жавоб берган экан. Лекин одамлар бари бир шубҳаланиб юришади. Толибнинг бошида бир иллат ёки хохи бўлса керак.

Эсимни танибманки, Толиб уйма-уй юриб ҳар хил ит-мушуклар териси йиғишини биламан. Унга, дейлик, каттароқ жониворлар — сигирми, отми, айиқ ёки бўрими, буғуми, сигирларнинг териси ҳеч насиб қилмайди. Бундай териларни одамлар тўғридан-тўғри копратифга топширишади. Биз болалар баъзан юм-

ронқозикми, бошқа биронта жониворми тутиб олсак ёки қопқонга туширсак, дарров Толибникига югурамиз. У қўлимизга чақалар, баъзан эса танга пул тутқазади. Толибнинг сигири ҳам, оти ҳам йўқ. Фақат уйи тўла бола-ю, сабаби тирикчилик, топгани ипириқи жониворларнинг терисини йиғишдан иборат.

Катта ойим иккита эчкининг терисини ўраб олиб, қўлтиғига қистирди-да, икковлашиб Думалоқ Толибникига йўл олдик. Баъзан Кичик ойим билан кўчага чиқиб, манзилга етиб боролмай уйга қайтиб қўя қолган пайтларимиз бўлади. Кичик ойим қўшнилари қариндошлар дейсизми, овсинлар, қудалар дейсизми, ҳамма билан эзмаланиб вақтни ўтказади. Катта ойим эса йўл-йўлакай «қалай, омонмисан, эгачиларим яхшими?» деб сўрашади-ю, кетаверади; йўлда кўп тутилмайди. Яна бир гап шуки, қизиқ, овулдаги энг қопағон итлар ҳам Катта ойимни кўришса, вовулламай худди одоб сақлагандек ҳовли дарвозаларидан бошларини ичкарига тортишади.

Биз келганда Думалоқ Толиб пахса деворли молхона олдида тиззасига чиптани босиб, тўқиб ўтирарди. Бизни кўриши билан ишини қўйиб, ўрнидан сакраб турди:

— Марҳамат, янга. Келинг, келинг, янга. Ичкарига таклиф қилай десам, уй тўла бола. На ўтиришга, на туришга жой бор. Яхшиси, шу ерда ўтириб фотиҳа ўқиб қўя қолайлик.

У ичкаридан эски палоснинг бир парчасини олиб чиқиб, чеккага ёзди. Тезгина фотиҳа ўқишдик.

— Хўш, Толиб, бола-чақанг омонми? Мол-жоннинг яхшими?

— Мол-жондан дарак йўқ. Лекин худога шукр, бола-чақалар омон. Ўзимга келсак, девона сифат юрибман-да.

— Ҳаммаси яратган эгамдан, — деди Катта ойим осмонга имо қилиб.

Толиб ўрнидан туриб кетди. У ёқдан-бу ёққа юриб, тез-тез гапира бошлади:

— Ҳозир, янга, бир нарсани ўйлаб турувдим. Оти йўқнинг ярим давлати чипта ковушга кетаркан. Пиёда юрган одамнинг ковуши ейилмайдими? Кимнинг оти бўлса, иши ҳам зўр. Менинг эса пешонамга ҳеч қачон от битмаган. Шунча кўп пиёда юрдимки, ҳам-

масини қўшса, беш марта Маккага бориб келишга етса керак.

— Насиб қилса, Маккага ҳам борарсан.

— Қўйсангиз-чи, янга. Маккага одамлар гуноҳни ювиш учун боради. Менда гуноҳ нима қилсин? Уйлаб қарасам, ўлишим билан менга жаннатнинг дарвозаси ланг очиқ турадиганга ўхшайди. Нега, дейсизми? Нега деганда, мен бир кофирни хотинликка олиб, мусулмон қилдим. У менга яна бир этак мусулмон бола ҳам туғиб берди.

Катта ойим алланечук илжайди.

— Бу, Толиб,— деди у.— Хотинингни мусулмон қилганинг яхши. Лекин сен унинг дини билан жонини бир-биридан айирдинг-да. Хотининг туғилганида мусулмон эмас эди. Аслида, бу ҳам гуноҳ. Ҳар ким ўз худосига сигиниши керак.

— Йўқ, мен бунисига розимасман,— деди Дума-лоқ Толиб.— Бу гапингни тушунмаяпман.

Толиб тўғри айтди. Бу гапга мен ҳам тушунмадим.

— Мана бу териларни олиб қўй, Толиб,— деди Катта ойим гапга яқун ясаб.

— Раҳмат, янга. Менинг ҳунаримни ҳурмат қилиб, ўз оёғинг билан келибсан. Фақат мен бунга ҳозир пул тўлолмайман. Бунинг устига, сендан қарзим ҳам бор. Эсингдами, эрта баҳорда сендан уч пуд сули олган эдим. Тўлай десам, пулим йўқ. Лекин мен имонсиз эмасман,— деди у, уҳ тортиб.

— Бирон куни пулинг ҳам бўлиб қолар; еб кет-массан. Қўйнидан тўкилса, қўнжиги,— Катта ойим шундай деб, ўрнидан турди.

— Шошма, янга. Менда бир ғилдирак бор. Самокатга жуда мос тушади. Сизларнинг хўжалигингиз катта. Бир нарсга яраб қолар.— У бостирма ичидан ғилдиракни олиб чиқди.— Ялтирашини қара! Мен уни шаҳардан олиб келганман.

Катта ойим унинг елкасига қоқди.

— Хафа бўлма, ўғлим. Бир куни сен ҳам бойиб қоларсан.

— Ҳа, янга. Ҳали мен шунақа бойиб кетаманки, худо хоҳласа, кўрасиз. Фақат ҳозирча бир оз қийналиб турибмиз-да. Ҳа, эсимдан чиқай дебди. Ажойиб бир мис қумғоним бор. Бунақа қумғонда фақат эшонлар таҳорат олишса ярашади. Бунақа қумғонни бизга

ҳожати йўқ. Шунинг сенга бера қолай.— У яна бостир-  
ма томон йўналган эди, Катта ойим имо билан уни  
тўхтатди.

Ғилдирак, умуман, ёмон эмасди. Мен уни кўрибоқ  
қотиб қолгандим. Самокатга ўрнатиб, Катта кўчадан  
бир қўйиб юборсанг, Тименей кўчасигача тўхтамай  
боради. Шунда Тименей кўчасидаги болаларнинг оғ-  
зи роса очилиб қоларди-да. Фақат тасмаси йўқ экан.  
Кимдир кўчириб олганга ўхшайди. Катта ойим менга  
қараб қўйиб, Толибга бундай деди:

— Бўпти, Толиб. Ғилдиракни оламиз. Шу билан  
эчки териси учун орамиз очиқ.— У ажойиб ғилдирак-  
ни Толибнинг қўлидан олиб, менга берди.— Ма, сё-  
нинг чаққон бўлсин.

Шундай қилиб, қўлимга кутилмаган хазина туш-  
ди. Аллақандай эчкининг сассиқ териси қаёқда-ю,  
бундай ғилдирак қаёқда! Бечора Толиб ютқазди.

Катта ойим савдони яқунлаб, ўрнидан турди. Ду-  
малоқ Толиб яна пичирлаб қолди:

— Бир қарашда ҳозир куз, тўкинчилик. Лекин  
сизларни меҳмон қилолмайман. Камбағалчилик қур-  
син!

— Хафа бўлма, Толиб. Чойнинг бўлмаса ҳам, ши-  
рин сўзинг бор,— деди Катта ойим уни юпатиб.— Ҳа-  
ли бадавлат бўлиб кетасан. Ушанда келамиз.

— Шошма, янга. Қутлуғ уйдан қуруқ кетма. Мен  
сенга ҳеч бўлмаганда, битта ўйнаб берайин.

У шундай деди-ю, қўлларини белига тираганча,  
ўйинга тушиб кетди; ашула ҳам айтди:

Уйга келганда меҳмон,  
Ўйнаб бермасми, мезбон?  
Рўзгор ҳоли бўлгач танг,  
Айб эмас ўйнаб берсанг.  
Уйда от, сомон ҳам йўқ,  
Арпа йўқ, ёвғон ҳам йўқ,  
Ўйнайди-да, не чора,  
Ҳеч вақосиз бечора...

Думалоқ Толиб завқ билан ўйнар, гир айланар,  
гоҳ тиззаларини букиб, гоҳ роз турар эди.

— Баракалла. Меҳмондорчилигинг учун раҳмат,—  
деди Катта ойим, у рақсини тугатгач.



— Яхшиси, мен сенга яна битта ашула айтиб бера қолай, қулоқ сол:

Мард аскарлар чекишган саф,  
Этиклари ялтирайди.  
Немис деган бизга қараб,  
Тиззалари қалтирайди.

Бу бизнинг гвардиячи ашуламиз. Бўйим пакана бўлсам, мен подшо армиясининг гвардиясида хизмат қилганман. Ўзим бир қаричман, лекин қизиқ йўсинда азамат гвардиячиларнинг қаторидан жой олганман-да, янга. Биласанми, баъзан яланг майдонга минглаб аскарларни йиғишар эди. Энг обрўли генерал келиб, шу аскарлардан гвардиячиларни ажратиб олар эди. Тартиби бундай. Бизлар қатор саф чекамиз. Генерал ҳўкиздек 15—20 қадам орқага чекиниб туради-да, бехос югуриб аллақайси солдатнинг тиззасига тепади. Манаман деган аскар ўша заҳотиёқ юзтубан йиқилиб тушади. Бу зарбага чидаса, юзтадан битта одам чидаши мумкин. Ана шунга чидаганни генерал ўзига ажратиб олади. Бир куни у мени ўшандай тепиб қолди. Мен миқ этмай туравердим. Генералнинг кўзи олайиб кетди. У ёқдан қаради, бу ёқдан қаради, атрофимни айланиб чиқди. Кейин қирқ қадамча нарига чекиниб, югуриб келди-да, яна бир марта тепди. Мен қимир этмай турибман. «Баракалла, солдат!— деди генерал.— Менинг армиямда сен сафнинг энг охирида турасан. Лекин энг биринчи аскарим бўласан. Шунда биронтаси орқамдан келиб, мени теполмайди». Шўрлик шундай деганди. Орадан кўп ўтмай, бари бир унинг орқасига тепиб қолишди. Аввалига тўрт оёқлаб эмаклади, кейин чўзилиб қолди бечора. Подшони ағдариб, эски замонга ўт қўйилганида шундай бўлди.

Толиб ҳикоясини тугатиб, Катта ойимга қараганча, бўзрайди.

— Яхши-ёмон гапирган бўлсам, кечиргин, янга...

— Зиёни йўқ. Баъзан яхшига ёмон, ростга ёлғон аралашмаса қизиғи бўлмайди.

— Рост айтасан, янга,— бу фикрга дарҳол қўшилди «гвардиячи аскар».

Думалоқ Толиб ниҳоят, бизни дарвозагача кузатиб қўйди. Менинг бошим осмонга етган. Нима қилса

ҳам бебаҳо хазина — самокат гилдирагини қўлга киритганман. Бунинг устига, Думалоқ Толибнинг ашулаларини айтмайсизми? Аллақандай бир парча эчки терисига шунча нарса! Кетяпману, Думалоқ Толибнинг оппоқ тишлари кўз ўнгимда турибди. Бунақа содда одам бўлмайди. Мен орқага ўгирилиб қарадим. Думалоқ Толиб ҳамон дарвозаси олдида шамдай қотган, сийрак соқоли, ингичка мўйлови, исқирт шапкаси ўша-ўша. Кунлар ҳали бирма-бир ўтади. Қорлар ёғиб, бўронлар гирдибод уришади. Пайти келиб, бутун овулдагилар мана шу эски шапка остида қандай тиллабош беркиниб турганига шоҳид бўлишади.

### «ГҶШТИ СИЗНИКИ, СУЯГИ ВИЗНИКИ»

Ерга қиров тушган кунлардан бирида саҳарлаб Катта ойим мени мактабга олиб борди. Мен Катта ойимдан икки қадам ортда, қиров босган ўтларни босиб борардим.

«Энди бу мактабга қатнаса бўларди. Йилқилар қишлоғга кирганда, ёши тўққизга тўлади, — деди кеча у Кичик ойимга. — Балки, ўзинг уни муаллимга учратарсан». Кичик ойим менинг кўзимга узоқ тикилиб турди. Кейин Катта ойимга қараб бундай деди: «Яхшиси, ўзинг олиб бора қол, кундош. Сен одамлар билан гаплашишни биласан».

Мактабимиз Мачит кўчанинг охирида, даранинг нариги томонида. Мен уни фақат четдан кўрганман. Ичига кирган эмасман. Ростки, кирай деб, кўзим учаётгани ҳам йўқ. Нима қиламан у ерда? Яқинда Валидин мактаб ҳақида тўғри гапни айтди: «Қаноти қора бўлгани билан ҳамма қуш ҳам қарға бўлавермайди. Уқигани билан ҳамма мулла бўлавермайди». Агар ҳамма ўқиганлар муллага айланса, отга бедани ким солади? Беда топилса майли, уни отга соладиган топилиб қолар. Лекин беданинг ўзи топилмаса-чи? Иккинчи томондан, мулладан ҳамма қўрқади. Ким муллик қилса, ошиғи олчи; одамлар итоаткор қарашга мажбур...

— Мен ҳечам мулла бўлишни истамайман, — деб кибордим ўзим ҳам билмай.

— Нега бунақа дейсан, синнай? — сўради Катта ойим.

— Уқигандан кейин, одам мулла бўлиши керак-ку.

— Худо хоҳласа, мулла қилмаймиз. Ё олим, ё танобчи бўласан. Нима қилганда ҳам, ўқиш лозим. Ахир, уйимиздагиларнинг ҳаммаси бамисоли ожиз... Ҳозир ўқимаган одамнинг ожиздан фарқи йўқ, — тушунтирди у. — Биз сенинг кўзинг очиқ бўлишини умид қиламиз. Қоронғида қолганлар, қўйлар, деб аталганимиз етар.

Мен кетаётган йўлимда тўхтадим.

— Бугун шу мактабга бормаи қўя қолайлик. Эртага бораилик шу мактабга.

Менинг кўз ўнгимда қўйлар бир-бирларини туртишиб юрган мактаб биноси жонланди. Семиз-ориқ, ҳар хил қўйлар.

— Бугун мактабга бориб, шунчаки ўқишга ёзиламиз. Уқиш бир ҳафтадан кейин бошланади, — деди Катта ойим йўлида давом этар экан.

Катта ойимни биламан. Бир гапни айтгач, гапини икки қилиб бўлмайди. Биздан олдин мактабга темирчи Аълам чиллакдек ингичка, найнов ўғли Ғилмиддинни бошлаб кириб кетди. Ғилмиддинни танийман. Бечора тортинчоқлигиданми, овсарлигиданми, ўзидан кичкина болалардан кўпинча калтак еб юради.

Уқитувчи Маҳмуд Катта ойимни кўриб, ўрнидан турди.

— Марҳамат, онахон! Қани, бу ёққа ўтир. Мен ҳозир, ҳозир Аълам оғайнинг ўғлини ёзиб бўлай...

— Майли, майли, биз шошаётганимиз йўқ, — деди Катта ойим. — Менга қара, Аълам, ўғлинг катта бўлиб қолибди-ку. Худо хоҳласа, яқинда ёнингга ҳам кириб қолади.

Аълам Катта ойим билан қўл беришиб сўрашди. Кейин Ғилмиддинни ўқитувчига рўпара қилиб қўйди. Ғилмиддиннинг ингичка бўйнига юкланган боши ҳозир узилиб думалаб кетадигандек эди. Ҳайронман, индексина бўйин каттакон бошни қандай ушлаб турибди?

— Мана, Маҳмуд, — деди унинг отаси темирчи, бирдан овозига маҳзун тус бериб. — Тўнғич ўғлимни сенга олиб келдим. Гўшти билан ёғи сеники, териси билан суяги меники.

Аввалига мен қанақа гўшт, қанақа ёғ ҳақида гап

кетаётганига тушунолмадим. Кейин бирдан кўнглим айнаб, вужудимни қўрқув босди. Демак, Ғилмиддин бечоранинг терисини шилиб олишаркан-да. Ўзи-ку, кўйлак остида қовурғалари саналиб ётибди. Маҳмуд бу шўрликнинг қаеридан гўшту ёғини ажратиб оларкин? Мен шу ондаёқ қочиб кетишга шайланиб қолгандим.

— Майли, оғай, қўлимиздан келганини аямай-миз,— деди ўқитувчи.

Ота-бола кетишди. Ўқитувчи ўзининг қалин дафтарига мени ҳам ёзди.

— Мана, домла. Ўғлимни сенга топширяпман. Айтиб қўяй, болам бир оз қайсар. Сал нарсага хафа бўлади. Лекин кўнгли тоза. Яна сенга айтиб қўяй, бир тукига ҳам тегмайсан. Мен бунга рози бўлмайман. Олдиндан огоҳлантириб қўяман,— деди Катта ойим. Унинг товуши осойишта, аммо қатъий эди.

— Бунисидан хотиржам бўл, онахон,— деди Маҳмуд ўрнидан туриб.— Биз бундай ҳурматли онахонларнинг боласига тирноғимизни ҳам тегизмаймиз. Айтган сўзим сўз. Бундан кўнглинг тўқ бўлсин.

— Раҳмат, домла,— деди Катта ойим.— Бундай гапларни олдиндан келишиб олган яхши. Хайр, саломат бўл.

Мактабига унча қойил қолмадим. Тахта деворларга ёпиштирилган турли қоғозларга ҳам, қора парталар, қора доскага ҳам бепарволик билан қарардим. Ўқитувчининг кўкиш кўзлариям менга ёқмади. Бари бир Катта ойимга ваъда бергани билан мен унинг сўзларига кўнглимда унча ишонгим келмасди. Мактабдан шундай кайфиятда чиқиб кетдим.

Ўқитувчи чиндан сўзида турмади. У менга тирноғимни тегизмайман, деб ваъда қилган эди. Тўғри, тирноғини теккизгани йўқ. Аммо бошқачасига таъзимимни берди. Ўқишнинг учинчи куними, тўртинчи куними, танаффусда беркинмачоқ ўйнадик. Мен печканинг устига чиқдим. Шунда ўқитувчи келиб қолиб, қулоғимни узиб олишига сал қолди. Кейин қаламтарош билан партага «К» деган ҳарф ёзгандим, ўқитувчи линейка билан бармоғимга тушириб қолди. Учунчи гал биров деб, мен куйдим. Ўқитувчи доскага бир нимани ёзаётган эди. Ҳамидхонми, Ғилмиддинми, қайси биридир шўхлик қила бошлади. Ўқитувчи қўлидаги

муштдек келадиган бўрни мўлжаллаб туриб ўшанга отган эди, мўлжални чатоқроқ олган экан, менинг қоқ пешонамга келиб тегди. Кўзимдан ўт чақнади. Ҳуқитувчининг ўзи ҳам эхсонаси чиқиб, мени юпата бошлади. Менга шундай алам қилгандики, унинг гагини келтириш учун ҳам, атайлаб йиғламасдан миқ этмай туравердим.

Уша куни мен аниқ қарорга келдим. Бўлди, мактабига бормаيمان. Худди ўша кунлари қор ёққан, конькида учадиган палла етган эди. Шайхатторга бир тийинлик чақа бериб темир конькисини оламан-да, ҳар куни бир қур Оқ Юмагулнинг уйи олдидаги муюлишда тепаликдан маза қилиб учиб тушаман, деган фикрга келдим. Мен бу ҳақда ҳеч кимга, ҳеч нима демай, мактабга қатнашни йиғштириб қўйдим. Икки йилгача шундай юравердим.

Орадан икки йил ўтгач, синглим Салиса билан яна биринчи синфга бордим. Синглимни биринчи партага, мени эса, энг охирига ўтқазиб қўйишди. Ҳуқитувчимиз ёшгина қиз эди. Дастлабки кунлари у бизга чизиқ тортишни ўргатди. Синглим дафтарига битта чизиқ тортади-да, югуриб менинг олдимга келади. «Тўғри ёзипманми, оғай», деб сўрайди. Ҳуқитувчига қарамайди ҳам. Ҳуқитувчи эса, менинг уялиб кетаётганимни кўради-ю, сездирмайди.

Йўқотган икки йилимнинг ҳиссасини бир қишда чиқардим. Баҳорда мени ўзим олдин ўқиган синфга ўтқазишди. Мен жиддий таълим ола бошладим. Бу ерда ҳамма болалар таниш эди. Фақат энди Ҳуқитувчи бошқа бўлган эди.

Уша йили бир оз вақт ўтар-ўтмас, мен ўзимни эркин ҳис этган қиш кунларида, овулимизда оппоқ қорга қизил қонлар оқди...

## ИККИ СУД

Овулда кимдир қазо қилган бўлса, кўчанинг икки бетидан иккита бола от чоптириб ўтишади-да, ҳар бир эшик олдида тўхташиб: «Жанозага!..», «Жанозага!..», «Жанозага боринглар!» — дея қичқиришади. Бу менинг учун энг қўрқинчли чақириқ. Гўё болакайлар одамларни марҳумнинг дафн маросимига эмас, мени қабр-

га чорлашаётгандек туюлади. Аслида, чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Вақт бешафқат, пайти келиб, ҳаёт ҳаммани ўша томонга чорлайди, ўша тарафга кузатади.

Тонг қоронғисидан кўчадан олдинма-кейин иккита бола тасир-тусур от қўйиб ўтишди:

— Судга! Судга боринглар! Судга!

— Ё худойим, наҳотки, яна кимнингдир куни битган бўлса?— ташвишланиб сўради дастурхон йиғиштираётган Кичик ойим.

— Судга чақиряпти, Кичик ойи, судга... Кооператив бошлиғи Самигулла халойиқнинг пулини ўғирлаганмиш, ноинсоф. Жамоат суд қилади. Тошпўлат оқсоқолнинг жуда жаҳли чиқиб юрувди,— каловланиб, тугила-тутила янгиликни баён этди кичик акам Солиҳ. У ҳамиша шунақа; сўз бошлаши билан тилини йўқотиб қўяди.

— Бу қанақа пул эди ўзи? — сўради Катта ойим.

Катта акам Муртазо ҳаммасидан хабардор:

— Кузда ҳар бир хонадондан ўроқ машинага деб, пул йиғишган эди. Бу худди ўша пуллар,— тушунтирди у, ҳозиржавоблик билан.

— Эҳ, бадбахт! Нафс ўлгур одамни не кўйларга солмайди-я! — хўрсинди Катта ойим.

Отам лом-мим демай, жимгина хаёл суриб ўтирарди. Бевовта сукунат чўкди. Синган шишадек жаранглаб, кулбани тўлдирган «Судга боринглар!» — деган жонсарак хитоб энди қулоқларда акс-садо бера бошлади: «Судга!», «Судга боринглар!»

— Самигуллаки, шундай қилгандан кейин, ҳеч кимга ишонч йўқ экан-да. Доим: коммунистман, деб кўкрагига ургани-урган эди. Тагин ҳам тили узилиб тушмайди,— деди Муртазо оғай қаҳрланиб.— Ҳар ким ҳам ўз фойдасига янгилиганини айтаман.

— Агар бирортанг Ёнгин майдонига қадам босгудек бўлсанг, кунингни кўрасан,— деди отам.— Бировнинг устидан ҳукм чиқаришга ҳали сизларга эрта.

Сўнгра, ҳатто, бармоғи билан пўлиса ҳам қилиб қўйди. У акаларим билан бундай кескин тарзда шу вақтгача сира гаплашмаган эди. Бир оздан кейин, сал мулойим товушда:

— Тўриқни қўшиб беринглар, Тимофейнинг олди-га бориб келаман,— деди.— Сизлар бундоқ қуён овига

чиқсанглар бўлмайдими? Қорни қаранглар, кўрпа бўлиб ётибди.

Отамнинг кескин сўз оҳангидан ҳайратга тушган акаларим энди баттар довдираб қолишди.

— Майли, ота, қуёнга чиқсак чиқармиз,— деди Муртазо шошилиб.

Эркаклар аста-секин ўз юмушларига тарқалишди. Бир оздан сўнг, кўчадан бояги болалар яна от чоптириб ўтишди:

— Судга боринглар, судга! Ёнғин майдонига — судга боринглар!

Мен жуда кўп ғаройиб томошаларни — «Туманли картиналар»<sup>1</sup>ни ҳам, от пойгаларни ҳам — барчасини кўрганман. Лекин бу суд дегани... Бориб кўриш керак.

Ёнғин майдони — Мачит кўчанинг юқорисида. Гужғон ўйнаган оломоннинг сон-саногига етиб бўлмайди. Аксарият, чоллару соқолли амакилар тўпланган. Биз тенгги ёш болалар кўчанинг нариги томонидан яширинча ялангликка қараб ўрмалашади. Катталар бизни майдонга қўймасликка уринишади..

— Чурвақаларни нарироқ ҳайданглар! — ўшқирарди қандайдир баджаҳл чол. — Қорасини ҳам кўрмай буларнинг.

— Майли, қўйинг, томоша қилишсин, ибрат учун,— деди юзлари салқиган семиз киши.

— Сабоқ бўлади, — луқма ташлади яна кимдир.

— Бегуноҳ гўдакларни уйига жўнатсанглар-чи. Бу ерда от ўйин бўлаётгани йўқ-ку.

— Худо билсин, ҳали қанақа от ўйин бўларкин...

Одамлар борган сари кўпаяр, майдон гувуллаганча қайнаб тошарди. Бирдан ҳамма жим бўлиб қолди. Пиймалари остида қорни ғижирлатган кўйи Тошпўлат оқсоқол ва иккита бегона киши Паст кўчадан майдонга чиқиб келишди. Пакана Тошпўлат беихтиёр каттароқ қадам ташлаганида эгнидаги отасиданми, акаси-данми қолган эски чакмоннинг этаклари ерга тегиб-тегиб кетарди.

— Хўш, нима қарорга келдик, жамоат? — сўради Тошпўлат қадини ростлаб, аммо ҳеч кимга назар кўзини солмай. — Уғри тутилди, юрт оталари, энди ҳукм сиздан...

---

<sup>1</sup> «Туманли картиналар» — кино.

Халойиқ ҳали нима дейишини билмай турган эди, Тошпўлатнинг олдида Мараҳим Хушрўйнинг чинордек баланд, бақувват гавдаси кўринди. У бизнинг кўчамизда яшайди. Айтишларича, Мараҳимни жуда ёшлигидаёқ отаси зўрлик билан уйлантириб қўйган, аниқроғи, Илёс сўфининг бевасига бутунлай топширган экан. Баъзан оқшомлари Мараҳим эшигининг ёнига чиқиб гармонини чала бошлаши билан бутун овул унга жимгина қулоқ соларди. «Дарди кўп, бояқишнинг,— деган энди бир кун Катта ойим,— шунча йиллар ўтса ҳамки, бечоранинг юраги бир қўним билмайди, шодлиги йўқ, кимгадир зор, кимнидир излайди. Энг гуллаган ёшлик чоғлари сувга оққандек бесамар ўтапти, шўрликнинг...»

Ҳақиқатан ҳам, хушхонлик ва чиройда ягоналарга омад бегона, деб бежиз айтишмаган-да. Бу ҳам камдек, унинг қуюқ киприклари бениҳоя узун эди. Киприги узун одамнинг эса, маълумки, умри қисқа бўлади. Шунинг учун ҳам Мараҳим Хушрўйга кўпчилик ачинганидан уни сийласа керак. Ҳозир у, мана Тошпўлат оқсоқолнинг ёнигинасида бўйинини чўзиб турибди.

— Биродар,— деди Хушрўй унга оҳиста.— Самигулланинг айби катта. Жамоат пулини у ўғирлаганми ёки ундан ўғирлаб кетишганми, бундан қатъий назар, бир нарса аён: пуллар унинг қўлидан ғойиб бўлган. У ўз жазосини олади. Фақат уни ҳукуматга, одил судга топшириш керак; эҳтиросга берилмасдан, адолат билан иш кўрилгани маъқул.

Тошпўлатнинг ранги бўзариб, кўзлари атрофдагиларга тешиб юборгудек қадалди.

— Ҳукуматга эмиш! Нима, бу уларнинг мулкани ўғирлабдими! У сизнинг, кўпчиликнинг ҳақиға хиёнат қилди, халойиқ! Унинг тани ҳам, жони ҳам, тақдири ҳам сизларнинг қўлингизда, жамоат! Ё гапим нотўғрими?

— Тўғри, тўғри!— маъқуллади оломон.

— Ҳали кўпчиликнинг ҳаққи учун қон қусасан, газанда!— қичқирди юзлари салқиган семиз киши.

— Тагин бу кишим коммунага қатнардилар! Халқни йўлга бошлардилар! Иблис! Имонсиз дўзахи! Қани у? Нимани кутяпсизлар?!— тутақиб кетди аллақим.



— Халқнинг олдига олиб чиқинглар! Қани, жавоб берсин!

Ғазабланган одамлар тўлқини ҳаракатга келди, қий-чув, бақирриқлар кучайиб, ҳеч нимани англаб бўлмади қолди.

— Ҳой, азаматлар! Ўғирини келтиринглар!— ҳукмбардор товуш билан қичқирди Тошпўлат.

Мараҳим Хушрўй бошини қуйи солганча майдондан чиқиб кетаркан, бир лаҳза тўхтади, орқасига қайрилиб қаради-да, сўнгра даврани жимгина тарк этди.

Қоровулхонадан Самиғуллани олиб чиқишди. Ўғрининг эғнида калта почта пўстин, оёғида оппоқ чориқ, негадир, бошяланг, қора жингалак сочлари пешонасига тушганди; афти ангори кулга белангандек аянчли қиёфада секин юриб келарди. Қўлларини орқасига қайриб, пишиқ арқон билан чамбарчас боғлаб қўйишган. Арқоннинг бир учидан ўғри билан ёнма-ён келаётган киши ушлаб олган, у гўё бозорга сотиш учун сигир ёки ҳўкизни олиб кетаётганга ўхшар эди.

— Бу ёққа, бу ёққа, мана бу баландроқ жойга чиқаринглар. Халойиқнинг олдига!— деди амирона оҳангда Тошпўлат, бир ёнбоши қорга ботиб қолган аравага ишора қиларкан. Самиғуллани туртиб-суртиб юқорига чиқаришди.

Оломон тек қотди. Ҳатто, оёқлар остидаги қорнинг гижирлаши ҳам тинди. Фақат ҳавода битта-яримта қор учқунларигина ўйнаб учар, ерга, тумонат одам устига эмас, гўё атайлаб қилгандек айбдорнинг тим қора, жингалак сочли, эгилган бошига қўнар эди. Агар шу алфозда яна бир оз турилса, ўғрининг сочлари оппоқ оқариб кетадигандек туюларди. Самиғулланинг сўл томонида, узоқда, қишлоқ Советининг биноси устида қилпираб турган қизил байроқ яқинроқ келиб қолгандек ва улар ёнма-ён тургандек кўринарди. Одам шамдек қотган, байроқ қаёққадир интилиб, шиддатли қилпирайди, уларнинг ортида эса булутли, қопқора осмон парчаси муаллақ...

— Бундай ёвузликни ҳеч эшитган, кўрган борми ўзи?— яна жазаваси қўзиб, асабий қичқирди чийилдоқ чол.— Еримизга, аждодимизга, динимизга иснод келтирдинг. Ҳаммамизни шармисор қилдинг, диёнатсиз!— У чўпдек ингичка қўлларини тўлғаганча, Самиғуллага қараб бақирар эди.

Унга бошқа товушлар қўшилди:

— Бола-чақамизнинг оғзидан юлиб, йиққан эдик!  
Қай гўрга гумдон қилдинг? Гапир!

— Бу пулларни пешона теримиз билан топганмиз!  
Илоё томоғингга кўндаланг тиқилсину, тешиб чиқсин!  
Ноинсоф!

— Бизнинг пешона теримизга қон билан хун тў-  
ласин! Қон билан!

Уғри аста бошини кўтарди. Майдондагиларга узоқ  
термилди. Шовқин-сурон бир оз пасайди. Самиғулла  
қўзғалиб қўйди, муштумини оғзига тутиб, кетма-кет  
йўталди.

— Халойиқ,— сўз бошлади у паст, титроқ товуш  
билан,— сизларнинг олдингизда гуноҳкорман. Ишониб  
топширган ҳалол пулларингиз менинг қўлимда эди,  
менинг қўлимдан йўқолди. Бироқ мен ўзим у пулнинг  
бир тийинига ҳам хиёнат қилганим йўқ.

— Хиёнат қилмадингми? Бўлмаса, қанот чиқариб  
учиб кетибди-да?

— Уғирлатиб қўйдим. Идорамдаги темир сандиқ-  
қа тушадиган калит топиб, ўғирлаб кетишди.

— Қачон ўғирлашди?

— Аниқ билмайман.

— Имонсиз! Алдаяпти!

— Нариги дунёда оқлайсан ўзингни!

— Хўш, қаровул қаерда эди?

— Мен ўғирлаганим йўқ, лекин майли, айб менда.  
Улгунимча ишлаб тўлайман.

— Битингни сотиб тўлайсанми, кафангадо?

— Умр бўйи бири икки бўлмапти-ю... тўлайман  
деганига ўласанми, куясанми!

— Яхшиси, қон билан тўлай қол!— деб, қичқир-  
ди бояги қонли қасос иштиёқманди ўзини тутол-  
май.

Оломон қутуриб, жунбишга келди:

— Жазосини ўзимиз берамиз! Тошбўрон қилиш ке-  
рак! Бошқаларга ҳам ибрат бўсин!

— Қўл-оёғини мажақлаш керак!

— Тошбўрон! Тошбўрон!

— Сазойи қиламиз, сазойи!

Оқ-қорани буткул ажратолмай қолган дарғазаб  
кишилар мушт дўлайтирганча, чўқмор, таёқ кўтари-  
шиб, арава сари бостириб кела бошлашди. Шу лаҳза-

да худди ер остидан чиққандек Думалоқ Толиб пайдо бўлди. У илдам сакраб, аравага чиқиб олди.

— Жамоат! — ҳайқирди майдонни бошига кўтаргудек, янгроқ овозда. — Мен бу одамни туғилганидан буён биламан. Ота-онаси, авлод-аждоди, етти пуштини яхши биламан. Булар пасткашликни билмайдиган, сировнинг ҳақиға кўз олайтирмайдиган одамлар. Яхши иш қилмаяпсизлар, оқсоқоллар, ёшларни аҳмоқликка бошлаяпсизлар! Халойиқ! Юз киши бир кишини, бегуноҳ, ҳимоясиз бир одамни итдек талаяпсиз! Агар уни ўлдирсанглар, ҳаммангиз юзтадан гуноҳ орттирасиз! Сўнг ўла-ўлгунча айбингизни ювслмайсиз! Динимизни ўйланг, жамоат! Мен уни мана шундоқлигидан бери биламан! Юрагим сезиб турибди: у айбдор эмас. Ҳушингизни йиғинг, жамоат! Тошпўлат! Сен — бошлиқсан. Халойиққа айт: Самиғуллага тегишмасин. Унинг иккита норасида фарзанди кулбасида эшикка термилиб ўтирибди. Уларни тирик етим қилманглар, айт оқсоқолларга, Тошпўлат!

— Уғрилиқ қилганида мендан сўрамаган эди. Жипоят қиптими, жазосини ҳам тортсин, — овозини баландлатди Тошпўлат. — Олий жамоат, мен боя айтгандим: адолат сизнинг қўлингизда...

У шундай, деб узун чакмонининг этагига ўралишиб, майдондан чиқди.

Толиб яна алланарса деди; аммо ҳеч ким унга қулоқ солмади. Бироқ у аравадан тушмади, фақат Самиғуллага яқинроқ сурилди.

«Олий жамоат» аввалгидан беш баттар қаҳрланиб, янада ёвузроқ гувиллади:

— Ёлғончининг гувоҳи ҳам доим биқинида бўлади!

— Туш аравадан, жулдурвоқи!

— Уғриликка шерикмисан, нима бало!

— Сени жойинг асли кушхонада экан, ит! Қолган суяк-сўнгакларни ғажиб юрасан!

— Анчагинасини чўзгандир-а?

Толиб бирдан увада чакмонининг этакларини белигача кўтарди-да, олий жамоатга қирқ ямоқ бўлиб кетган иштонини кўрсатди:

— Мана, чўзгани! Кимхобга бурканиб олдим, мана! Қани, кимнинг иштони олифтароқ экан?.. Ҳув, манами ҳам... янги чериқда...

Толиб чакмонининг этакларини ҳамон икки қўллаб кўтариб турарди. Самиғулла гўё ўзи энди бу ерда ортиқ мавжуд эмасдек қотиб қолган, уст-бошини оппоқ, майин қор учқунлари қоплаганди.

Аҳён-аҳёнда пириллаб учаётган бу заррачалар унинг қўнғироқ сочларини қачон бунчалик оққа бе-лаб улгурдийкин?

Толиб туйқусдан иккала қўлини оломон томонга чўзиб, йиғи аралаш илтижо қила бошлади:

— Одамлардан уялмасанглар,— худодан ҳайи-қинглар жамоат! Самиғуллани нобуд этманглар! Бутун овулга фалокат ёғилади. Оллоҳнинг қаҳри келади, халойиқ!

Бу гапни эшитиб, золимлиги билан ном чиқарган итбоқар Ислай тутақиб кетди. У аравага яқинлашиб, «Худонинг қаҳри келиши мана бунақа бўлади», дея бўкирганча қўлидаги сўйилини баланд кўтарди-да, Толибнинг калласига айлантириб солди. Толиб аравадан учиб кетди, юзтубан ерга ағдарилиб тушди. Йиртиқ, ғарибона латта қалпоғи сал нарига думалаб кетди. Унинг бирорта ҳам тук қолмаган тап-тақир, кал боши ойнадек ялтирар эди. Сўйил қаншарини ёриб юборганди, шекилли, чаккасида қон пайдо бўлди-да, оппоқ қорга тома бошлади... Толиб калласини кўтарди, қалтираганча тиззалаб қолди. Қон исини сезиб, Ислай итбоқар буткул ваҳшийлашиб кетди. Сўйилини маҳкам чангаллаб, Самиғуллага ташланди. Бутун «жамоат» югуриб бориб, аравани қуршаб олди. Мен даҳшат ичра кўзларимни юмдим. Қулоғимга дарғазаб оломоннинг кўкка сапчиган шовқин-суронигина эшитилар эди. Сўнгра бирдан сукунат чўкди.

Кўзимни очиб қараганимда арава бўм-бўш эди. Унинг ортида, олисдаги қишлоқ Советинг томи узра қизил байроқ ғамгин чайқалар, гўё араванинг устида хомуш ҳилпираётгандек кўринар эди.

Оломон эгри-бугри кўчалар бўйлаб, турнақатор тизилганча тарқала бошлади. Аравада Самиғулланинг қиймаланган жасади ётар, юз-кўзлари қора қонига беланган эди. Унинг мажақланган боши ётган ердаги қорга ҳам қон сачраган, эрий бошлаган иркит қор қизғиш тусга кирганди.

Жасад олдида тиз чўкканча ҳануз бошялнаг Толиб ўтирар, бошига қўнган қор учқунларини сидириб

туширишга уринар, бироқ қор заррачалари сийрак соч толаларига баттар ёпишиб оларди. Бу қандай қор, нечун эримайди?

Ҳаётимда илк маротаба оппоқ қорга тўкилган қипқизил қон — инсон қонини кўриб турардим. У аввало чакиллаб томди, ҳалқоб бўлиб бир жойга йиғилди, сўнгра ҳаммаёқни қизартирганча қор орасидан сизиб ўтиб, ерга сингиб кетди... Биладан, у тупроқни қизитиб, унга шимилади. Катта ойим айтар эди: «Тутун ҳавода йўқ бўлади, қон ерга сўрилади, жон осмонга учиб кетади, гўрга қуруқ жасад тушади». Эҳтимол, Самигулланинг жони ҳам энди аллақачон йўлга отлангандир...

У вақтларда ҳали мен одамзоднинг тўсатдан қоп-қора сочлари даҳшатдан бир лаҳзада оппоқ оқариб кетиши мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмас эдим.

— Томоша тамом, жўна уйингга, малай!<sup>1</sup> — деди аллаким.

Бошимни кўтардим. Қаршимда сочлари қўрқинчли тўзғиб, кўзлари олайган, қошлари, оғиз-бурни бир томонга қийшайиб қолган ваҳимали бир кимса турарди. Унга тикилганча, беихтиёр ўзимнинг ҳам лаб-даҳаним қийшая бошлаганини сезиб, орқамга қарамай тирақайлаб қочдим.

Нақадар даҳшат! Ҳали тушимга ҳам кирмасайди!

...У менга шафқат қилди — тушларимга кирмади. Аммо ўнгимда яна учрашдик. Орадан қанча йиллар ўтиб, қанча сувлар оқиб кетгач, биз тагин юзмаюз келдик...

Ҳар сафар овулга қайтарканман, энг аввало қабристонга, отам ва Катта ойимнинг мазорини зиёрат қилишга бораман. Энди ўзим наинки ота, балки бир этак неваранинг бобоси ҳамдирман. Бироқ бу ерда ўлим ҳақида, мангу фароғат хусусида ғамгин, чалкаш хаёлларга чўмиб ўтирмайман. Чунки, абадий сукунат ҳукмрон бу хилватгоҳдаги қабр тошларига исм-шарифлари ўйиб ёзилган одамларнинг дунёдан қачон, қандай қилиб кўз юмгани эмас, аксинча қачон

---

<sup>1</sup> М а л а й — бола, ўғлон (татар).

туғилгани, бу кўхна оламда қандай яшагани, қай хил шодликлардан шодланиб, қай хил қайғулардан қайғургани, ёруғ жаҳонга келиб қилган хайрли ишлари муҳимроқдир.

Баъзи қабрлар қошида ўйга чўмганча узоқ туриб қоламан, баъзиларининг олдида ихтиёрсиз суратда кулимсирайман. Бунда боқий уйқуда ётган кишилар ўзлари ҳақда одамлар қалбида қолдирган юзлаб қувноқ ва аччиқ, ёруғ ва қайғули хотиралар бирма-бир ёдимга тушади. Назаримда, уларнинг шаддот ва шаккок эркин руҳи тўрт газ ерга сиғмай, озодликка талпинаётгандек... Тизза бўйи бўлиб ўсган қовжироқ ўтўланлар оҳиста силкинаётгандек туюлади. Бу ерда оқил ва жоҳиллар, хаёлпараст ва омадсизлар, сабрсиз ва бардошлилар, қаҳрамонлар ва «тегма-нозик»лар ёнма-ён ётишибди. Бунда фақат ёвузлар, қўрқоқлар ва хоинларга жой йўқ, холос. Балки, улар ҳам бордир, мен кўрмайман. Кўзимга чалинган чоқда ҳам, қалбим кўришни истамаётгандир. Чунки, мен яшаётган, давр сураётган бу оламни менга булар эмас, ана улар васият қилиб, ишониб топшириб кетишган. Шунинг учун ҳам улар ҳамиша мен билан барҳаёт. Шунинг учун ҳам ҳар сафар учрашганимизда:

«Ассалом, ота!», «Ассалом, Катта ойи!», «Ассалом, Думалоқ Толиб!» деб бош эгиб сўлом бераман ва шу заҳотги тошлар унсизгина алик қайтаради: «Ваалайкум:...» Бу масканда мен содда бир ҳақиқатни англадим: тириклик чоғида одам зотининг барчаси эл қатори яшайвераркану ўлимдан сўнг фақат яхши одамларгина қолар экан.

Нигоҳим дўмбайган, қора қабр устидаги эндигина ниш уриб чиққан, нимпушти гиёҳга тушди-ю, хаёл мени чексизликка олиб кетди. Мен абадиятнинг моҳияти хусусида чуқур ўйланиб қолдим. Қачонлардир одамзод, аниқроғи, унинг илк аждоди худди шу гиёҳ янглиғ қуёшга бўй чўзиб, ёруғ жаҳонга ниш уриб чиққан, аста-секин бу гиёҳ ўсиб, камол топиб, инсонга айланган. Сўнгга эса одам яна ўт-ўланга...

Қабрнинг бош томонида кўз ёшлари дарё бўлиб оқаётган, жуссаси кичкина бир аёл букчайганча ўтирибди. У оғир хўрсиниб, энтиккан кўйи тинимсиз:

— Ҳаётим шамчироғи сўнди, боғимдаги гулим

сўлди... Суянган тоғимдан айрилдим... — дея такрор-  
лаб, йиғлар эди...

— Бу — урушнинг биринчи йилиёқ бедарак йў-  
қолган Қурбоналининг беваси Сабура. Бир пайтлар,  
унинг келинчак чоғларида Асқад у ҳақда: «Қайнаб  
турган самоварнинг ўзи», деган эди. Нозиккина, кич-  
кинагина бу аёлнинг оёғи от, қўли қамчи, тилидан ўт  
чақнар эди. Бироқ шу бурро тили билан у ҳеч кимни  
иғво қилмас, ғийбат тарқатмасди.

Урушнинг ўрталарида овулга бир муддат аскарлар  
келиб туришди. Буйруқ чиққач, яна жўнаб кетишди.  
Орадан озми-кўпми вақт ўтиб, ой-кун и етгач, Сабура  
одамзодга ўгилча тортиқ этди. Қўшнилари орасида миш-  
миш тарқалди, қариндош-уруғлари Сабурага олайиб  
қарай бошлашди, хотин-халаж унинг номини сақинчдек  
роса чайнашди. Ҳатто, шундай кун ўз бошига тушган  
дугоналари ҳам ундан юз ўгиришди. Фақатгина ёл-  
ғиз бир киши Сабуранинг манглайини силаб, ўксит-  
масликка уринди. «Худо болангни умри билан берган  
бўлсин. Дунёда шўр пешона бўлиб ўсмасин. Қандоқ  
қиламиз, Қурбоналидан зурриёд қолмади. Биргала-  
шиб энди тарбиялаймиз-да».

Бу гапни бедарак Қурбоналининг онаси, Сабура-  
нинг қайнонаси Гулбадар айтди. Шу вақтгача қайно-  
на-ксин ит-мушук бўлиб, бир-бирига пичоқ олиб  
югурмаган эса-да, ҳар қалай, жилла апоқ-чапоқ ҳам  
яшамас эдилар. Баъзан шундай ҳам бўлардики, қай-  
нона белкуракни сўраса, келин паншахани тутқазар,  
келин қошиқни тиқиллатса, қайнона тақсимчани та-  
рақлатиб синдирадди.

Ўғли туғилгач, Сабура унга Семён деб ном қўйди.  
(Отасининг исми билан атади, уни қаттиқ сеғарди,  
чоғи). Бола туғилиши билан Гулбадар ва Сабура шун-  
дай тотув бўлиб кетишдики, кейин ўлгунча, бирор  
марта «сен-мен»га боришмади. Бола улғайган сари  
қайнонанинг келинга, келиннинг қайнонага бўлган  
меҳру оқибати ҳам орта борди. Гулбадар жажжи Се-  
мённи қўлида кўтарганча аввал ҳовлини, аста-секин  
бутун овулни айланиб чиқа бошлади, гўё бениҳоя қим-  
матбаҳо, муқаддас алланарсани олиб юргандек, қўни-  
қўшниларикига мағрур бош суқарди.

— Отасига ўхшайди-я! — дея битта-яримта пичинг  
қилса, бир зумда оғзига урарди:

— Отасигами, бошқами, хуллас, одамга ўхшайди! Даладан топиб олганимиз йўқ, ишқи муҳаббатдан дунёга келди. Норасида гўдак устидан кулиш гуноҳи азим, билдингми?!

Ҳозир эса, Гужбадарни ўз оғушига олган пастакина қабр узра эндигина ниш уриб чиққан қизғиш гиёҳ заиф силкиниб турибди. Ким билсин, аҳтимол, мамолда силкиняптими ёки Сабуранинг кўксидан отилиб чиқаётган аччиқ фиғонларга чидолмай, нола чекиб титраяптими...

Унинг азадор кўнглига озор беришдан чўчиб, қабри оҳиста айланиб ўтдим-да, ташқарига йўл олдим. Қулоқларим остида ҳамон мотамсаро йиғи садолари янграр эди:

— Шамчироғимдан айрилдим... Боғимдаги гулимдан айрилдим...

Тош девор айлантирилган қабристоннинг темир дарвозаси олдида бир қарияни жуда кўп марта кўраман. Ёнига кимдир яқинлашиши билан чол кўзларини яширганча юзини тескари ўгиради. Негадир, унинг олдида тўхташга, ҳол-аҳвол сўрашга ёки салом беришга сира-сира журъат этолмайман. Бировнинг қалби қоп-қора ўрмонга ўхшайди, у ерда нима борлигини ўзга одам қаёқдан билсин? Ўрмонга ҳам ҳеч қандай сўроқ-истаксиз кириб боравериш мумкин, аммо бегона одамнинг кўнглига...

Бу сафар чол мендан юзини ўгириб ўтирмади. Нурсиз, митти кўзларини ҳам яширгани йўқ. Унинг ўнг кўз қорачиғини катта доғ босган, унда ҳаёт жилвасидан асар йўқ эди. Иккинчи кўзи эса нимадир демоқчидек, менга тик қадалиб турарди. Нима демоқчийкин? Йўқ, ҳеч нарса?

— Ассалому алайкум, ота! Қалай, соғ-саломат... бардам бормисиз?— дедим шоша-пиша. Борлигимни безовта бир ҳаяжон қамради.

— Мен сенинг отанг эмасман. Мен ҳеч кимга ота ҳам, ака ҳам, ўғил ҳам эмасман. Ҳеч кимга — ҳеч кимман, холос. Фақат ўзимга — ўзимман. Саломатлигимни ҳам сўрамай қўя қол. Менинг соғлигим тамом бўлган. Мен — тирик мурдаман...

Мен йўлимга кетаётган эдим, тўсатдан қария майса устига чўкди-да:

— Бир оз шошма, сал... гаплашайлик,— деди.—



Менинг жойим аллақачонлар анави ёқда бўлиши керак эди,— дея қўли билан дарвозага, қабристон ичига қараб, ишора қилди.

— Унда бу ерда нима қилиб юрибсиз?

— Самиғулла қўймапти... «Менинг яқинимга келма», дейди. Гўримга ҳам яқинлаштирмапти. Ҳатто, дарвозадан ҳам киритмаяпти.

— Қайси Самиғулла?

— Уша... мен ўлдирган Самиғулла-да... Ахир, мен уни икки марта ўлдирдим-ку. Аввал одамлар олдида номусини ўлдирдим, кейин эса... ўзини...— чолнинг ҳис-ҳаяжондан буткул холи, ёсиқ, ўлик товуши мени ҳайратга солди; у гўё анчайин бир ҳангомани ҳикоя қилаётгандек ўша вазмин тарзда сўзларди. Фақатгина соғ кўзида заиф бир ўт йилтиларди. У қаддини сал ростлаб, кўкрагини кўтарди, яна ўша ўлик оҳангда давом этди:

— Мен бир пайтлар ном чиқарган, машҳур ўғри Ярулламан. Мендан панд еган, шўри қуриган, менга тавқи лаънат ёғдирган одамлар, эҳ-ҳе... сон-саноқсиз. Мен нафақат ёвуз, балки тулкидек айёр ҳам эдим. Юлдузни бенарвон урар, усталик билан изимни чалғитардим. Самиғулланинг пулини олганимда ҳам на эшикни, на сандиқни бузганим йўқ. Ҳамма қулфларни ўз калитларим билан очиб, пулни олгач, яна қулфлаб чиқдим. Қўрқув нималигини билмас эдим, юрагим бўрининг юрагига ўхшар эди. Лекин ўшанда шу юрагимга биринчи марта шубҳа тушди. Самиғулла сезгир, зийрак одам эди. Менга ҳадеб у сиримни фош қилиб қўядигандек, барчасидан хабардордек туюлаверди. Оломон Самиғуллани сўроқ қилаётганда чидаб туролмадим — енгимнинг ичига қадоқтош бекитиб майдонга келдим. Одамлар уни таёғу новдалар билан «ур калтак, сур калтак» қилаётганда мен қадоқтош билан ўхшатиб бир тушурдим. У шу заҳоти аравадан балчиққа қулаб тушди. Енгим ичидагини яшириб, четроққа чиқдим. Ҳеч ким ҳеч нарсани сезгани йўқ. Лекин дарҳол уйимга кетолмай, халойиқ тарқалмагунча жасаднинг яқинида турдим. Бирдан кўзимга ўликнинг боши оқ, оппоқ бўлиб кўринди. Мени қалтироқ босди, назаримда у юзим бу юзимга ўтиб кетгандек бўлди.

...Энди мен қабристон дарвозаси олдида эмас, олис

ўтмишда қолган ўша Ёнгин майдони ёнидаги пастак дўнгликда турибман. Қаршимда афти-ангори қўрқинчи қийшайиб, сочлари тўзғиган, ўнг кўзини доғ босган даҳшатли кимса пайдо бўлади. Лекин мен ундан зигирча ҳам қўрқмайман. «Томоша тамом, уйингга жўна», дейман унга. Бироқ нафасим бўғзимга тикилиб, товушим чиқмайди. Мен кечган умримнинг узукюлуқ парчалари узра аста-секин рўёбга, тош девор қабристонга қайта бошлайман. Ориқ тиззаларини қучоқлаганча Ярулла сўзсиз, садосиз ўтиради. Ҳушимга келгач, кўп йиллар даъомида ўзимга тинчлик бермаган савол — Тошпўлат оқсоқолнинг ўша кунги ғалати хатти-ҳаракатлари эсимга тушди.

Чолнинг кўзига тик боқиб, сўрадим:

— Пулларни Тошпўлат билан ўғирлагандингизми?

— Йўқ. У беҳабар эди. Ким ўғирлади, қаёққа гул қилди — унга бунинг аҳамияти йўқ эди. Тошпўлатнинг ўз нияти бор эди. Қанақа ниятлигини билмайман, аммо у Самиғулладан бир амаллаб қутулиши керак эди. Уғрилик сабаб бўлиб, муттаҳамнинг иши ўнг келиб қолди. Ахир, оломонни тошбўронга шу бошлаб борди-да.

— Самиғуллада қандай хусумати бор экан?

— Унисини билмайман. Гражданлар уруши даврида у рус қишлоқларида қандайдир ярамаслик ёки бир ёвузлик қилган бўлса керак. Чамаси, Самиғулла буни биларди. Шунинг учун ҳам Самиғулладан жонини ҳовучлаб юрарди. Мен эса, ҳеч кимсадан қўрқмас эдим. Одам боласидан ҳайиқмасдим. Фақат шу Самиғуллагина юрагимга ваҳм солди. Мен қўрқоққа айландим. Ўша кечаси отимни эгарладим-да, уй-жойим, хотин, бола-чақамни ташлаб, бегона юртларга бош олиб чиқиб кетдим. Қирқ йилдан сўнг, ўлигим юртимда қолсин, деб қайтиб келдим, аммо ҳануз дарбадарман. Уч йилдан буён шу ерда изғийман. Самиғулла яқинига ҳам йўлатмайди. «Сен қилган қилмишларинг учун аввало жавоб бер, жазо торт, кейин, бу ёққа кирасан», дейди. Сен-саноқсиз жиноят қилдим, ёмонликларимнинг адоғи йўқ. Аммо бирор марта на одамлар, на яратган худонинг ўзи менга гуноҳларим учун жазо беришди. Охири адолат посбонлари, қонун ҳимоячиларининг олдига бориб: «Дунёга келиб кўп ёвузликлар қилдим, айбимга яраша жазоланглар», дедим.

Ҳаммасининг жавоби бир эди: «Гуноҳларингиз эскириб, жазо муддати ўтиб кетибди». Йўқ, йўқ, асло эскирган ҳам, муддати ўтиб кетгани ҳам йўқ. Ахир, мен уларни, ўзимнинг қилмишларимни яхши биламан-ку. Мендан қон-қақша ган кишиларнинг тавқи лаънати елкамдан ҳануз қўрғошиндек босиб турибди...

Чол сапчиб ўрнидан турди. Бўғзидан хирқироқ бир фарёд отилиб чиқди-ю, қулоқларим остида баралла янгради.

— Эй, одамлар! — титраб-қақшаганча, илтижо қилди у. — Сиз ўз вақтида, иложи бўлса, аввалроқ, мақтов, мукофотга эришмоқ учун жонингизни жабборга бериб тиришасиз! Қалбингизни шунга берасиз, эй, бахти қаролар! Еб тўймас, нодонлар! Сиз яхшиси, қилган катта-кичик гуноҳ, хатоларингиз учун ўз вақтида жазоингизни олинг! Шошининг, кеч қолманг! Агар кеч қолсангиз, вақти-соатингиз битган куни бу темир дарвозалар сизга очилмайди. Самиғулла киритмайди...

Ярулла тинка-мадори қуригандек, майса узра ҳорғин чўқди. Узун қўйлагининг этаги билан пешонасини артиб, мени буткул унутгандек, тек қотди.

Мен йўлимга равона бўлдим.

...Бўрон қутурган аёзли қиш кунларидан бирида Ярулла ғойиб бўлиб қолди. Теварак-атрофни синчиклаб ахтаришди, бироқ уни топиша олмади. Фақат баҳорга чиқиб, қўшни қишлоқ қабристонининг девори тагидан чолнинг қор остида чириб кетган мурдасини топишди. Одамлар уни ўша девор тагига дафн этишди.

## БОЙВАЧЧАЛАР

Овулимиздаги соғин бия боқадиган одамларнинг ҳовлиларига гўшт еб, қимиз ичиб кетиш ниятида ҳар хил амалдорлар келиб туришарди. Бундайлар хотин, бола-чақаси, амма-холаси билан бошлашиб келиб, бутун ёз бўйи қўлини совуқ сувга урмай, роҳат қилиб яшашади. Бизнинг овул кишилари буларни «бойваччалар» деб аташарди. Бойвачча демай, нима ҳам десин? Роса мириқиб ухлашса, қорни қаппайгунча гўшт еб, қимиз ичгандан кейин, тўда-тўда бўлиб ё ўрмонга ёки тоғ этагидаги кўкаламзорларга чиқиб кетишса. Ўша кўкаламзорларда қилган қилиқларини айтмайсизми?

Худди бизнинг гиёҳлар уларнинг ҳалиги... баданини тилиб кетадигандек, майса устига чойшаб ёйиб ўтиришади денг! Хотинлари бўлса бошларига соябон тутиб олишади. Гўё, бизнинг офтоб уларга озор берармиш. Ёмғир савалаб қолса, булар, худди инига беркинган юмронқозиқлардек, дарвозадан бош суқиб кўчага бир қарайдилар-да, яна уйда гум бўладилар. Баттар бўлишсин! Бу бойваччалар билан менинг ўз ҳисоб-китобим бор!

Супада овқат қилаётганимизда сал ёнбошлаб қўйсам, дадам. «Тўғри ўтир. Ё бойвачча бўлдингми сен ҳам!» дея, дўқ қилади. Эрталаб сал кечроқ турсам Катта ойим, «Мунча ағанамасанг! Қаёқдан келиб қолибди бу бойвачча» деб урушиб беради. Муртазо акам иш буюрганида сал пайсалга солсам, «Бунинг имиллашини қаранглар, худди бойваччанинг ўзи-я!» деб, мазах қилади. Айниқса, кичикроқ пайтимда шу бойваччалар дастидан мени калака қилишгани қилишган эди. Ҳозир хайрият, бу гаплар анча босилди, эҳтимол, ўзимнинг ҳам бойваччалигим камайиб бораётгандир.

Овулда кўпгина одамларнинг деярли ҳар йили бир келиб-кетадиган шунақанги мижозлари бор. Лекин бизнинг ҳовлимизга ҳеч қачон бирон бойвачча қўнган эмас. Дадамнинг ўз ихтиёри билан бировларга супурги бўлишга бўйни ёр бермас эди, чамамда. Балки, бировнинг нози деб, ўзини ташвишга қўйгиси келмагандир. Ўзимизми, уйимизми у бойваччаларга ёқмаган бўлиши ҳам мумкин, қисқаси, бизнинг ўз бойваччаларимиз йўқ эди. Бўлмагани ҳам тузук. Қўшниларимизникига тушганлари ҳам жонимга теккан.

Бўйнимизга қизил галстук тақиб, бутун дунё инқилоби учун жон аямаслик ҳақида қасам ичгандан кейин, ҳалиги, бойваччаларга газабимиз яна ҳам ошди. Биз энди яхши билардик: илгари ҳар хил текинхўрлар, бойваччалар, амалдорлар халқ қонини сўриб, нонини туя қилиб келган; эндиликда шаҳарлик бу бойваччаларнинг бекорчиликда молдай еб-ичиб ётгани нимаси?

Бу гапларни бизга Сафарали деган бола тушунтириб берди.

Ҳозир жўрлобимиз иккита: кўчада — Шаҳидулла, пионер отрядида — Сафарали. Шаҳидулла унга гоҳо тегажаклик қилишга уриниб кўради, лекин пио-

нер вожатиймиз галстугининг учини кўрсатиб, «Қани, жонинг иккита бўлсаям тегиб кўр-чи!» деб писанда қилади. Шаҳидулла бундай пўписалардан унча ҳайиқ-маса ҳам, лекин жони иккита эмас, биттагина.

Сафарали Губернатор кўчасида туради. Унинг даси ҳам герман урушидан қайтиб келмаган. Ойиси иккови амаллаб тирикчилик қилишади. Пионер сафига киргунча Сафарали бошқача, нуқул нолигани нолиган, у доим бировларнинг шафқатини умид қилиб юрарди. Ёй отганда ўқи мўлжалга тегмаса, «Омадим йўқ менинг, омадим бўлса келиб-келиб мен шўринг қургурнинг отаси ўлармиди германда...» дея зорлангучи эди. Бирор ўйин бошлашдан олдин қуръа ташланади эмасми, шунда ҳам ошиғи олчи келмай қолса, «Шу-да...— дерди йиғлагудай кўйда,— шундай бўлмаса, мен Сафарали бўлармидим?..»

Ўтган йили иккаламиз Оқманайда балиқ овладик, денг, унинг қармоғига каттагина лаққа илинди. Шошиб қолган Сафарали қақшаб, қалтираб, балиқни соқилгача тортиб келтирди. Лаққанинг сирти сув юзида ялтиллаб кетди. Балиқмисан балиқ экан ўзиям! Бир қулоч деёлмайману лекин билакдек келарди! Сафарали уни эҳтиёт билан энди қўлга туширади, деб турсам, бола-фақир бор бўйи билан сувга ағдарилиб тушди. У билан баробар балиқ ҳам бир сакрашда қармоқни узди-ю, лип этиб қўлга шўнғиди-кетди! Дод деб юборгудек бўлган Сафарали энгларини шимариб қамиш ораларини анчагача пайпаслаб юрди. Балиқ қаёқда дейсиз! Охири, соқилда ўтириб, йиғи аралаш нолишга тушди: «Пешонам шўр бўлмаса, герман ҳам уруш очмас эди, дадамга ҳам ўқ тегмас эди... Бунақа экан, қармоққа илиниб нима қилардинг, лаққа! Сўлагимни оқизиб ташлаб кетавердинг-ку?! Нега менга ҳеч кимсанинг раҳми келмайди-я? Сал меҳр-шафқат қилса, подшо ҳам дадамни урушга олмаган бўларди, елкасига милтиқ ҳам осмаган бўларди, шўрлик боши ёт ерларда қолиб ҳам кетмасди...»

Валиддин билан Сафарали бир уруғдан; иккиси ҳам шикоят-инжишни ўрнига қўйиб, юрагингни баъзан қон қилиб юборади. Ўша куни нолишни эшитиб, мен балиқ ташвишига тушдим.

— Юр, Булов кўлига борамиз, Сафарали! Унда балиқ деган гуж-гуж бўлиб ётибди, дейишади.

— Мен гариб қаёққа борсам ҳам шу... — деди у, уҳ тортиб.

Аммо мана шу Сафарали пионерларга бошлиқ бўлди-ю, ўзгарди-қолди. Қадамини ҳам салмоқлаб босишга, гапини ҳам ўйлаб гапиришга одатланди. Бўй-бастигина эмас, ҳатто бўйни ҳам чўзилиброқ қолди. Биз сезмаган нарсаларни сезиб, биз билмаган нарсаларни билади, биз ўқимаган китобларни топиб ўқийди... Чет элларда болаларга нақадар қийин эканини, бойлар йўқсилларни нақадар жабрлашини гўё ўзи бориб кўриб келгандай, чертиб-чертиб ҳикоя қилади.

Аллақаёқлардаги, оламнинг нариги чеккасидаги бой-қулоқларга, буржуйларга қаҳримиз қаттиқ, ўч олиш истагимиз катта; лекин ўзимизнинг маҳаллий бойваччаларга нисбатан ҳам нафратимиз ошиб-тошиб ётибди. Кучимиз еткунча олишиб, тавбасига таянчирамиз уларни! Қоронғи тушганда уларнинг қўраларига гуп-гуп тош отамиз, кўчадан ўтганларида итларга қоптирамиз. Шундай бўлса ҳам, бойваччалар билан ҳали юзма-юз келмадик, фақат олишини истаги катта. Ниҳоят, кўп ўтмай, душмандан ўч олиш соати етди.

Жар нарёғидаги Миннуллаларникига эр-хотин янги бойваччалар келишди. Уларнинг мен тенги ўғли ва мендан кичикроқ қизи бор эди. Ўғиллари почаси калта ҳаворанг шим, қизлари эса, этаги тиззасига ҳам етмаган гулдор кўйлак кийиб олган. Ўғилларига «Қарқара», қизларига «Чигиртка», деган лақаб қўйдик. Ўғилчанинг оёғи чиндан ҳам лайлакнинг оёғидай ингичка ва узун, қизча эса, ирғишлагани-ирғишлагани, бир жойда турганда ҳам дик-дик сапчийди, юрганда ҳам сакраб-сакраб юради.

Ҳар куни тонг саҳарда улар қўлларига саватларини олиб, Губернатор ўрмонини оралаб, қирга чиқиб кетадилар, қош қорайгандагина қайтадилар. Қарқара билан Чигиртка ота-оналаридан бир қадам ҳам ажралишмайди. Чигиртка-ку, майли, бизга Қарқара керак. Аввал бошда биз бир гал Сафарали, бир гал Асқадларнинг уйлари орқасига яшириниб олиб, уларни калака қилдик:

— Бойвачча, бояр — ҳолдан тояр!

— Ҳой, бойвачча, почанг қани ё чит етмадимми иштонингга?

— Ҳой, еб тўймаган бойваччалар! Қир шамолини ялаб тўймоқчимсизлар энди?

Бизнинг синфий душманларимизнинг тўртталаси ҳам чўпдай озгин эди.

— Кўп кишиларнинг пайини қирқишган, шунинг учун суякларига жир битмайди буларнинг! — деган хулоса чиқарди Асқад.

— Сенга ҳам жир битмайди-ку, — деди Сафарали.

— Менинг қорним тўймайди. Бу бойваччаларга ўхшаб истаган оқатимни еб турсам, юзимдан мой томиб турган бўларди!

Ит ҳурар, карвон ўтар, деганларидек, улар бизнинг гапларимизни писанд ҳам қилишмасди. Буни кўрган сайин қўлларимиз қичиб, муштларимизни қаттиқроқ қисардик. Энди биз уларни — биз деганим — Сафарали, Асқад ва мен — сой бўйидаги жарга яшириниб, қадам-бақадам таъқиб қилардик. Бойваччалар одатда шу жар ёқасидан орқага қайтишарди. Бугун қўлга тушмасалар, эртага тушишади, эртага бўлмаса...

Ана, ниҳоят қўлга ҳам тушишди! Бу воқеа маймунжон пишган маҳалда рўй берди! Уша кичик жарликда маймунжон беҳисоб бўларди. Баъзи жойлари худди қизил чакмон тўшалгандай лоларанг тусга кирганди. Бу жойларга юзлашсанг, бошингни маймунжондан кўтаролмайсан!

Бойваччалар одатдаги қўл саватлари билан кичик жарга тушиб келганларида кеч кирган эди. Бойвачча билан унинг хотини сўқмоқ йўлдан юриб, нари кетишдилар. Уларнинг ўғли, қизи эса ўзларини жар ёқасидаги маймунжонга уришди. Олдин улар шоша-пиша териб ейишга киришдилар. Маймунжон деган шунақа лаззатли бўладики, еган сайин егинг келади! Чигиртка чўккалаб олди, Қарқара бўлса майсага чўзила кетди. Худди оч қолгандай маймунжонни узиб оғизларига тиқишади!

— Ҳой, азаматлар, кетдик! — қичқирди, узоқлашиб кетаётган бойвачча.

— Ҳозир, изларингиздан қувиб етамиз! — чирқиллади Чигиртка. Лекин маймунжон сеҳрлаб олган, улар ердан бошларини кўтаролмас эдилар.

Эр-хотин қирга чиқиб, кўздан ғойиб бўлишди. Бу иккиси бўлса, худди адашган қўзичоқлардай жарда қолишди. Уч олиш пайти келганди! Чигиртка билан

Қарқара уч тарафдан қуршаб олганимизни сезмай ҳам қолишди! «Герман уруши» тажрибаси қўл келганди бизга!

— Аҳа, домимизга тушдиларингми, бойвачча жўжалари!— деди Сафарали ва менга қараб:— Бу чигирткани қанотларидан ушлаб тур!— деб буюрди.— Ота-онасига бориб, чақмасин тағин. Мен мана бу Қарқаранинг патларини юлиб қўяй!

Бола билан қизча ранглари бўздай оқариб, олдимизда титраб туришарди. Қарқаранинг менга тикилиб қолган қаҳрли қўй кўзлари гўё мени сеҳрлаб қўйган эди: ураман дейману журъатим етмайди! Чигиртка чинқириб, питирлаганча йиғлаб юборди. Унинг ёқимсиз йиғисидан ҳушимга келдиму хипчиндай ингичка қўлидан «шап» ушлаб олдим. Бироқ йигитлик ғурури қизни уришга, уриш тугул, чертишга ҳам йўл бермасди! Унинг кўзлари мушукнинг кўзларидай кўм-кўк эди. Шу кўзлар сабаб, унинг йиғиси кўнглимни эритолмас эди, бироқ боланинг кўзлари...

— Одам қонини сўрган бойвачча сенмисан?— бақирди Сафарали.— Бойвачча бўлсанг — ма! Ўз улушингни ол!— У Қарқаранинг кўкрагига бир мушт урди, Асқад ҳам унга қўшилиб бир туртди.

Бола йиғлеб-сиқтамади, кўринишидан қочмоқчи ҳам, меҳр-шафқат сўрамоқчи ҳам эмас, фақат секингина ўзини оқлашга уриниб кўрди:

— Мен бойвачча эмасман, болалар, ҳеч ҳам бойвачча эмасман...

— Ўзинг бойвачча бўлмасанг, отанг бойвачча, онанг оқ суяк хотин, буванг билан бувинг ҳам эски бойваччалардан! Сен бўлсанг, бойваччанинг итидан тугилган лайчасан!— деди газаби жўшиб Сафарали, лекин кўзлари боланинг кўзларига тўқнашди-ю, дами ичига тушиб кетди.

— Қанақадир бошқача чиқиб қолди-ку, бу бойвачча, сира одамнинг жаҳли чиқмайди-я!— деди Асқад ажабланиб.

— Агар ҳар бир мишиқи бойвачча, ҳар бир ўлимтик буржуй олдида доддираб қолсак, нима деган жангчи бўламиз? Душманга қарши курашадиган жангчи мендақа бераҳм бўлиши керак!— Сафарали бор кучи билан Қарқаранинг бўйнига бир мушт тушириб, ўзини итариб юборди. Қарқара юзтубан йиқилди.



Сафарали мен билан Асқадга ўқрайиб қаради. Дов-  
юррак жангчидан орқада қолиб бўладими? Чигиртка-  
нинг қўлини қўйиб юбормасдан туриб, мен ҳам ер  
тишлаб ётган Қарқарани бир тепдим, тепдиму, этла-  
рим жимирлаб кетди...

Мен ҳаётимда биринчи марта бошқаларга тақлид  
қилиб, ўз истагим ва виждонимга қарши ёмон бир иш  
қилган эдим. Эсимга тушса, ҳозиргача ўнг оёғим қал-  
тираб кетади. Йўқ, бу тепки ҳаётимда йўл қўйган бит-  
таю-битта ноҳақлик деб айтолмайман. Ноҳақликлар  
ўтган. Шулар туфайли юрак гоҳо-гоҳо бир санчиб  
қўяди...

Болага бошқа тегмадик. У аста бошини кўтарди.  
Афтидан, юзтубан қулаётиб ияги қиррали тошга тек-  
кан бўлса керак, қон оқарди. У иягини кафти билан  
сиққан эди, кафти бир лаҳзада қоп-қора қон бўлди.  
Лекин қонни кўрганда ҳам у сесканмади. Индамай  
ўрнидан турди, шимини силкитиб, йўқ чангни қоқди.  
Лат еган акасига раҳми келган Чигиртка баттар ўкраб  
ийглади. Уни қўйиб юбордим.

— Йиғлама, синглим, ҳеч оғриётгани йўқ. Ювсам  
кетади бу қон,— деди бола. У бизга қайрилиб ҳам қа-  
рамади, синглисини қўлидан ушлаб, шошмасдан ўз  
йўлига равона бўлди.

Биз анграйганимизча, жойимизда туриб қолдик.  
Хўп, биз уни дўппослашга дўппосладик. Бироқ ким  
голиб чиқди? Ака-сингил қирга чиқишди-ю, гўё қо-  
ронғилик қаърига сингиб кетгандай кўздан йўқолиш-  
ди, аммо улар эсимизда қолишди.

Бойваччалар овулимизга қайта қадам қўйишмади.  
Йиллар кечди. Мен ҳам шаҳарга кўчиб ўтдим. Соч  
қўйдим. Шеър ёзадиган бўлдим, ҳатто шеърларим бо-  
силиб чиқадиган ҳам бўлди. Биринчи китобим терила  
бошлаган кунни эртасига босмахонага қараб чопдим.

— Ана у киши сенинг китобингни терапти!— деб,  
менга бир одамни кўрсатишди. Мен унинг ёнига бор-  
дим. У мени пайқамади. Бўйнимни чўзиб қилаётган  
ишини кузата бошладим. Унинг қўли қўлига тегмас,  
ҳарфларни маржондай тизиб, ёзган сўзларимдан шеър  
яратмоқда эди. Тез учаётган бармоқлари гўё қўрго-  
шин ҳарфларни эмас, қимматбаҳо тошларни тераёт-  
гандек меҳр билан ҳаракат қиларди. Мен анчадан ке-  
йингина ҳушимни йиғиб, салом бердим.

У ялт этиб қаради. Қонсиз заҳил юзида табассумга ўхшаш бир нарса зоҳир бўлди, лекин катта гамгин кўзлари лоқайд боқарди. У жимгина бош ирғади. Дарҳол тескари бурилдим. Ҳа, ҳеч шубҳасиз, бу ўша, Қарқара билан Чигиртканинг отаси, Минуллаларни-кига тушган бойвачча эди!

Биз «Минуллаларнинг бойваччаси» деб, юрган одам болалигидан босмахонада ишлаб, оғир сил касалига дуч бўлган экан. Ўша йили касали қаттиқ хуруж қилиб, қимиздан нажот топиш умидида овулимизга кўчиб борган экан. Биз эса, шундай одамнинг фарзандларини раҳмсизларча ҳақорат қилган эканмиз!..

Унга сўз қотишга виждоним ёр бермади. Ҳали тўрт йилдан кейин яна бир учрашув бўлажак. Ҳали шундай катта қўй кўзлар менга яна бир тикилажак... Мен туш билан ўнг, ўлим билан ҳаёт орасида тўлғанаман. Осмон чархпалак, замин тебранади. Йўқ, бу замин эмас, мени ётқизишиб, олиб кетишгаётган замбил тебранмоқда. Тердан кийимлари шалаббо бўлган озғин бир солдат мени замбилга солиб, кўтариб кетяпти. Иягида қийшиқ чандиғи бор. Мен ундан кўз узолмайман. Бу чандиқ ўрнида бир маҳаллар жароҳат бўлиб, ундан қон томчилаб турганини кўрганман. Бу қон бу ердан йироқларда тўкилиб, кичик жарнинг кулранг тошларига сочилган эди. У қонни офтоб тиглари куйдириб, ёмғир ювиб кетгандир. Уни эслаб, қийналиб юрмаса ҳам бўлади. Лекин... агар йиллар ўтгандан сўнг, бу қон юрагинга томчилаб, оловдек жизиллатса-чи? Тўғри, бу ишда сенинг айбинг йўқ ҳисоб, бироқ у-чи? Унинг гуноҳи нима? Хоҳ у томон бўлсин, хоҳ бу томон, ерга томган ҳар бир томчи қон учун кимдир биров айбдор. Бу ишда икки томондан бири айбдор бўлмаслиги мумкин эмас.

Ҳа, мен уни танидим, танидим у ҳатто ўз жароҳатим ҳам босилгандай бўлди, назаримда, аъзойи-баданимни зирқиратган оғриқ ҳам тўхтагандек туюлди.

## ОҚ ЮЛДУЗ

Сабан тўй<sup>1</sup> арафасида қўшнимизни-кига келин тушди. Девор-дармиён қўшнимизни-кига эмас — бир

<sup>1</sup> С а б а н т ў й — татар-бошқирларнинг ҳосил байрами.

хонадон наридаги Ғаллам чолниқига келин тушди. Узига тўқ қария ўртанча ўғли — индамас Ҳамзани уйлантирди ёки бизда айтишларича «бошини иккита қилиб қўйди».

Бизнинг юрт томонларда аввало никоҳ тўйи қирчиллама қиш пайтида келинникида ўтказилади. Ёз келиб, ғарқ пишиқчилик бошланган, ҳаммаёқ гулга бурканган энг гўзал паллада эса, учқур отлар қўшилди, қўнғироқлару турфа хил чечаклар билан безатилган араваларда келинни куёвнинг хонадонига узатиб келишади. Қишки тўйдан бошлаб шунгача куёв ҳар пайшанбада ёш ёрининг «кўнглини овлаш» мақсадида келиннинг уйига меҳмондорчиликка бориб, ётиб келади. Бор-йўғи кўчанинг нариги бетига ўтиши керакми ёки ўттиз-қирқ чақирим йўл босиши лозимми, бундан қатъий назар, у сафарга узоқ ҳозирлик кўради: ювиниб-тараниши, отининг ёлидан тортиб думигача қиртишлаб тозалаши, ранг-баранг кўз муноғу туморлар тақиши, эрининг мис қопланган қошини, узанги ва юганини қум билан ишқалаб ялтиллатиши шарт. Сўнгра куёв отнинг жиловидан тутганча бир-бир босиб ҳовлидан чиқади, кўчанинг қоқ ўртасида тўхтаб, мумкин қадар эпчиллик билан ирғиб эгарга минишга ҳаракат қилади. Шундан кейин ҳам арғимоғини елдириб кетишга шошилмайди, аксинча, бир муддат қаддини роз тутиб, теварак-атрофга виқорли назар ташлайди; мана, мени кўриб қўйинглар, дегандек гердайиб туради.

Бултур энг катта акам Муртазо, узоқ йили эса Мансурнинг ўғли Ҳожимулла ҳам худди шундай чиройли бўлиб юришарди. Шунақа ўзи: энг ландовур йигит ҳам куёв бўлгач, дарҳол энг пўрим, олифтага айланади-қолади.

Лекин Ҳамза қандай қилиб ёш келинчакнинг «кўнглини овлаб» қайтди — буни овулда ҳеч кимса пайқамай қолди. У баҳорги шудгорлаш тугагандан сўнг, бор-йўғи бир марта (шунда ҳам катта акаси билан бирга!) ёриникига бориб келди. «Нега келинникига бормайсан? Нега бечорани хурсанд қилмайсан?» — дея ҳол-жонига қўймайдиган тенгқурларининг хира саволларига у тахминан бундай жавоб берганмиш: «Йўл узоқ, хатарли, битта-яримта бузуқ одам чиқиб қолиши мумкин. Мабодо, шунақасига дуч келдингми,

тамом, бўлажак хотининг бева, туғиладиган фарзандларинг етим қолишаверади. Шошилишнинг ҳожати йўқ, фотиҳа қилинган, бир кун ўз оёғи билан кириб келади».

Оқшомлари овул эркаклари бирор кишининг супасида ёнбошлаб, тамаки тутатганча у ёқ-бу ёқдан ҳангомалашиб ўтиришади. Бу тўғрида улар бир оз бошқачароқ гаплашишар эди. Айтишларича, келиннинг ўзи: «Ҳамроҳсиз келадиган бўлса, куёв овора ҳам бўлиб юрмасин», деб шарт қўйган эмиш. «Нега бундоқ деганини ёлғиз худо билади,— деди подачи Нуриддин тунов куни,— бирор нимага ақли етгандир-да...»

Бироқ индамас ҳам билиб айтган экан. Фотиҳа қилиб қўйилган келинчак бир куни адашмай-нетмай куёвникига келиб тушди. Кўрган кўзга фариштадек, кўҳлик келини узоқдан, Юқори Демадан олиб келишибди, дейишарди. Тўғри, бизнинг овулда ҳам лобар қизлар, гўзал келинчаклар, чиройли аёлларнинг уруғи қуриб кетган эмас. Бор, худога шукр. Биргина тепадаги қўшнимиз Мансурнинг қизи Гулбўстон ўнта парига тенглашади. Қадди қомати бирам келишган, юрганда гоҳ солланиб, гоҳ нозланиб кетишларини кўрсангиз... Айтишларича, юргандаги муқомларининг ўзи минг хил эмиш. Бу йил кўкламда томорқага картошқа экишаётганда алланимадан жаҳли чиққан Мансур қизига қараб: «Ҳей, ойимтиллага ўхшаб қилпиллашингни йиғиштир!»— деб бақариб берибди. Афтидан, Гулбўстон қаердалигини унутиб беихтиёр иш вақтида «ойимқиз»га хос муқомлар қилган бўлса керак.

Энг катта акам Муртазога қаллиқ ахтарган чоғимизда Гулбўстонга совчи юбормоқчи ҳам бўлдик, сўнг-ра ўйланиб қолдик. «Чиройли хотин — ҳуснининг қули, меҳнаткаш хотин — рўзғорнинг гули, деган қарорга келдик ниҳоят. Бизнинг тирикчилигимизга чиройли Гулбўстон дош беролмайди».

Муртазо акамни Тименай кўчасидаги ҳусни ўртамиёна Бика исмли қизга унаштирдик. Маълум бўлишича, акамнинг ўзи ҳам уни кўз остига олиб юрган экан. Отам совчи-повчи юбориб юрмади-да, тўғри келиннинг отаси ҳузурига жўнади. Боришга-ку, борди, бироқ кечқурун тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди.

— Қизин менга маъқул бўлди,— деди чой ичиб

ўтирганимизда. — Эсли-хушли, айни рўзғорбопгина экан. Лекин қуда бўлмишларимиз жудаям зиқнага ўхшайди.

— Нима, кўп қалин сўраяптими? — сўради Катта ойим.

— Йўқ, унча кўп эмас. Очкўз, деганим йўқ, зиқна экан, деяпман.

— Ҳим... Энди бир мартада дарров билиб бўлармиди? Илгаритдан ош-қатиқ бўлиб юрмаган бўлсак...

— Дастурхонга тўрт қошиққина ёғ қўйишди. Қандни нўхатдан ҳам майда қилиб ушатибди...

**Катта ойим бошқа ҳеч нарса демади. Биз келиндан ёлчидик, мақтансак арзийди. Фақат қуда бува билан қуда хола, дарҳақиқат, бир-биридан баттар хасис чиқишди... Гулбўстонга ўхшаган ҳурилиқолар бизда тўлиб-тошиб ётибди, деб айтолмайман, лекин, ҳар қалай, бир бошдан санаб чиқилса, анча-мунча топилади. Ахир, вилоятнинг энг ботир, келишган йигитлари овулимиз атрофида асал солинган қўза теграсида ғужгон ўйнаган пашшадек бежиз ўралашмайдилар-ку. Гирдикапалак бўлиб айланишади, айланишади-да, икки қўлларини бурунларига тиқиб қуппа-қуруқ қайтиб кетишади. Гўзал қизлар ўзимизнинг йигитлардан ортмайди. Ҳаммасига насиб қилавермайди ҳам. Бўлмаса, Ҳамза тупканинг тагидаги Юқори Демадан уйланармиди?**

Лекин ана шундай гўзаллари билан донг чиқарган овулимизда пайдо бўлган янги келинчак, очигини айтганда, бузоқ подаси ичидаги оҳудек яққол ажралиб турарди. Унинг бутун қиёфасида бизнинг кўзимиз кўриб ўрганмаган аллақандай сирли жозиба бор эди. Келинчакнинг тиниқ юзида, хатти-ҳаракатлари ва нигоҳида, ҳатто, товушида ҳам ўша ботиний жозиба жилваси зуҳур этарди. У гўё бу замин устида, шу осмон остида туғилмагану қандайдир илоҳий, соҳир бир оламда вояга етгандек, ўша ўзга олам ҳавосидан нафас олиб яшаётгандек туюларди. Унинг кумуш садосидек жанрангдор овозини тинглаган одам беихтиёр: у сув ўрнига шарбат ичиб ўсганмикан, деб ўйлаб қоларди.

Овулимизда бир боқишда ҳар қандай эркакнинг ақлу ҳушини ўғирлаб, Мажнун қилиб қўядиган гўзал аёллар чиндан оз эмасди. Бироқ бу келинчакдек дилбари ҳали чиқмаган эди. Ҳатто, исми ҳам шу вақтга-

ча сира эшитилмаган, мутлақо учратилмаган гаройиб исм — Оқ Юлдуз эди. Оқ Юлдуз... Кундузи чарақлайдиган Юлдуз. Чошгоҳ юлдузи... Мен бу номни илк бор эшитганимда куппа-кундуз куни чақнаб турган, ёруғ, митти бир юлдузчани кўриш умидида беихтиёр осмонга тикилдим. Аммо уни кўрмадим. Лекин бутун умрим бўйи, бирор жойда унинг исми қулоғимга чалингудек бўлса, ихтиёрсиз равишда осмонга термилиб, пирпираб ёғду сочаётган ўша юлдузни ахтариб қолишга одатландим. Тўғриси, келинчакнинг самодаги эғизагини топишга иштиёқманд кимса ёлғиз мен ҳам эмас эдим.

Эҳтимол, битта-яримта: «Хўп таърифини келтирдинг-да! Ким экан бу фаришта? Лоақал тасвишлаб берсанг-чи...» деб сўрар. Мен унга шундай жавоб бераман: қуёшни, ойни қандай тасвишлаб бўлади? Қуёш — ҳамма учун ягона, ой — барчага ягона эмасми? Худди шу янглиғ Оқ Юлдуз ҳам танҳо Оқ Юлдуз эди.

Одатга кўра, Оқ Юлдуз қўшни қизлар билан ёлғизоёқ сўқмоқдан булоқ бўйига йўл олганида, сув олиб қайтганида бутун маҳалла зимдан разм солганча ҳавасланиб кузатар эди. Келинчакнинг иккала челаги ҳам лиммо-лим; қани, бирор томчи тўкилса-чи! Қадам босаркан, ерда юраётганга эмас, қушдек енгил учаётганга ўхшайди. Ўзи эса хиёл кулимсираб, билинар-билинмас жилмайиб келади. Нега кулимсираяптийкан? Мени — деворга минганча унга маҳлиё бўлиб қолган ўн икки яшар болани пайқадимикан? Кимга табассум қиляптийкан? Ўзигами? Одамларгами? Ёки янги элу юртигами? Қиёфасидан, яна, ҳозир-ҳозир йиглаб юборадигандек, нозик табассумини кўз ёшлари гарқ этиб юборадигандек туюлади...

...Бу хил табассумга кейинчалик умрим давомида бор-йўғи икки мартагина дуч келдим. Кунлардан бирида гўзал бир овулдошим, гўё тасодифан бўлгандек менга сеҳрли табассум ҳады этди-ю, ғойиб бўлди. Бу — биринчи гал. Иккинчи сафар Леонардо да Винчининг ўлмас Жокондаси, мангу барҳаёт Моно Лизанинг мўъжиза янглиғ ана шундай табассуми қалбимни чексиз ларзага солди — руҳимни хаёлот осмонининг юксак нуқтасига кўтариб, сўнгра чилпарчин этди...

Куёвнинг уйдаги знефат, ўйин-кулги ярим тунга-

ча чўзилди. Мен ва акам Солиҳ, икки бўйдоқ, бостирма томига чиқиб ётдик. Осмон тўла юлдузларга термилганча ётибман. Ғуж-ғуж юлдузлар орасида кўкимтир тусдагилари ҳам бор, мовий рангда чарақлаётганлари ҳам бор, аммо бирорта ҳам оқ юлдуз кўринмасди. Эҳтимол у кўкда танҳо — ягонадир? Ёки фақат ўзининг маълум вақтида бир кўринармикан? Балки, шу лаҳза у осмонда эмасдир?.. Аёл қиёфасига кириб, ерда юргандир? Қизиқ, Асқад бу тўғрида нима дёр экан? Фақат ҳозир у уйда йўқ, қўшни овулда пода боқиб юрибди.

Бир оздан сўнг Ғаллам чолнинг ҳовлисидаги шовқин-сурон босилди. Овул итларининг чакаги ҳам тинди. Яқин-йироқдаги хўрозлар бир чақирди.

Худди ана шу паллада Паст кўчадан гармоннинг оҳиста бўзлаган товуши эшитилди. Даставвал у, гўё кимнидир зорланиб чорлаётгандек, мулойим янгради, сўнгра куй юракда пинҳон дардларни сўйлаганча ҳасрат билан инграб, тўлғанди, кейин жонбаста, ҳазин наволар йиғлаб илтижо қила бошлади... Интиҳосиз қайғуга кўмилган илтижо тўсатдан тўхтаб қолди. Кўксини тўлдириб, беомон қийнаган ғам-андухларини тўкиб солиб, бир сз енгил тортган гармон, чуқур хўрсинди-да, ниҳоят сукутга чўмди... У бир муддат тин олди, сўнг уйқу оғушидаги кимсасиз кўчаларни шўхшан пардаларда янграб, юксак орзулар, бўлғуси қувончлар ҳақида эҳтирос билан ҳикоя қилаётган ўйноқи куй садоларига тўлдирди. Мен бу садони фақат эшитибгина эмас, кўз ўнгимда яққол кўриб ҳам ётардим. Мана, у гоҳ юксалиб, гоҳ пастлаб, қалдирғочдек чарх урганча Паст кўчадан Юқори маҳалла томон қанот қоқиб бормоқда...

— Мараҳимнинг тагин жини қўзибди, шекилли, — деб гўлдиради акам уйқу аралаш.

Эҳ, акажан! Нега бундай дейсан? Бунга жиннинг нима дахли бор? Сен яна хуррак тортишга тушдинг. Сукунат қўйнидаги коннотни ҳозиргина зир титратган, ёруғ ва маҳзун бу ажойиб куйни бир оғиз сўзинг билан йўқ қилдинг-а...

Катта ойим асло бундай демаган бўларди. У жимгина қулоқ соларди-да... «Шўрлик Мараҳимнинг юраги тагин ёлғизликдан нола чекиб, аллакимни қўмсалпти» дея, албатта, хўрсиниб қўярди. У пайтда ҳали

ярим кечадаги бунақанги танҳоликнинг нималигини билмас эдим. Фақат орадан кўп йиллар ўтгачгина сим-сиёҳ тун ярмидаги бу андуҳ—энг бедаво қайғу эканини англадим. Аммо ҳозир эса мен бари бир, Мараҳимнинг томонидаман. Унинг аламлари ҳам, қувончи ҳам шамолга совурилмади, улар менинг мурғак қалбим қатидан чуқур ўрин олди. Назаримда, шу лаҳза буткул курраи заминда Мараҳим ва мендан бўлак биронта бедор кимса йўқ эди...

Кейинчалик куйиб, хоки тузонга айланган йилларимнинг кули соч-соқолимга қўнғач, ушбу ҳақиқатни кашф этдим: одамзод ҳамма нарсага — гўзалнинг гўзаллигига, аҳмоқнинг аҳмоқлигига, ёвузнинг ёвузлигига кўнигиб кетаверар экан. Инсон боласининг табиатидаги бу антиқа хусусиятдан гўзаллар ва оқкўнгиллар ҳамини доғда қоларкану аҳмоқ ва ёвузларнинг ошиғи доимо олчи бўларкан.

Бироқ Оқ Юлдуз тўрт ой тугул, тўрт йилдан сўнг ҳам, ҳатто, умрининг охиригача ҳам асло ўзининг ўша жозибдорлигини йўқотмади, орамиздаги юзлаб аёлларнинг бирига айланиб қолмади — ўла-ўлгунича заминдан бир қарич баландроқда турди. Бу азбаройи табарруклиги ёки тамтамлигидан эмасди — унда бу нарсалардан асар ҳам йўқ эди. Одамлар уни қўл етмас, пок, илоҳий бир хилқат дея қабул қилишди ва сўнгра бир умр шу баҳони ўзгартиришмади.

Аввал-бошда маҳалламиз аҳли Оқ Юлдузнинг гўзаллиги-ю, қадди қоматининг келишганлигига эътибор беришди, сўнгра унинг эпчиллиги, меҳнаткашлиги, хушмуомаласи ҳаммага овоза бўлди. Ғаллам чолнинг келни йигирган ип ипакдан, тўқиган бўз шойидан қолишмайди, ун ошига хамир қирқса, тола қилиб эшиб юборади, деб айтишарди. У тиккан кўйлакни кийсанг, деб кулишарди, кампирлар, худди ўн ёш яшариб кетгандек бўласан. Келинчак тушган хонадоннинг сузонғич сигирини соғиш учун илгари неча киши ҳай-ҳайлашиб, тўрттала оёғини чандиб боғлаб, аранг эплашарди. Энди эса у ҳар куни подадан қайтиши билан келиннинг орқасидан ўзи эргашади. Ҳатто, чолнинг қирчанғи биясига ҳам сон кириб қолди. Бир гал ўрмонга ўтинга кетишаётган экан, эрининг қўлидан қамчисини олибди-да, бор-йўғи: «Чуҳ, эсликкидан, қани, юра қол, ақллим», дебди оҳиста. Буни эшитиб, бия



гўё гапга тушунгандек, икки марта бош силкитиб қўйганмиш. Оқ Юлдуз нима иш қилмасин — жавдар гарамлайдими, пичан босадими, ёнидан бирорта одам бепарво кетолмас эди. Ҳамма ўзининг юмушини унутиб, уни томоша қилиб қоларди. Сўнгра ҳушига келиб, «Худо қувват берсин!» деб қичқирарди-да, орқасига қарай-қарай узоқлашарди. «Сизларга ҳам!» — эридан садо чиқишини кутиб ўтирмай хуш-хандон жавоб қайтарарди Оқ Юлдуз. Ҳамма уйлангандан кейин ҳам индамаслигича қолаверди.

Мен у вақтда ҳали оламда кафтига қуш қўнса сайрайдиган, нафаси гунчага тегса очиладиган аёллар мавжудлигини билмас эдим. Оқ Юлдуз ана шундай дилбарларнинг бири эди. Шаҳидулланинг онаси Минлекай янга айтарди:

«Шу Оқ Юлдуз кўчадан ўтса ҳуснига кўча тўлади-я, тавба! Туф, туф, туф! Тагин кўзим тегмасин-у, зап лобар жувон-да!»

Ғаллам чол оғир вазмин, ўз ишига пухта киши, яккаҳол тирикчилик қиларди. Ташдевор билан ўралган бу ҳовлидаги гап-сўз мутлақо ташқарига чиқмайди. Борди-ю, Минглекай янганикига бирорта товуқ адашиб кириб қолса ҳам, бутун маҳалла-кўй бундан бир зумда хабар топарди. Бироқ Ғаллам чолникида ер тепиб от чопганда ҳам биров тиқ этган товуш эшитмасди. Оқ Юлдузнинг бу уйда ҳоли, куни не кечаётгани ёлғиз худога аён эди.

Бу хонадонга келин тушганидан буён орадан шошқалоқ ёз ўтди, куз сарғайиб, ғамга ботди, зерикарли, узун қиш бошланиб, ниҳоясига етди, ариқларда яна сувлар жилдираб қолди... Мараҳим гармонининг уни ўчгандан бери ҳам шунча вақт ўтиб кетди. Дастлаб одамлар нима гаплигини билмай ҳайратга тушишди, сўнгра бутунлай ранжишди: ҳаммамизнинг бир овунчоғимиз шу эди, бу ҳам йўқ бўлдимми? Бу қандоқ гап, ахир?

Кишилар Мараҳимнинг гарчанд ҳар куни бўлмаса-да, лоақал ҳафтада бир марта узлуксиз суратда янграб, ойлар, йиллар мобайнида овул кўчаларини ва одамлар кўнглини қувноқ ва қайғули оҳангларга тўлдирган қадрдон гармонига бениҳоя ўрганиб қолишган эди.

Унинг тўсатдан тинганига улар асло кўника олиш-

масди; бунга бир сабаб бўлса керак, дейишарди. Мен ҳам шундай деб ўйлардим. Мараҳимнинг шўрлик юраги кимни излаётганини ўзи ҳам англамай, ниҳоят, жим бўлгандир, балки? Юрак умидидан, гармон овозидан айрилгандир? Эҳтимол... Балки, бундай ҳам эмасдир...

Болалигимда ярамас бир одатим бор эди. Кечқурунлари бошимни кўрпага буркаб, ўзимни уйқуга солардим-да, катталарнинг гапини тинглаб ётардим. Билиб қолишмасин, деб баъзан уйқусираб ҳам қўяман. Туппа-тузук гап ўғриси! Туф-е, бетинг қурсин! Эсла-сам, ҳозир ҳам қулоқларим ловуллаб ёна бошлайди. Бироқ очигини айтганда, бу ҳали мен амалга оширган биринчи риекорлик эмас эди. Биринчиси хийла аввал, тўрт-беш ёшларимда содир бўлганди.

Нима сабабдандир, бир вақтлар йўлнинг нариги бетидаги қўшнимиз Қаяюп оғайникига зув қатнайди-ган одат чиқардим. Ҳар куни ўша ерда ўралашганим-ўралашган. Қўшнимизнинг бўй етган Зайнаб ва Жамила исмли иккита қизи бор эди. Уларнинг бири дераза олдига, иккинчиси ошхона айвонига ўтириб ганча кун бўйи тинмай уришишарди.

Бир куни Зайнаб мени ёнига чақирар, қўлимга тугмачами, шунга ўхшаш қандайдир арзимас нарса тутқазиб алдар ва Жамилани сўкиш учун қулгимга гичирлаб гап ўргатарди. Мен бўлсам тўти қушга ўхшаб такрорлаганча, томоғимни йиртгудек бақирардим:

— Сен букур Хасбутдин билан қучоқлашиб ётгансан! Ханса сўлак сени ўпган! Оғзи қийшиқ Ханса билан ўпишиш маза эканми? Буям камдек Аббос жинкига ишқий нома ҳам ёзгансан-а, уятсиз! Ул-е, шарманда! Беномус! Ишқий хат ёзгунча Аббосингга иштон тикиб берсанг ўласанми?! Йил ўн икки ой тир-яланғоч юради, беор!

Биз Жамилага бўлган-бўлмаган шундай айбларни тўнкаб, ҳўнгир-ҳўнгир йиғлатмагуҭча қўймаймиз. Эртасига эса Жамила мени ўзига оғдириб олади. Қўлимга бўш гугурт қутисини тутқазиб, ёнига ўтқазади. Худди кечагидек шиддатли тарзда, фақат бу сафар Жамила ўргатган сўзлар билан, Зайнабнинг авра-астарини ағдара бошлайман:

— Сен ўғрисан! Тароқ ўгирлагансан! Совун ўгир-

лагансан! Уғри! Динингни сотгансан! Рўзангни сйсан, ёлгончи! Шундан ҳам ҳеч ким сенга назар солмайди-да! Ҳатто, Аббос жинни ҳам сенга қиё боқмайди! Пучуқ бурнинггу, ажина ковуш юзинг билан сени ит олармиди?! Пайтава фаҳм! Ошқовоқ! Шиллиқ қурт, газанда!..

Гап пучуқ бурун хусусига етиб борганда Зайнаб Жамилага қараб ташланар, унинг сочига човут соларди. Ана шунда менинг бугунги ишим тугаган ҳиссб-ланар эди.

Шу тариқа кун сайин қўлдан-қўлга ўтиб, мен ўзимнинг шармандали қилмишимни давом эттирардим. Сўнгра буни бутун умр бўйи унута олмадим. Эсласам — ҳали-ҳануз вужудимни қалтироқ босади. Худди ёмон туш кўриб, жунбишга келган одам «Хайрият, тушим экан», деб ўзига ўзи таскин берганидек, мен ҳам баъзан: «Бир замонларда бўлган эди-да, у вақтда ҳали ўнг билан тушнинг фарқига ҳам бормас эдим», дея ўзимни овутишга уринаман. Унутолмайман. Демак, бир умрлик сабоқ бўлган экан. Англаб етган хатоларинг, ҳатто, гуноҳларинг учун жазо тортган тақдирингда, вақти-соати етиб улар сенинг доно маслаҳатчинг, қаттиққўл дўстларингга айланишади. Ўзинг англамаган ва кўнглингнинг қатида пинҳон қолган айбларинг эса, мангу ғанимлигича қолаверади. Мен бу ҳақиқатни ўла-ўлгунча ёдимда сақлашга интиламан. Агар бугун Зайнабнинг овози билан, эртасига Жамиланинг овози билан бақираверсанг — ўз овозингдан ажраб қолишинг ҳеч гап эмас.

...Боядан бери бошимни буркаб ётибман. Хонада фақат иккала ойим ўтирибди. Катта ойим иш тикиб ўтирибди, Кичик ойим қозоннинг тагини зўр бериб қиртишлайди.

— Эшитдингизми, овулда ҳар хил мишмишлар юрибди-я? — сўради Кичик ойим, — Мараҳим билан Оқ Юлдуз тўғрисида...

— Э, қўйсанг-чи, Вазифа!.. Ҳар нарсага қулоқ солавериш ақлли одамнинг иши эмас, — унинг гапини чўрт кесди Катта ойим.

Бироқ Кичик ойим ўзини тутолмай, дилидаги тилига чиқди:

— Айтишларича, бир-бирини қаттиқ яхши кўриб қолишганмиш. Худди Тоҳир-Зухродек...

Катта ойим чуқур хўрсинди. Сўнгра:

— Муҳаббатнинг айби йўқ, — дея шивирлади оҳиста, — севгисиз шўхлик қилиш гуноҳ... Агар сен ўзимизнинг хўжайинга кўнгил қўймай текканингда, билмадим, иккаламиз қандоқ тирикчилик қилардик: кенг жаҳон иккимизга торлик қилармиди... Муҳаббат барчасини кечиради, ҳамма нарсани оқлайди...

— Ҳар кимнинг гуноҳи ўз бўйнига. Мен уларни айблармидим? — сўзида давом этди Кичик ойим. — Чамамда, Мараҳим билан Оқ Юлдуз бир-бирларини анчадан бери билишади. Овулимиз эркаклари узоқ йили Юқори Демага, бугдой ўримга мардикорлик қилгани боришгандаёқ улар учрашишган экан. Оқ Юлдуз шунинг учун ҳам Ҳамзага тегишга рози бўлган экан. Айтишларича, ўзи: «Ҳамзага тегиш нима, Мараҳимни яна бир марта кўриш учун дўзахга боришга ҳам розиман», деган эмиш. Ёки шундай деб, фақат ўйлагандир.

— Одамлар билган шунча кўп нарсани худо таоло ҳам билсайди, — кулимсиради Катта ойим. — Афсуски, одамлар керагидан кўп нарсани билишади, ундан ҳам кўпроқ вайсақилик қилишади.

— Мараҳим ҳам ўттиздан ошиб қолган бўлса керак, — деди Кичик ойим суҳбатга яқун ясагандек.

— Муҳаббат ёшга қараб ўлчанмайди-да. Буни ўзинг ҳам биласан-ку, Вазифа.

Кичик ойим отамдан йигирма йилга ёш эди. Чама-си, Катта онам шунга шама қилаётганди. Йўқ, кўнглида ғарази бўлгани учун эмас, беихтиёр сўз орасида айтиб юборди, шекилли...

Кўрпа тагида ётганча мен ана қанча сирдан воқиф бўлдим! Севги нималигини эса, аллақачондан буюн биламан — бошимдан ўтган. Бултур бирга ўтирадиган партадош қиз (исмини айтмайман) иккимиз кишининг ярмигача эҳтирос ўтида ёниб, ишқий нома-лар ёзишиб турдик. Ҳар оқшом тонг отгунча мен унга узундан-узоқ хатлар ёзиб чиқардим. Ҳатто, қўшиқ ҳам тўқигандим:

Сени деб, тортаман гармонь,  
Кўлда узук ярақлайди.  
Сувга чўксанг ҳам топарман,  
Ҳаттоки, тинтиб Байкални!

Уйимиздагилар қувончдан териларига сиғишмасди: «Уғлимиз мактабни жудаям соғинган экан-да, ўқишга берилгани бунинг! Қандоқ мўмин-қобил бўлиб қолди-я! Қулоқ қоқмай ўқигани-ўқиган!»

Катта ойим баъзан мени алоҳида мазали таомлар билан сийлаб турарди. «Сен илмнинг йўлига тушдинг, кучли овқат ейишинг керак. Ақлинг тиниқлашади, миянг яхши ишлайдиган бўлади».

Бироқ тез орада бошимга қора кун тушди.

Бир куни эрталаб (биз бир-биримизга хатларимизни дарс олдидан топширардик), ўша машъум тонгда қиз қўлимга хат ўрнига қоғозга ўралган кўмир парчаси тутқазди. Бу муҳаббатимизнинг куйиб кўмирга айланганини англатар эди. Ҳаммаси тугади! Шундан сўнг, у менга қиё ҳам боқмай қўйди. Унга нима гуноҳ қилдим, айбим нима — ҳайронман... Уф! Севгига дош бериш қийин, лекин севгидан жудо бўлиш ундан ҳам оғир экан. Бу шундай изтиробли қийноқки, фақат бошига тушган одамгина билади.

Мактабдан қайтгач, Катта ойимнинг иссиқ кафтларига бош қўйганча, йиғлаб юбордим.

— Нега йиғлаяпсан, қўзичоғим? — сўради у. Мен чурқ этмадим. Дунёда онанинг борлиги, унинг кўксига бош қўйиб, йиғлаганча кўнгилни бўшатиб олиш мумкинлиги қандай яхши-я! Унинг юзларимни оҳиста силаб ўтган майин қўллари вужудимдаги бор оғриқларни суғуриб олгандек бўлди.

Кейинчалик чексиз қайғуга ботган чоғларимда ўксиз бошимни бир дам кўксига қўйиш учун онам оғушини жуда кўп бор қўмсадим... Аммо бу вақтда Катта ойим ўша мўъжизакор қўллари билан бу ёруғ олам эшигини мангу ёпиб, абадиятга кетганди...

Мараҳим ва Оқ Юлдузнинг ҳоли не кечаётганини яхши англардим. Бироқ таажжубки, бу қуруқ мишмишга ўхшарди. Оналаримнинг мен ўғринча тинглаган суҳбатидан буён орадан бир ой ўтди ҳамки, маҳалламиз бу ҳақда лом-мим демасди. Бизнинг Юқори кўчамизда нинадек гап бир зумда туядек бўлар, қуш нафасича шабадага ҳам теракларнинг учи шиддат билан чайқала бошларди: «Фалончининг хотини пистончининг эрига кўз сузиб юрганмиш... Фалончи қудалардон олишишларига сал қолганмиш... Анави хушчақ-

чақ киши эса, писмадончи бева бор-ку, ўшанинг деразаси тагида изғишга одатланганмиш...»

Хотин-халаж ўчоқ бошида куймаланаркан, оғзи шу хил гаплардан тинмасди, сувга йўл олган қизлар шу ҳақда ғийбатлашишар, қоровулхонага йиғилишиб, валақлаб ўтирган эркакларнинг ҳангомаси ҳам ана шу мишмишлардан иборат эди. Тили заҳар, Асқадга ўхшаш ҳазилкашлар дарҳол бу хусусда ўткир лапарлар ҳам тўқиб ташлашарди.

Бир йигит қайси бир куни кечқурун базмга кета туриб, беҳаё қудалар тўғрисида ана бундай қўшиқни ҳам тўқиган эди:

Узук таққан қудажон,  
Кўз сузганди бир замон.  
Толнинг остида висол  
Ваъда қилгандик алҳол.  
Толнинг остида уни  
Кутамаи, ёзиб гилам.  
Келса бас, у ёғини  
Узим яхши биламан.

Айтишларича, илгарилари бундай мишмишлар рост чиқса, ўша аёл ёки қиз яшайдиган дарезога балчиқ чаплаб кетишар, шу хонадон отларининг ёли ва думларини билдирмай қирқиб ташлашар экан. Ҳозир эса, бунақалар йўқ. Лекин кимдир бирор марта кўпчилик олдида шарманда бўлиб тилга тушдим, тасом, ўлгунича бу тавқи лаънатдан қутила олмайди. Унинг номини таъна ўғирнда туйиб, мазах изғиринларига совуришадди.

Мараҳим билан Оқ Юлдуз бу каби гап-сўзлардан буткул холи эдилар. Чамаси Кичик ойимга аллаким ғабих бир уйдирмани етказиб, сўнгра инига уриб кетган эди. Майли, унутганимиз бўлсин...

Бироқ уларнинг ўзлари унутишга қўйишмади.

Баъзан кўз билан кўрган нарсанга ишонгинг келмайди. Кўзларингни ишқалаб тураверасан. Мен ҳам бу манзарани кўрганимда аввал довдираб қолдим, ўз ўзларимга ишонмай гангидим.

Икки яшар дайди наввосимизнинг марҳамати туйиб, мен бу ҳодисанинг тасодифий гувоҳи бўлиб қолдим. Уша оқшом ҳам у нодадан қайтмади. Уйда-

гиларнинг ҳаммаси уни ахтарганча овул подаси бсқилладиган яйлов бўйлаб тарқалишиб кетдик.

Мен ҳориб-чарчаб, судралганча Қиз-қояга етиб келганимда атрофни қоронғилик босган, зулмат тобора қуюқлашиб борарди. Кундузи Муртазо акамдан бекитиқча ўғирлаб олган тамакини чекиб олишнинг айни хонаси келганди. Ялангликдаги танҳо дуб тағига ўтирдим-да, ёнимдан қоғоз чиқариб, тамакини ўрадим, аммо гугуртни тополмадим. Қидирдим-қидирдим, йўқ. Бирор жойда тушириб қўйган бўлсам керак. Демак, ўғирлик насиб қилмади.

Энди ўрнимдан турмоқчи бўлган ҳам эдимки, тоғ этагида улкан, ғалати бир нарсанинг қораси кўринди. Одам десанг, одамга ўхшамайди, ҳайвон десанг ҳайвонга. Юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Қўрқувдан ҳозир-ҳозир ёрилиб кетадигандек туюлар, дуқуридан гўё дарахт ҳам қалтираётгандек эди. Ғалати махлуқ яқинлашиб қолди. Унинг боши иккита, оёғи ҳам иккита, бироқ қўллари тўрттами, олтитами — билиб бўлмасди. Ҳатто, санаб ҳам бўлмасди. Дарахтга чиқиб олсаммикан? Йўқ, бундай даҳшатли махлуқдан дарахтга чиқиб ҳам жон сақлолмайсан. Майли, бўлгани бўлар, қимирламаслик керак. Дайди буқани қидириб юрибман, десам ўлимимни қидириб юрган эканман-да. Новвосни тополмадим, ажал эса, мени осонгина топди. Эртага бутун овул уйқудан уйғониб, менга аза тута бошлайди. Ўша қизча ҳам ўзининг кўмир парчасини берганини эслаб, ниҳоятда ачинади...

Қалтираб кетдим. Кўз ўнгимда қабристонимиз дарвозаси, мачит тепасидаги ярим ой, янги қазилган гўр бирма-бир ўтди. Мен буларнинг ҳаммасини тобутда ётганча кўриб тургандек эдим.

— Севасанми? — деб сўради махлуқнинг бир боши эркакча товушда.

— Севаман... севаман... — жавоб берди мулоим аёл товушида махлуқнинг иккинчи боши.

— Жуда ҳам сеvasанми? — деди биринчиси бетоқатланиб.

— Агар жуда-жуда, жуда ҳам севаганимда, шу кемтик бахт учун бунча азоб-уқубатларга чидармидим? Бари бир, ўкинмайман. Сенинг кўксингдаги бахтим гавҳарини олтин тоғларига ҳам алмашмайман.

Шунда бирданига қандайдир қушча «чювт!» — дед

сайраб юборди. Ваҳималироқ туш кўриб чўчиб тушган бойқуш боласидир, эҳтимол.

— Сени юксакка, ҳув анави оқ юлдузга олиб кетаман, истайсанми?— сўради эркак овози.— Сенинг юлдузингга...

Дарҳақиқат, осмонда оппоқ бир юлдуз чарақлар, худди ерга талпинаётгандек, титраб турарди. Гўё ҳозир осмондан узилиб тушади-ю, оҳиста учиб, Қиз-қояга қўнадигандек туюларди.

Бир оз ўзимга келдим. Бу махлуқ менга зиён етказмайдиганга ўхшайди. Унинг ўз дарди ўзига етади, шекилли.

— Ёнимда сен бўлсанг ҳам яхши. Бу юлдузда биз бирор нарсамизни қолдирганмидик? Мен ўзимнинг исминни ҳам яхши кўрмайман. Фақат сени яхши кўраман.

Яна бояги қушча икки бор сайради: «Чювт-чют!»

— Юрагим бир умр ғамда эди... Сени изларди.

— Ким қидирса, чопади, севгилисини топади...— дея хиргойи қилди аёл.

Қушча ҳам унга жўр бўлиб, тагин ўз қўшиғини куйлаб юборди: — «Чювв-чют!»

— Сен куляпсан, Оқ Юлдуз, мен эса доимо қайғу аламдаман,— ҳасрат қилди эркак.

— Айтяпман-ку, сен ёнимда экансан, мен учун дунёда на қайғу бор, на қўрқув. Улар олисда, бошқа оламда...

Баҳодир Мараҳим Оқ Юлдузни ёш боладек қўлида кўтарганча ёнгинамдан ўтиб кетди. Улар мени сезишмади ҳам. Уларнинг ортидан боқиб, аста-секин юқорига кўтарилиб боришаётганига термилган кўйи нима учун ошиқлар нигоҳи ердаги ўт-ўланни илғамаслигини, аксинча, бургутлар тўш урган олис осмон бағрида кезишини ўша тун илк марта англадим. Уларнинг тоғ чўққисига, юксакликка не боис шиддат билан интилганликларини очиқ-ойдин ҳис этиб турардим. Бироқ буни сўз билан айтиб ҳам, тушунтириб ҳам бўлмайди.

Мараҳим билан Оқ Юлдузнинг қадам товушлари тингач, тун туйқусдан ўз тароватини йўқотиб, буткул хувиллаб қолди. Бошим узра пирпираб ёнаётган юлдузлар хира тортди. Мен ўзим бу ерда турибману,



аммо қалбим улар ортидан эргашиб борарди. Уларнинг чиройли сўзлари, ёқимли овозлари мени бутунлай мафтун қилиб қўйганди. Фақатгина Мараҳимнинг Оқ Юлдузни худди ёш боладек қўлида кўтариб кетгани менга ёқмади. Сира ҳам ёқмади. У ҳам қизиқ — худди ўзининг оёғи йўқдек...

...Орадан қирқ уч йил ўтгач, Чехия тоғларида, кун ботар чоғи бу манзарани яна такрор кўрдим... Мараҳим тенги бир йигит маъшуқасини бақувват қўлларида кўтарганча югуриб борар, йўлсиз-сўқмоқсиз тик қоялардан тоққа тирмашарди. Ўзи эса, тинмай куларди. Менга бу жуда ҳам маъқул бўлди. «Баракалла, йигит, баракалла!» — дедим ўзимча. Бу вақтда Рауза иккимиз бир-биримизни суяганча чақир тошли илон изи сўқмоқдан пастга тушиб келардик. «Баракалла, йигит!» — дея такрорладим мен ва яна бир бор ортимга ўгирилиб қарадим-да, умримда ҳеч кимни тоққа қўлларимда мана шундай кўтариб чиқмаганимни армон билан эсладим. Ҳозир қувнаб-қувнаб олиб чиққан бўлардим, бироқ энди кеч, кучим ҳам етмайди, одамлар ҳам кулишади. Ҳарқалай, тоққа ҳам ўз даврида чиқиб қўйиш лозим экан-да. Узоқларда қолган олис ўтмишга, ўттиз уч йил йироқдаги ёруғ кунларимга боқарканман, шивирлаб: «Балли, Мараҳим, баракалла!» — дея хитоб қиламан.

Мараҳим ва Оқ Юлдуз ёнгинамдан ўтиб кетишгач, тун зулмати ҳам бир оз тарқагандек бўлди. Назаримда, улар юриб бораётган йўллардан қўрқув чекинари, шубҳа, шарпалар изсиз йўқолар эди. Уларнинг ортидан ихтиёрсиз суратда бир-икки қадам қўйдиму тўсатдан ҳушимга келиб, аста уйимга қайтдим. Нима учундир бошимдан шапкамни олдим. Алланарса ерга тушди. Эгилиб қарасам, гугурт қутиси экан. Мен уни шапкамни ичига яшириб, сўнгра эсимдан чиқариб қўйган эканман.

...Ҳозир баъзан ўзимча шу ҳақда ўйлаб кетаман: агар ўшанда гугурт қутиси дарров топила қолганда борми... Унда эҳтиётсиз чақилган битта гугурт чўпи Мараҳим билан Оқ Юлдузнинг безовта бахтини ҳуркитиб юборган, икки қалбнинг буюк, муқаддас сирини бутунлай ёндириб юборган бўлармиди?..

Бундай ғаройиб сирни қандай қилиб сақлаб тура олардим? Бир кун сабр қиларман, икки кун... Учинчи

кун эса, паққос ёрилиб кетаёздим. Нуқул мачитнинг мезанасига чиқиб, ўзим воқиф бўлган сирни азон қилиб бақиргим келаверди.

Катта ойимнинг бир ўзи ёлғиз қолган пайтни пойлаб, уни бостирмага чақирдим.

— Хўш, қўзичоғим, қаймоқ ейсанми? — сўради у.

— Йўқ, Катта ойи, мен бир сирни биламан. Сизга шунга айтмоқчийдим.

— Қаймоқдан ҳам воз кечишингга қараганда, бирор жиддийроқ гап, шекилли.

— Жиддий гап, Катта ойи. Мараҳим билан Оқ Юлдуз ҳақидаги мишмишлар-чи, рост экан.

— Қанақа мишмишлар? Қаёқдан олдинг бу гапни?!

— Ҳалиги, ҳув оқшом... Кичик ойим... — тилимни аранг тийиб қолдим. Жуда ҳам вақтида тилимни тинладим-да! Гап ўғриси эканлигим очилишига бир баҳя қолувди-я! — Ҳалиги... Одамлар гапиряпти-ку...

— Бекор гап...

— Бекор гап эмас, сира ҳам бекор гап эмас! Новвосни қидириб юрганамда мен ўзим уларни кечаси Қиз-қояда кўрдим!

— Туф, туф, туф! Сенинг кўзингга бирон нарса кўринган бўлса керак. Кечаси одамнинг кўзига ҳар хил нарсалар кўриниши мумкин. Уша кеча ҳам жуда қоронғи эди-да.

— Мен уларнинг гапларини ҳам эшитдим, Катта ойи. Худо ҳаққи! Алдасам нон урсин! Нима, мен ёлгончимидим?

— Ёлгончи эмассан. Бироқ шунчаки адашган бўлишинг мумкин. Хато қилиш алдамчилик ҳисобланмайди, болам.

— Ўз кўзим билан кўриб, ўз қулоғим билан эшитдим, ахир!

— Баъзан одам керагидан ошиқчасини кўриб-эшитиб юборади. Бас, ўғлим, бўлмағур хаёллар билан бошингни қотирма.

Мен ҳаммасини бир бошдан батафсил гапириб бермоқчи эдим, бироқ Катта ойимнинг ишонмаётганини кўриб, индамай қўя қолдим.

— Одамлар ишонмайдиган нарсани асло гапирма,— деди у кейинчалик менга.— Тухматчи деб, бир ном орттирсанг, бир умр шарманда бўласан.

Уйимиздагиларнинг ҳаммаси шарманделикдан ниҳоятда қўрқишади.

«Сўзинг ёлгон чиққунча тагингдаги отнинг йиқилиб ўлгани яхши» — деб кўп таъкидлайди отам.

Балки ростдан ҳам фақат кўзимга кўрингандир? Ахир, Катта ойим шундай деяпти-ку?

Лекин мана бу товушлар ҳали-ҳануз қулоғимдан кетмаяпти-ку?.. «Севасанми?» — «Севаман»... Бордию, улар менинг қулоғим остида тингани билан бари бир, Қиз қояда мангу янграса керак.

Катта ойимнинг ўша пайтда бу нарса кўзингга кўринган, дея ҳадеб қатъият билан исботлашга тиришганининг боиси нималигини мен энди тушундим. Қадимги грекларда ошиқ-маъшуқларни кулфатлардан асрайдиган, уларга ҳомийлик қиладиган муҳаббат маъбудаси бўларди. Уни Афродита деб, аташарди. Албатта, Катта ойим умрида бу маъбудани мутлақо эшитмаган, билмаган эди... Аммо унинг ўзи сезмаган, англамаган ҳолда ўша пайтда Мараҳим ва Оқ Юлдузнинг ишқ илоҳасига айланиб қолганди. О, Серсе маҳалласининг саховатпеша Афродитаси!

Новвосимиз эса, топилди.

Жавдар ўрими бошланиши билан биз хурсандчиликка ҳашар ўтказишга қарор қилдик.

Печканинг устидаги иккита бочкада бўза вақиллаб қайнаб турибди... Дайди ҳўкизчамизни шу ҳашарга сўядиган бўлдик. Тушликка асал солинган қатиқ тайёрланди. Хотинлар азондан туриб, нон ёпишди.

Ҳашар ҳам ўзига хос бир байрам. Кун бўйи жазирама қуёш остида, терлаб-пишиб, ҳазил-ҳузул билан ишлаган одамлар кечқурун катта дастурхон теваарида жамулжам давра туриб ўтирадилар. Эт ейилади, шўрва тортилади. Еши каттароқ эркаклар ва шаддодроқ хотинлар бўза ичишади, йигит-яланглар ва қизлар эса, бир-бирларига термилишиб бўзасиз ҳам, маст бўлишади... Кашфулла чўлоққа ўхшаган биронта ашула шайдоси чўзиб қўшиқ бошлаб қолади:

Қўшинларга бердик ёрдам,  
Белни боглаб, сен ҳам, мен ҳам.  
Совчи узатдим уйингга,  
Тўй насибдир сен ва менга!

Бу қўшиқнинг ҳикмати бошқача. Эпчил, меҳнат-каш қиз ҳашар чоғида дарров кўзга ташланади-да, қадр-қиммати ошиб, қайлиқликка, келинликка мўлжаллаганлар ҳаракат қилиб қолишади. Кўпинча ҳашардан сўнг кампирлар кўйлагининг этагини бар уриб, қизнинг уйига, совчиликка йўл олишади. Ҳашарга эса, танлаб-танлаб таклиф қилинади: яъни, кундузи ҳам иш берсин, оқшом ҳам оғзига талқон солиб ўтирмасин. Ҳашарда қатнашиш жуда катта шараф саналади. Албатта, айтилмаса ҳам тортинмай-нетмай ўзи кириб келаверадиган битта-иккита кимсалар ҳам топилади.

Тўрт-беш кундан буён уйимизда ҳашарнинг маслаҳати: Кечқурун чой устида қариндош-уруғ, қўни-қўшнилардан кимларни айтиш ҳақида узоқ кенгашиб ўтирамиз. Ҳисоб-китобни эса, мен олиб бораман.

— Балки, Мараҳимни ҳам чақирарсизлар? — сўради Катта акам Солиҳ.

— Ўзи келар.

Мен қоғозга яна битта таёқча тортиб қўйдим.

— Қўшнилardan ҳеч ким эсинглардан чиқмади-ми? — сўради отам.

— Ғаллаламларники қолди. Бари бир, Ҳамза индамас инидан ташқарига чиқмайди, — деди энг Катта акам Муртазо.

— Келадими, келмайдими, айтиш керак. Кўнгли ўзида қолсин. Ҳарқалай, қўшнимиз-ку, ахир.

Мен яна иккита таёқча тортидим. Шу билан тамом, вассалом.

Қуёш чиқиши билан дарвозамиз олдида одамлар гужғон ўйнашди. Елкага ташлаб олган ўроқларини ярақлатганча айтилганларнинг ҳаммаси келди. Мараҳим ҳам, Оқ Юлдуз ҳам, Ҳамза ҳам шу ерда. Ҳатто, бир-иккита «шумқадам»лар ҳам етиб келишибди. Йиғин-маъракаларга таклифсиз ташриф буюрганларни бизда «шумқадам» деб аташади.

Илгари қарор қилинганидек, яқин қариндошларимиз от-араваларида келишганди. Бу йил бизнинг жавдарзорларимиз хийла олисда бўлиб, пиёда анча йўл юришга тўғри келарди. Бундан ташқари, ҳашар қилиб одамларни далага яёв ҳайдаб кетиш ҳам кулгили эди-да.

Ўз-ўзидан равшанки, менинг кўзим анави иккала-сида. Бир-бирига қиё ҳам боқмайди, гўё бир-бирини мутлақо танимайдигандек... Оқ Юлдуз қизлар билан чуғурлашади: ниманидир секин-секин шивирлашиб, оҳиста кулишади. Сал нарида, қўлтиғига гармонини қистириб олган Мараҳим Муртазо акам билан муло-йим гаплашиб турибди. Худди Қиз-қояга булар асло чиқмагандек, «чювв-чют!» — деб сайраган қушчанинг овози янграган қоронғи тунда сира ўпишмагандек... Бир-бирига буткул бегона одамлар. Наҳотки, ўша кечаси ўзга бир эркаки бошқа бир хотин билан кўрган бўлсам?

Лекин уларга фақат мен синовчан тикилаётганим йўқ-ку. Гоҳ бу ёқдан, гоҳ нариги ёқдан уларнинг икковига пинҳона чақнаган нигоҳлар қадалиб қолади.

Тўриқ от қўшилган аравада ҳовлидан отам чиқди.

— Қани, йўлимизни берсин! Кетдик!— дея қичқирди у.— Араваларга чиқинглар. Чиройли, чаққон қизларим, қани, менинг аравамга чиқинглар! Арава мендану, қўшиқ сизлардан!

Шовқин-сурон кўтарилди. Қиз-жувонлар, ёш келинчаклар аравадан аравага қий-чув билан югуриб қолишди. Чувур-чувурдан ҳеч нимани англаб бўлмасди. Қизларнинг бири дугонаси билан бирга ўтиргиси келар, иккинчиси қўшним билан кетаман, деб хархаша қилар, бошқа бир келинчак қайнисинглисининг ёнидан жой одмоқчи бўларди. Бунинг устига аравақашлардан ҳам минг хил айб топишарди: бунисининг, айтайлик, сочи жингалак эмас экан, анавинисининг эса, хотини рашкчи, наригисининг бурни қийшиқ... Кулги учун нима гапларни ўйлаб топишмасди, дейсиз! Ниҳоят, ола-ғовур тўполондан сўнг қиз-жувонлар жойлашишди. Йигитлар ким қайси аравада кетишини тезгина келишиб олишди. Ёши улугроқ эркаклар ва аёллар қолган араваларга чиқиб ўтиришди.

— Кўрдингизми, оғай, буларнинг ичида мендан гўзали-ю, меҳнаткашини топиб бўлсиз!— деди отамнинг аравасига тушиб олган қоп-қора, чўтир Нисо опа. У овулдаги энг бедаво аёл бўлиб, ўзини бизга қариндош санар, бироқ қандай уругимиз эканлигини билмасдим. Чунки, овулнинг деярли ярми унга қариндош эди.

— Э, яша, яша, Нисо! — кулимсираб, унга далда берарди отам. — Чўтир бўлсанг ҳамки, одамнинг юрагини ёқасан.

— Бўлмасам-чи! — дея хандон ташлаб куларди у, оппоқ, зич тишларини кўрсатганча. У жилмайганида юзи буткул бошқача қиёфа касб этади. Қараб тўймайсан киши.

— Гапиринг гапингизни, огай! — деди у отамга ўгирилиб. — Эшитмаганмисиз, оппоқ ойимларнинг юраги муз, қорачаларники эса, кўмир бўлади.

Мен ялт этиб Оқ Юлдузга қарадим: қани, у қорамикан, оқмикан? Унинг чеҳраси оқ ҳам, қора ҳам эмасди.

Олдиндаги аравалар ўрнидан қўзғалди. Ҳамма аллақачон ўз жойини эгаллаган. Фақатгина уч киши: Ҳамза, Оқ Юлдуз ва Мараҳим бирор нарса йўқотгандек, тараддудланиб туришарди. Мараҳим бирданига орқасига қайрилди-да, Муртазо акамнинг аравасига сакраб чиқиб олди.

— Гўзаллар аравасига бизларни ҳам оласизларми? — дея сўради Оқ Юлдуз шўхлик билан. Бироқ бу шўхлик унга, «зигирдек, кемтик бахт учун» шунча азоб-уқубатларга чидаб юрган Оқ Юлдузга сира-сира ярашмасди. Бу менга асло ёқмади. Отам индакий отини у томонга қараб бурди, қамчининг дастаси билан пичанни туртиб, унинг қулайроқ жойлашиб ўтириши учун ўрин ҳозирлаган бўлди. Ҳамза, ростдан сезмадим, ёки ўзини сезмаганга солдим, ҳарқалай, тайёрлаб қўйилган жойга қараб чирт этиб тупурди. Сурбет махлуқ! Оқ Юлдуз аравага бошқа томондан чиқди. Нисо опа унга қўлини чўзиб ёрдамлашаркан:

— Қани, кела қол, жоним, ўзимнинг ёнимга! Кўрганлар: «Иккита гўзал ёнма-ён ўтирибди-да», дея қолсин, — деди. — Бизни ҳеч ким келин қилмаса қилмас. Ҳой, ғафлат босгур! — у Ҳамзанинг биқинига бир туртиб қўйди.

Оқ Юлдуз араванинг энг четига, эрига терс ўгирилганча ўтириб олди. От бетоқат депсиниб, олға интилди. Қалқиб тушган Оқ Юлдуз аравадан йиқилиб кетаёзди. Хайриятки, чеккадаги ёғочдан маҳкам ушлаб қолди. Араванинг орқасига ўтирганимга қарамай, мен бир сапчиб тушдим. Олдинги отлар энди бир текис йўргалай бошладилар. Чўтир Нисо опа ҳам, ҳазил-мутойин-

бага суяги йўқ отам ҳам негадир жим бўлиб қолди. Ҳамиша мудраб юрадиган бу индамас Ҳамзадан бирор сўз кутиш эса, буткул бефойда эди.

Муюлишга етганимизда Мараҳимнинг гармонига тилга кирди. Мен тагин ялт этиб Оқ Юлдузга қардим. Гармон ёлғиз унинг учунгина куйлаётганини яхши ҳис қилиб турардим. Назаримда, буни Оқ Юлдузнинг ўзи ҳам сезаётгандек эди. Ёноқларига югурган қизиллик бир зум ўтмай ўчди.

Гармон ҳамон баралла куйларди. Аммо унга қўшилиб ҳеч ким ашула бошламади. Бизнинг кўчамизда ишга кетаётган пайтда оғизни карнайдек очиб ашула айтиш одати йўқ. Бу, ҳалиги Учхўроз кўчасидагиларнинг қилиғи шунақа: бемаҳал қичқирган хўроздек, ҳуда-беҳуда бақираверишади. Биз урф-одатни яхши биламиз, бизникилар фақат ишдан қайтар чоғидагина кифтини келтириб куйлашади. Бсшқа пайт эса... одоб сақлаймиз.

Мана, одоб сақладик!.. Қандайдир бир аёл баланд, ўткир овоз билан кутилмаганда қўшиқ бошлаб юборди. Икки-уч паст, тиниқ овозлар унга жўр бўлишиб, дарҳол ашула сўзларини илиб кетишди. Оббо, буларнинг ҳафсаласи жуда бемавруд келиб қолди-ку! Олдинги араваларда қўшиқ тобора кучайган сайин бизнинг аравамизда диққинафаслик ортиб борарди. Аллақандай андух шарпаси Оқ Юлдузнинг юзига кўланка ташлаб турарди. Дарҳақиқат, оққуш бўйнига ўжшайдиган нозик бўйни эгилиб, бошини қуйи солиб олган, уқпар мисол сочлар тўзғиб борарди.

...Бир-бирига терс ўгирилганча лэм-мим демай бо-раётган Ҳамза ва Оқ Юлдузни жимгина кузатиб ўтирарканман, хаёлимга бирорта ҳам қайғули фикр келмас эди. Ахир, Ҳамзанинг табиати асли шундоқ бўлгандан сўнг не илож? Унинг ичидаги гапни қармоқ билан тортиб олиб бўлмас... Яхши ҳамки, олдиндагилар ашула айтиб кетишяпти. Бу сафар жавдарзор далага тезроқ етиб келдик. Йўлнинг олислиғи бу гал у қадар билинмади.

Лекин ҳозир Ҳамза билан Оқ Юлдузнинг ҳаёти ҳақида ўйлар эканман, вужудимни беихтиёр титроқ қамрайди. Наҳотки, улар бир умр бегона бир аравада, бир-бирларига тескари қараганча, чурқ этмай бутун ҳаёт йўлини сўзсиз-садосиз босиб ўтишган бўлса?!

Олдинда лоақал қандайдир қўшиқ олға чорлаб турса ҳам-ку, бир нави. Борди-ю, ўша қўшиқ ҳам сўнган бўлса-чи?!

Жавдарзор даладаги бизнинг ерларимиз ҳар тарафга сочилиб кетганди. Бир таноб бу ерда, чорак таноб анави ёқда... Шунинг учун ҳашарчилар иккига бўлинишди: ярми Қуён тепа ортидаги ерга йўл олишди, қолганлари Барсуан қирғоғида қолишди. Тушгача ҳар ким ўзига ажратилган жойда жавдар ўрди, тушликка эса, барча Барсуан ёқасига йиғилишди. Бу ерда овулимизнинг энг чекка ерлари жойлашган, ундан наридаги далалар бошқа овулга тегишли ҳисобланади.

Дастурхонга асал солинган қатиқ билан юаса тортилди. Юаса деб, бизда катта, думалоқ оқ нонни айтишади. Ўртада катта ёғоч косалар турибди, юаса тоғ қилиб уйиб ташланган. Ҳашарчилар иштаҳа билан овқатлана бошлайдилар — фақат қошиқларнинг йилтирашини кўришу тикиллашини эшитиш мумкин. Сал анграйган одам бутунлай оч қолади.

Еб-ичиб бўлгач, одамлар ҳазил-ҳузулга киришишди. Бировнинг қўлидаги қошиқни билинтирмай уриб, косасига тушириб юборишади ёки бўлмаса, иккинчи биров энди қўлидаги луқмани оғзига олиб борганда тўсатдан тортиб олишади. Ҳамма бўшашган, ландовурлар устидан хандон отиб кулишади. Бу гал Уч — хўроз маҳаллалик Сожида билан Ҳамза индамасни қўлга туширишди. Сожида жуда кулгига берилиб, қошиқини омонатгина ушлаб ўтирган экан — кўз очиб юмгунча ундан жудо бўлди-да, уялиб ўрнидан туриб кетди. Оғзидаги ошини олдириб қўйган Ҳамза эса, пинагини бузмай бурнини бир тортди-да каттароқ луқмага қўл чўзди.

Оқ Юлдуз худди боягидек дув қизарди. Мен ихтиёрсиз суратда уни тинимсиз кузатар, ўзим билмаган ҳолда айғоқчига айланиб қолгандим. Мараҳимдан кўз узиб, Оқ Юлдузга тикилсам ҳамки, у ҳам хаёлимдан сира нари кетмасди. Бу иккови мени бир бало қилиб қўйди, шекилли!

Асалли қатиқ солинган косани олиб, ингичка похол найча орқали секин сўра бошладим. Қошиқ билан ичгандан кўра, бунда лаззатлироқ туюлади. Вояга етиб, улғайгач, кўп элу юртларда, сафарларда бўлган чоғларимда ҳар сафар похол найлардан турфа хил



коктейлларни ичарканман, ҳамиша, бу ажойиб ширинликлар ибтидоси биздан бошланган бўлса керак, деб ўйлаганман.

— Қатиқдан кўра, асал кўпроқ экан, шекилли, ана Нисонинг лаблари ёпишиб қолибди,— деди отам.— Ҳатто, товуши ҳам чиқмайди.

— Ҳечқиси йўқ, оғай, кечқурун ёғлироқ гўшт есам овозим ҳам чиқиб қолар,— майда тишларини ярқиратиб кулди Нисо,— ишқилиб, гўшт кўпроқ бўлса, бас.

Ҳамма аллақачон ўрнидан қўзғалган, бироқ бир четда Исҳоқнинг ёлғиз ўзигина ўтирарди. Тўйми, азами, ҳашарми, Исҳоқ таклиф кутиб турмай кириб келаверади. Овулимиздаги энг биринчи «шумқадам» асли мана шу. Қиш пайтларида меҳмондорчиликлар ниҳоятда кўпайган вақтда ҳеч қандай таклиф — манзиратсиз меҳмонхонама-меҳмонхона изғийдиган сурбетроқ кимсаларни ҳам бизда шундай деб аташади. Улар шунчалик кўп изғишадики, азбаройи оёқларидаги чориқлари ҳам музлаб, тош қотиб қолади. Чунки, бир уйга кириб, чоригининг қори эрир-эримас, иккинчи хонадондаги зиёфатга етиб бориш пайига тушишди. Исҳоқни йиғинлардан қувиб солмаганларидек, тўрга ҳам чиқариб қўйишмайди. У ўз ўрни, ўз обрўсини яхши билади. Унинг жойи доимо энг пойгакда, шундоқ эшикнинг олдида. Бу қоқсуяк, қилтириқ бўйнида кичкина калласи лиқиллаб турадиган кишининг «Подшоҳ ғазнаси» деган ғалати лақаби ҳам бор. «Ғазна» дегани эса, ҳўл-қуруқни баравар тикиштирадиган, мечкай деган маънони англатади. У еб тўймайди: қорни очми, тўқми, қатъий назар, қўлига илинган овқатни уяту номусга қўшиб тушираверади. Унга бу бобда лақабни ким, қачон қўйиб тақдирлаган, билмайман. Лекин бу сўққабош, эллик йиллик умрининг охиригача бўйдоқ ўтиб кетган одам подшо ағдарилгандан кейин ҳам «подшоҳ ғазнаси» бўлиб қолаверди. У ҳамиша олабайроқ, гулдор матодан тикилган кўйлак кийиб юрарди. Бу хил мато ниҳоятда арзон бўлиб, овулимиз аёллари ундан одатда ёстиқларга жилд қилишарди. Яна сал олдинроққа ўтиб айтадиган бўлсам, Исҳоқ ўша кийим-боши билан ҳозирги замондаги энг пўрим, олифта кийинадиган эркакларнинг бири бўларди. Ҳатто, уни Бродвей олифталари сайр қиладиган

хиёбонларга ҳам бемалол чиқариб юбориш мумкин эди.

Исҳоқ косадаги овқатни ичиб бўлиб, тагини ялай бошлади.

— Хўш, Исҳоқ тўйдингми?— сўради отам.

— Йўқ, сгай, тўйганим йўқ, қорним бир оз қап-пайди, холос.— жавоб берди у қилтириқ бўйни, юз-кўзидаги тер томчиларини артаркан.

— Ҳой, Исҳоқ! Овқатдан гаров ўйнайсанми? Ютсанг,— мана шу камарим сеники, шартта ечиб бераман!— дея қичқирди сариқ мўйлов қудамиз Хисматулла. У бутун округда ном қозонган биринчи гаровчи. Бир куни қандайдир чуваш қишлоғида баҳс ўйнаб, отини ютқазиб қўйибди-да, аравани уйига судраб келибди. «От бари бир ўлиб қолиши ҳам мумкин эди-ку»,— дея хотинини овутибди. «Хайрият, тагин ҳам гаровга бой берибсан-а. Ростдан ўлиб қолса нима бўларди! Жуда ҳам яхши от эди-да»,— деганмиш бизнинг соддагина қуда холамиз хийла қувониб.

Бироқ Исҳоқ, гарчи тўқнашувда ўзи эмас, балки қорни ништирок этса-да, ҳовлиқиб кетмайди, у ҳозир гап нимадалигини тезгина илғади-да:

— Қанча овқатга ўйнаймиз?— деб сўради.

— Лиммс-лим ўн чўмичга.

— Бас бойлашишяпти! Бас бойлашишяпти!— шовгин-сурен кўтаришди одамлар.— Ҳой, четроқ туринглар! Исҳоқ ботир майдонга тушмоқчи!

Бир зумда ҳамма гаровчиларни ўраб олди.

— Қани, камарингни кўрсат-чи,— деди Исҳоқ. Хисматулла шу заҳоти белидан камарини ечди. Сариқ қудамизнинг камари, дарҳақиқат, ажойиб эди: пишиқ, қўнғир чармдан тикилган, катта мис тўқаси ялтираб турарди. Исҳоқ камарни қўлига олиб, синчиклаб кўздан кечирди, бир-икки айлантириб ҳам кўрди.

— Камаринг зўр экан. Бу учун ўн беш ҳатто, йигирма чўмичдан бас бойлашсанг бўлади-ю... бироқ ҳозир беш чўмичдан ортигига кучим келмайди-да.

— Тўққиз чўмич! Тўққизтасинга рози бўласанми?— қичқирди аллаким.

— Олти чўмич,— деди Исҳоқ ўжарлик билан.

Сариқ қуда бувам камарни унинг қўлидан юлқиб олди. Ахир, бу оддий камар эмас, бутун бошли бир давлат-ку!

— Олти чўмичга мен манави жинқарча билан ҳам бас ўйнамайман,— деди ияги билан менга ишора қилиб.

Аччигим келди. Вой, қуда бува-ей! Ҳали шунақами! Демак, бу ерда мендан кўра кучсизроқ, нимжонроқ бошқа одам топилмапти-да! Унг қўлим беихтиёр шапкални чангаллаб қолди-ю, шу заҳоти шалвираб ёнимга тушди. Шапкални ерга отиб, тупроққа ағанганча бир уввос солгим бор эди-ку, одамлардан уялдим. Ҳар қалай, тили заҳар бу сариқ машак бизнинг қудамиз бўлади!

— Оғайнилар! Исҳоққа ҳам жавр бўлмасин; қорни тўқ. Келинглар, майли, саккиз чўмични бўшатиб бера қолсин,— дея гулдиради Темирбой. Унинг товуши худди тепаликдан пастга думалаб кетаётган бўмбўш бочканинг овозига ўхшарди.

Бошқалар уни маъқуллай бошладилар:

— Саккиз чўмич кифоя! Шуниям сигдиролсин-чи!

— Исҳоқнинг қорниям тоғора эмасдир, ахир!

— Саккизтани ҳам ичолмайди! Ёрилиб кетади!

— Йўқ, Исҳоқ энди бурунги Исҳоқ эмас...

Улар Исҳоқнинг жиғига тегиш учун зўр бериб майнавозчилик қилишарди.

Исҳоқ мешдай қорнига икки марта шапатилаб қўйди.

— Таваккали худо. Ёрилиб кетсанг, ёрилгину лекин мени шарманда қилма,— деди у илтижо билан.— Қани, қатиқни опкелинглар. Саккизгача сананглар-чи, у ёғини яна кўрармиз.

Катта тоғорада қатиқ келтириб, ёнига чўмични қўйишди.

— Суз, биродар,— деди Исҳоқ Темирбойга,— сен ҳалол одамсан, қўлинг ҳам енгил бўлса керак.

— Аввал ўтирайлик. Қани, Исҳоқ, сен ҳам ўтир,— деди отам.

Турганларнинг ҳаммаси жой-жойларига чўкишди. Фақат Исҳоқ серрайиб тураверди.

— Агар рухсат берсанглар, тикка туриб ичмоқчийдим...— дея мўлтиради у, отамга қараб ўтинч оҳангида.

— Рухсат йўқ!— кескин рад этди камарнинг эгаси.— Бу таомга ҳурматсизлик бўлади.

Бу гапни у азбаройи таомга ҳурмати зўрлигидан

айтмагани ўз-ўзидан аён эди. Чунки, тик туриб ичилган пайтда қоринга кўп овқат кетиши тайин. Сариқ-машак, шундан хавотир оляпти!

— Майли, айтганинг бўла қолсин,— рози бўлди Исҳоқ.

Бари бир у ўтирмади. Бор-йўғи тоғоранинг олдига келиб, тиз чўкди. Ҳозир у энкайганиданми, учиб кетадиган турнага ўхшарди.

Темирбой биринчи чўмични тўлдириб унга узатди. У шошилмай ича бошлади. Исҳоқ имиллаб қатиқ си-мирар, қилтириқ томоғидан овқат ўтаётгани асло сезилмасди. Иккинчи чўмични ҳам у худди шундай имиллаб тугатди. Учинчи чўмични қўлига олганди, одамлар норози бўлиб, бурчак-бурчакдан луқма ташлашга тушишди:

— Бунақанги шошмай ичишида, албатта, ютади-да!

— Кечгача сўриб ўтирсанг керак-а, Исҳоқ?

— Шу ҳам гаров бўлди-ю? — хитоб қилди бир қиз бурнини жийириб. — Худди етим бузоқ латта чайнаётгандек...

— Бўш келмайсан, Исҳоқ, уйқунг келгунча оласан!

Исҳоқ бу гап-сўзларга пинагини ҳам бузмади. Бироқ тўртинчи чўмични ҳарқалай, тезроқ ичиб тугатди. Бешинчи ва олтинчисини эса, бир кўтаришда бўшатиб ташлади. Туртиб чиққан кекирдаги томоғи билан ияги ўртасида тинимсиз ликиллаб турарди. Ҳашарчиларнинг ҳаммаси ўтирган жойларида сирпана-сирпана унинг шундоқ биқинига келиб қолишди. Бир оздан сўнг улар уни зич қуршаб ҳам олишди. Еттинчи чўмичга тутинаркан, Исҳоқ чуқур тин олди. Қизариб-бўзариб, бўртиб кетган юз-кўзи, бўйниларидан жиққа тер қуйиларди. У чўмични оғзига олиб борган пайтда қатиқнинг қулқиллаган товуши баралла эшитиларди. Гулдор кўйлақ остидаги қорни яхшилаб савалаб шиширилган пар ёстиқдек дўмбайиб қолганди. «Ёстиқ» жонивор қилт этмасди? Бу ўлгур қандай қилиб нафас оляптикин? Еттинчи чўмични ичиб бўлгач, сапчиб тушди.

— Тўғри, — маъқуллади кимдир, — сал жсй бўшайди.

Аммо унча кўп жой бўшамаган экан, шекилли, Исҳоқ сўнгги чўмични машаққат билан, базўр симира

бошлади. Қатиқдан бир ҳўплаб, тўхтар, бироқ ҳўплаган қултуми сира бўғзидан нари кетмасди. Уни кузатиб турган одамлар бўйинларини чўзганча астойдил ютиниб, Исҳоққа далда беришга тушдилар. Аввал қултумлаб, кейин, томчи-томчи ялаб бўлса-да, у ниҳоят қатиқни ичиб тугатди. Бир амаллаб тугатди. Чўмичнинг тагини қатиққа беланган узун бармоқлари билан ялаб-юлқаб қўйгач, боши узра осмонга иргитиб, илиб олганида ерга бир томчи ҳам қатиқ томмади. Сарик — машак қуда бувам индамасдан унинг ёнига яқинлашди-да, катта мис тўқаси ялтираган чарм камарини шартта Исҳоқнинг бўйнига илиб қўйди. Бунақа камар, эҳтимол, бутун мамлакатда битта бўлса, ажаб эмас. Ана шунда мен Исҳоқ ғазнанинг юзларида ҳаётидаги биринчи ва сўнгги айёрона табассумни илғаб қолдим.

— Ҳой, мўйловча! — деди у. — Ҳе, яна бас ўйнаймиз!

— Шартингни айт! — қуда бувам яна қизишиб кетди.

— Бутун халқнинг олдида иштонбоғингни суғуриб олишга кўнсанг, яна икки чўмичини бўшатаман.

Қайтиб шовқин-сурон кўтарилди:

— Ҳа, де, мўйлов, ҳа, де!

— Вой, маладес, Исҳоқ, зўрсан-ку!

— Бўш келма, саккиз коса сиққанда иккитаси сиғмайдими?

— Бир уриниб кўр-чи!

— Ҳой, беҳаёлар! — бобиллаб берди бир хотин. — Сизларга зап эрмак топилди-да! Ҳашарниям расво қилмоқчимисизлар?

— Бўпти, розиман! Қани суз, Темирбой! — қичқирди қизишиб кетган сарикмашак. — Ким уялса, тескари қараб тура қолсин.

Бироқ ғолиб баҳодир тўсатдан қорнини чангаллаб, букчайганча ғарамлар орқасига қараб югуриб қолди. Сўнгра шу кун иш пайтида ҳам, кечқурун зиёфатда ҳам қорасини кўрсатмади.

Аммо ўша кундан бошлаб то дунёдан кўз юмгунича Исҳоқ ютиб олган камарини белидан асло қўймади. Қабрга ҳам камарини ечмасдан дафн этишди: айтишларича, бу унинг ўлим олдидаги васияти экан. Балки,

ҳаётдаги унинг энг катта ютуғи, энг улкан ғалабасининг маҳсули шу камар бўлгандир. Ким билсин...

Лекин баҳсининг асосий қисми, асосий гаров ҳали олдинда экан. Тушликдан кейин, ҳамма биргаликда ишга тушди. Кечга яқин ҳориб-чарчаган ҳашарчилар жавдари ўриб, гарамланган кенг ялангликка тўпландилар. Уртадаги ҳали ўрилмаган нимчорак таноб ернинг тўрт тарафидан ўроғу паншахаларни кўтарганча «қуён қочди» қилиб ғайрат билан ишга киришдилар. Оқ пешбанд таққан қизлар, рўмолини нягига маҳкам тангиб олган аёллар, кўкси очиқ кўйлак кийган новдек хушқад ўспиринлар, елкалари тердан тўр тортиб оқариб қолган эркаклар ўроқларини кифтларига қўйганча бир муддат тек қотишди. Уларнинг олдида поёнсиз сап-сариқ дала — сокин кўлдек ястаниб, мудраб ётарди. Гўё одамлар ҳозир қирғоқдан қулоч ёзиб кўлга шўнғийдигандек туюларди.

Тўсатдан Нисо билан Ҳамзанинги ёнида турган Оқ Юлдуз олдинга чиқди. Чиқди-ю, дарҳол бизга қараб ўгирилди. Дастлаб ҳаворанг сатин кўйлагининг этакларини текислади, енгларини тирсагигача шимардида, учлари укпардек тўзғиган икки ўрим сочларини оҳиста тартибга солди. Шундан кейингина худди қилични қинидан суғургандек кескин бир ҳаракат билан чап елкасидаги қизил сопли ўроқни шартта олиб, боши узра баланд кўтарди. Кўзларида эса, шу вақтгача мисли кўрилмаган, аллақандай ғалати бир ўт учқунланар, ҳамиша табассумга мойил чиройли, юпқа лаблари сирли қатъият билан маҳкам қимтилган эди.

Ҳамма жимгина кутарди. Оқ Юлдуз ҳам оёқларини хиёл керганча сўзсиз-садосиз турарди. Назаримда, орадан жуда кўп вақт ўтиб кетгандек эди. Ҳатто, буларнинг барчаси менга тўсатдан айнан тушда бўлаётгандек, шунчаки кўзимга кўринаётган рўёдек бўлиб ҳам туюлди. Йўқ, бу рўё эмас, рўёб эди. Бу гўзал келинчак кейинчалик бир умр тушларимда ҳам худди шундай тароватли осуда ва жозибадор бир қиёфада қайта жонланар, тасаввуримда абадиян шу ҳолатда муҳрланиб қолганди: уни гоҳ баланд қоя чўққисиди, гоҳ ваҳимали шаршаранинги шундоққина лабида, гоҳ эса, кўкка сапчиган қизғиш аланга оғушида кўрардим. Назаримда, агар мен уйғониб кетмасам, у боши узра силкитиб турган ўроқни кўтарганча ўзини қоядан

ташлайдигандек, ўт ичига беписанд кириб бораётгандек, тубсиз шаршарага отиладигандек туюлаверарди. Уйғониб кетгач, анча вақт ҳушимни йиғолмай ўтирар, унинг оҳишта чайқалиб турган қизил сопли ўроғини қоронғиликда аниқ-тиниқ кўрар эдим. Ана шунда юрагим интиҳосиз шодликка тўлиб кетарди.

Балки, менинг тушларим у қадар бемаъни эмасдир, балки, Оқ Юлдузнинг бутун умри менинг тушларим янлиғ кечгандир. Халойиқ ҳайратланиб, тош қотганди: эсли-ҳушли одобли бу келинчакка нима бўлди ўзи? Барчанинг нигоҳи Оқ Юлдузга қадалган. Фақатгина Ҳамза бу ғаройиб мўъжизага кўзларини эмас, оғзини катта очганча ағрайиб турарди.

— Бизнинг элимизда эркаклар овқат ейишдан эмас, ишдан беллашадилар,— деди Оқ Юлдуз. Унинг овози тагин боягидек қўнғироқ сингари тиниқ янгради. Бу товушда на зарда, на истиғно оҳанги сезилар эди.— Қани, ким ботир? Мен билан беллашадиган мард эркак борми? Қани, ким чиқади?

Ҳамма жим, ҳамма довдираган. Оқ Юлдуз саволинни такрорларкан, истехзоли кулимсиради:

— Бу овулда бирорга эркак борми ўзи?

Кўзлари беихтиёр Мараҳимни ахтараётганини ўзи ҳам сезмай қолди. Мараҳим кенг, бепоён анғизда давра қурган оломоннинг энг олдида турарди.

Тўсатдан: «Ҳой, нега имиллайсан?! У сенга айтипти-ку, ахир?!— деб қичқириб юбораёздим.

— Қани, Ҳамза,— деди сарик қуда бувам,— иш шунақасига айланган экан, чиқ, хотиннинг билан беллашиб, бир йигитлигини исботлаб қўй-чи!

— Ҳа, Ҳамза, бўла қол!— маъқуллай кетишди бошқалар ҳам.

— Мўйлов тўғри айтади, қани, Ҳамза бир мусобақалашиб кўрсин-чи!

— Кўрамыз, кимнинг бозори чаққон экан!

— Бошқа гал кўрарсан,— минғиллади Ҳамза,— мен хотинимни беллашмасданоқ аллақачон енгганман. Баҳс бойлашишга ҳожат йўқ.

— Биродарлар, бутун овулимизнинг шаънига уятку!— ўртаниб кетди қизиққон қудамиз.— Ўзим чиқардим-у, ўроғим ўтмас-да! Унинг устига қўлим ҳам... Тил билан ўриб бўлмаса. Наҳотки, мендан бошқа корчалоғ қуриб кетган экан?

Мараҳим шошилмай, бир-бир босиб анғизпоядан ўтди-да, Оқ Юлдузнинг қаршисига келиб тўхтади. Унинг олдида бошқа эркакларнинг бўй-басти ҳам, қадди қомати ҳам ниҳоятда кичкина бўлиб кўринарди. Шу сабабли ўзига бино қўйган кимсалар Мараҳимнинг атрофида ўралашмасликка уринишарди. Самбит-тўл новдасидек нозикниҳол Оқ Юлдуз унинг баҳодирона, алп келбати қошида мўъжаз тортиб кетгани йўқ, аксинча, ҳатто, улғайиб қолгандек улуғвор қиёфа касб этди. Мана, мўъжиза!

— Мен чиқаман! — деди Мараҳим. — Уч қадам ўлча, Муртазо!

Фақат шундагина у Оқ Юлдузга назар солди. Келинчакнинг ёноқларига олов югурди-да, зум ўтмай сўнди.

— Ютган бўса олади, ютқазган номусидан айрилади, — дея қўшиқ сўзларини хиргойи қилди камарини бой берган қудамиз.

— Эркакнинг номуси камар эмаски, бирини ечиб ташлаб, бошқасини тақиб олаверсанг... — деб луқма ташлади аллаким.

— Ботирнинг жони аёлнинг қўлида дейишадик, — деди тўсатдан Мараҳим. — Бўлгани бўлар! Оқ Юлдуздан шармандаликка учрасам ҳам буни ўзимга мукофот деб, биламан.

— Жуда улкан мукофотни кўзлаётган экансанда, Мараҳим, — деди Оқ Юлдуз ва унинг чиройли лабларида билинар-билимас табассум жилваси ўйнади.

— Пешонадагини кўрамиз, — у ҳам кулимсираган бўлди, бироқ тиниқ, мовий кўзлари ғамгин, хаёлчан эди. Елкасидан ўроғини оларкан, нигоҳидан ўт чақнаб кетди. — Келишдик, Оқ Юлдуз! Сенки, ёнар экансан, мен ҳам тутамасман...

Қандай чиройли сўз айтди! Бунинг маъносини мен яхши англадим. Бошқалар эса, назаримда, бу гап-сўзлар замиридаги тағдор маънони тушуниб етишмадида, бир-бирларига гал бермай, қий-чув кўтарганча гаров шартларини муҳокама қила бошлашди.

— Ўзинглар, боғлайсизларми? — сўради Нисо спай.

— Узимиз, ўзимиз!

— Майли, ўриб-боғлаб кетишаверсин!



— Йўқ! Йўқ! Аввал ҳаммасини ўриб чиқишсин, кейин бир четдан боғлашади!

— Эй, жамсат! Ўзларига қандоқ қулай бўлса шундоқ қилишаверсин-да?

— Нега энди? Сира ҳам! Бари бир, энг охирги боғига қараб ҳисоблаймиз.

Бу орада Энг Катта акам Муртазо ўрилмай қолган ердаги нимчорак таноб жавдарни эни-бўйига икки марта қадамлаб ўлчади, сўнгра уч жойда жавдар бошларини бир-бирига тугиб белги қилди-да, бўлтак ерни ўртасидан иккига ажратди. Кейин жавдарзорнинг нариги тарафига ўтиб, у ёқда ҳам худди шундай белги қўйди. Бошқа эркаклар эса, ана шу тугилган жавдар бошларидан бир-бирига қараб арқон тортишди, натижада ўрилмаган ер қоқ ўртасидан тенг иккига бўлинди.

Ҳозир бошланади. Мен Оқ Юлдуздан ташвишланмасдим. Чунки, у овулимиздаги аёллар ичида энг чандласт эпчил ўроқчи. Мараҳимдан бир оз хавотирланардим. Тўғри, у ҳам ғайратли, меҳнаткаш, қўли гул йиғит. Бирор ишга қўл урдими, тамом, жон киритиб юборади. Сават тўқигудек бўлса, қизлар пайпоқ тўқигандек пишиқ-пухта, мустаҳкам қилиб тўқийди. У дид ва ҳафсала билан ясаган, ўзи эринмай бўяб чиққан дераза ромлари ярқираб кўзни олади. Ҳатто, ўрмондан ўтин олиб келаётган бўлса ҳам аравага ўтинларни палапартиш қилиб уйиб ташламайди, аксинча, иштиёқ билан ишқибозликка шундай чиройли, батартиб тахлайдики, кўрган кишининг, сўзсиз, ҳаваси келади. Гармонни қандоқ эшиб чалишини-ку, айтмасам ҳам бўлади; бундан бутун округ хабардор. Лекин ўроқ ўришга қалай экан? Оқ Юлдуз ютқазса, ҳеч гап эмас. Чунки, у ҳар қалай аёл киши-да. Бироқ Мараҳим гаровни бой бергудек бўлса — бу буткул овулнинг шармандаси чиқди, деган гап. Хайр, майли, ишқилиб охири бахайр бўлармикан? Ичимда жинлар рақс этишар, тинчимни ўғирлашарди; Оқ Юлдузга улар ғалаба тилашарди. Дарҳақиқат, нима учун энди ҳаминша аёл ютказавериши керак экан?

— Қани, бошланглар! Ютқазган одам ўзидан кўрсин,— дея фотиҳа берди отам. Оқ Юлдуз ва Мараҳим ўртадаги арқоннинг икки томонига ўтиб, ёнма-ён туришди. Жазирама қуёш нурига чўмган бепоён сап-са-

риқ далада иккаласи бир-бирини шармисор этармикан ёки бир-бирини қўллармикан? Уларнинг икковига ҳам раҳмим келар, зеро, уларнинг иккаласи ҳам мен учун бирдек азиз, қадрдон кишилар эди. Мен уларнинг муқаддас аҳд-паймонидан воқиф эдим ва бу сиру асрорни кўз қорачигидек сақлашга интилардим. Бу махфий сирдан бирор кимса хабар топишини мутлақо хоҳламас, у фақат танҳо ўзимники бўлиб қолишини жону дилимдан истардим. Катта ойим учун ҳам бу махфий сир... Лекин нега улар ёнма-ён туриб олишди? Ахир, ҳар бир ўроқчи ўз бурчагига бориб туриши лозим-ку? Ахир, ўнгдан сўлга қараб ўроқ тортилади-ку? Мараҳим афанди экан-ку, уйқусираб турганми, ўнг билан сўлнинг фарқига бормаса... Ҳаммага кулги бўлади-ку! Унга бақириб, хатосини айтгим, огоҳлантиргим келади, бироқ журъат ётолмайман.

— Бошлаш сендан, Оқ Юлдуз,— деди Мараҳим. Оқ Юлдузнинг қўлидаги ўроқ ҳавода бир ярқиради-да, шув этиб тушди... У илдам, енгил ҳаракатлар билан «шир-шир» ўра бошлади. Унинг эпчил қўлларида ўйнаётган ўроқнинг ярқираган шуъласи кўзни қамаштирар, жавдар бошлари эса, бир нафас оҳиста чайқалиб, сўнгра сўл тарафга тушар эди. У қўли қўлига тегмай ишлар, ўрилган жавдар боғлашга келганда чаққон боғлар, орқадаги ғарам ёнига иргитарди-да, яна ўришга тутинарди. Бу қароқчи-ўроқ тагин ҳавода тўлганар, унинг ҳаракатига мос тарзда сап-сарик жавдар бошлари чайқала-чайқала, бирин-кетин қулар эди. Оқ Юлдуз ўзига ажратилган ернинг у бошидан бу бошигача кўз очиб юмгунча бориб келарди. Юзи кўринмас, фақат елкаси билан битта сочларининг учидаги кумуш тангачалар кўзга чалиниб қоларди. Бошини ишдан кўтармас, гўё ўроқ ўрмаётгандек, жавдар бошоқларининг ўзи пойига йиқилиб, кафтига боғ-боғ бўлиб чиқаётгандек туюларди. Бора-бора, ниҳоят, бу мўъжазгина эгри ўроқни буткул илғаб бўлмай қолди... Ҳеч ким бу ғаройиб муссбақадан кўз узолмас, энди у жавдар ўришга эмас, балки ҳақиқий пойгага айланиб кетганди. Бироқ ҳар қалай унга бутунлай маҳлиё бўлмаслик лозим эди, чунки ёнидаги шеригини ҳам эътибордан қочирмаслик керак эди. Мараҳимнинг чапақайлигини мен шундагина сездим. Нақ киличдек келадиган катта, ўткир ўроғи ҳар сафар

шувиллаб тушганида, салкам бир боғ жавдарни қир-қиб кетарди. Унинг куракдек улкан кафтлари даст урган пайтда ҳар қандай одамнинг ҳам ҳавасини қўзғатарди. Алпомишнинг ўзи-я, ёпирай! Ўртадаги арқон олдида улар деярли тўқнашмас, борди-ю, дуч келиб қолишса ҳам лазҳа ўтмай ҳар ким ўз тарафига ўтиб кетарди. Иккови ҳам бошини кўтармас, бир-бирига назар ташламас эди. Мана, Мараҳимнинг оқ кўйлаги тердан ўнгиб, баданига чиппа ёпишиб қолди. Дастлаб, бир нарча жойда пайдо бўлган нам бирпасда белигача ёйилди. Оқ Юлдузнинг елкасида эса ҳали-ҳануз тердан асар ҳам кўрнимасди. Майли, шундай бўлгани минг карра яхши. Шундай гўзал аёлнинг қора терга ботиши, ҳарқалай кўрган кўзга хунук эди. Чунки, менинг ҳатто пойгада ҳам кўпириб кетган отларга чин дилдан раҳим келарди.

Жавдарзорнинг ўртасигача улар басма-бас, тенгма-тенг ўриб боришди, сўнгра Оқ Юлдуз Мараҳимни қувиб ўта бошлади. Аввал бир қадам олдинга ўтиб олди, кейин эса икки, уч...

Шунгача нафасини ютиб, тош қотиб турган одамлар энди чиқолмай, кимдир суюниб, кимдир ташвишланиб, шовқин-сурон кўтаришга тушдилар. Баъзилар «Ана, келинмисан, келин экан-да! Ўзи ҳам келинжон экан!» «Ҳамза индамаснинг зап омади бор экан-да!», «Кўриб қўй, бўрсиқ!» — дея Ҳамзага писанда қилганча Оқ Юлдузга далда беришса, айримлар: «Ҳой, нағмачи, пардаларни тезроқ бос! Агар ютқизсанг, ўлганинг», деб пўписа қилишар, яна бошқалари эса: «Кўп шошманглар, йигитлар! Яхши от кейин чопади!», — «Эҳтиёт бўл, тагин яхши от думини ҳам тутқизмай қетмасин!» — дея қичқириб майнавозчиликка уринишарди. Аллаким уят сўз айтиб бақирди, кимдир қотиб-қотиб хахолади. Нисо опай тоқат қилолмади-да, қўлларини белига тираганча бу «оғзи ботир», «шер-юрак»лар устига сохта ваҳшат билан бостириб келди.

— Ҳой, юзинг қургур, безбет, шармсизлар! Ҳой, имонсиз кетгурлар! Мунча чувиллашасизлар?! Бундоқ гаройиб томошани қуръон эшитгандек нафас чиқармай кўриш керак, бетавфиқлар! Оғзингизни юминг, қари қирчанғилар! Кўзларингизни сал каттароқ очиб қаранглар, ғафлат босганлар! — Унинг овози бирдан юмшаб юзлари аллақандай бир шуъладан ёришиб

кетди, — бу, ахир, қутлуғ бир байрам-ку, худо ҳаққи! Туф, туф, туф, тагин кўзим тегмасин! Кўрмаяписизларми, бунда Куч билан Гўзаллик беллашяпти-ку. Бундай байрамни умрингда бир мартагина, шунда ҳам насиб этса кўришинг мумкин... Ҳайратга тушишни ҳам билиш керак-да, одамлар! Сиз эса, беномуслар, худди кучук уриштираётгандек шангиллайсизлар!..

Нисо опайнинг бу сўзларидан сўнг, жимлик чўкди. Гўё кечаётган воқеа мунаввар ёғду билан ёришиб бутунлай ўзгача маъно касб этгандек бўлди. «Бу ерда Куч билан Гўзаллик беллашябди...» Қайси бири ғолиб чиқаркин? Халойиқ худди қуръон тинглаётгандек, сўзсиз-садосиз жимгина қотди. Оқ Юлдуз эса, бу вақтда сеҳркор қўллари билан лаҳзама-лаҳза жавдар бошларини ўзига бўйсундириб, маррага яқинлашиб борарди. У ишга шунчалик берилиб кетган эдики, атрофдагиларнинг гап-сўзларини на эшитар, на сезар, чексиз-чегарасиз далада ёлғиз ўзи-ю, олтин бошоқлари мавж уриб чайқалаётган кенг жавдарзоргина қолгандек, борлиғи завқу шижоатга тўлганди.

Мараҳим ҳам бургутдек қулоч ёзганча жон-жаҳди билан ишлар, қучоқ-қучоқ ўрилган жавдарларни орқага суриб, яна шитоб-ла ўришга тутинарди. Оқ Юлдуз қўлидаги охирги жавдарни боши узра балад кўтарганча, гул-гул ёниб орқасига ўгирилганда Мараҳимнинг ҳам ўрилмаган уч-тўрт қулоч ери қолганди.

Бироқ баҳс шу билан тугамади. Ким биринчи бўлиб сўнгги боғни боғлаб бўлса, шу ғолиб чиқади, гаровнинг тартиби шундай. Оқ Юлдуз энди боғлашга киришди. У борлиқни ерга ёзиши билан кўз очиб юмгунча боғ тайёр бўларди. Боғ эмас, қўғирчоқ дейсиз гўё! Пишиқ-пукта, шундай бежиримки...

Аммо Мараҳим ҳам бу ишнинг хўп ҳавосини олган экан. Гарчи у боғлашга бир оз кеч киришган бўлса-да, сал ўтмай Оқ Юлдузга етиб олди. Тўғри, унинг бэғлари бир мунча беўхшов, қўполроқ чиқарди, лекин ана шу катта-катта боғларга кўпроқ жавдар жой бўларди. Бу эса, унинг ишини ўз-ўзидан тезлатарди. Лекин Мараҳим бундан ҳовлиқиб кетгани йўқ, аксинча, оғир-вазмин, салмоқланганча ишини давом эттирди. Маррагача улар деярли барабар боришди. Энг сўнггида Мараҳим ҳам икки-уч боғ ҳисобига олдинга ўтди; бироқ Оқ Юлдуз лаҳза ўтмай унга етиб олди.

Эллик-олтмиш жуфт кўз ўнгида уларнинг бирортаси ҳам найрангбозлик қилгани, бир-бирига назар-нигоҳини мутлақо солгани йўқ. (Орадан кўп йиллар ўтгач, мен яна шу хусусда ўйлаб ўтириб, бундай хулосага келдим: эҳтимол, ўшанда Оқ Юлдуз мусобақани жўрттага чиқаргандир... Борди-ю, ютқазиб қўйса, ўзининг шарманда бўлишини, агар Мараҳим гаровни бой берса, унинг уятга қолишини яхши англаб етган ҳолда бунга журъат этганига сабаб, балки айнан шу йўл билан Мараҳимни ранжитиш ва ўзидан кўнглини қолдиришни хаёл қилгандир? Эҳтимол... Балки, мен буткул янглишаётгандирман... Аёл қалби тубсиз уммон, унинг қаърида нималар тош бўлиб чўкиб ётганини ким ҳам биларди?!) Мана, ниҳоят, Оқ Юлдуз сўнги боғни боғлаб бўлди-да, шўх-хандон кулганча уни Мараҳимга қараб отди. Боғ унинг елкасига тегди. Узининг сўнги боғини шоша-пиша боғлаётган Мараҳим, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. У тезда ишни тугатди, боғни кўтариб келиб, Оқ Юлдузнинг пойига ташлади-да, бошини эгган кўйи жим қолди... Оқ Юлдузнинг чиройли юпқа лабларида ҳамон ўша ғалати табассум жилваланади. Дастлаб, у шошилмай сочларини орқасига йиғиштирди, этагининг гижимини текислаб, қаддини ростлади. Шундан кейингина Мараҳимнинг мовий кўзларига тик қараб, оҳиста деди:

— Қойилман, ҳақиқий йигит экансан, Мараҳим...— Чуқур хўрсинган овоз сукунатни бузди. Ҳамма бирданига енгил нафас олиб, гўё ғалабани маъқуллагандек, бирваракайига хўрсиниб юборган эди.

— Йўқ, худо урсин, булар одам боласи эмас! Буларнинг ичида шайтон борга ўхшайди!— деди ҳайратга тушиб сариқ мўйловли қудамиз.

— Аслида, иккови бир-бирига хўп муносиб экан,— ҳавас билан сездирмайгина шивирлади ёш бир келинчак.

Отам даврани ёриб олдинга чиқди. Мараҳим билан Оқ Юлдузнинг ёнига борди. Бутун қиёфасидан қандайдир ниҳоятда муҳим бир гапни айтмоқчидек туюларди. У ҳамиша энг ҳикматли сўзларини соқолни тутамлаганча сўйлар эди.

— Икковингиз ҳам ғолиб чиқдингиз,— гап бошлади худди шу тарзда.— Жуда ҳам ҳалол ғалаба бу. Катта ютуққа яраша мукофот ҳам юксак бўлиши ло-

зим, бироқ менда бундай хазина йўқ-да. Сизлар ҳали ёш, ишчан, чиройлисизлар. Ҳар бирингиз — ўзингизга муносиб мукофотсиз. Балли, икковингизга, ҳашаримда хўп иш бердинглар. Бу байрамни ўлгунча эслаб юрамиз. Раҳмат сенга, келин! Сен ҳам барака топ, Мараҳим!

Мен ағрайганча отамнинг ажойиб сўзларини берилиб тинглар, улар менга шу дамда сеҳрли дуодек туюларди. Бўлди, бас! Бу одат менда қаёқдан пайдо бўлди ўзи: одамлар кўрмаган ҳолатларни кўраман, эшитмаган оҳангларни эшитаман. Нима бало, аста-секин додир фолбин бўлиб қоляпманми?

Шундан сўнг барча ҳашарчилар тагин анғиз бўйлаб тарқалишди. Кўз очиб юмгунча жавдар ўриб тугатилган эди. Тамом, вассалом! Шу билан жавдар ўримимиз ниҳоясига етди. «Кичкинагина букур, дала ни ямлаб югур» деган гапни эшитган бўлсангиз, бу кунги иш шунга мос келар эди.

Оқшомги зиёфат чоғида одамлар ҳовлидаги ўтўлан устига тўшалган палосларда тўп-тўп бўлиб ўтиришаркан, Мараҳим билан Оқ Юлдуз бир дастурхон тепасида юзма-юз ўтириб қолишди. Мен айвончанинг тоmidан ҳаммасини кузатиб ўтирибман. Мараҳим на таомга, на ҳейга қарар, тинмай гармон чалгани-чалган эди. Эшиб чаларди азамат! У гўё илгарилари, ҳеч қачон бундай чалмагандек эди. Қалбимни дам ёруғ, мунаввар ҳислар тўлдирад, дам қора қайғунинг тиғипаррони учиб келиб санчиларди. Мурғак юрагим гоҳ қувончдан титрар, кўксимни ёриб чиққудек безовта талпинар, гоҳ бўғзимизга тиқилар эди. Аламли, маҳзун наволар бостириб келар, мени бўға бошларди... Мана, тамом, тамом, ҳалок бўлдим!.. Ойдек ойдин, жонбаста оҳанглар қалқиб чиқади-ю, мени, ҳарқалай, ҳалокат чоҳидан суғуриб олади...

Тўнқарилган ёғоч коса устидаги чироқ хира мнлтиллаб ёнар, чолғучининг қайғу кўланкаси ўйнаган гамгин чехраси элас-элас кўзга чалинарди. Оқ Юлдуз эса, менга буткул терс ўтирибди. Бироқ уларнинг гоҳ умидвор, гоҳ гамгин чақнаган нигоҳлари тез-тез тўқнашаётганини яққол сезиб ўтирибман. (Вой, афанди-ей, дейдиган одам йўқ; кўзим кўрмаяпти-ю, ўзим барини кўряпман.) Назаримда, Оқ Юлдуз энди гармоннинг фарёдига ортиқ бардош беролмайдигандек, ҳали

замон лоп этиб, алангага айланиб кетадигандек туюларди.

Баъзилар куйга жўр бўлишга уринишар, бироқ дилрабо оҳангни беҳудага бузишарди, холос. Уларнинг товуши гўё булбулга тақлид қилиб эргашаётган хўрознинг бемаъни қичқириғига ўхшарди.

Туйқусдан Мараҳим шу вақтгача бизнинг ўлкаларда ҳеч кимса эшитмаган нотаниш бир куйни бошлади. Гармон чўзиб нола тортди, куй охирлагач, чолгучи уни яна қайтадан бошлаб юборди. Бирданига ҳаммани ҳайратда қолдирганча Оқ Юлдуз тиниқ, майин бир товушда куйлай бошлади. Бир йилга ортиқ муддат мобайнида унинг қўшиқ айтганини биринчи марта кўриб турган одамлар ҳангу манг бўлиб қолмишган эди. Халқимиз эса, куй-қўшиқни жонидан ҳам ортиқ суяди; гапга эви йўқ киши ҳам ашула айтишни ўрнига қўя олади. Овози борми-йўқми, буни биров суриштириб ҳам ўтирмайди.

Қандоқ дилбар, қандоқ тиниқ куйлар эди Оқ Юлдуз! Ҳатто, жиндек ичиб олиб, ҳеч кимга гап бермаётган эркаклар ҳам сўзсиз-садосиз тинглашарди. Оқ Юлдузнинг баланд, ўктам овози юрагининг қаъридан отилиб чиқар, исмсиз, номаълум қушчаларнинг ёқимли хониши янглиғ туннинг бахмал чодирини ёриб ўтганча оҳиста қанот қоқиб борар, йироқ-йироқларни ўз сеҳру таровати билан мунаввар этган кўйи аста тарқалар эди. Эҳтимол, мунис диёрини — Юқори Дема соҳилларини қўмсаган қўшиқ шитоб билан ўша юрт томонларга учиб кетаётгандир?.. Майли, юксак-юксак парвоз этаверсин, йўли ойдин бўлсин!..

Наздимда, бу жонбахш қўшиқни бўға оладиган, уни тўхтатиб қўя оладиган бирорта куч ёруғ оламда йўқдек туюларди. Қўшиқ юксак самода ҳаволаниб, чарх урганча тагин изига қайтганини аниқ-тиниқ кўриб, қалбим чексиз шодмонликка тўлди.

Кийим ювар экан қўли гул аёл,

Суйганин гўёки эркалар алҳол.

Қалби тушганидан ишқнинг домига,

Хуркак нигоҳ ташлар қўшни томига...

Худди шундай қўшиқ куйларди гўзал келинчак.

Сўнгра, бошини қуйи солганча, узоқ, жуда узоқ қимир этмай ўтирди. Бу Оқ Юлдузнинг кўз ўнгимизда

кечган умридаги биринчи ва охирги марта куйлаши эди. Кейин ҳеч бир кимса унинг ашула айтганини, лоқал хиргойи қилганини ҳам сира-сира эшитмади. Энди у ўзининг қайғу ва қувончларини қўшиқсиз қарши оларди.

Зиёфатнинг энди файзи қолмади. Бошқа айтилган қўшиқлар ҳам, янграган куйлар ҳам қовушавермагач, одамлар аста-секин тарқала бошлашди. Қўпроқ ичганлар яна бир оз эзилишиб ўтиришди, ўзларича минг хил қилиқлар қилишди-да, ниҳоят, улар ҳам уйларига қараб жўнашди. Шу тариқа ўйин-кулги, шодиёна чала қолаверди.

Эртаси тонгда Мараҳим овулдан бош олиб кетганини эшитдик. Қўйнига бир бурда нон, қўлтиғига гармонини қистирибди-да, йўлга отланаркан, хотинига қараб: «Яқин орада қайтмасам керак, мардикорликка кетяпман», дебди. Мараҳим кўпинча қиш ва куз пайтларида пул топиб келиш учун у ёқ-бу ёққа бориб тургани сабабли, хотини у қадар ажабланмабди. Фақатгина: «Майли, эсон-омон бориб келгин, қолган жавдарни ўзим бир амалларман; лекин жуда йўқолиб кетма, қийналиб ўлмайн...», дебди. Бу гап-сўзларнинг ҳаммасини Қора Юмагулнинг хотини ипидан игнаси-гача эшитиб олган экан. Сўнгра, эмишки, Мараҳим кўчага дарвозадан чиқмай, балки, томорқа орқали ўтиб, далага йўл олганмиш. Ғаллам чолнинг дарвозаси ёнида хийла вақт тараддудланиб турганмиш. Роса туриб-туриб, ниҳоят, орқасига ўгирилганмиш-да, яйлов тарафга қараб югуриб кетганмиш. Овулга бирор марта қайрилиб ҳам қарамаганмиш. Лекин буларнинг барчасини ким кўриб, кузатиб турганлиги бизга буткул қоронғи.

Орадан ҳафта ўтди, ой ўтди. Овулда қарға билан ҳақкадан бўлак қуш қолмади ҳисоб. Бошқа қушларнинг ҳаммаси иссиқ ўлкаларга учиб кетишди. Осмонда мезонлар арғамчи солди.

Мараҳимдан на хат бор, на хабар. Фақатгина қишга яқин ундан қуш тилидек, бир энликкина хат келди. Хатида соғ-саломатлигини маълум қилиб, ойкуни яқинлашган хотинига шундай деб ёзган экан: «Ўғил туғилса — номини ўзинг топиб қўй, қиз туғилса — Оқ Юлдуз деб ата». Хотин эрининг сўзини икки қилмади. Бўрон қутирган қоронғи январь тунларининг



бирида қизча туғилди. Унга отасининг тилагига кўра, Оқ Юлдуз, деб ном бердилар. Билишимча, бу — овулимиздаги она қорнидан ўз исми билан туғилган иккинчи бола эди. Биринчиси, агар ёдингизда бўлса, Қора Юмагулнинг эгизак фарзандларининг тўнғичи бўлиб, худди шу тарзда дунёга келганди. Кичкина Оқ Юлдузга ҳам Катта ойим доялик қилган бўлса керак. Бироқ энди бундан мен беҳабарман. Катта Оқ Юлдузнинг юриш-туриши, сув бўйига тушиб бориши, мол суғоришини деярли ҳар куни кўриб турардик. Баъзан у келинимиз Биканинг олдига ул-бул сўраб, бизникига киришга ҳам фурсат топа оларди. Келинчак аввалгидек хушмуомала ва хотиржам эди. Бироқ юпқа лабларидаги юракка титроқ солувчи хушнуд табассуми энди сўнганди.

Ўзининг энг содиқ, сирдош дугонаси (бу сир менгаки маълум бўптими, демак, дугонаси у қадар содиқ, сирдошликка арзимайдиган экан) бўлмиш бир аёлга Оқ Юлдуз кунларнинг бирида ҳасрат қилган эмиш: «Бояқиш, бу ердан кетаётганида эҳтимол, барчамизни азоблардан халос этаман, деб ўйлагандир... Афсус, минг афсуски, у ўйлагандек бўлиб чиқмади. Қайғуалам мени илгаридан ҳам баттар ёндирмоқда. Юракбағрим қора қонга тўлди. Кўксимда худди лағча чўғ олиб юрганга ўхшайман... Яна қанчагача чидарканман, — билмайман... Аммо чидашим шарт. Ичимдан куйиб, сиртимдан кулиб юришга мажбурман», — деганмиш. Балки, бундай демагандир ҳам. Одамлар тўқиб чиқаришгандир. Бироқ уни калака қилиш учун эмас, аксинча... Айтишларича, Оқ Юлдуз яна бундай деган эмиш: «Баъзида уни қўрқоқликда айблаб, қаргаб қоламану, шу заҳоти даҳшатга тушиб, тавба-газарру қила бошлайман. Тилаган кулфатларим шўрлик бошига ёғилмасин, дея йиғлаганча худодан илтижо этаман. Э, тангрим, уни ўз паноҳингда асра, раҳминг келсин...»

Ғамдийда, аламдийда Оқ Юлдузнинг дилида ана шундай сирлар пинҳон яшар эди. Махфий гапнинг эса, учқур қаноти бир парвозга чоғланса, тамом, бир зумда еру кўкка овозаси бориб етади. Қанотдан узилган бир пат бизнинг олдимизга келиб тушган бўлса, ажаб эмас. Аммо Оқ Юлдузнинг пок шаънига исмуносиб на бирор оғиз бўҳтонни, на бадҳазм, тағдор пи-

чингларни ҳеч кимса эшитмаганди. Уни барча ҳатто Мараҳимдан ҳам кўпроқ яхши кўришар, қадрлашар ва унга астойдил ачинишар эди.

Бир куни Оқ Юлдуз бизникига кириб келди. Келинимиз Бика иккаласи парда ортига ўтиб олганча нима ҳақдадир узоқ гаплашиб ўтиришди. Бу сафар у менга одатдагидан кўра ғамгинроқ бўлиб кўринди. Сўнгра Бика уни кузатиб қўйгани кетди. Хонада Катта ойим икковимиз қолдик. Эшик ёпилиши билан Катта ойим оҳ тортди-да, чуқур хўрсинди.

— Нима қилди, Катта ойи? — сўрадим хавотирланиб.

У хийла вақт ойнага тикилганча, олис бўшлиқларга жимгина термилиб турди, кейин мен томонга ўгирилди-да, кўзларимга тик қараб, оҳиста сўз бошлади:

— Сен энди ўн уч ёшга тўлдинг. Расмана йигит бўлиб қолдинг, хат-савод танидинг. Нима демоқчилигимни, балки, тушунарсан. Қулоқ сол... Одам боласи ҳамиша онасидан яримжон бўлиб туғилади. Дунёда кўз очган оёқ-қўли бутун, кўзи-боши жойида, соппасоғ чақалоққа доялик қиларканман, кўпинча юрагим зирқирайди. «Эй, бечора, — деб ўйлайман ўзимча, — бу оламда жонингдан қолган ярми тенгу тўшинг, бахтингни топишга ярармикан? Кошкнйди, адашмай топа қолсанг...» Агар бу толеи қаро одамлар бахтини топмас экан, осмондаги адашган, саргардон юлдузлардек мангу жавдираб боқишади. Уларнинг бахтини топиб бериш эса, баъзан яратган тангрининг қўлидан ҳам келмай қолади. Бу нарса унинг ҳукмида бўлса эди, дунёда шунча сўққабош одам сарсон-саргардон кезмаган бўларди. Мана, Оқ Юлдуз билан Мараҳим. Худойи таоло уларни ўз вақтида бир-бирига қовуштиради. Энди иккаласи ҳам бир-бирига етишолмай, изтироблар, ҳижронлар, айрилиқларга гарқ бўлиб юришибди.

Гарчи «расмана йигит бўлиб қолган» бўлсам-да, Катта ойим гапларининг маъзини тугал тушуниб етмадим. Бу сўзлар юрагимга ниҳоятда қаттиқ таъсир қилди, бироқ уларни сира ақлимга сиғдирилмасдим. Фақат орадан қанча йиллар ўтгач, муҳаббатдек тирклик неъматининг улуг бахтидан баҳраманд бўлолмаган юзлаб кимсаларнинг аянч қисматини кўрганим-

да, ўз тақдирим қуюн қутурган бўронлар ва жазирама гармселларга тўқнаш келган чоғларда, бир умр ақлимни танишга уриниб, гоҳ адашиб, гоҳ алданиб, ниҳоят, ёшим ҳам бир жойга бориб қолган пайтдагина ўша сўзлар замиридаги аччиқ ҳақиқатни англадим.

Бироқ Катта ойимнинг гапларидан ҳеч вақо тунмадим, десам ёлгон бўлур эди. Баъзи бир нарсаларга, ҳар қалай, оз-моз ақлим етгандек бўлди. Катта ойимдан: «Ўзингиз бахтингизни топганмисиз?» — деб сўрашга оғиз чоғладиму, бирдан ҳушимга келиб, тилимни тишладим. Вой, галварс-ей! Хайриятки, ўз вақтида эсингга келиб қолди: ахир, отам битта, онам иккита-ку. Ким бутуну, ким яримжон қаёқдан билиб бўларди? Ҳаммаси аралаш-қуралаш. Ҳатто, болалар ҳам ҳар хил. Энг катта акам Муртазо Катта ойимнинг кенжаси. Сайрон овулида Катта ойимнинг тўнғич қизи Ғайникамол опай яшайди. У Кичик ойимга тенгқур, иккаласи қалин дугона ҳам. Катта акам Солиҳ эса Кичик ойимнинг ўғли, отаси ўлган, ярим етим; шу сабабли хонадонимизда кўпчилик унга ачиниб қарайди. Бошқа фарзандлар эса, учинчи уянинг болаларидир. Буларнинг барчасини мен яқинда билдим.

Бироқ Катта ойим сиз жувфтлаганимни сезиб қолган эди.

— Бирор нима демоқчимисан? Хўп, қани, айта қол.

Мен аллақачондан буён соч қўйиб, чиройли тароқ сотиб олганман. Қиш пайтида бўйнимга кўк-ҳаворанг шарф ўраб, калишли пийма кийганча, пўрим бўлиб юраман. Кечқурунлари клубга ҳам бемалол кириб боравераман. Кўкрак чўнтагимда комсомол билети. Бир пайтлар мени назарига илмаган қизча энди ўзини яқин олмоқчи бўлиб интилади, бироқ мен сезмаганликка соламан. Севгидан ҳафсалам пир бўлганлиги сабабли, буткул жамоат ишларига берилганман. Мактабдаги йиғилишларда оташин нутқлар ирод этиб, деворий газетага синфий кураш ҳақида кескин мақолалар эса бошлаганман. Аммо Катта ойимнинг қошида мен ҳануз ёш болага айланиб қолардим.

— Йўқ, йўқ, — деб минғирладим шоша-пиша, — шунчаки, ўзим...

— Муғамбирлик қилма. Сен менинг ярим жоним ҳақида сўрамоқчиндинг, тўғрими?

Ҳаиратдан ҳатто, тепа сочларим тикка бўлиб кетаёзди.

Катта ойим авлиё бўлмасин яна?

— Саволингга жавоб бераман. Одамзод ўзидан кўра, бошқаларнинг ҳаётини яхши билади. Уларнинг баҳосини ҳам. Ўзгаларнинг ҳаёти кафтдаги чизиқдек яққол кўриниб турса, ўзингнинг умринг қоронғи ўрмондаги сўқмоққа ўхшайди. Мен ҳеч қачон ўз дардларим, ўз хаёлларимнинг чувалган ипини йиғиб ололмадим. Кўпинча йўлимда адашиб юргандек бўлдим...

...Ҳа, сенинг отанг жуда ҳам яхши одам. Лекин гапнинг рости шуки, у мени ўзининг бахт қуши деб қабул қилмади. Бунинг учун уни айблаб бўлмайди. Балки, мен унинг кўнглига мос тушмагандирман.

Бир вақтлар мен уйда ўтириб қолган қиз эдим. Қашшоқ турмуш кечирсак ҳамки, отам сира-сира молдунёга учиб, мени дуч келган одамга бериш, мендан қутулиш пайига тушмаган, раўйимга қарашни маъқул топганди. Дастлаб хаёлимдаги йигит дарвоза қоқиб келишини кутиб юрдим, ҳаммага рад жавоби бердим, кейин, совчилар ўзи бизнинг остонамизга йўламай қўйишди. Шундай қилиб, йигирма тўртга чиққунимча уйда ўтирдим. Оқругимизда майиб-маймоқларни ҳисобга олмаганда қўйнига оғир тош солган мендан катта қиз қолмаганди. Бир куни дарвозамиздан мункиллаган чол ва келишган, хушбичим йигит кириб келишди. Чол раҳматлик буванг, йигит эса, отанг, ўн етти яшар навқирон ўспирин эди. Мен ақлу ҳушимни йўқотиб қўяёзгандим. Нуқул, «наҳотки, бахтим шу бўлса?» деб ўйлардим. Лекин ўша ондаёқ у мени ўзининг бахт қуши дея қабул қилмаслигини ҳам яққол ҳис этдим. Юрагим зирқираб кетди. Қўрққанимча бср экан. Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқди. Мен-ку, майли, ўзини ҳам бир умр азобга қўйди.

Ҳали ёш пайтларимизда, ўрим-йиғим кезлари Дубко бўйларида, шундоқ очик даланинг ўзида тунаб қоларканмиз, кечалари баъзан ўрнимдан туриб, овулимизга қараб югуриб кетардим. Югура-югура, тонг ота бошлаганда тагин изимга қайтардим. Кўнглим бир оз таскин топгандек бўларди. Уч-тўрт топқир шу аҳвол такрорланди. Беланчақдаги бола уйғониб кетса, отанг ўрнидан турарди-да, нари-бери юриб, мени чақирар, қайтиб келишим билан эса, гўё ҳеч нарса сезмаган

одамдек, «ётиб бирпас дамингни ол», дерди. Мен ўзимни тутолмай, йиғлашга тушардим. «Ахир, кўнглинг йўқ экан, уйланиб нима қилардинг? Нега ўшанда тескари ўгирилиб кета қолмадинг?» — дея ҳўнг-ҳўнг йиғлар эдим. У бўлса, чурқ этмасди. Фақат орадан кўп йиллар ўтгачгина, у бу эски саволимга жавоб қайтарди: «Раҳмим келди, шунинг учун ҳам сенга уйландим. Ўша йили ёзда пичан ўраётиб, беихтиёр чалғи билан ўт-ўланлар орасидаги бедана боласининг иккала оёғини қирқиб юборгандим. Бояқиш учмоқчи бўлиб, икки марта талпинди-ю, қанотларини ғарибона қоққанча ёнбошига ағдарилиб тушди. Бошини кўтариб, кўзларимга шундай таъна ва ўкинч билан тикилдики, ҳатто, эгим жимирлашиб кетди. Сени биринчи бор кўрганимда менга худди ўша қушчани эслатган эдинг. Раҳмим келувди». У мени уриб-сўкмас, хафа ҳам қилмас, бироқ жон-дили билан меҳру муҳаббат ҳам қўймаган эди. Биз бир-биримизга мангу бегона бўлиб яшадик, ягона қалб бўлиб бирлашолмадик. Бунга на ёшимиз, на хулқ-атвор, табиатимиздаги фарқлар сабаб эди. Иккимиз иккита ярим кўнгил бўлиб туғилган. дуёндан шундоқ ўтмоқда эдик... Ҳар бир одам ўзининг ҳақиқати билан яшайди. Бироқ дунёда барчага баробар, ҳар бир кимсанинг ҳаётида таянч бўлгувчи, уни бало-қазолардан асровчи яна бир ҳақиқат — Муҳаббат ҳақиқати ҳам бор... — Катта ойим одатдагидек, юзларимни силаб қўйди. — Сен туғилиб, жажжи қўлчаларинг билан илк марта бўйнимдан қучганингда: «Бу оламда яшаш энди у қадар даҳшатли эмас», деб ўйладим...

Ўзи зерикдими ёки бизнинг соғинганимиздан хабар топдими — буниси қоронғи, ҳарқалай, кўклам йилт этиши билан, Мараҳим овулга қайтиб келди. Соғинч ҳақида бекорга сўз очганим йўқ. Чунки, инсонни туғилган уйдан орзу, қайғугина йўлга чорласа, соғинч туйғуси муқаррар уни киндик қони тўкилган гўшага қайтариб олиб келади. Буни кейинчалик кўп бор ўз бошимдан ўтказдим.

Катта, қора этик кийган Мараҳим куппа-кундуз маҳали Юқори кўчадан Паст маҳалла томон шахдам, дадил қадам ташлаб борар, одамлар ойналардан, дарвоза тирқишларидан мўралаганча унинг ортидан узоқ қараб қолишарди. У дуч келган кишилар билан жил-

майиб саломлашар, бироқ ҳеч кимнинг ёнида тўхтаб, ҳол-аҳволини сўраб-суриштириб турмас, вазмин одимлаб борар эди. Елкасидаги тугун унчалик катта бўлма-са ҳам, қўлтиғига қистириб олган гармони бошқача эди; бунақасини биз ҳеч қачон кўрмагандик. Минг қилса ҳам шаҳар — шаҳар-да! Унинг мачитлари ҳам, черковлари, уйлари ҳам, ҳатто гармонлари ҳам катта бўлади.

Қуёш тик кўтарилиб қиздира бошлаганда кўчаларда қор-ёмғир сувлари жилдираб қоларди. Одамлар деворлар панасидаги ва томлардаги иркит қорни нағироқ кураб ташлашга уринишар, гўё шу билан ҳовлиларига тезроқ баҳорни чорлашар эди. Мараҳим пайдало бўлганда биз йигит-яланг, ҳаммамиз шу иш билан банд эдик. Барча худди кўчадан автомобиль ўтиб бораётгандек, қўлидаги курагига суянганча анқайиб қолганди. Ғаллам чолнинг уйи олдида у бошини сегингана ўнг томонга бурди. Эҳтимол, оёғи тойиб кетгандир? Энди қанча термулма, тикилма, Оқ Юлдуз бу ерда йўқ... Ҳамза бўлак бўлиб, шу ҳафта жарнинг нариги тарафидаги кўчага кўчиб кетди. Унинг янги уйи бизнинг дарғозамиз олдидан яққол кўриниб туради.

Мараҳимнинг қайтганига бутун овул қувонгандек эди. Чунки, унингсиз ўйин-кулгиларнинг файзи ўчганди. Унинг йўғида айтарли ўзгаришлар ҳам содир бўлгани йўқ. Фақат қишлоқ Советининг ранси энди эввалгидек Тошпўлат эмасди. Тошпўлат оқсоқол ўтган кузда тегирмондан қайтаётиб, уйқу элтиб йиқилиб тушган ва майиб бўлиб қолганди. Айтишларича, ераванинг орқа гилдираги умуртқасини синдириб кетборган экан. Бунга ҳамма ҳайрон эди. Мастликда бўлган, дейишса, Тошпўлат ичкиликни оғзига ҳам олмасди. «Фалокат оёқ остида», — деганлари шудир-да. Ҳозир оқсақол чўлоқ оёқларини судраб босганча иккитта қўлтиқтаёққа таяниб аранг юради. Лекин кўклам чанқиши билан бекор ўтиришдан зерикиб, чиройли ланжара ясаб, Самигулланинг қабрини ўраб қўйди. Демак, ҳар қалай, қўлидан иш келаркан.

Мараҳим қайтиб келган худди ўша кунларда овулда ғалати ишлар бўлмоқда эди. Бировлар қувонган, бировлар хафақон, яна кимдир шубҳаланиб, бош чайқарди. Қаёққа қарама, ола-говур, қайси кулбага бош

суқма, тортишув... Клубда ҳар куни мажлис устига мажлис. Баъзан фақат тонг отгандагина тарқалишади.

Колхоз тузиш бошланганди.

Бизнинг уйимизда ҳам қизгин можаролар бўларди. Энг Катта акам Муртазо колхозга тиш-тирноғи билан қарши эди. Охир-оқибат, у ўзига тегишли мол-мулкни олиб, биздан бўлак бўлди. Бу ўжарни, ҳатто, келинимизнинг кўз ёшлари ҳам йўлдан қайтара олмади. «Дўстмат дангаса ва Исҳоқ мечкай билан битта аравага қўшилгунча,— дея қалпоғини ерга урди у,— шуларга тенг бўлгунча, ўлганим яхши! Мен ишнинг кўзини биламан. Менга ўхшаган қўлидан бир иш келадиганларни алоҳида колхоз қилсин, мен бажонидил розиман! Тузинглар шундай колхоз!» (Муртазо акамга ўхшаганлар учун алоҳида колхоз ўша пайт ҳам, кейин ҳам тузилмагани аниқ. У бир-икки йил яккаҳол бўлиб юрди-да, обдон қашшоқлашиб, ўзи бизга ўхшаш оддий одамларнинг артелига аъзоликка олишларини сўраб келди. Кейинчалик, бригадир ҳам бўлди.)

Уйимизда ана шундай баҳс-можаралар авжига чиққан кунларнинг бирида мўмин-қобил, беозор, ғилай қариндошимиз Калимулла келиб қолди. Унинг ғилай кўзлари жиққа ёш эди. «Ота-бобомнинг умрида оти бўлмаганди. Мен бир амаллаб, эришувдим. Энди қандоқ қилиб, бор-йўғим бўлмиш, шу ягона отимни бегона қўлларга топшираман? Ҳатто, хотинларни ҳам ўртада бўлади, дейишяпти. Менга деса, қуриб кетмайдим хотинлар! Отдан айрилдим, отдан!.. Йўқ, шошмай турларинг, думидан битта қил ҳам бермасман!»— у ғазабланиб, қўлларини осмонга кўтарган эди, тепадаги еттинчи чироқни ағдариб юборди-да, бошдан-оёқ керосинга беланди.

— Бўлди, энди кўп қизишма, қариндош,— деди отам,— тагин жаҳлингдан устингдаги керосин ёниб кетмасин...

— Э, ёнса ёниб кетсин-ей!— у қўл силтади-да, бир четга чўкди.— Отим йўғида, ташвишим ҳам йўқ эди. Бу от эмас, бошимга битган ғалва бўлди-да...

— Мана, отингни топширсанг, ғалвасидан ҳам қутуласан-қўясан,— маслаҳат берди отам.

Калимулла жонланиб кетди:

— Ростдан шундай қилсаммикан, қариндош? Очиғини айтганда, бир умр отсиз яшаб, худога шукур,

ўлмовдим. Хотинимнинг ҳам унақа жуда мол-ҳолга ҳафсаласи йўқ. Лекин хийла болажон чиқиб қолди. Жўжаларимиз олмага ўхшаб, бирининг кетидан бири...

— Ишинг беш экан-ку, ҳувари, сен бўлсанг кўз ёши қилиб юрибсан,— калака қилди уни акам Муртазо.

Содда Калимулла пичингни тушунмади.

— Сениям гапинг тўғри, Муртазо, нолисам ношукурлик бўлар,— дея тасдиқлашга тушди бўш-баёв куёвимиз.— Тўрт мучам соғ, бола-чақам саломат юрибди...— У энди отамга ўгирилди.— Қариндош, сиз мендан кўра оқ-қорани яхши биласиз, кўп нарсага ақлингиз етади. Маслаҳатингизни олиб, отни топширсам топиравераман-да... Фақат чироқни бекор синдирдим, эссизгина...

Унинг эзмалиги, ўта лақмалиги ҳақида ҳатто, латифалар ҳам тўқилган. Эмишки, бир вақтлар, холамиз ёш чоғларида четан девор ёнида қандайдир кимса билан гап сотиб, ҳиринглашиб турганини Калимулла поччамиз ўз кўзи билан кўриб қолибди-да, хотини уйга киргач, уни қийин-қистоққа ола бошлабди. У эса, бу гапни буткул рад этиб, қип-қизил ёлғонга чиқарибди. Нима десанг, дегин-у бу сўзга ишонмайман, деб туриб олибди.

— Эй хотинжон, ахир, ўз кўзим билан кўрдим-а, одамнинг гапига ишонсанг-чи...— дермиш эри йиғлагудек бўлиб.

— Кўзингга ишонма, менинг сўзимга ишон! Бу нима қилиқ тагин, қачондан бошлаб менинг тўғри гапларимга эмас, қийшиқ, ғилай кўзларингга ишонадиган бўлиб қолдинг? Бу қанақа ўзбошимчалик?!

Калимулла дарҳол жим бўлиб қолганмиш. Хотинининг бақиригидан қўрққани учун эмас, ўз хатосини тушуниб, уялиб кетганмиш.

— Жуда ҳам қоронғи эди-да,— дермиш ўзини оқлаб.— Узим ҳам шубҳаландим-а, ким менинг хотинимга ўхшаб гапиряптийкин, деб. Мана, бекорга гумонсираган эканман...

Калимулла отини топшириш учун олиб келганида эса бутун маҳаллага текин томоша топилди. У ўзининг ориқ-озгин, ёллари пахмайган отини дарров отхонага олиб киришга шошмади, аксинча гўё кўрмаганлар кўриб олсин, дегандек гердайиб, ҳовлининг



ўртасидаги қозикча боғлаб қўйди. Бу от дейиш ҳам қийин бўлган жонивор кун бўйи қимир этмай чўзилиб ётганча, катта бошини ердан кўтармай, томошабинларни қабул қилиб турди. Лекин рости, дуч келган ҳар қандай қаланғи-қасанғи кимсалар олдида бўйин эгиб, обрўсини ҳам тўкмади. Бир дайди кучук ҳовлига жилпанглаб кириб келганда томоша авжига чиқди. Холамиз қўлига калтак олиб уни қувиб юборишга шайланган эди, кучук қўрққанидан думини қисганча кўчага қочиш ўрнига, ўзини отхонага қараб урди. Четан девор ёнида ўтирган Калимулланинг кичик ўғли Заҳидулла оламини бошига кўтариб бақирди:

— Ойижон! Сенга айтяпман, ойижон. Отга миниб қувгин итни. Отга миниб! Шунча пиёда юрганимиз ҳам етар энди!

Поччамиз мана шу ажойиб аргумоқни ўз қўли билан колхозга олиб бориб топширишга аҳд қилибди. Топширади ҳам!

Менинг отам бошқалардан олдинга ҳам интилмайди, орқада ҳам қолмайди. Ўз билганича бамайлихотир кун кечиради. Шу сабабдан уни «ўрта ҳол» дейишган, ҳозир ҳам шундай дейишади. Эл қатори — олдин ҳам эмас, кейин ҳам — колхозга аъзо бўлди. Кўк тарғил стимиз билан темир сўқамизни, аравамиз билан ченамизни рўйхатга ёздириб қайтиб келди. Шундай қилишни идорага боришдан олдинроқ, кечки таом устида маслаҳатлашиб олганди. Бу оилавий кенгашда иккала оғимиз, мен билан акам Солиҳ ҳам иштирок этгандик.

Колхозга кирганларнинг исм-шарифларини, оила аъзоларининг номларигача рўйхатга тиркаб, қишлоқ Советининг идорасига осиб қўйишди. Бу рўйхатда Мараҳимлар еттинчи, Оқ Юлдуз билан Ҳамза йигирма тўртинчи, биз эсақ, ўттизинчи ўринни эгаллагандик. (Менинг исмим, айниқса, равон, чиройли қилиб ёзилганди!) Мен ихтиёрсиз равишда ҳалиги ошиқ-маъшуқни ўз назоратимга олганман; энди бундан бошқача иш тутолмайман. Ҳар қандай вазиятда ҳам мен Оқ Юлдуз билан Мараҳим иккаласини ёнма-ён қўяман. Менинг тасаввуримда бу иккиси аллақачон бир бутунга айланган. Кошкийди, улар ҳаётда ҳам мен ўйлагандек бир тан, бир жон бўлиб қолишса! Хаёлан Ҳамзани ўз уйдан Мараҳимларнинг уйига бошлаб бораман. Бир маҳаллар йўл қўйилган адолатсизликни

ўзимча тузатган бўламан, шу билан гўё ҳаммани ўз ўрнига қўйгандек бўламан. Ўзингиз айтнинг, ахир, тен таклик эмасми бу? Ахир, яхшироқ ўйлаб қаралса, мен оилалар орасига раҳна солаётган, уя бузаётган бўлиб чиқаман-ку? Бунинг учун койиш у ёқда турсин, судлаш ҳам оз-ку мени?

Лекин улар иккови бир жойда, бир рўйхатда ёнма-ён туришидан розиман. Улар ҳаёт экан, кўнглим тасбеҳида икки садаф бирга тургандай бўлади, ҳатто кейинроқ улардан бирини ўлим орамиздан юлиб олиб кетганда ҳам... Лекин унга қадар қанча сувлар оқиб кетади, қанча қушлар сайраб ўтади... Аммо турмушда мен Оқ Юлдуз билан Мараҳимни яна бир мартагина ёнма-ён кўрганман.

Қушлар сайраб турган жуда гўзал бир кун бутун колхоз Усмон тепалигига пичан ўргани чиқди. Буғдой пишиб, ўроқ пайти яқинлашиб қолган, пичанни тезроқ ўриб-йиғиб олиш лозим эди. Қизлар пичан ўрар, биз ўсмирлар отга миниб, тарма тортар, эркак ва аёллар тармага пичан ташлар, чоллар эса ғарам босишарди. Даланинг энг четида, тўп-тўп зирк ўсган жойда ҳалиги менинг «одамларим» ғарам йиғишмоқда. Мараҳим паншаха билан пичан йиғмоқда. Оқ Юлдуз эса, унга ёрдам бермоқда. Ҳамидхон иккимизнинг улушимизга шу иккиси чиққан. Биз навбатма-навбат от йўртиб уларнинг олдига борамиз, айниқса, мен ошиқаман. Уларни бирга кўрганимдан вақтим чоғ. Оқ Юлдузнинг юпқа чиройли лабларидан кун бўйи сеҳрли табассум аримайди. Фақат бир сафар бир зумгина йўқолди-ю, яна қайта пайдо бўлди.

Мараҳим бир ҳамлада айрига ярим ғарам пичан қадаб кўтаради. Ўзням, кўм-кўк кўзлари чақнаб, шодлигидан қаҳ-қаҳ отиб, кулиб ишлайди. Унинг кучи танига сиғмайди. Мен эгарда типирчилаб, улардан кўз узмасликка уринаман. Бундай қилиш одобдан эмаслигини биламан, бироқ ҳеч кўзимни узолмайман. Тарма пичанга тўлган бир пайт Мараҳим тўсатдан Оқ Юлдузни нозик белидан қучиб даст кўтарди-ю, пичанга отди. Ҳуркак отим бир сапчиб ўзини четга урди, мен эгардан учиб кетдим, от тура қочди. Шу пайт менинг устимга ғарам устидан Оқ Юлдуз қулаб тушди. Назаримда, ўша онда фалакнинг кўк пардаси йиртилиб, унинг энг тагида юлдузлар чақнагандай туюлди.

Уларнинг биттаси оппоқ эди. Мен шу оппоқ юлдузга қараб учиб кетдим; учиб борарканман, назаримда, олис уфқ гўё гўзал табассумдан балқиб кетгандай туюлди. Оқ Юлдуз тиз чўкиб, менинг сочларимни силай бошлади.

— Бир жойнинг лат емадими, жингалак соч?

Лаззатнинг зўридан, қани энди тилим айланса! У қўрқиб кетди.

— Қаеринг оғрияпти?— деди ёқимли товушда. Раҳм-шафқатга тўла кўзлари эса, ғамгин жавдирарди. Мен кўзимни ердан узмасдан, инкор маъносида бош чайқадим.

— Уф! Жуда қўрқитиб юбординг-ку!— деди у.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ. От пакана, ер юмшоқ!— дедим мен, туриб ўтирарканман. Аслида эса, елкам зирқираб оғрирди.

Бу орада Мараҳим ҳуркак отни жиловидан етаклаб келди. От олисга кетмаган шекилли, пичан ҳам тўкилмаган эди.

— Бераҳмлик ҳам эви билан-да!— деди Оқ Юлдуз, танбеҳ билан.— Бунақада одамни майиб қилиш ҳам ҳеч гап эмас! Яна бир йўла икки кишини!— У яна бошимни силади.

Ўрнимдан сакраб турдим. Бу сафар мен кап-катта хотинни ёш боладай даст кўтариб пичанга отган бўлса ҳам Мараҳимни айбламадим, аксинча, бу қилигидан хурсанд эдим.

Лекин Мараҳим нега менинг кўз олдимда бундай қилди? Ё, у мени одам қаторига қўшмадими? Ёки ўзимники деб ўйладими? Майли, кейин ўйлаб кўрарман буни. Ҳар қалай, мендай кап-катта йнгит билан ҳисоблашмаслиги мумкин эмас. Уларнинг сир-асрорларини камоли садоқат билан яшириб юрганимни билмасликлари мумкин эмас-ку, ахир? Вафо, садоқат деган нарсани одам у ёқда турсин, баъзан зийракроқ от ҳам сезади-ку, ахир?

Бир маҳал гарамни тўғрилаб бўлганимизда отини йўртиб Ҳамидхон ҳам етиб келди. Иш яна қайнаб кетди. То кечгача бу ёруғ дунёда биз учовимиз Мараҳим, Оқ Юлдуз ва мен бир тан, бир жон бўлиб яшадик. Оқ Юлдуз билан Мараҳим дил-дилларидан бахтиёр эдилар, мен эсам, бу бахтнинг шоҳиди эдим. Бировларнинг бахтига шерик бўлиш ҳам бахт экан — вақтики

келади, буни мен ҳар эслаганда бир қувониб юрадиган бўламан.

Ўша кундан бошлаб Усмон пичанзори менинг тасаввуримда энг соадатли жойга айланди. Ҳар сафар пичанзордан ўтаётиб, мен ўша қайинзорга ўгирилиб қарайман ва узоқ-узоқ тикилиб қоламан. Назаримда, гўё ҳозир паншаха кўтарган Мараҳим билан айри ушлаган Оқ Юлдуз қайинзор орасидан чиқиб келадигандай туюлади. Улар гўё ҳамон ёш, ҳамон бахтиёр. Қайин ниҳоллари эса, аввал дарахтга, кейин гўё осмон-ўпар ўрмонзорга айланган. Кейинроқ, бақувват дарахт бўлганда уларни кесиб ташлашди. Уларнинг ўрнига янги ниҳоллар кўкариб чиқди. Бу ниҳоллар ҳам йил сайин ўсиб, осмонга қўл чўзишга тутинади. Ўшандан бери қанча хазонлар тўкилди. Мен эсам, ҳамон уларни яна бир бор ёнма-ён кўриш орзусидаман. О, орзулар! Қани энди улардан лоақал юздан биттаси рўёбга чиқса!

Мен яна бир катта, юракни тилка-пора қилгувчи мусибатнинг гувоҳи бўлдим. 1941 йили йнгирма тўртинчи июнь куни улар видолашдилар. Илк фронтга кетаётганлар ўша куни клуб рўпарасига тўпланишди. Майдон эгарланган отлар, қўшқўкиз қўшилган арава ва бричкаларга тўлди. Сўнгги сўзлар айтилиб, оқ фотиҳа ва яхши тилаклар билдирилиб бўлди. Фақат охириги марта видолашиб, йўлга тушиш қолди, холос. Кузатаётганларнинг аксарияти аёллар билан ўспиринлар. Қадимги удумга кўра ота-оналар кетаётганларга оқ фотиҳани уйдан чиқмасдан туриб беришган. Улар кузатишга чиқишмайди. Фақат урушга отланган йигитнинг хотини, узангини ушлаган ҳолда, ёнма-ён боради. Эр йигитни жангга кузатганда йиғи-сиғи кўтариш одат эмас. Сабр-тоқат ҳам яхши тилак жумласига киради. Эр йигитнинг йўлига томган кўз ёши унинг отини тойдириб, кўнглини вайрон қилиши мумкин.

Фронтга отланган ҳар бир йигитнинг ёнида ё хотини, ё қайлиғи турибди, кўплар ўғил-қизларини кўтариб олишган. Қолганлар сал йироқроқда кутиб туришибди. Одам кўп бўлса ҳам на шовқин-сурон эшитилади, на ғала-ғовур. Ҳатто эмизикли гўдаклар ҳам жим. Фақат от юганларининг шалдир-шулдири эшитилади.

Мен акам Солиҳни кузатмоқдаман. Акам — ширакайф. «Сомонхонадаги сандиқда тракторнинг калити ётибди, — деди у, кеннойимнинг қулоғига шивирлаб. — Сен уни эртадан қолмасдан Сайфуллага олиб бориб бер. Калит — бу дунёда энг муҳим нарса. Олтин калит ҳақидаги эртаки бекорга тўқиб чиқаришмаган!»

Кеннойим жим. Унинг қулоғига калит кирармиди ҳозир?

Бир маҳал қарасам, Оқ Юлдузнинг ёнида турибман. Бугун унинг эри кетмабди, унга ҳали чақириқ қогози келмаган. Оқ Юлдуз уни кузатаётгани йўқ. Мен, болалик чоғларимдагидек, Мараҳимни қидираман.

Ана, у оломон орасида баралла кўриниб турибди. Унинг бир томонида худди бир боғ тариқдек хушқад, кўрган кўзга ёқимтой хотини, бир томонида қора сач, унинг ўзига ўхшаш мовий кўзли қизчаси — Оқ Юлдуз. Ун ёшлардаги бу қиз нимаси биландир катта Оқ Юлдузга жуда ўхшаб кетади. Мен ихтиёрсиз бир у, бир бу Оқ Юлдузга қарайман. Ажабо! Худди қуйиб қўйгандек! Ё кўзимга қаёқдаги йўқ нарсалар кўринилптими?

Мараҳим қизининг белидан оҳиста ушлаб, уни боши узра кўтарди.

— Хайрлашайлик. Бўлди энди! — деди у. Унинг бақувват овози майдонни янградиб юборди. Сўнг, йирилганларга бир разм солиб чиққач:

— Ватандошлар! — деди, овозини хиёл пасайтириб. — Оқ Юлдузни ўртага солиб, қасамёд қиламанки, овулимизни номусга қолдирмайман! Бор гапим шу менинг! — деди.

«Бир боғ тариқдек хушқад» хотин, худди йиқилиб тушаётгандек бўлиб, эрининг ўнг пинжига суқилди-да, бир чайқалиб, яна қаддини ростлади. Менинг ёнимда турган Оқ Юлдуз сезилар-сезилмас енгимдан тортиб қўйди. Мараҳим қизини ерга туширди. Ундан кейин, Валиддин манқа жажжи ўғилчасини хотинининг қўлидан олиб, осмонга отиб:

— Ўғлим Зигандар учун қасамёд қиламан! — деб хитоб қилди.

— Туғилган заминим учун! — қўшимча қилди Асқад. Ўғил-қизи у ёқда турсин, ҳали хотини ҳам йўқ

узинг. Лекин у ўз тупроғи ва бу тупроқда бунёд бўлган ҳамма нарсанинг қадрини билади.

Видолашув бошланди. Аёллар ўз эрлари, қизлар бўлгуси қаллиқларини қучоқлаб олишди. Қизлар ал-Сатта, бу йигитларга эрга чиқишади. Йигитлар тезда душманни тор-мор қилиб қайтишади ва шунда дабдабали тўйлар бошланади. Бировлар қўл беришиб хайрлашмоқда, бировлар қучоқлашиб, сал дадилроқлар эса, ўпишишмоқда. Мараҳим қоққан қоziқдек қаққа-йиб турганича, ҳадеб биз томонга қарайди. Чап қўли билан қизининг бошини кўксига босганича, бармоқлари билан унинг сочларини силайди. Хотини, гўё ўрнини бошқа бировга бермоқчи бўлгандай, эрининг орқасига ўтиб олди. Бун кўрган Оқ Юлдуз энди бор кучи билан билагимни чангаллаб олди. У бутун вужуди билан қайгадир талпинар, аини замонда менга тармашиб олган.

Хайрлашув тугаши билан ҳамма ҳаракатга келди, гада-говур бошланди. Бировлар арава ва бричкаларга чиқиб олишди, бировлар отларга миниб олишди. Мараҳимга колхознинг энг келишган қора айғири теккан. Аравалар саф тортиб йўлга тушгач, Мараҳим айғирини ечиб, тизгинини қўлига ушлади. Бир сапчиб оғир гавдасини эгарга олди. Йигитлар қўзғалишди. Кетаётганлар билан уларни район марказигача кузатиб қўйишга аҳд қилганлар жимиб қолган майдондан узоқлаша бошлашди. Улар узоқлашган сайин, Оқ Юлдузнинг қўли билагимга қаттиқроқ ботарди. Анча жойга бориб қолган Мараҳим отини тўхтатди-да, узангига оёғини тираб орқага ўгирилиб қаради. Шу ондаёқ Оқ Юлдуз шитоб билан ўрнидан қўзғалиб, унга қараб кийикдек учиб кетди. Мараҳим шуни кутиб тургандек, отининг бошини қўйди. Оқ Юлдуз узангига тирмашиб, от билан ёнма-ён чопмоқчи эди, бироқ Мараҳим кучли қўллари билан уни даст кўтариб, олдига ўтқазиб олди-ю, отлиқларни, арава ва бричкаларни қувиб ўтганича илгарилаб кетди. Улар Мукаш қиридан ўтиб кетгунча, орқаларидан тикилиб қолдик. Кейин кўздан ғойиб бўлишди. Ҳамма жим, на биров мақтади, на биров сўкди. Мараҳимнинг хотини ҳам бўйи-бўйига тенглашай деган қизининг қўлидан ушлаганича, уларнинг кетидан тикилиб турарди. У бу манзарага чидаб берди. Мен унинг олдида ўзимни гуноҳ-

кордек ҳис этдим. Ахир, у ҳам «ўз одамим-ку!» Мен бўлсам, уни бахтсиз қилган сир-асрорни қалбимда яшириб юрибман. Хаёлим батамом чалкашиб кетди, шекилли: ҳаммага раҳмим келади...

Мараҳим билан Оқ Юлдуз яна бир бор қирга чиқдилару, гўё уфқда «сингиб» кетдилар. Ё улар яна бир кўринармикан?

Оқ Юлдуз кўринди, Мараҳим эса, бошқа кўринмади. Кўриб турибсизки, тақдир мени кўп хатарли воқеаларнинг ҳам, гаройиб ҳодисаларнинг, кутилмаган фожиаларнинг ҳам шоҳиди қилди.

Уруш тугаганига бир йилдан ошди. Мен овулга қайтиб, қайси бир иш билан қишлоқ Совети идорасига кирдим.

— Уруш тугаганидан буён шунча вақт ўтди, одамлар эса, ҳамон ҳалок бўлишяпти,— деди раис, ғамгин хўрсиниб.— Улар-ку, аллақачон ҳалок бўлишган, лекин биз уларни энди дафн этяпмиз. Бугун «қаҳрамонларча ҳалок бўлди», деб бировга хат келса, эртага бошқа бировга келади.

У менга гижимланган бир варақ қоғоз узатди. Қорахат. Кафтимдан ўт чиқиб кетди. Бундай муҳим қоғозни шу маҳалгача қўлимга ушламаган эдим. У ёқда кўп ўлимларни кўрганман, бироқ қорахатни биринчи бор кўришим...

Бундоқ қарасангиз бошқа ҳеч бир справкадан, айтилик, сигирни сотишга берилган рухсатномадан фарқи йўқ. Аслида, эса, унда ўлим, кўз очиб дунёга келган бутун бир одамнинг ўлими зикр этилган. Аксига олиб, бу қоғозни на тўғрилаб бўлади, на бошқача ёзиб ва на ёқиб! Бу ахир, «Қаҳрамонларча ҳалок бўлган...» бир одамнинг гувоҳномаси! Ким у? Гвардия старшинаси Мараҳим Забилов!

Раис қўлимдан қоғозни олиб, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди, гўё ундан хато топишни умид қилаётгандек, қоғозни яна бир бор синчиклаб кўздан кечирди.

— Эски ярани янгилашдан бошқа нима ҳам келтиради бу қоғоз? Айниқса, энди оғир... Нима қилишимни билмай анча ушлаб турдимۇ кейин, начора, мана, Оқ Юлдузга бугун одам юбордим. Ҳамза ҳам урушнинг охирида Венгриядаги қайси бир госпиталда оламдан ўтганимиз. Одамнинг бошига ёмонлик бир

келмасин, келгандан кейин... Мараҳимнинг хотини ҳам узоқ йили баҳорда ўлди. Қорнинг тагида қолиб, чириб кетган бугдойни еган экан... Уша йили кўплар шунақа бўлди... Очлик, очликдан ейишган. Мараҳимнинг етим қолган қизини Оқ Юлдуз ўзига қиз қилиб олди. Шундан бери икки Оқ Юлдуз бир-бирларига суяниб қолишди.

Сталинград остонасида қўлидан айрилган раиснинг бу қисқагина гапи қанча дарду аламларни ҳикоя қилиб берди менга! Ўз қўли тўғрисида у кўришаётганимизда шундай деди: «Мен чап қўлим билан кўришаман. Унг қўлимни Мамаев қўрғонида тупроққа берганман. Қўлим ётса арзийдиган машҳур қўрғон!»

Шу пайт, қаргаганини ҳам, йиғлаганини ҳам англаб бўлмайдиган бир товушда бақириб-чақириб, ҳассага суянган бир кампир кириб келди.

— Илоё, худонинг қора қарғишига учрагайсан!— У пойгакка қоқиниб кетиб, қаддини тутиб олди-да, жадал юриб, раиснинг олдига келди. Бу—бутун Учхўроз кўчасини титратиб юргувчи Майтап ая деган кампир эди!

— Утир, бамайлихотир гаплашайлик, ана у қизил бурчакка ўт,—раис ёлғиз қўли билан шоша-пиша стулга ишора қилди.

— Утирмайман!—қовоғини уйди кампир.—Агар сен раис бўлсанг, ана у Алмисоқни авахтада чиритишнинг керак. Менинг қарғишим қор қилмаяпти унга! Кеча яна менинг эчкимни соғиб опти. Ичган сути томоғидан заҳар бўлиб ўтгай! Чўпон эмас, қароқчи бўлди у. Куппа-кундузи одамларни тунаб кетяпти.

Майтап ая ҳар қалай қизил бурчакка ўтиб стулга ўтирди-да, ҳассаси билан иягини тираб олди, лекин шу заҳотиёқ яна ҳассасини силкитди:

— Жазосини бер унинг! Йўқса, бугун эчкимни соғса, эртага сўйиб ейди уни. Виждони йўқ унинг!

— Хўп, чорасини кўрамиз.

— Чора эмас, жазо керак унга. Алмисоққа қатиқ жазо берсанг, бошқаларга сабоқ бўлади!

— Яхши. Далил бўлса, жазо ҳам берамиз.

— Тагин қанақа далил керак? Эчкимнинг елини ўзи айтиб турибди. Аввалги куни уч пиёла сут чиқувди, кеча бор-йўғи икки пиёла чиқди. Иброҳим пайгамбар эмиб қўймагандир уни!—Кампирнинг овози



тўсатдан сал юмшади-ю, титраб кетди.—Менга керак деяпсанми бу сут? Мен ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлдим, энди ўлишга чамам етса ҳам бўлди. Иккита етим набирам бор. Қўлларида пиёла, эртадан қор шомгача поданинг қайтишини орзиқиб кутишади. Ма-на шу етимларнинг нонини яримта қилиб юрибди у очкўз!

Майтап аянинг арзи-доди олдин ғашимни келтирган бўлса, кейин кулгимни қистатди, охирида эса, кўнглимни вайрон қилди.

— Агар бу гаплар рост бўлса мен Алмисоқни жазолайман,— деди раис.— Қаттиқ жазолайман.

— Шундай қилгин. Фақат авахтага тиқмагин. Уни-ям уйи тўла бола. У бечора ҳам тўқликдан қилаётгани йўқ буни. Писанда қил, писанда билан қўрқитиб қўй уни!

Одамлар шунақа ғалатими ё овулимиз ўзи шунақа бекбурдроқми? Бир қарасанг бунақамиз, бир қарасанг унақамиз. Ўзимиз ўт қўямизу, яна ўзимиз сув сепамиз!

Майтап ая тагин нягини ҳассасига тираб олди. Шу пайт эшик очилиб, остонада... Оқ Юлдуз кўринди. Шоҳона бўлмаса ҳам озодагина кийинган, сёғида оқ пайпоқ, узун калиш. Рўмолининг учларини бурунгидай томоғининг тагидан ўтказиб боғлаб олган. Чаккаларида бир неча оқ толалар ялтираб турибди. Ўрилган сочларида илгаригидай кумуш тангачалар жаранглайди. У гўё жилмайгандай бўлди. Бироқ бир маҳаллар мени мафтун қилган, кўриб тўймайдиган жилвали табассумдан энди асар ҳам қолмаган. Аввалига у Майтап ая билан қўш қўллаб кўришди, кейин раис иккимиз билан қўл бериб саломлашди.

— Меҳмон кепти-да,— деди қўлимни қўйиб юбормасдан.— Эсон-омон қайтибсан! Бахтинг бор экан, яна кимларнидир бахтли қиласан. Умринг узоқ бўлсин, илоё!— Унинг чиройли лабларида тўсатдан ўша таниш табассум жилва қилди.— Усмон яйловида пичан йиққанимизда сен ҳали ёш бола эдинг. Умрбод эсимдан чиқмайди, ўша дамлар. Гоҳо тушимда ўша жойларда юраман, ниманидир кутаман ҳамон...

Ҳа, мен қайтдим. Бироқ қанча яшайман — буни ўзим ҳам айтолмайман. Упкаларимни сил қуриятпти. Лекин қайтганимга шукр қиламан — қариндош-уруғ-

ларимнинг дийдорини кўрдим, улар ҳам менинг дийдоримга тўйиншди.

— Чақирганингизни айтишди,— деди Оқ Юлдуз, раисга термилиб.— Мараҳим тўғрисида бирор гап йўқми?

— Утир, Оқ Юлдуз.

Оқ Юлдуз шоша-пиша темир қопланган печканинг ёнидаги сандиққа ўтиб ўтирди-да, қўлларини тиззасига қўйди. Мен бу сандиқни биламан. У кўпдан бери шу ерда туради. Бир маҳаллар Самиғулланинг пулини ҳам шу ердан ўғирлашган. Ҳар сафар мен бу сандиқни кўрганимда уни арзимаган бир ўғрилар оча олгани эсимга тушарди-ю, нечундир безовталанар ва жаҳлим чиқарди. Мана ҳозир ҳам Оқ Юлдузнинг унга ўтиргани яхши бўлмади. Майли, энди бари бир бейфойда.

Раис қўли билан пешонасини ишқади.

— Гапни нимадан бошлашни ҳам билмайман. Бировнинг умидини чиппакка чиқариш одам ўлдиришдан ҳам ёмон. Сенинг сўнгги умидингни барбод қиялганимни биламан. Мени сўкмагин, жигарим. Ма, ўзинг ўқий қол...— Қалтироқ қўли билан у қогозни Оқ Юлдузга чўзди.

Оқ Юлдуз қогозни олишини ҳам, олмаслигини ҳам биллолмай тараддулланиб қолди. Сўнгра иккала қўлини чўзиб, худди эндигина тухумдан чиққан жўжани ушлаётгандек, эҳтиёткорлик билан қогозни кафтлари орасига олди. Унинг гўзал тиниқ юзи кўз олдимда тобора қорайиб бсрарди. Лекин оққушнинг бўйнидай ингичка бўйни эгилмади, оғир ғам тушган боши осилиб қолмади. Оқ Юлдуз гўё тош бўлиб қотиб қолганди. Гўё тошга айланган танаси шу ерда қолгану, руҳи эса қайларгадир учиб кетганди. Бу ҳол кўпга чўзилмади. Сал ўтмай совуқ танасига қайта жон кирди.

— Вой, худойим-ей!— алам билан хитоб қилди Оқ Юлдуз.— Агар шундай севги ҳам уни ўлимдан асраб қололмаган бўлса... Унда нимага суянмоқ, нимага инонмоқ керак, бу дунёда? Мен қацдай инонган эдим! Севги ўлимдан кучли деб, ёзилган қанча-қанча китоблар бекор гап экан-да. Мен эсам, бу китобларга имон келтириб, ҳар бир сўзини ёдлаб юрибман. Наҳот, ҳаммаси ёлғон, ҳаммаси уйдирма гап бўлса?— У қора қогоз ётган кафтларини яна олдинга чўзди.—

Шундай баҳодирдан мана шу қоғоз қолса-я? Ҳақиқат қайда, адолат қайда, ахир?

Оқ Юлдуз жим қолди. Майтап ая бошини кўтарди.

— Мен сенга айтсам, у ўз муҳаббати учун бошини берган, келин. Асл йигит бир севса оқ-қоранинг фарқига бормай, қўрқув нималигини билмай, бор вужуди билан севади. Азамат йигит Мараҳим ҳам сенга ўзини кўрсатмоқчи бўлиб, ҳадик-қўрқув нималигини билмай, ўзини оловга ургандир. Гўё сен унга тикилиб тургандай бўлгансану, у худди мени бир кўриб қўй дегандек, ҳеч нарсадан тап тортмай, ўзини ўтга отган!

Майтап ая бир зум жим қолгач, уф тортиб қўшимча қилди:

— Нималар деб, алжирадим?

Кампирнинг шафқатсиз сўзлари Оқ Юлдузнинг қулоғига кирмади гўё. У қимир этмади. Гимнастёркамнинг икки кўкрак чўнтагида турган иккита хат эса, худди икки чўғ янглиғ, кўкрагимни жаз-жаз куйдирмоқда эди.

Хатларнинг биттаси бундай бошланарди... Йўқ, хатга ўтишдан аввал Оқ Юлдуз қиссасини тугатайлик. Бу гаплардан сўнг, у на бир оғиз гапирди, на кўзига ёш олди. Кампир кетди. Биз учовимиз қанча ўтирганимиз ёдимда йўқ. Биринчи бўлиб, Оқ Юлдуз қўзғалди. Биз уни кузатиб, ҳовлига чиқдик. Оқ Юлдуз ўз уйига эмас, ўша, видолашув онларида Мараҳим уни олдига ўтқазиб, отининг бошини қўйган Мукаш тепалигига қараб йўл олди.

...Оқ Юлдузни мен кўп йиллардан кейин ўша-ўша ҳеч сўнмас гўзал қиёфада яна бир кўрдим. Биз кўчада учрашиб қолдик. Унинг осойишта чеҳрасида илгариги нур барқ уриб турар, гўё қариллик уни четлаб ўтган. У тўрт-беш яшар бир болани етаклаб келарди. Болани сал олдинга ўтказиб юборди-да:

— Исми Мараҳим. Оқ Юлдузнинг ўғли,— деди, шодлигини яширмай. Бола бобосининг ўзгинаси эди. Усмон яйловидаги тўнкалар тагидан униб чиққан зирк ниҳоллари ҳам худди мана шундай япроқ чиқарар-чиқармасданоқ ҳар бир ҳужайраси билан эски дарахтларни эслатиб турарди. Менинг кўз олдимда бу ўрмон уч марта янгиланди.

Ҳа, Оқ Юлдуз қанча тошқинлар, қанча бўрон ва довуллардан ўтиб, мана ниҳоят, ўз қирғоғига чиқиб

олди. Албатта, унинг ёшликда интилган қирғоғи бу эмас эди. У эҳтимол, қайёққа қараб сузиши ва қайси қирғоққа чиқиб қолишини у маҳалда хаёлига ҳам келтирмагандир. У пайтларда кўрган бўлса, бугунги кунларнинг бир дақиқасинигина кўргандир, қолганлари эса, унинг учун ечилмас жумбоқ эди, холос.

— Инонган тоғим ҳам, битта-ю битта таскину тасаллим ҳам шу,— деди у, болачани бағрига босиб. Болача бошини кўтарди ва кўк садафдай кўзлари билан Оқ Юлдузга тикилди. Афтидан, уни эркалаб, бошини силашганда: «Мараҳимнинг учқуни, нури дийдам», каби маъноси унга қоронғироқ бўлган сўзлар ишлатишса керак, болачанинг кўзларида савол аломатти милтирарди.

Биз хайр-маъзур қилишиб, ўз йўлимизга равона бўлдик.

...Чўнтагимдаги хатларнинг бири: «Сиз хотинимнинг қотилисиз», деб бошланар эди...

## ИККИ МАКТУБ

Шафқатсиз ҳукм. «Ҳа, сиз менинг хотинимни ўлдирдингиз. Ўз муҳаббатингиз билан адоий тамом қилдингиз. Ўлим билан олишиб, алаҳсираганда у сизнинг исмингизни қайта-қайта такрорлади. Ҳушига келган дақиқаларда эса, гапириб беришга уринди. Ёстиғи тагидан хатларингизни олиб, менга кўрсатди. Мен уларни ўқиб чиққанман. Уларни хотинимни йўлдан оздирган иблисона хатлар, деса бўлади. Ўз жуфти ҳалоли бўлган сиздай эркакнинг эри бор хотинга муҳаббат қўйишга нима ҳаққингиз бор? Бунга қандай жазм этдингиз? Ким сизга ҳуқуқ берди? Қайси одоб, қайси ахлоқ талабларига сиғдириб бўлади бунини?!

Мен уни даволангани юборган эдим, сиз бўлсангиз ўлимга маҳкум этдингиз. Эшитяпсизми? Мен сизни лаънатлайман! Хатларингизни ўқиётганимда Людмила менга: «уни сўкмай қўя қол, мен оламдан ўтаман, сенлар қоласанлар, шу боисдан ҳам уни лаънатлагин, аксинча, менинг ўлимим сенларни яқинлаштироғи керак, жаҳлга кетиб, ақл-ҳушингни йўқотиб қўймагин!» деган эди. Лекин у изтироб чекаётганида мен сизни ўйлашга тоқатим йўқ эди. Мен уни телбаларча

севардим. Бу осмон тагида мен учун ундан бошқа аёл зоти йўқ эди. Йигирма тўртинчи июль куни Людмилани дафн этишди. Кўмиб бўлишимиз билан жала қуйди. Даҳшатли чақмоқ чақнади. Мен яшин тегиб ўлсам, деб орзу қилдим. Улмадим. Яшин ҳам ҳаммани, ҳаммавақт ҳам уравермайди. Қоронғи тушгунча унинг қабри тепасида ўтирдим. Нақадар олижаноб, нақадар кўнгли пок инсон эди у! Агар қалбингизга чўғ солгани рост бўлса, сиз буни билмоғингиз керак. Ҳаммасига лаънат! Қалбингизга чўғ тушган-тушмагани билан ишим нима маним? Мен сизни эсимдан чиқаришни, тамом хотирамдан ўчириб ташлашни истардим. Лекин иложи бўлмади. Даставвал, бошимга тушган мусибат сизга бўлган нафратимни сал юмшатар, деб ўйлагандим. Йўқ, юмшатолмади. Нафрат билан алам бирлашиб олди. Мен аввал хатларингизни йиртиб, шамолга совурдим. Бироқ бу ҳам ғазабимни сўндиролмади. Сизни кўришга кўзим йўқ. Лаънат устига лаънат сизга! Агар Людмилани юлиб олиб кетган сил касал шу яқин кунларда сизни ҳам бўғиб ўлдирмаса... мен сиздан қасос олажакман. Агар сиз ўлимдан қочиб қутулсангиз ҳам мендан қочиб қутула олмайсиз. На афв, на меҳр-шафқат бор сизга! Менинг нафратим, менинг қаҳрим худди қилич янглиғ сизнинг гуноҳкор бошингиз узра осилиб туражак! Бошингизга қандай мусибат тушмасин, билиб қўйинг — бу мен йўллаган қасосдир! Шафқат кутманг мендан, йўқ!»

Бу — алам-изтиробдан ақл-ҳушини йўқотиб қўйган бир одамнинг менга йўллаган хатидир.

Мен эсам... Қайси ёзуқларим учун бундай нафратга маҳкум бўлдим? Наҳот, гуноҳим шунчалик шафқатсиз ҳукмга сазовор.

Ҳаммасини бир бошдан гапириб бераман. Олдин айтганимдек, урушдан кейин ўлкамни сил касали кемаира бошлади. Аввал бошда мен бирмунча вақт Руминиянинг Преद्याл деган бир шаҳарчасида даволандим. У ерда тоғ ҳавоси, шифобахш ўрмон, баҳор офтоби — ҳамма нарса бор эди. Аммо шифо топмадим. Бунинг устига, ҳар кеча қўшни хонада биров юракни тимдаловчи қўшиқ айтиб, кўнглимни вайрон қиларди:

Тебраниб турибсан  
Елғиз мажнунтол.

Ерга бош урибсан.  
Уксиэлар мисол...  
Унда, йўлдан нари  
Оқар кенг дарё,  
Унда ҳам бир дуб бор,  
Усади танҳо.  
У томон, нетарсан,  
Йўл йўқдир ҳаргиз.  
Тебраниб ўтарсан  
Бир умр ёлгиз.

Бу қўшиқни эшитиб, ўзимни ўша мажнунтолнинг ишқи тушган бахтсиз дуб дарахтига ўшхатаман. Алам ва танҳоликдан гўё япроқлари сарғайиб, илдизлари қуриб бораётган дарахтдек ҳис этаман ўзимни. Жуда эзилиб кетдим. Буни кўрган врачлар мени ўз диёрим Қримга жўнатишди.

Симферопольдан Ялтага госпиталь автобусида бордик. Аввал ҳар томондан ҳар хил госпиталларга келган касалларни номма-ном чақиршиб, вокзал майдонига йиғишди. Бу иш чўзилиб кетиб, йўлга чиққунимизча туш бўлди. Илон изи бўлиб кетган тўғ йўли билан дим ҳаво эзиб ташлади бизни. Ҳаммадан кўра олдинда ўтирган ёш жувонга қийин бўлди. У кўкси чок-чокидан сўкилиб кетгудек бўлиб узоқ йўталди, кейин кўнгли ҳам озди. Алуштада тўхтаганимизда ёнидагилар уни очиқ ҳавога суяб олиб тушишди. Юзи худди ёғи олинган сутдек кўкариб, мурда тусига кирган. Аъзойи бадани қалт-қалт титрайди-ю, худди бу аҳволга тушганига айбдордай, уялганидан Сошини кўтаролмайди.

— Кўкрагингни тўлдириб, чуқур нафас олгин, — деб маслаҳат берди бир майор.

— Агар нафас ола олсам, бунчалик қийналмас эдим. — Жувонни яна йўтал бўға бошлади.

— Ҳаво ўзгарганидан шундай бўляпти, ҳеч қиси йўқ, ўтиб кетади, — деди кузатиб келаётган ҳамшира, жувонга далда бериб.

Алуштада бир оз туриб қолдик. Сал ҳордиқ олмасак бўлмас эди. Ҳалиги жувон сал ўзига келди. Йўлнинг қолган қисмида унчалик қийналмади. Ҳатто бирров мизғиб ҳам олди. Мен энг орқада ўтирганим учун уни яхши кўролмайман. Бироқ боши ўриндиқда аста

тебраниб бораётганига кўзим тушиб севинаман — ҳордиқ олгани яхши.

Автобус бориб, қайси бир тигириқ кўчада тўхташи билан ҳамма автобусдан ёпирилиб тушди. Ҳарбийлар яшил буюм тўрвалари ё чиройли хорижий чарм халталарини кўтариб олишган, аёллар ва қизларнинг қўлларида — тугун, баъзиларда картон чамадон, ҳар ким ҳар томонга тарқалиб кетди. Мен борадиган госпиталь тоғда, унга хийлагина йўл босиб, ўрлаб чиқиш керак. Хийлагина деб, мен ўзимнинг хаста қолимга қараб айтяпман. Уртадаги масофа нари борса, уч юз қадам келади. Озгина юриб тўхтаيمان, яна сал юриб нафасимни ростлаб оламан. Кўп юрмасдан бир уйнинг соясида ўтирган ҳалиги жувонга кўзим тушди. Унинг ёнига бориб яна тўхтадим.

— Сиз менга қараманг, бораверинг. Ўзим аста-секин етиб оламан, мадорим кирди бир оз.

Биринчи маротаба унинг юзига синчиклаб қарайдим. Уни жудаям чиройли деб бўлмас, лекин киприкларини узун, катта-катта қоп-қора кўзларига бутун олам ғарқ бўлгудек десам, муболаға бўлмайди. Бунақа чуқур, бунақа маънос кўзларини ўша кунгача ҳам, ундан кейин ҳам кўрмадим. Қўллари ҳам эътиборимни тортди. Бармоқлари узун бу оппоқ, ингичка қўлларда — улардан бири тиззасида, иккинчиси чамадоннинг четиде ҳорғингина ётарди, — қандайдир бир маҳкумликнинг белгиси бор эди.

Келгусида мен уларни «ақлли қўллар» деб атаيمان.

— Бораверинг.. кетаверинг деяпман сизга.

Бу сўзни айтишга осон. Бироқ изтироб тўла бу кўзлардан кўзингни узиб, йўлингда равона бўлишга куч қайда?

— Келинг, ёрдамлашиб юборай. Чамадонни навбатма-навбат кўтарамиз.

Жувон билинар-билинемас кулимсиради.

— Ярим соатдан бери паҳлавонлигингизни кўриб ўтирибман.

— Балки, чамадонингиз кучимга куч қўшар.

— Бирпас, ўтирай. Яхши бўп қолдим. Ана денгиз ҳам кўрняпти.

— Бўлмаса, мен ҳам дам олай. — Мен шундай деб, чамадонни ерга қўймоқчи эдим, жувон:

— Тўхтаманг, кетаверинг. Худо ҳаққи, кетаверинг,— деди.

Қизиқ. Бир одам унга ёрдам қўлини чўзса-ю, у бўлса ёрдамни рад этса. Менинг ҳайрон бўлганимни кўрган жувон:

— Хафа бўлманг,— деди.— Мен сизни ҳайдаётганим йўқ, фақат илтимос қиялпман.

Чамадонимни кўтариб, йўлимга равона бўлдим. Лекин сал юрмаган ҳам эдимки, у яна йўтала бошлади, бироқ қайрилиб қарашга журъат этмадим.

Госпиталнинг қабулхонасида жўрттага анча турдим. Жувоннинг келишини кутардим. Мени ўз жойимга элтиб қўймоқчи бўлган ҳамширага эса: «бир оз гафасимни ростлаб олай», деб баҳона қилдим. Лекин жувон қанча кутсам ҳам келмади. Бир нима бўлди, шекилли.

Аҳволини кўриб туриб ташлаб кетдинг-а, сени қара-ю!— дердим ўзимни койиб.

Бир ҳафтагача чўзилиб ётдим. Дастлабки кунларда аҳён-аҳён ўша маъюс кўзлар эсимга тушса, ғалати бўлиб кетардим. Кейин эсдан чиқа бошлади. Кейин оёққа туриб, кўчага чиқдим. Қўшни бинонинг ёнидан ўтаётган эдим, аёл кишининг:

— Ҳой, капитан!— деган овози эшитилди.

Мен эътибор бермай, йўлимда давом этавердим. Госпиталда менга ўхшаган капитанлар озмунчами?

— Капитан, мен сизга айтяпман, йўлдош бўлган капитан!

Ялт этиб қарадим, ўша денгиздай тубсиз кўзларни кўриб, лол қолдим. Жувон иккинчи қаватнинг дераза тоқчасида ўтирарди!

— Кўряпсизми, сал жон кирди менга! Фақат кўчага чиқаришмаяпти. Яхшидир-а, ташқари?

— Жуда соз. Чиқаришмаса ўғирлаб олиб чиқсам-микан-а?— дедим, гарчи тиззаларим қалтираб турган бўлса ҳам.

— Мен ҳам эрталабдан бери сизга ўхшаш бир олибқочарни кутиб ўтирибман. Опқочиб кета қолинг. Розиман!— деди жувон қўлларини чўзиб.— Аввал ана у тоғнинг тепасига олиб чиқасиз, кейин денгизга олиб тушасиз.

Лабларида кулги, кўзлари эса ғамгин.

— Уша кунни мен сизни қабулхонада кутдим, ҳат-



то йўлда қолдириб кетганим учун ўзимни хўп койидим,— дедим оқланган оҳангда.

— Сиз менинг сакраб тушишимни кутяпсизми?

Мен унинг ёнига чиқдим. Ҳамхоналари чиқиб кетишган бўлса керак, ичкарида бир ўзи эди. Мен чиқиб борганда у дераза тоқчасидан тушиб, каравотга ўтиб ўтирган, юзи доқадай оппоқ эди.

— Аввал танишайлик. Менинг исмим Людмила. Мен сизни капитан, деб чақиравераман.— У қўлини узатди. Бу қўлни қўлимга олишим билан юрагим «шиғ» этди. Назаримда, унинг қўллари, унинг кафтлари жуда муҳим, жуда хатарли бир нарсадан дарак бергандек туюлди менга. Кейин мен Людмиланинг фақат кўзларигина эмас, ҳатто қўлларида ҳам аллақандай бир ғамгинлик борлигини билдим, гўё улар ҳам доим маъюс ўйлар билан банд туюларди. Зотан, ўша баҳор мен одамнинг қўллари ҳам ўйга чўмиш, ҳам соғиниш, ҳам қайғуриш қобилиятига эга эканини англадим. Ажабо: бу қўлларга бу сеҳр, бу эс-ҳушни ким ато қилдийкин?

— Отингни қантариб қўй, ботир йигит, хоннинг қизи нечукдир яна кайфи бузуқ.

Людмила одеял устига чўзилди.

— Бу ҳарорат ўлгир кўтарилиб кетмаганда эди... Ўтиринг!— Шундай деди-ю, бошқа бир оғиз ҳам шикоят қилмади. Умуман, каминага ўхшаб, сил касалига чалинганлар орасида арзи-дод қилувчилар кам бўлади. Афтидан иродани сўндирувчи оғриқ бўлмагандан кейин, умид учқуни ҳам сўнмаса керак. Киши госпиталь ва касалхоналарда узоқ вақт ётганда унинг ўз муҳити, ўзига хос турмуши, урф-одат ва анъаналари вужудга келаркан. Аста-секин чин турмуш касалхонанинг баланд деворлари ортида эмас, балки унинг ичида қайнаётгандек туюла бошларкан. Чунки, ташқаридаги одамлар энгилтак ҳаёт кечириётгандек туюла бошларкан; ташқаридаги одамлар чиндан энгилтак ҳаёт кечиришади, бугун хатога йўл қўйишса, эртага уни тузатишади, бугунги гуноҳларини эртага юва олишади, биз бўлса бундан маҳруммиз. Биз ҳаёт аталмиш оламнинг чеккасига бориб қолганмиз, йўлнинг охири бизга кўриниб қолган. Шундай бўлса ҳам, биз сўнги томчи томмаслигига, сўнги япроқ узилиб тушмаслигига умид қиламиз. Ўлимга маҳкум этилган одам

сўнги кучларини йўқотаётганида ўзини оқимга қўйиб беради...

1942 йилнинг баҳорида ҳужумга ўтиш арафасида бизнинг бригадамизда шундай бир воқеа юз берди: ҳарбий трибунал ҳукми бўйича сафга тизилган бригада олдида бир қочоқ отилди.

Урмон чеккасида ўтган кичик бир дарё бўйидан гўр қазишди. Сўнгра қочоқни чуқур ёнига келтиришди ва ҳукми ўқиб отишди. У ўз қабрига муккасида йиқилди. Лекин мени бу манзара эмас, ўқ овози янграшдан олдин содир бўлган манзара ларзага солди.

Қочоқни дарёнинг нариги томонидан олиб келишди. У яланг оёқ эди. Соқчилар сувни сачратиб саёз дарёни бемалол кечиб ўтишди, қочоқ эса оёқларини ҳўл қилмаслик учун тошдан-тошга сакраб ўтди. Ҳолбуки, қабргача бор-йўғи ўн беш-йигирма қадам жой қолганди. Шунақа, Инсон фарзанди ҳаётининг сўнги қадамигача оёғини ҳўл қилишдан қўрқаркан...

— Магнолия гуллари тузалиб кетармидим? Магнолия гулини жуда яхши кўраман. Кичкиналимда бир сафар унинг ҳидидан маст бўлиб қолгандим.— Людмила бир зум кўзларини юмди.— Ушанда ҳам мени Гурзуфга, аммамникига меҳмонга олиб борганди...

Людмиланинг чарчагани кўриниб турарди. Уни толиқтирмаслик учун ўрнимдан турдим.

— Эртага яна келаман.

— Дераза токчасида ўтирганимда туппа-тузук эдим. Бир пастда бўшашиб қолдим. Кечиринг.

— Бари бир сизни опқочиб кетаман. Ҳушёр бўлинг.

— Мен тайёр бўп тураман. Келгуси сафар дераздан эгарга ўзим сакраб тушаман. Буёққа кирадиган бўлсангиз иш чўзилиб кетаркан.— Людмила қўлини узатди. Унинг кафти ва ингичка бармоқлари менга бир нима дегандай, юракка гўлгула солувчи бир гапни гапиргандай бўлди. Мен буни сездим, бироқ тушунмадим. Бир ҳафтагача Людмиланинг олдида боролмадим. Қон қусиб, қаттиқ ётиб қолдим. Бу сафар хонадан мени чиқармайдиган бўлишди. Сал ўзимга келишим билан ҳамсоямдан магнолиянинг баргини олиб келиб беришини сўрадим-да, унга шундай бир хат ёздим. Хатим хийла силлиқ чиқди:

«Қимматли малика! Сизга аталган сўзларимни бир варақ ўлик қогозга ёзишга жазм қилолмадим. Унда сўзимнинг қадри бўлмасди. Шу боисдан ҳам қалб сўзларимни суюкли дарахтингизнинг яшил баргига ўйиб чиқишни лозим кўрдим. Бу барг сизнинг юрагингизга айланса-ю, менинг сўзларим қалбингизда тоабад қолса, дейишга журъат қилолмайман. Чунки ўткир пичоқ билан сизнинг юрагингизни тимдалашга қурбим етмасди. Чунки, сизнинг юрагингизга бошқа қўллар тамом бошқа сўзларни ёзиб қўйишганига аминман.

Азиздан ҳам азизроқ малика! Камина шунча кундан бери сизнинг олдингизда, сизнинг илоҳий қадди қоматингиз олдида тиз чўкиб туриш бахтидан маҳрум бўлганимдан беҳад изтироб чекмоқдаман.

Адолат ва гўзаллик учун олиб борган ҳисобсиз курашларим давомида мен ҳамшиша кутилмаган қийинчилик ва майда-чуйда кўнгилсизликларга дуч келиб тураман. Сил-сабил аталмиш номақбул пошшонинг беҳисоб лашкарлари минг-миллион тигларини кўтариб менга ҳамла қилишди. Бу жангда у томондан ҳам, бу томондан ҳам беҳисоб қон тўкилди. Шу кунларда мен бундан кейин бўладиган ва бундан ҳам шафқатсиз жанглар учун куч йиғмоқдаман. Лекин сизнинг энг кичик илтимосингизни ҳам ўзим учун буюк бир саодат деб билажакман, муҳтарам малика. Биттагина имо-ишорангиз кифоя. Борлиқни ларзага солиб кишнаётган аргумоғимнинг овозини эшитяпсизми? Эшитяпсизми, малика?

*Маъюс юзли капитан»*

Уша кун тушдан кейиноқ ишончли одам орқали жавоб келди:

«Ботирлиқнинг тимсоли, днёнат тутқуни бўлмиш маъюс юзли капитан! Борлиқни ларзага солган аргумоғингизнинг кишнаши менинг ҳам қулоқларимни батанг қиляпти. Менинг юрак баргимга ўйиб ёзилган номаи-саодатингизни олдим. Ташвиш чекмай қўя қолинг, капитан: сиз ўткир тиг билан ҳарфларни ўйиб ёзаётганингизда юрагим оғриш у ёқда турсин, аксинча, ҳузур қилдим. Мен ҳамон юксак қасрда, қамалда ётибман. Лекин умид қиламанки, яқинда халоскорим келиб улкан найзаси билан қасрнинг еттита эшигини ҳам чилпарчин қилажак. Ушанда мен бир зумда он-

поқ капалакка айланиб асирликдан халос бўламану, кун бўйи лип-лип этиб учиб юраман. Уша кун мен учун бир кун эмас, бир умрга татийдиган бўлади. Бу деган сўз менинг ҳаётим сизнинг қўлингиздадир, нияти холис, довжурак капитан. Сиздан кичик бир илтимосим ҳам йўқ эмас: менга бир он, бир дақиқалик чинакам ҳаёт инъом этсангиз! Агар сахийлигингиз ва мардлигингизни билмаганимда мен сизни бундай арзимас илтимослар билан безовта қилиб юрмас эдим.

Уша онлар этиб келганда мен юксак қасрдан туриб оқ рўмолимни силкитаман. Кузатиб боринг.

Узингиз билган *Людсеня*».

Ҳазил-мутоибани қаранг! Ё унинг барча умидлари поймол бўлган ёхуд, аксинча, қўрқинч деган нарса юрагини батамом тарк этган, ўлим шарпаси унга йўламаган! Бу мактуб мени тараддудга солиб қўйди. Мактубим унинг қалбида шундай ғамгин ўйлар уйғотган бўлса, демак, ҳазилларим ўринсиз бўлибди-да!

Эртасига мен унга бари бир ҳазил аралаш чин қилиб ёзилган магнолиянинг янги баргини юбордим. Шу кунлар у ётган қасрнинг еттита эшигини чилпарчин қилишга қадар найзамни чархляяганимни айтдим. Оқ рўмол эмас, қизил рўмолини силкитишини илтимос қилдим. Эртасигаёқ жавоб келди.

«Маъюс юзли шўх капитан!

Учқур арғумоғингизнинг кишнаши кундан-кунга яхшироқ эшитилапти. Баъзан унинг овозидан мени банди-асир қилган қасрнинг деворлари ларзага келади. Овози тошни ёради, деб сизнинг арғумоғингизни айтса бўларкан! Эндиликда мен эркинликка чиқишимга инонаман. Мени ноғоралар билан кутиб олишса яхши бўларди. Ноғораларнинг гумбурлашини яхши кўраман...»

Бу орада май байрами ҳам этиб келди. Менинг ҳамсояларим байрамни томоша қилишгани шаҳарга кетишди. Улар соғайиб, оёққа туришган. Очиқ деразалардан мусаффо ҳаво оқиб кирмоқда. Айтишларига қараганда, кеча магнолия дарахти гуллаганмиш! Дераза олдига бориб ташқарига қарагим келади-ю, кучим етмайди, турай десам, бошим айланади. Йўқ, бир уриниб кўрмоқ керак. Пижаманинг шими билан эғнимга оқ кўйлак кийдим, сочларимни тараб, қути-

чада турган ярим стакан узум шарбатини ичдим. Энди очиқ деразага етиб олишга қурбим етади. Урнимдан туриб, бир-икки қадам юрган ҳам эдимки, кимдир эшикни секин чертди. Жавоб бердим. Эшик очилиб, олдин қизил лола тутган қўл кўринди, кейин Людмила кириб келди.

— Байрам билан табриклайман, капитан. Мана сизга қизилранг керак бўлса. У сизга куч ва эҳтирос бағишлагай!

Мен чайқалиб кетдим, шекилли, у чопқиллаб келиб, суяб қолди-да, каравотга олиб бормоқчи бўлди.

— Йў-йўқ, сизни кўриб ҳаяжондан қалтираб кетдим. Деразага ўтайлик!— дедим мен.

Биз деразанинг олдига ўтиб, унинг тоқчасига суяндик. Людмила менга узоқ тикилиб тургач:

— Шу аҳволда яна шўх хатлар ёзадилар!— деди.

— Аҳволимга нима бўпти? Ён босяпганим йўқ қасалга!

Бошимни кўтариб атрофга қарадим, лол бўлиб қолдим — ҳамма нарса ўзгарган, яшариб, гўзаллашиб қолган эди. Магнолиянинг оппоқ гулга бурканган шохлари орасидан кўм-кўк денгиз кўринарди. Қаёқдадир тоғ этагидан қўшиқ янгарди. Бу ерда эса жим-жит, фақат қандайдир бир қуш ўз куйини куйлайди. Биз эсак, бу дунёни — бизга унинг бир қисмини кўриш ҳам насиб бўлмади ҳали!— бир чеккада туриб кузатяпмиз. Ҳозирча шунисига ҳам шукур.

— Не чора, сизга аталган совғам ҳам йўқ. Кеча йигитлар менга деб, бир шиша вино келтиришганди. Шунинчайлик бўлмаса. Биз ҳам байрамни нишонлашимиз керак-ку, ахир!

— Бўпти!— деди Людмила. Қувонганидан у ҳатто қарсак чалиб юборди.

— Кейин сизга шеър ўқиб бераман.

— Зиёфат шоҳона бўп кетади-ку, бунақада!

Солдатга хос уқувим бор-да, шишани усталик билан очдим. Людмила бўлса, бу орада стаканга сув қуйиб, гулни унга солиб қўйди. Яна иккита стакан топиб келди, мен уларга шароб қўйдим.

— Хўш, нима учун ичамиз буни?

— Байрам учун. Байрамнинг умри боқий!

— Умри боқий нарса қадаҳсиз ҳам боқий бўлиб қолаверади.

— Умри қисқа нарсанинг умрини қадаҳ ҳам чўзолмайди. Байрам учун!— у стакан тутган қўлини кўтарди, қадаҳларни уриштирдик.

— Байрам учун!— такрорладим мен. Қадаҳларни охиригача кўтардик.

Людмиланинг юзига қизиллик югурди. Унинг чуқур ботган кўзларидан нур ёгилди. Мен эсам аллақачон эсимдан чиқиб кетган ажойиб ҳолат қайтиб келаётганини, кайф бўла бошлаганимни ҳис этаман. Шу топда ер қаърига чўкамани ё кўкка парвоз қиламанми — мен учун бари бир.

— Қани, энди шеър ўқинг!

— Ўўқ, ҳали ҳарорат етишмаяпти, — дедим мен ва шишага қўл чўздим. Людмила ақиллилик қилиб қўлимни, жилловини йўқота бошлаган қўлимни ушлади.

— Етади, капитан, — деди у. — Бунақада митти қувончимизни чўчитиб қўясиз. У лип этиб учиб кетади.

Ҳа, ўша дақиқада қалбимни ажиб бир журъат забт этган эди. Мен ўзимнигина эмас, истаган бошқа одамни ҳам бахтиёр қилишга қодир эдим. Бу қудратимнинг чеки йўқ. Бошимни силкитсам осмони фалакни майин тўлқин чулғайди.

— Бўлмаса, қулоқ солинг, муҳтарама малика!

— Йўқ, капитан, бугун ҳазил-мутоибани қўяйлик. Бугун усиз ҳам хурсандман, ўзимни жуда яхши ҳис этапман.

Мен муҳаббат тўғрисидаги шеърлардан ўқидим. Инсон қалбидан униб чиқиб, оламни чароғон қилган гуллар ҳақидаги, кўнгилга уя қўйиб, дунёни куйга тўлдирган қушлар тўғрисидаги шеърлардан ўқидим. Людмила бошини осилтирганича узоқ сукутга толди, сўнг нигоҳини ердан униб менга қаради.

— Сиз билан бўлган аёлнинг кўнгли равшан бўлса керак. Бахтли у... Бахтли бўлажак...

Назаримда тўсатдан уйқудан уйғониб кетгандим. Бахтиёр сўзи қулогимга қандайдир хатарли ва ғалати эшитилди. Гўё бу сўзнинг менга ҳам, олис-олисларда мени орзиқиб кутаётган аёлга ҳам алоқаси йўқ эди! Айни замонда, «сизнинг ёнингиздаги аёлнинг кўнгли равшан бўлса керак» деган сўзлар юрагимни эритиб юборганди! Бунақа сўзлар эркак зотига ҳаммавақт ҳам насиб этавермайди.

Яна кўп йиллар ўтади. Бир кун мен билан ёнма ён

кетаётган аёл: «Бутун шаҳар, кўчада юрган мана бу одамлар менинг нақадар бахтли эканимни билишмайди,— деб айтади.— Агар билишса бунчалик шошилишмас, бир паст тўхтаб, менга қарашар, қараб ҳайратга тушишар эди. Мен сен билан кўчада бирга юрганимнинг ўзигаёқ бахтиёрман...»

Ҳа, мен ҳали ана шунақа сўзларни эшитаман. Одам одамни бахтиёр қилолмайди, одам ўзи бахтиёр бўлади. Надоматлар бўлғайким, бу оддий ва доно фикр кеч келади миямизга!

— Сиз мени ортиқча баҳолаб юбордингиз,— дедим мен уялинқираб.— Сиз айтгандек бахтиёр қила олармикинман? Бировни бахтиёр қилиш бир умрга етадиган иш-ку. Умр эса...

— Бахт учун узоқ умр керак эмас, бахтиёр бўлиш учун бир дақиқа кифоя. Сиз бўлса... ҳали узоқ яшәйсиз,— деди Людмила, гўё ўзига кўпдан аён бир нарсани гапираётгандек.— Сизнинг киприкларингиз калта экан. Кўзингизда умид учқунлари порлаб турибди. Ҳаёт аввал одамнинг кўзларида сўнади, кейин аъзойи баданида. Қани, қўлингизни беринг.

Людмила менинг қўлимни ўз қафтига олди.

— Эҳ-а, мана бу учи-кети йўқ чизиқ — умр чизиғи. Учта чоҳдан ўтибди-ю, узилмабди. Қўлингиз кичкина бўлса ҳам чайир экан. Менинг ҳозирги эримнинг қўли катта, семиз. У жуда кучли. Аввалги эрим, азизим, сизга ўхшар эди. Жингалик сочлари, пешонаси, қўллари, кулгиси — ҳаммаси сизга ўхшар эди. Урушнинг биринчи йилидаёқ ҳалок бўлди.— Людмила қўлимни қаттиқ қисди.— Сиз омон қолибсиз, омон бўлинг...

Ногаҳон тепамизда оқ соя пайдо бўлди. Соя деганим — бутун госпитални ағдар-тўнтар қилиб юрадиган, медиклар бошлиғи Мария Аристарховна деган баджаҳл аёл эди. Биз уни ўзаро Страховка, деб атардик.

-- Госпиталми бу жин ургур ё ошиқ-маъшуқлар хилватгоҳими? Қаёққа қараманг ҳамма жойда тус товуққа ўхшаб думларини ҳурпайтириб, жуфт-жуфт бўлиб ўтиришипти!— столдаги шишани кўриб, у бадтар авжига чиқди.— Шаробми бу? Ҳа, албатта, шаробсиз бўлармиди?— деди у ва Людмилага қараб ўшқириб берди.— Қани, жўна бу ердан! Иккинчи бөр

қорангни кўрмай бу ерда! Эри буни даволашга юборсину, бу бўлса бировларнинг хонасида кайфу сафо қилиб юрсин! Агар бунақа қиладиган бўлсангиз, биз сизни даволашдан бош тортамиз. Ие, ҳали оёқда туролмайман денг?

— Сиз менга писанда қилманг!— деди Людмила, жойидан қўзғалмасдан.— Даволамасангиз даволамасиз, бироқ писанда қилманг. Менинг қўрқадиган пайтларим ўтиб кетган, сиз буни биласиз, Мария Аристарховна...

Бу кутилмаган «хужум»дан доврираб қолдим. Ҳатто лаббайга сўз тополмайман. Зотан, азалдан шундайман — биров кутилмаганда сурбетларча муомала қилса, қўрслик қилса бас — ўзимни йўқотиб қўяман.

— Менга қаранг, Мария Аристарховна,— дедим гўлдираб.

— Сиз билан бошқа жойда гаплашаман! Бориңг, тўшагингизга ётинг!

Мен қимир этмадим. У яна Людмилага тажовуз қилди.

— Сиз балки извош кутаётгандирсиз. Извош тайёр турипти. Марҳамат!— Мария Аристарховна эшикка ишора қилди.

Людмила аста ўрнидан қўзғалди. Мен сакраб туриб, унга томон талпиндим:

— Людмила!

— Майли, омон бўл. Мен яна келаман.— Людмила Мария Аристарховна томонга кўз қирини ҳам ташламасдан хонадан чиқди. Шу заҳотиёқ Мария Аристарховна ҳам ғойиб бўлди. Байрамимиз тугади.

Мен-чи, мен? Нақадар аянчли, ғариб бир аҳволга тушдим мен? Ахир, бу сурбет, баджаҳл хотин оғзини очиши биланоқ мен:

• — Жўнанг бу ердан, Мария Аристарховна! Жўнанг!— деб ўшқириб беришим керак эмасмиди? Людмила иккимизни ҳақорат қилишга йўл қўймайман! Қани, жўнанг бу ердан медицина хизматлари майори Мария Аристарховна!— Шундай деб, муштим билан столни гурсиллатиб уришим, бир силташда кўйлагимнинг ёқасини йиртиб, ғазабдан мана бу қутичани бир телиб ағдаришим керак эмасмиди мен? Ҳа, шундай қилишим лозим эди. Мен бўлсам... ҳеч нарса демасдим. Лапашанг! Қўрқоқ! Сотқин! Людмила бўлса...



Ўзини нақадар вазмин, нақадар мағрур тута олди Людмила! Кошкийди, у янглиғ одамлар абадулабад умр кўришса бу дунёда!

Людмила эртасига ҳам келмади, индинига ҳам. Менга атаб хат-хабар ҳам юбормади. Афтидан, ҳафсаласи пир бўлганга ўхшайди. Худди шундай. Ахир, у мени доим от ўйнатиб юрадиган, уни оғир дарддан халос қилиб, бир дақиқалик бўлса ҳам унга чинакам ҳаёт инъом этишга қодир довюрак йигит, деб ўйлаган эди-ку! Мен эсам худди эшакдан қулаб тушган боладай тупроққа қоришиб ётдим! Сени қутқараман, ўлим чангалидан юлиб оламан, деб чираниб юрган одам, уни бемаъни бир хотиннинг битта ҳақоратидан асраб қололмадим. Кўз олдимда унинг юзига туфлашса-ю, мен нима дейишимни билмай анграйиб турсам? Сотқинлик демасдан, нима деса бўлади бунни?

Шуни айтиб қўяйки, келгусида бу одатим учун ҳаёт мендан ўч олди. Қасосли дунё, ҳамма нарса қайтар экан бу дунёда. Шу маънода ўкинмасам ҳам бўларкан, аслида, мен эсам, анчагача ўкиниб юрдим.

Сал ўтмай тўшакдан турдим, кўчага чиқадиган бўлдим, бироқ Людмила ётган бинога яқинлашишга юрагим дов бермай узоқроқда айланиб юраман. Бир сафар кечки овқатдан кейин хат келди: «Нечук дамгингиз ичингизга тушиб кетди, капитан? Одамлар кўчада юрганингизни кўришипти. Иложи бўлса, кеп кетинг!»

Мен кўп ўйлаб турмадим. Бордим.

Эшик қийғоч очиқ эди, шундай бўлса ҳам тақиллатдим.

— Кираверинг!

Людмила ёстиққа суяниб, ёнбошлаб ётарди. Юзи ловиллаб ёнарди. У одеял остидан қўлини чиқариб, мен билан кўришди. Қўли иссиқ эди.

— Мен сизни кутаётгандим. Кўриб турибсиз, юрولмай қолдим.

— Уша кунги воқеадан кейин олдингизга келишга уялиб юрибман.

— У гапларчи эсимиздан чиқарайлик. У сиз эмас, бошқа бир одам эди, деб ўйлаяпман. Сиз мана, олдимда турибсиз. Стулни яқинроқ суриб ўтиринг.

Мен ўтирдим. Людмила қўлини чўзиб, узун бармоқлари билан сочимни силади. Бармоқлари сочимни

силаяпти-ю, нотинч хаёли, қаёқлардадир олисларда кезиб юрибди. Кўзларидан бир нечта йирик ёш томчилари оқиб тушди.

— Кечирасиз, мен ўзимга раҳмим келиб йиғлаяпганим йўқ. Унга... сизга раҳмим келяпти... Булар менга инъом этилган тортиқми ё интиқомми? — у менинг сочларимни тутамлаб кафтига олди-ю, яна қўйиб юборди. Қўли ҳолсизгина сидирилиб, одеялга тушди. — Кечиринг мени.

Ҳа, у ҳозир, мана шу дақиқаларда, менинг ўрнимда бошқа бир одамни тасаввур этарди! Гўё менинг сочларим, қўлларим, пешонам, табассумим бунинг ҳаммаси мен эмас, унга, менга нотаниш одамга тегиншли эди... Ёхуд, аксинча, оламдан ўтаётиб, у бунинг ҳаммасини менга ташлаб кетганди. Эҳтимол, мен ҳозир унинг ўрнига илжаётгандирман?

— Умрингиз узоқ бўлсин. Омон бўлинг, ишқилиб.

— Сиз ҳам, Людмила.

— Қанча умр ато қилинган бўлса, шунча яшайман. Ҳатто кўпроқ ҳам яшайман. Сизни кўриб, уни эслашимга... ранжиманг. У жуда яхши одам эди. Сиз ёмон одамга ўхшашингиз мумкинми, ахир?

Нима ҳам дердим? Индамай қўя қолдим.

— Хафа бўлдингиз, шекилли, индамай қолдингиз?

— Сизнинг гапингизга хурсанд бўлишимниям билмаяпман, бўлмаслигимни ҳам, Людмила.

— Бу гапларни яхшиликка йўйлик.

— Майли...

Людмила кафти билан кўз ёшидан намланган юзини артаркан:

— Келинг, яхши нарсалардан гаплашиб ўтирайлик, — деб таклиф қилди.

— Кўшкийди, яхши нарсалар бўлса!..

— Бутун олам яхшиликдан иборат-ку! — Людмила очиқ деразага имо қилди-да, тўсатдан устидаги одеялни очиб ташлади. — Тескари қараб туринг, кийиниб олай.

— Нега?

— Кўчага чиқамиз.

— Ҳароратингиз бор-ку!

— Ҳароратимни шу ерда қолдирамиз, қочиб кетмас, ахир!

У тезгина кийинди. Мен уни аҳдидан қайтариш бефойда эканини кўриб, қаршилик қилмадим. Мен энди унинг одатларига тушуниб қолгандим.

— Қўлингизни беринг, маъюс юзли капитан!

— Марҳамат, малика!

У менинг қўлимга суянди, биз бир-бир босиб зинадан тушдик-да, боққа чиқдик.

Одамлар кинога шошилишяпти. Ўша куни урушда ўлжага олинган «Мен орзу қилган қиз», деган кинони кўрсатишяётган эди. Мен уни бултур Венада кўргандим. Бу фильмда битта актриса бир-бирига жуда ўхшаб кетадиган иккита хотиннинг ролида чиқади. Ўзи билан ўзи юзма-юз туриб гаплашади. Кинода бундай гаройиботлар кўп-ку!

— Бугун «Мен орзу қилган қиз», деган кинони кўрсатишяпти,— дедим мен.

— Биз кечқурунгача ана у скамейкада ўтириб, қоронғи тушишини томоша қиламиз.

— Менингча, қоронғи осмондан тушмаса керак, ер қаъридан чиқиб келса керак.

Людмила болаларга ўхшаб таажжубга тушди.

— Қизиқ экан! Қанақа бўлишини кўрайлик бўл-маса!

Биз катта магнолия тагидаги скамейкага бориб ўтирдик. Магнолия гуллаб бўлган, ҳидиям илгаригидай димоққа гуп-гуп урмас, пасайган эди.

Юришга қодир касалларнинг ҳаммаси кинога кетган, теварак-атроф жимжит, кимсасиз. Офтоб тоғ ортига чўккан, бироқ унинг осмон қаърига сочилган ҳароратсиз нурлари ҳамон ярқираб турибди. Олисда эса, денгиз қаъридан юмалаб ой чиқмоқда. Қип-қизил. Ана, у тўлқинга тўқнашиб, бир сапчиди, сапчиди-ю, бироқ қайта жойига тушмади, осмонда осилиб қолди. Бечора ой. «Мана, қуёшнинг ўрнига чиқдим. Унинг ўрнини эгалладим, ундан нима кам?» деб ўйласа керак. Ой шўрлик офтоб билан рақобатга киришиб нима қиларди, ундан кўра ўз вазифасини ўтаб қўя қолса бўлмасмиди?

Баъзан биз яшаб турган олам менга беқиёс бир идишга ўхшайди. Бу идишга эрталаб ва кундузгига нисбатан кечқурун кўпроқ нарса кетадигандек туюлади. Айниқса, ёз оқшомларида шундай туюлади. Денгизлар, тоғлар, ўрмонлар, булутлар, ҳаммаси шу идиш-

га сингиб кетганга ўхшайди. Унинг ичига инсон орзу-умидлари, шодликлари ҳам яшириниб олгандек, сир-асрорлар энг тагида чўкиб ётгандек туюлади.

Людмила иккимиз эса, назаримда, шабадада чайқалиб турган иккита ожиз гиёҳмиз. На қуёш, на денгиз, на ой бизга эътибор беради. Лекин улар олдида биз бир нарсада устунмиз; биз бутун оламини ҳис этиб, кўриб-кузатиб ўтирибмиз, бутун коинот қалбимиздан жой олган бизнинг! Иккитагина гиёҳнинг қудратига қаранг. Шу сабабдан биз ўзимизни ҳам шод, ҳам ғамгин ҳис этамиз. Биз оқшом тушишини жимгина ўтириб кузатамиз. Бу ҳолат биз учун бир дунё қувонч бағишлайди.

Людмила ўзини бардам тутишга уринади. Кечқурунги мусаффо ҳаво уни тетиклаштириб, мадорига мадор қўшган. Йўтали ҳам пасайган. У менинг қўлимни ушлаб, аста қисди. Унинг кафти боягидай иссиқ эмас эди.

«Раҳмат», деди бу қўл. Лекин қайси яхшилигим учун раҳмат деди, буни тушунолмадим.

— Олам гўзал. Унда ҳамма нарса — тиниқ овозлар ҳам, хушбўй ҳидлар ҳам — ҳаммаси етарли, фақат битта нарса етишмаяпти, — деди Людмила ва биринчи бор кулди.

— Нима етишмаяпти, Людмила?

— Айтсам, мендан куласиз-да.

— Айтаверинг, бирга кулишамиз.

— Қайнатилган олма йўқ.

— Нима-нима?

— Қайнати ган олма, деяпман.

— Нега хурмо ё кишмиш эмас?

— Йўқ, олма яхши. Кўнглим равон тортиб, ҳамма нарса муҳайё бўлган пайтларда мен доим қайнатилган олмани қўмсайман. Фақат олмани. Мана, ҳозир ҳам.

— Қизиқ...

— Ҳа. Қизиқ. Лекин ажабланидиган жойи йўқ. Бир сабаби бор. Гапириб берайми?

— Гапиринг.

— Мен ҳали қоринда эканимда бир куни оймнинг кўнгли қайнатилган олмани қўмсаб қолган, жудаям қўмсаган. Бироқ шундай пайт бўлганки, қанча қидиришмасин, олма топишолмаган. Оймнинг орзуси

ушалмай қолгану, бу орзу менга ўтган. Шу-шу, бир нимадан кўнглим ёришгудек бўлса, дарҳол қайнатилган олма егим кеп қолади. Тентак хаёл, албатта,— деди у ва гапни бошқа томонга бурди.— Мен тахминан мана шу пайтда, шом пайтида туғилганман. Сиз-чи?

— Эрта тонг, зулмат билан ёруғлик дуч келган маҳалда. Шунинг учун Катта ойим менга эрта тонгга ўхшаган олачипор ўрдак атаган. Уша йили бу ўрдак тухум қўймаган. Бироқ бунинг эвазига келгуси йили (буям менинг бахтим-да!) бир телпак тухум қўйгану жўжа очган... Ҳарқалай, шундай дейишади.

— Катта ойим деб, бувингизни айтяпсизми?

— Йўқ, Катта ойим, яъни дадамнинг катта хотини. Дадамнинг иккита хотини бўлган..

— Ҳа, биладан, биладан!— деди Людмила.— Шарриат! Сиз ҳам қўш хотин оласизми? Унақа қилманг. Икковидан биттаси, албатта, бахтсиз бўлади. Эҳтимол, иккови ҳам. Ҳатто учовингиз ҳам бахтсиз бўласиз. Ҳалиги олачипор ўрдак жўжа очганига ишонаман. Сиз омадли одамсиз. Мен буни дарҳол сезганман.

Ер қаъридан кўтарила бошлаган зулмат ойнинг қаршилигига учради. Ой ўзининг нимжон шуъласи билан зулматни суюлтириб юборди-ю, оламга ҳоким бўлиб олди. Салқин оқшом совуқ тунга айланди. Мен Людмилани уйга қайтишга қистадим. У олдин қаршилиқ қилди, кейин кўнди. Чунки, мен унинг ўз сўзларини эслатдим:

— Бизга ато қилинган кичкинагина шодликни кўп кўрмайлик. У лип этиб, биздан учиб кетиши мумкин.

Мен уни ўз ётоғигача кузатиб қўйдим.

— Қизиқ, мен ҳеч чарчаганим йўқ. Қайтага анча енгил сезяпман ўзимни,— деди у ва қўлини узатди. «Хайр, мени ёдингдан чиқарма»,— деди бу қўл.

Кириб ётдим, лекин анчагача уйқум келавермади. Кинодан ҳамсояларим қайтиб келишди, мени уйғотиб юбормаслик учун аста ечиниб кўрпага киришди-ю, сал ўтмай мазза қилиб пинакка кетишди.

Бетакаллуф ой хонам бўйлаб кезар, ҳамма бурчакларга кўз ташлар, ҳамма нарсани силаб-сийпаб кўрарди. У стулнинг суянчиғига осиб қўйилган камарининг тўқасини қимирлатиб кўрди, қўйлагимнинг туг-

маларини санаб чиқди. Ажабо: бу шуъла Людмилани, унинг юзлари, пешонаси, қўлларини силаётганмикин? Унг қўлининг ўрта бармоғидаги узуги ярқираётганмикин шу топда? У кўзларини юмиб ётган бўлса керак, уйқуга кетган бўлса керак ҳозир?

Хайрли кеч, Людмила!

Нега менинг уйқум қочиб кетди? Қизиқ, қайнатилган олманинг таъми қанақа бўларкин? Ҳиди-чи? Қайнатилган олманинг таъми тугул ўзини ҳам умримда кўрмаганман. Жуда ширин бўлса керак. Қачондир бир пайтлар ҳам ой мени мана шунақа қийнаб уйқу бермаганди. Виз болалар шаҳарга кулча ейишга боришга қарор қилганимизда ой мана шунақа дераза токчасига ўтириб олиб, узоқ вақт кетмаганди. Лекин унда ҳам бунчалик қийналмагандим. Балки кейинроқ, юрак муҳаббат эҳтиросларига тўлиб-тошган пайтларда ой билан мана шунақа висол дамлари бошлангандир. Эҳтимол, бундай висол онлари яна насиб этар?

Эрталаб тонг отар-отмас бозорга равона бўлдим. Кўчаларда одам сийрак. Тепаси лой шувоқ қилинган уйнинг олдида чекиб бир чол ўтирарди. Мен ундан йўл сўрадим. У оғзидан чилимни олиб, сидқидилдан тушунтиришга киришди. Чол шундай батафсил ва шундай ноаниқ гапирардики, у тушунтирган сайин бовор мендан узоқлашиб бораётгандай, йўли эса, баттар чалкашиб кетгандай туюларди. Чол буни ўзиям сезса керак, гапни ҳадеб бошидан бошларди. Ниҳоят, чолнинг сўзини илғаб олгандай бўлдим у ташаккур билдириб, у айтган йўлдан кетдим. Биринчи муюлишдаёқ менга катта сават кўтарган бир хотин учради. Адашиб кетмай, деб ундан ҳам йўл сўрадим.

— Ана турипти-ку бозор! — деб иягини қоқди у. — Бурнингнинг тагида турипти!

Бозор чиндан ҳам «бурнимнинг тагида» экан. Чол эса, мени йўлимдан адаштириб юборишига сал қолибди. Дуч келган одамдан гап сўрасанг, шунақа бўлади ўзи. Бозор тўла хотин-халаж, кампирлар бири тузланган бодринг, бири карам, бири саримсоқ, бири туршак, бири картошка, бири сузма ва яна кўп нарсаларни сотиб ўтиришарди. Бунинг ҳаммасини илгарилари ҳам ўрганман, кўрмаган нарсам йўқ. Мен аввал ҳамма расталарни айланиб чиқдим, қидирган нарсамни синчиклаб қарадим ва уни тополмагандан кейингина сў-

раб-суриштиришга киришдим. Жавоб битта эди — «йўқ». Баъзи ёшроқ жувонлар илмоқли гап ота бош-лашди.

— Ҳа, кўнгиллари тузланган нарса тусаган пайт-ми, дейман?

— Бунинг давоси қайнатилган олма-да!

— Виламан кўнгил тусаса бўлди, топмасдан илож қолмайди.

— Илож қолмагани ҳам майли-ю, дод деб, юбор-япти кўнгил! — дедим мен.

— Унақа бўлса, қиз кўрасан!

— Нима ҳам дердим? Тақдирдан қочиб қутулиш қийин!

Бири қоп, бири челақ, бири сумка кўтарган аёллар тинимсиз оқиб келишарди. Мен бир неча марта улар-нинг олдидан ўтдим.

— Тузланган олма йўқми?

— Йўқ?

— Йўқми?

— Йўқ...

Ловия сотаётган хушсурат бир аёл ўзи гапириб қолди:

— Боядан бери кўриб турибман — бозорни беш марта айланиб чиқдинг. Тузланган олма эмас, ўлимга шифо бўладиган дори қидираётганга ўхшайсан.

— Шунақа бўлмаса қидирмас эдим. Ўзим учун эмас, ўзим тузланган олманинг таъмини ҳам билмай-ман.

— Янглишмасам уйда бочканинг тагида уч-тўрт-таси қолувди, шекилли. Мана бу беш-олти стакан қолган нарсамни сотиб қутилиб олай, бориб кўраман.

— Менга беш-олти стакан ловия ҳам керак эди.

— Алдамай қўя қол, солдат, ловияни бошингга урармидинг? Пулни совурмай қўя қол, усиз ҳам бўй-нинг қилтириқдай бўп қопти. Бор, ана у дарахтнинг соясида ўтириб тур.

Молини сотиб бўлдими, йўқми — билмадим, сал-дан кейин ҳалиги хотин ёнимга келди.

— Юр, солдат.

Мен унинг кетидан юрдим. Сал ўтмай аёл тўхтади.

— Э-э... ўзингниям ишинг пачава-ку! Бўйинтири-нинг қисяптими? Қадам ташлашингнинг мазаси йўқ.

Тор кўчалар бўйлаб гоҳ ўннга, гоҳ чапга бурилиб, анча юрдик. Ниҳоят, тоғ этагига жойлашган ва бир томонга қийшайиб қолган ғарибгина бир кулбанинг олдида тўхтадик. Аёл ипдан қилинган эшик сиртмоғини бўшатди.

— Бизнинг кулбамиз мана шу бўлади.

— Ёмон бўлсаям ўз ватанингиз.

— Бу кулбани мен қурганим йўқ, жигарим. Эгаси йўқ, ташландиқ жой экан, йўқдан кўра бор деб, кириб олдим.

Қийшиқ девор орқасидаги пастаккина стулда бир кампир ўтирарди. Эшик ғичирлашини эшитиб, қулоғини динг қилди.

— Сенмисан, Галинка.

— Ҳа, менман, ойи.

— Қадамингни узоқдан эшитдим. Меҳмон ҳам бор, чоғи?

— Ҳа, бор.

Уйга киргач, Галина гапириб берди:

— Ойим бомбанинг тагида қолиб, кўзидан айрилди. Бомба Украинадаги уйимизга тушди. Бир зумда бутун бор-йўғимиздан айрилдик. Яхшиям, ойим чорбоғда юрувди.

Ташқарига чиқиб кетган Галина бир оздан кейин кичкинагина ликопчада олмага ўхшамаган буришиб-тиришиб қолган бир нарсани олиб кирди.

— Бор-йўғи шу. Ликопчани беролмайман, идиш-товоққа зормиз.

У шкафнинг орқасидан бир парча қалин, сариқ қоғоз олиб, олмаларни шунга ўради. Мен ҳақини тўлай деб, чўнтагимдан пул чиқардим.

— Улимга шифо бўлғувчи дори учун пул олмаймиз, худога шукур, украиналикмиз биз, — деб Галина мени уялтирди. — Еган одам шифо топсин.

Ўша кунни мен бу ғариб кулбадан буришиб-тиришиб қолган уч дона олма эмас, бебаҳо бир хазина олиб чиққандек эдим!

О, одамлар, сир-асрорга тўла бани одамлар! Қалбларингиз сахийлигини ҳеч қачон билиб бўлмайди. Галина! Хаёлан мен яна сизга мурожаат қиламан. Сиз билан бўлган ўша учрашувдан кейин, менинг ҳаётимда кўп воқеалар рўй берди. Улуғ кошоналарда менга мукофотлар топширилди. Бу мукофотларни менга жу-



да мўътабар, жуда ҳурматли одамлар топширишди; олижаноб ва инсофли кишиларнинг оғзидан кўп мақтов ва улуғловчи сўзлар эшитдим. Бу нарсалар мени кўп хурсанд қилди, лекин бу қувончлар ўша кунги сиз ва сизга ўхшаган бошқа одамларнинг инъомидан қалбимда ёнган ёруғ шуълани жиндак бўлса ҳам хиралаштирмади. Чунки, хиралаштиргудек бўлса, кўп нарсадан айрилиб, қашшоқлашиб қолишимни билардим!

Топган бойлигимни кўксимга босганимча госпиталга қараб чопдим. Ҳаяжондан йўлимдан адашиб кетдим, сўнг қидириб топган эдим, яна адашдим ва ниҳоят, зўр-базўр етиб бордим.

Госпиталда тўғри Людмиланинг олдига кирдим. Ўша куни унинг аҳволи тузук бўлса керак, ясаниб олибди, баланд қилиб турмакланган сочларини оқ лента билан боғлаб қўйибди, ҳатто аллақандай яшариб кетибди. Сал шишинқираган дўрдоқ лаблари ёш қизчаларнинг лабларини эслатарди. У дераза олдидаги табуреткада болалар учун қалпоқча тўқиб ўтирарди. Қизиқ: болага қалпоқча тўқишнинг сабаби нима?

Людмила мени кўриб қўлидаги ишини бир четга йиғиштириб қўйди-да, ўрнидан турди. Унинг чехрасида: «Бир кўриб қўйинг, қанақаман мен?» деган бир гап ёзиб қўйилган эди.

Мен остонадан ҳатлаб ўтмасданоқ:

— Агар,— дедим саломлашишни ҳам унутиб,— қўлимда нима борлигини айтиб беролсангиз, катта совға оласиз!

— Салом,— деди у.

Мен довдираб қолдим.

— Кечирасиз... Салом.

— Агар айтиб беролмасам-чи? Буним кимга инъом этасиз,— деди Людмила қўлимдаги тугунга ишора қилиб.

— Бари бир сизга тортиқ қиламан.

— Қизиқ бўлди-ку!— Людмила шўхлиги тутганда бу иборани кўп айтарди.— Йўқ, ўлсам ҳам тополмайман. Агар мени ўлиб қолмасин десангиз тезроқ кўрсатинг!

— Мен сизнинг дунё тургунча туришингизни истайман!— Тугунни шошилмасдан ечдим. Мана, қора-

йиб, буришиб-тиришиб қолган ёнгоқдеккина учта олма кўринди.

— Вой олма? Қайнатилган олма? Ё, тавба! Қанақа сеҳргарсиз ўзи? Мен буларни сўнгра, сиз кетгандан кейин ейман!— Людмила шундай деб, уларни қайта тугунга тугди-да, қутичага қўйиб қўйди.

— Раҳмат, капитан. Бунақа совғалар сира эсдан чиқмайди.

Эҳтимол, Людмила бу олмани кеча қўмсагану, бугун балки уни оғзига ҳам олмас. Бироқ унинг қувончи самимий эди. Олмани қаердан ва қандай топганимни сўрамади ҳам. Бу ҳам унинг киши қалбини нозик туюшидан, олижаноблигидан далолат берарди.

— Қани, ўтирайлик.

Ўтиришимиз билан у яна ўз ишига киришди.

— Қизчаларимга қалпоқча тўқишга аҳд қилдим,— деди у.— Биринчи эримдан эгизак қизларим бор. Яқинда тўрт ёшга тўлишади. Бирови отасига ўхшайди, бирови менга. Чинакам читтакчалар!

Ўша кунни Людмила жуда бамайлихотир кўринар, ўзини жуда вазмин тутар, ҳеч нарсага алаҳсимас, қўллари ҳам тез ва хотиржам ҳаракат қилишарди. Мен унинг кўзларига тикилишга журъат этолмайман. Афтидан, кўзлари ҳам бугун осойишта порлаб турган бўлса керак.

— Менинг ҳам тўрт яшар ўғилчам бор,— дедим мен. Бунни айтишим билан қулоқларим остида ўғилчамнинг сўзлари янграгандай бўлди. Касалга чалинишимдан аввал отпускага борганимда ўғилчам бўйнимдан маҳкам қучоқлаб:

— Мен энди бир ўзингни ҳеч қачон урушга юбормайман!— деб хитоб қилганди.— Ҳеч қачон, ҳеч қачон.

— Сизнинг ўғилчангиз ҳам тўрт яшар бўлса... бу жуда қизиқ-ку! Хоҳласангиз мен унга ҳам қалпоқча тўқиб бераман.

— Уғлим — йигит бўп қолди. У энди шапка кияди.

— Кимга ўхшайди у?

Граната парчаси тешиб ўтган комсомол билетим орасидан ўғилчамнинг онаси билан қўшилиб тушган суратини олиб кўрсатдим.

— Ойисига ўхшаркан. Ювош бўлади. Мен кўнглим гаш бўлмасин деб, қизларимнинг суратини олмадим. Суратга қарасам, ҳар сафар йиғлайман.— Людмила яна суратга тикилди.— Хотинингизнинг кўзлари ақлли экан. Чиройли хотинларга ақл керакмас деб, бекор айтишади. Енгилтак гўзал нозаниндан ёмон кўрганам йўқ. Мен уларни табиатнинг хатоси, катта хатоси деб ўйлайман...

Мана, касални енгиб, куч йиғиб, ўзимизни бардам сезадиган пайтлар ҳам келди. Лекин тоққа чиқишга ҳамон журъат қилолмайсиз, фақат кечқурунлари, кундузги жазирама сал пасайганда денгизга борамиз. Қирғоққа ўтириб олиб, кўпик сачратиб, бир-бири билан олишган тўлқинларни, тўлқин билан беллашиб чўмилиб юрган соғлом одамларни тамоша қиламиз. Гоҳо ҳарир тутун шаклида олис уфқдан ўтган кемаларни кузатиб, уларни ўз аро тақсимлаймиз — бири Людмилага, иккинчиси менга, учинчиси унга, тўртинчиси менга... Кемага бой бўп кетдигу, ҳамон қирғоқдан жилолмаймиз.

Айни замонда Людмила ё кўнгли менга совуди ё ўзини тийиб олди,— илгаригидай сочларимни силамайди, қўллари эса, учрашганимизда ҳам, хайрлашаётганимизда ҳам аввалгидай «гапирмайди», сукут сақлайди. Лекин бир-икки кун кўришмай қолсак, ўзи деразам тагига келиб, мени чақириб олади. Мен эсам, кўнглим ҳамон унга қараб талпинади. Унинг ҳамхоналари билан менинг ҳамсояларим бизни сув билан ҳам ажратиб бўлмайдиган ошиқ-маъшуқлар, деб ўйлашади.

Севги дардидай оғир дард йўқлигини биладими ёрдўстларимиз, бизга ҳамиша хайрихоҳлик билдиришади: кўнглимизни кўтаришади. Ҳатто Мария Аристарховна ҳам энди бизни кўрганда... ўзини кўриб кўрмаганликка олади. Фақат битта одам — Киевдан келган ёш бир подполковник Людмиланинг атрофида парвона бўлиб, йўлларига тузоқ қўя бошлади. Кўчада кўриб қолса орқасидан эргашади, кинога борсак атрофимизда ўралашиб, мени четга суриб қўйишга ҳаракат қилади. Людмиланинг хонасига мен ўтирган пайтимда ҳам эшикни тақиллатиб келади. Бироқ сал ўтмай попуги пасайиб қолди. Чунки, Людмила бир кун бу бефаҳмга:

— Уртоқ подполковник, кўриб турибсизки, менинг кўнглим капитанда, — деб очиқдан-очиқ айтди.

...Чорак асрдан кейин бу подполковник бир иш билан Уфага келди. Одамлардан суриштириб, мени излаб топди, уйимизда меҳмон бўлди. Ушанда Людмила шунчаки ёқтириб қолмаганини, балки астойдил, бутун вужуди билан севиб қолганини, уни бир умр унутмаслигини гапириб берди. «Чунки, мен ўшанда унинг қалби пок, сеҳргар бир инсон эканини билгандим. Сиз бахтли одамсиз, чунки унинг меҳрига муясар бўлгансиз. Уша баҳор мен сизни тиш-тирноғимгача ёмон кўргандим. Мана энди ўзим излаб топдим. Қандайдир бир куч мени сизга ўзи бошлаб келди, келди-ю, кўнглим таскин топгандай бўлди»... Бу одам аллақачон ҳарбий ишдан кетган, гап-сўзлари вазмин, осойишта, ўзиям ювошгина кўринади. Демак, аввал уни олғир қилиб кўрсатган нарса муҳаббат экан.

Мен ҳам энди Людмила учун бировнинг ўрнини босяпганим йўқ, ўзимча эркин юрибман. Шу боисдан бу одамга нисбатан мен ҳам ўзимни осойишта тутдим. У маҳалда эса... мен Людмилани ёт эркакларнинг ёмон кўзларидан асрардим, ўзимни унга қалқон қилиб турардим...

Ниҳоят, жўнайдиган пайтимиз ҳам келди. Биз бирга кетадиган бўлдик. Кечқурун кўчада узоқ ўтирдик. Аввалги ой тугаган, кўкда кичкинагина букригина янги ой туққанди. У кўкда ҳам эмас, шундоқ ёнгинамизда ўсган магнолия шохларига осилиб турар, қўл чўзсанг тегарди. Лекин ойга қарашга ҳам мажолим йўқ, чунки Людмила қаттиқ изтиробда эди. Назаримда, барча яхши сўзлар қайлардадир адашиб қолган, эсдаликларга ўтишга ҳали эрта, ваъдалар эса... ҳар қандай ваъда ҳам сохта туюларди.

Сўзни Людмила бошлади:

— Раҳмат сизга, капитан.

— Қайси яхшиликларим учун?

— Буни ўзим ҳам билмайман, нима учунлигини айтиб беролмайман. — Людмила қўлимни кафтига олди, бироқ қўйиб юбормади. «Сен мен учун жуда азизсан, бироқ нима учунлигини айтиб беролмайман, айтишга қўрқаман», деди унинг кафти. Кейин, яна бир нима деди: лекин нима деганини илғаб ололмадим.

Эртасига барвақт салқинда йўлга чиқдик. Авто-

бусда одам тирбанд бўлса ҳам Симферополга яхши етиб бордик. Йўлда Людмила кўп қийналмади. Поезд кечқурун кетаркан. Бизни бекат яқинидаги бир уйга жойлаштиришди.

Автобусдан тушишимиз билан сўйлоқ тишли пака-нагина бир лейтенант атрофимда парвона бўлиб қолди. У менга бир нима демоқчи бўлар, имо-ишоралар билан четга чақирарди. Лекин у билан гаплашишга фурсат йўқ, чамадонларни ичкарига олиб кириб, Людмилани жойлаштиришим керак эди. Бу ишларни қилиб, кўчага чиқишим билан яна лейтенант пайдо бўлди-ю, муштдеккина бўйини чўзиб, рўпарамда ғоз турди.

— Лейтенант Уточкин. Леня Уточкин. Танишиб қўяйлик, — деб у бошини орқага ташлади. Шу топда у менга дон ютаётган ўрдак болачасини эслатди. Агар у ўзини Уточкин, яъни Ўрдакбоев демаганида, эҳтимол бу фикр менинг хаёлимга ҳам келмас эди.

— Танишиб қўяйлик, капитан. Бу иссиқда кечқурунгача адойи тамом бўламиз-ку, капитан. Устига-устак, бекорчидан худо безор дегандек, кунимиз ҳам бекор ўтмасин-да!

— Бекор ўтмаслиги учун нима иш бор?

— Бунинг учун шароб ичиш керак. Мен шу атрофда тинчгина яхши бир жойни биламан. Борамизми?

Бунақа «иш» деганда менинг ҳам жоним киради. Биров ишора қилса бас, дарҳол томоғим қичиб қоларди. Фақат Людмилага айтиб қўйиш керак, бўлма-са у ранжиб қолиши мумкин...

— Мен ҳозир айтиб чиқаман.

— Ка-питан! — деди Уточкин чўзиб. — Сен, ахир, Европани озод қилган солдатсан-ку, ўз эркингни қўлдан берма! Қимдан ижозат сўрайсан? Кетдик!

— Уёқда бир аёл бор...

— Аёл бўлса — кутсин-да!

«Солдат вино ичганда,

Севгилиси кутсин-да, кутсин-да»

деган қўшиқ бор-ку, эшитганмисан? Жуда тўғри айтилганда ўша қўшиқда!

Бу муштдеккина лейтенант елимдай ёпишиб олди. Менинг арзи додимга қулоқ ҳам солмасдан судраб

кетди. Ичимда ўзимни койиб, унга қаршилиқ қилган бўламану, бироқ силтаб ташлашга журъат қилолмай унга эргашиб кетдим.

Уточкин мени қайси бир шаробхонага бошлаб борди. Шаробхонанинг эшиги берк, деразаларига тахта қоқилган эди.

— Шунақаси яхши. Ҳеч ким халақит бермайди! — деди менинг раҳнамом. У шаробхонанинг орқасига ўтиб, эшигини қоқди. Ҳеч ким жавоб бермади. Жавоб бўлмагач, у телеграф аппаратининг тиқирлашидан қилиб тиқирлатди. Шу заҳотиёқ илоҳий бир кучга бўйсунгандек, эшик шарақлаб очилди. Бизни бир оёғи ёғоч армани чол қарши олди.

— Э, лейтенант, урушдан қайтибсан-да!

— Уйга кетяпман, бобожон. Сенинг ёғоч оёғингга ўхшаган оқ билет беришди. Энди қайта армияга олишмайди.

— Мен ёғоч оёғимдан хафа эмасман. Совуқ емайди, оғримайди, ҳамма нарсага дош беради. Нима ичсанлар?

— Нима бўлсаям яхшироғидан бўлсин.

Ишни бир стакан нордонроқ оқ винодан бошладик, кейин ширинроқ пушти рангидан татиб кўрдикда, охири қизилига ўтдик. Шу тақлид косалар бир қайтарилгандан кейин, лейтенант Уточкин гурсиллатиб столга мушт урди.

— Мен аслида генерал бўлиб туғилганман! Отлиқ аскарлар генерали! Энди бўлса... бор-йўғи лейтенант бўлиб отставкага чиқдим. Уқ эмас, бўш пистон деган гап!

— Омон қолиб, тирик юрганингга шукр қил, эси паст! — деб сўкинди, шаробхона хўжайини.

— Гўнг қўнгизи ҳам умр кечиради! Энди мен мана бу ақинчоқ-тақинчоқларни пода боққанда киядиган кўйлагимга тақиб юраманми? — лейтенант қўли билан кўкси тўла орден-медалларини пайпаслаб қўйди. Уларнинг жаранги ҳам қандайдир ғарибона эшитилди.

— Йигирма уч ёшида барча орзу-умидларининг пучга чиқиши оғир тегаркан кишига, оғир тегаркан, оғайни...

Мен кайфим ошиб қолган бўлсам ҳам Леня Уточкиннинг дардига ҳамдард бўлишга қодир эдим. Би-

роқ биз гўё икки олам, икки даврда яшаётган одамларга ўхшаймиз, унинг барча орзу-умидлари сўниб бўлган, мен эсам, омон бўлсам, келажакдан умидим катта. У барча дарду ҳасратлари, аламларини ичига ютиб, сирти ялтироқ, ичи қалтироқ бўлиб юрган экан, энди мен унга нима ҳам дейман, қандай қилиб тасалли бераман?

Умримда биринчи бор бундай оғир аҳволга тушим. Биз урушдан омон қолганлар, боя кекса армани айтгандек, шунинг ўзигаёқ шукр қиламиз. Лёня Уточкинга эса, омон қолиш камлик қиларди!

Тўсатдан лейтенант арзу додига чек қўйди-ю, яна ўз шаклу шамоилига кирди. Енг шимариб, яна шароб дарёсига шўнғидик. Армани чолнинг шаробхонасидан кейин, қайси бир ертўлага тушдик, бир кружкадан пиво сипқардик, кейин бир қарасам, бозорда юрибмиз. Орқага қайтишда эса, бекатдаги буфетга кирдик. Лекин буфетда «ишга киришишга» улгурмадик, бир маҳал кимдир қўлимдан тортди.

— Капитан! Мен сизни қидириб бутун шаҳарни айланиб чиқдим. Жуда қўрқиб кетдим, а? Хайрият, эсон-омон юрган экансиз.

Бошимни кўтардим. Лекин гапиришга мажолим йўқ. Ғўлдирайман. Тилим танглайимга ёпишиб қопти.

— Вой худойим-ей! Одам ҳам ўзини шу аҳволга соладими?

Аввал тоқчадаги шишалар, кейин девору эшик-де-разалар чайқалиб кетди. Улар ағдарилиб тушиши ҳам мумкин эди. Лекин шу пайт кўз олдимни тўсган ҳамма нарса гириллаб айлана бошлади, фақат менга тикилган бир жуфт шаҳло кўзлар тикилганича қотиб қолган. Мен гўё эриб кетдим. Йўқ, эрияпганим йўқ, бу кўзлар мени ўз қаърига тортиб кетди.

Мен шарақ-шуруқ овозлардан уйғониб кетдим. Қарасам, поездда кетяпмиз. Пенюамда ҳўл латта. Кимдир уни қўли билан ушлаб ўтирибди. Бу қўлни силаман. У Людмиланинг қўли. Кечаги маст-аласт аҳволим кўз олдимга келди-ю, қўрққанымдан кўзимни қайта юмдим. Бироқ кечаги антика манзаралар тобора яқинлашиб келмоқда, улар тобора жонланиб, тобора ёрқинлашиб, уятдан эзиб ташламоқда. Бу уят бир умр ювганда ҳам кетмайди энди...

— Сув берайми?

— Майли.

Людмила бўйнимдан қучиб бошимни кўтарди. Қўллари иссиқ, улар озгина титрапти, чоғи.

— Агар... агар кечира олсангиз, мени кечиринг, Людмила.

— Яхши... Сувни ичинг, соқолли гўдак! Бир-икки марта нафас олмай қолдингиз. Шундай қўрқдим, шундай қўрқдим! Ичинг деяпман сизга!— сувни ичиб бўлгунимча у стаканни ушлаб турди.

Юқорида кимнингдир катта озғин оёғи осилиб турарди. Бу оёқ вагоннинг силкинишига мос бир ҳаракат билан аста қимирлаб турибди. Кечаги арман чолнинг кесилган оёғи бўлса керак бу! Йўқ, алаҳсираяпман мен, ақлимдан озяпман...

— Алаҳсираяпманми, Людмила?

— Йўқ, ҳозир алаҳсираяпганингиз йўқ.— Людмила бошимни ёстиққа қўйди:

— Ухланг.

— Сиз-чи?

— Мен ҳам ухлайман.

Кечаси билан Людмила тепамда ўтириб чиқди. Қачон уйғонмай, пешонамга ҳўл латта қўйиб ўтирганини кўраман. Эрталабга бориб, ўзимни енгил сездим. Людмила шундагина ечинмасдан жойига чўзилди. Мен ҳам шундагина биринчи бор унинг юзига узоқ тикилиб қолдим. Мен унинг узун-узун киприкларига, сал дўрдоқ лабларига, кенг пешонасига, қоп-қора сочлари орасига яширинган кичкина қулоқларига қарар, тўғрироғи қараб тўймас эдим. У, афтидан, менинг қадалиб қараётганимни сезгандир, кўзини очди:

— Ҳа, намунча тикилиб қолдингиз, капитан?

— Ҳижрон дамлари яқинлашяпти-ку. Видолашгандан кейин қарагим келса ҳам...

— Вақтидан олдин ташвиш чекманг. Ҳали олдимизда узун кун турипти. Йил давомида энг узун кун — йигирма учинчи июнь...

Умримда бунчалик тез учиб ўтган қисқа кунни билмайман. Худди тошни тошга урганда чиққан учқундай ярқ этди-ю, ўтди-кетди. Мен на купеда бирга ўтирган одамларни, на деразе ортидан учиб ўтаётган ям-яшил оламни кўрадим — бутун вужудим билан Людмиланинг кўзларига тикилардим. У бўлса, назаримда, кўзларини бир очиб юмгандек бўлди, холос!



Кечаси Сталинградга етиб бордик. Поезд у ерда ярим соат турар, Людмила Сталинграддан Ростовга жўнаб кетиши, уни эри кутиб олиши керак эди. Биз буюмларни кўтариб вагондан тушдик. Эрини кутиб турибмиз. Ҳеч ким кўринмайди. Беш минут ўтди, ўн минут... Кутяпмиз, гаплашадиган гап йўқ. Бир оздан кейин бошқа одам билан бошқа гаплар гаплашилади. Лекин бу одам ҳамон кўринмайди. Ахийри, уни кутмасдан бекатга боришга қарор қилдик. Нарироқда тахтадан қурилган бир бино кўринар, бекат деганлари шу бино эди. Унинг ёнига яқинлашганимизда Людмила тўхтаб қўлини берди.

— Хайр, капитан, омон бўл. Хат ёз. Биттагина хат.

Людмила ичкарига киришимни истамасди. Мен унинг чамадонини остонага қўйиб, поездга қараб чопдим. Нафасим тиқилиб, тўхтаб қоламан. Ёмғир шаррос қуярди. Бунинг устига шамол бот-бот юзимга урилар, мен шалаббо бўлиб кетган эдим. Перронгача чопиб бордим, составимизни кўрдиму, кўнглим жойига тушди. Тўхтаб, нафасимни ростлаб олдим. Бирдан ёмғирнинг шар-шарини босиб, кимсасиз перронда бир одамнинг аллакимни чақиргани янграб эшитилди. Овоз шу қадар хавотирли эдики, ё кимдир бу машъум тун қоронғисида адашиб қолганга ёки адашган одамни излаётганга ўхшарди:

— Людмила! Людмила Соколова, қаердасан? Людмила! Людмила Соколова!

Бақираётган киши менинг орқамдан поезднинг охиригача чопиб борди. Мен қайрилиб қарамадим. Овоз ҳамон:

— Людмила Соколова, қаердасан? Людмила! Людмила Соколова!— деб такрорларди. Ёмғирнинг шаршари бора-бора уни ютиб юборди.

Бу чақириқ менинг юрагимни тилкалаб ўтди. Поездга чиққанимда ҳам, поезддан тушганимда ҳам, ётганимда ҳам, юрганимда ҳам қулоғимда ва қалбимда ўша садо янграйди. Энди менинг ўзим чақираман, адашган кўнглим: «Людмила Соколова, қаёқдасан?!» деб қичқиради. Жавоб йўқ. Мен унга кетма-кет иккита мактуб ёздим. Бу севги мактублари эди. Биламан, Людмиланинг вақти зиқ, тушунаман, менинг муҳаббатимга даво йўқ, яққол кўриб турибман, менинг сўз-

ларим унга на тасалли бўла олади, на унинг юкини енгил қилади, шунга қарамай мен ёзавераман. Балки, менинг хатларим у ўлим тўшагида ётганда тегар, балки, унинг ақлли қўллари уларни очиб ҳам кўрмас, шунга қарамай мен ёзавераман. Ахир, мен тирикман-ку.

Хатларим тегибди. Жавоб келди.

«Э, қадрдон инсон!

Эҳтимол, сиз дастхатимдан бармоқларимнинг қалтираётганини сезарсиз. Ҳарфлар сочилиб кетяпти. Бари бир ёзйпман. Мен фақат бир нарсани айтгим келади, мен сизни, сизнинг ўз-ўзингизни севаман. Симферополда эмас, Ялтада бўлган пайтимизни севаман. Йўқ, ёлғон! Бўлиш, майдаланиш— бу одамга ярашадиган ишми? Мен ўтган умримизнинг ҳаммасини, бундан кейинги ҳаётингизнинг ҳам барини севаман. Мен бўлсам апрель ойидаёқ ҳаёт билан видолашишим керак эди. Ушанда, автобусдан тушиб, озгина юрдиму, чамадонга ўтирдим. Денгиз билан, тоғлар билан видолашдим. Сиз рўпарамга келиб тўхтадингиз. Менинг изтиробларимни ҳеч кимса кўрмасин, деб мен сизни ҳайдадим. Ҳайдадим, ўша заҳоти пушаймон едим. Аммо биз яна учрашдик. Сиз нима иш қилганингизни биласизми? Сиз менга уч ой, бутун бошли уч ойлик умрингизни ҳадя қилдингиз... Уч ой мен фақат муҳаббат қучоғида яшадим. Уч ойгача муҳаббат мени ўлимдан сақлади. Агар биз илгарироқ учрашганимизда, балки, енгиб чиқармидик?.. Фақат энди кеч... Аммо шуниси учун ҳам сизга, тақдирга раҳмат... Менга ато қилмаган бахтимни ҳам, қувончларимни ҳам сизга қолдираман. Мен учун сиз қувонинг, мен учун сиз бахтли бўлинг. Қайгу чекманг...

*Людмила».*

Гимнастёркамнинг чўнтагидаги иккинчи хат мана шу эди.

Энди кимнинг қошига борай, бошимни кимнинг кафтларига босай? Катта ойимнинг илиқ қўллари аллақачон совуган. Унинг мангу қора кўрпаси — қора мозорига гоҳ яшил, гоҳ сарғиш, гоҳ оппоқ чойшаб ёпилади. У ерда ҳам фасллар алмашиниб туради...

Зийрак кишилар ўлимнинг ҳам қайси кунда, қайси соатда келарини биладилар, чоғи. Менинг Катта ойим кейинги йилларда сурункасига касал бўлди. Жигар-бағри оғриб ётди. Қишин-ёзин деярли ё анғиз илдизи, ё ёвшан қайнатиб ичди. Ёвшан қайнатмаси қурғурни оғизга олиб бўлмайди, шу қадар аччиқ нарса. Катта ойим афтини ҳам бужмайтирмай ичади шуни. Оғриқдан ҳам, ёвшан аччиғидан ҳам зорланмасди у. (Кимга зорлансин? Уйда у энг катта киши. Унинг ўз ҳасрати ҳам, андуҳи ҳам, ҳатто сирри ҳам йўқ. Унинг оғриган ери санчмайди, куйган ери ачишмайди. Бошқаларникигина ачишади. У ичган ёвшан ҳам аччиқ эмас, бошқалар учунгина аччиқ... Албатта, буларни мен сўнгроқ англаяжакман.)

Кечга томон юмшоққина капалак қор ёға бошлади. Дастлабки қор. Узоқ чўзилган қора куз худди кўз ўнгида оппоқ қишга айланди. Фаслни ўзгартириш осон, бунинг учун — қор булутининг ер устидан бир елпиниб ўтишигина керак экан. Бори шугина. Лекин ўша оқ дунё кўз очиб юмгунча ёнгинангизда тим қоронғи дунёга ҳам айланар экан. Бунисини ҳам мен ўз қону жонимда ҳис этдим.

Биринчи қор эндигина ҳавода йилтиллай бошлаган пайтда Катта ойим тўшакда ётди. Илгари доим хўжалик ётоғи, ички уйда бола-чақа билан бирга умр ўт казиб юрганди; Кичик ойимдан меҳмснхонага — де разаси кўчага қараган катта уйга жойи солишни сўради. Ётиш олдидан у янги гулдор кўйлак, тангали яшил камзулини кийди, бошига оқ рўмол боғлади. Солиҳ акам билан иккимиздан ўлимлик сандиғини ўз ёнига чиқартирди.

«Ўлимлик сандиғи» нима, биласизми? Ниҳоятда галати нарса у. Кексалар, ўз ўлимларига илгаритдан тайёргарлик кўришиб, қўлдан келганча тузуккина ўлимлик тўплайдилар. Ўзлари учун кафан, кафан ти кишга нина-ип, кафан билан бирга кийиладиган охи рат кўйлаги, жасадни ювишга совун, сепишга хушбўй атир ҳамда шунга ўхшаш бошқа жаназага керакли нарсалар ҳозирлайдилар. Булар — сандиқдаги мол мулкнинг озгина қисми, холос. Ундаги асосий хазина — марҳумнинг тирикларга атаган ҳадяларидир. Ал

батта, тирикларга у ўз қўли билан буларни улаша олмайди. Унинг номидан кимдир биров улашади. Одамни ўртаб юборадиган одат: ўзи дунёдан кўз юмибди-ю, худди тўйга келгандай ҳадя улашса... Бизда бу сал бошқача бўлди.

Биз кўтариб келган сандиқда Катта ойимнинг ана шундай бойлиги бор эди. Кўп бойлик тўплабди.

— Мен олис йўлга отландим, Вазифа, икки-уч кунгина шу ерда ёлғиз ётиб нафас олай-чи...— деди у, боши ёстиқча теккач.

Менинг юрагим шув этиб кетди. Ҳаммамиз ҳам муздай қотдик. Нима бу? Катта ойим эсдан оғяптими? Ундай десак, кўзлари тиниқ, ёқимли, фақат бир озгина ҳолдан тойган.

— Вой худойим, оталари ҳам уйда йўқ, аксига олиб! Ё Солиҳни ортидан юбораймикин?— деб довдиради Кичик ойим.

— Қайтиб қолар. Ҳали шошилишч эмас. Тегишли ишларни ҳам қилиб улгурамиз.

Йўқ, шошма-шошма, қандай сас бўлди бу ўзи? Катта ойим даҳшатли сўзлар айтди-ку. Товуши, ўзини тутишлари эса, худди ўша куни ҳам кечки чой ичиб ўтирган пайтда айтиладиган одатдаги гапларни эслатарди.

Ич-ичимдан овозсиз чиқаётган бир ҳиқиллаш томигимни сиқди, онгим эса бўлгуси даҳшатни қабул этмас, унга ишонмас эди. Мана шундай, осмоннинг бир томонидан дувиллаб яшин аралаш келаётган ёмғирни бошқа томондаги қуёш писанд ҳам қилмайди. Лекин озгина вақт ўтгач, қуёшнинг ўзи қора булут остида қолиб кетади. Устимизга ёпирилиб келаётган офат менинг зеҳнимда ҳали юз кўрсатиб улгурмаган эди.

Отам шаҳарда, Муртазо акам колхоз учун Уралда дарахт қирқмоқда, эркаклардан уйда Солиҳ акам билан менгина.

— Уғилларим, ёнимга келинлар,— деб Катта ойим бизни ўзи ётган бурчакка чақириб олди,— ҳар иккингизга ҳам ўтинчим бор.

Биз, афтидан, бошларимизни жуда қуйи эгиб олгандик.

— Бошларингни бундай эгманлар. Бардошли бўлинглар. Ҳали менинг сизларга буюрадиган юмушларим кўп.

— Биз нима, Катта ойи, юмушинг бўлса, бажармаган одамми... Ҳаш-паш дегунча... Сен буюрсанг бас, Катта ойи...— тутулиб-тутулиб гапирди Солиҳ акам.

— Ўзим она қорнидан қабул қилиб олган, киндигини кесган болаларни бир кўргим келяпти. Эртага шуларни йиғсанглар. Ўттиз кунлигидан тортиб, ўттиз ёшлигигача ҳаммаси келсин. — Унинг товушида буйруқ оҳанги янграб қолди.— Ҳаммаси! Уйма-уй юрманглар, хабар етказсанглар кифоя.

Хабар кўз очиб юмгунча овулга тарқалиб бўлди. Гапга тушунган киши ўзи билади, билмаганининг ота-онаси бор, тушунтиради. Қандайдир ғаройиб, ақлни ҳайрон қолдирадиган ҳолат рўй берганди. Аммо Катта ойим бўлар-бўлмас ишларни бошламаслиги маълум эди. Демак, бунда бир маъно бор.

Ўз тилагига кўра Катта ойим тунни ёлғиз ўтказди. Ўрнидан турмай эрта билан бир пиёла чой ичди. Бутун ризқи қолиб кетди. Мен энди молларга озиқ бериб оғилхонани тозалаётган эдим. Қор тинган, ташқарида жангиллаган қуруқ совуқ. Куннинг совуқлиги, софмусаффолиги, поёнсиз осмоннинг беғуборлиги бизнинг уйдаги аҳволга сира-сира мос келмасди. Дунё ўз ҳолича, биз ўз ҳолимизча эдик.

Эски уйда чой-нонни йиғиштириб улгурмасимиздан, бизникига одамлар йиғила бошлади. Даставвал, эмизакли боласини кўтариб, кетидан қора-қура тўрт нафар ўғилларини эргаштириб, Қора Юмагулнинг хотини кириб келди. Катта эгизаклари Ҳабибулла билан Хисматуллани мен биламан. Улар энди мактабга боришади. Иккинчи эгизаклари билан қўлидаги болани, туғилганида мен қатнашмаганим учун, яхши билмайман. Юмагулнинг жўжалари билан кетма-кет эшикдан Учхўроз кўчасидаги Қодирқул чолнинг букур ўғли Эшмирза бурнини суқди. Асқад билан Ҳамидхон бурчакдан жой олишди. «Зим-зиё кулбада қиз бечора тўкар кўз ёш» деганимиз — Фаридани кириб, печкага суянди. (У энди бўй етиб қолган. Ҳусну жамолига ҳайрон қолурлик. Лекин ҳали-ҳозирча биров унга кўз тиккани йўқ. Кўз тикса, маълум бўларди...) Кичкинтой укачалари-ю, сингилчаларини ё қўлидан етаклаб, ё кўтариб олган ўсмир болалар, ўсмир қизлар ҳамон келар эди. Эрли, хотинлилар ҳам кўзга ташланарди.

Баъзи бирлари — бола-чақали. Қисқаси, атак-чечак юргани, эмаклайдигани, югуриб юрадигани, йигит ёшига етгани, келин-кеват бўлгани, соқол-мўйлов қиргани — ҳамма-ҳаммаси келаверди, келаверди. Аввал эски уй тўлди. Катталар кичикларга ўрин бўшатиб, эшик олдига чиқишди. У ер ҳам торлик қилгач, ҳовлига сочилишди. Фақат туғишганларимиз йўқ, холос. Чунки Катта ойим ўз насл-насибамизга доялик қилмас эди. Улар бегона хотинларни дояликка чақиришарди. Айтганимдек, уй тўла, ҳовли тўла катта-кичик инсон болалари. Ҳатто баттоллиги, қаттоллиги билан ёмон ном чиқарган Тожиддин ҳам қолмаганди.

Овулдаги одамларнинг ҳаммаси Тожиддиндан қўрқар эди. Ҳов ўша очлик бўлган йили менинг ҳам қутимни учирди у. Мен хирмон ортида қувурчадан ўзим ясаган наганини отиб юрар эдим. Отишим бундай: ковагига бир чимдим дори соламан-да, қувурчанинг иккинчи тешиги олдида гугурт чақиб шартиллатаман. Қандайдир кутилмаганда Тожиддин чиқиб келди-ю, менинг наганимни тортиб олди. «А-ҳа, одам ўлдирмоқчимисан ҳали? Биласанми, сельсоветга айтсам, бу қуроқ учун нима қилишади? Турмага қамайдилар ё отиб ўлдирадлар. Бошинг кетди, бола!» — деб ўкирди. Қўрқувим товонимга бориб етди. Хароб бўлдим! Тожиддин шафқатни билмайди. Ялиниб-ёлвориш фойдасиз. Мен ўртаниб, ўлиб бораяпман. У, ниҳоятда, озгина шаштидан тушди: «Майли Катта ойинг ҳаққи қутқариб қоламан сени. Аммо қоронғи тушгач, менга ўша хирмон ортидан ўтиб, бир пақир картошка ташлаб кет. Картошкангни еримиз этагидаги эман тагига бўшат. Билиб қўй, челагинг тўла бўлсин! Бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим...» Наганимни чўнтагига тиқиб, ўз йўлига кетди. Бурилиб ҳам қарамади. Мен бошим қотганча қолдим. Ваъдасидан қайтмасайди энди! Қоронғи тушганда ертўладан лим-лим қилиб бир пақир картошкани ўмариб, айтган ерига ташлаб келдим. У сўзида турди, мени ҳеч ким сиқувга олмади. Шундай қилиб, осон қутулдим. Катта ойим бўлса, у менга бундай илтифот кўрсатмас, бош кетар эди... Ана ўша Тожиддин ҳам келганди. Мўмин-қобилгина, одоблигина, нақ муллаларнинг куёвими, дейсиз...

Одам тўлиб кетгач, мен Катта ойимнинг қошига жириб бордим:

— Ҳамма йиғилиб бўлишди, Катта ойи.

— Ҳамма тари ёнимга киришсин.

Бир-икки минут ичида меҳмонхона лиқ-лиқ одамга тўлди. Бола кўтарган оналар, неварасини келтирган бувилар ҳамда болалар ўрин етганча ўтиришди. Бошқалар тик тура қолишди. Қандай зоту қандай насл йўқ бу ерда! Қора сочлиги ҳам, сариқ сочлиги ҳам, қора кўзлиги ҳам, мовий кўзлиги ҳам, тугма қаншарлиги ҳам, қирра бурунлиги ҳам, гўзали ҳам, хунуги ҳам бор. Ушаларнинг ҳаммасига ҳам ҳаётга дастлабки фотиҳани менинг Катта ойим берган. Бизникилардан меҳмонхонага биргина мен кирдим. Беморнинг ихтиёри шундай эди.

Говур-ғувур, пичир-пичирлар дарҳол тинди. Болакайлар ҳам жимиб қолишди. Ҳатто болалар ҳам бундай тинч бўлиб қоладиган пайтдаги сукунат хавотирли, хатарли кўринаркан. Мана, ҳозир ҳам уйни ўша хавотир-хатар босганди.

Катта ойим вазмингина ўрнидан турди. Бошини оҳиста буриб, бирма-бир йиғилганларнинг юзига қараб чиқди. Қайсиларига узоқ тикилиб турди, қайсиларига кўз ташлабгина ўтди. Ора-сира исмларини ҳам айтиб, эсга олиб қўярди: «Кўпдан кўрганим йўқ сени, Забира, бўйинг чўзилиб қопти... Султоналининг кўзи тузалибди... Йиғлоқ Шаймуротнинг йиғлоқилиги ҳам битгандир, дейман... Кичкинтой Оқ Юлдуз отасига тортиб боряптими... Қани, келин, кичкинангни яна бир кўрай-чи...» Қора Юмагулнинг хотини, лабларини чипиллатиб пиш-пиш ухлаб ётган дўмбоқ чақалоқнинг юзини очиб, Катта ойим ёнига олиб борди. Катта ойим ҳали оти қўйилмаган ана шу болага ҳаммадан ҳам кўпроқ қараб турди (Овулимизнинг энг кенжа фарзанди, Катта ойим дунёда қабул қилиб олган энг сўнгги бола эди бу). Беморнинг назари энди Тожиддинда тўхтади. «Келган экансан, яхши!» — деб маъқуллади унинг қарашини.

Каттароқлар ажабланиб, бола-чақа қизариб-бўзариб, сал сабрсизлик билан энди нима гап бўлишини кутишарди. У ҳаммани бирма-бир шунчаки кўздан кечирини учунгина чақирмагандир, ахир. Бир кор-ҳол рўй берса керак. Кўнгилли томоша учун каллаи-саҳардан уларни чақиринмагани аниқ...

Катта ойим қаддини ростлаб ўтирди:

— Болалар, — деди у, — бу ёруғ дунёга мен ҳар бирингизни битта-биттадан қабул этдим. Рози-ризолашув учун ҳаммангизни бир йўла чақирдим. Келибсизлар, раҳмат. Менинг раҳматимни тушунмаганлар сал улғайганда тушунадилар. Ё катталар тушунтириб беришар. Ҳа, тириклигимда, видолашайлик, дедим. Мазам кетиб қолди. Дунё экан, билиб бўлмайти.

Кимдир пиқиллади. Уша Фаридани экан. Ҳамма унга бурилиб қаради.

Катта ойимнинг овозида менга таниш бўлмаган бир дағаллик эшитилди:

— Бундай йиғлайдиган бўлсак, болаларим, ҳозироқ тарқалишамиз. Мен сизни бунинг учун чақирмадим. Ҳали эрта. Вақти етгач, мен сизни бундан тиймайман. Тия олмайман ҳам. Ҳозир эса, бемалол, бошиқ хайрлашайлик.

Шундай дея, у кўнгилдан кўзга қалқиб чиқаётган ёш йўллари ҳам ёпиб қўйди.

— У кўнгли жуда юмшоқ бўлганидан, ойи, фақат шунинг учунгина... — деб Фаридани ёқлади Асқад.

Катта ойим бош силкиди, лекин гапни чўзмади. Кўринишдан сал-пал тин олиши лозим эди — бирпас индамай ўтирди. Сўнг, одатдаги мулоим, ёқимли товуши билан сўз бошлади.

— Васият айтиш, ўғит бериш учун йиғмадим мен сизни, болаларим. Бешикда ётиб, она кўксидан сут эмаётганларга ҳам, ер чопиб экин экаётганларга ҳам ҳамма фотиҳаларимни янгилаб, фақат ўз тилакларимни айтаман; яна бир-бирингизга яхшилик кўрсатинг, ўзингиз яхшилик кўрасиз.

— Раҳмат, ойи, унутмаймиз, — ҳамманинг кўнглидагини айтди Асқад. Яхши сўзнинг қадрини биларди, у.

Катта ойимнинг гапларига ҳамма бирдай тушунди, дейиш қийин, албатта. Буни унинг ўзи ҳам сезиб турарди. Лекин англамаганларига айтиб, юракларига эзгулик уруғини кўмиб қолдираман, вақти келиб бу уруғ униб чиқади, деб умид қиларди. Дарҳақиқат, бир дона буғдойдан ўттиз-қирқ буғдой донасига эга бўлган бошоқ униб чиқмайдими, ахир?

Бироқ болаларнинг инсоф билан чидамлилиқ қилиши кўпга етмади. Типирчилаб, шовқин сола бошлашди. Катта ойим бирдан устидаги кўрпа остидан



сирғалиб тушди-да, ўша сандиқнинг ёнига чўккалаб ўтирди. Унг қўли билан сандиқнинг қопқоғини салгина кўтариб қўйди.

— Ўз умримда мен жуда кўп ҳадялар олдим,— сўзланди у.— Сизнинг ҳар бирингиз туғилган соатда менга, раҳматлар айта-айта, қимматбаҳо совғалар келтиргансиз. Қимматбаҳо бўлмаганда ҳам, қимматбаҳо деб қабул қилдим. Товуқ берсангиз ғоз дедим, мис берсангиз кумуш дедим, бўзни шойи дедим.— У айёрона кулди.— Шундай қилиб бойиб, ошиб-тошиб кетдим. Мана, озмунча мол йиғмадим.— У сандиқ қопқоғини яна бир бор сийпади.— Дунёники дунёга қайтиши керак. Шу пайтгача фақат менга совға беришарди. Мана ҳозир ўша совғаларга жавобан мен ўзим ҳадя улашадиган вақт етди. Менга кўплар топширди, мен ҳам кўпларга топширишим керак.— У тингиллатиб сандиқнинг қопқоғини очиб юборди. Лекин бирон бир киши бўйинини чўзиб, ўша тарафга интилмади.— Тугма берсам туя ўрнида кўриб, қабул этинглар. Қани, тортқилашмайгина келинглар. Кичкиналарни олдинга ўтказинглар.

Кутилмаган томоша бошланди. Катта оймнинг юзи ёришиб, қўл ҳаракатлари енгиллашиб, бутун қиёфати эпчиллашиб, роҳатланиб кетди. Худди, у ҳозир ўз умрида энг буюк, энг муқаддас, энг гўзал ишни бажараётгандай эди. Ҳали аммо ҳеч ким ўрнидан жилгани йўқ. Довдираб кутмоқда эдилар. Катта ойм Қора Юмагулниёғ хотинига юзланди:

— Унда, келин, сендан бошлайлик,— чақалоқ учун у чиройли сўргич тутқазди. Қошида турган жажжи қизчанинг бўйнига қизил ипак тасма ташлади. Ҳабибулла билан Хисматуллага биттадан қалам тегди. Шундай кетди!.. Энди болалар, дадилланиб, ўзлари сандиқни ўраб олишди. Лекин қўл чўзгани кўринмайди, борганда сабр қилиб кутишади. Улашувчининг сахий қўллари борган сари қимматлироқ нарсаларни чиқарар эди. Кимга тош қўғирчоқ, кимга ҳуштак, кимга ғалтак, кимга кичкина резинка тўп, кимга қалайи аскарча, кимга ангишвона, кимга йилтироқ тошли тўғноғич тегди. Катталарнинг улушига зўрроқ нарсалар ҳам тушди: нафис исли совун, жимчилоқдаккина шишада хушбўй атир, эгри тароқ, упа, мис балдоқ, темир қўбиз, соч ўришга очпушти лента, бронза

омбур ва ҳоказо. Ҳадясини олган ҳар бир киши узоқ ўраллашиб турмай, дарров ўз ўрнига боради. Туртиниш-сиқилиш йўқ. Шундоғам бошда ғалати кўринган бу ташвиш анча вақтгача чўзилди. Катта ойим чарчади. Лекин қошига келган ҳар бир кимсанинг — биринчисидан тортиб то охиргисигача — елкасига қоқиб, бошини силади. На ёшини-ю, на қарисини бундан маҳрум этди. Негадир Тожиддинга етгандагина марҳаматини унутди. Ҳадясини узатганда, унинг кўзига бир турли ачиниш билан қаради-ю, бошини четга бурди.

— Ҳаммангизга улиш тегдими? — деди охири.

Ўртадан садо чиқмади.

— Қуруқ қолганлар йўқми?

Яна жимлик.

— Ундай бўлса, майли, булари жаназага қолади, — деб Катта ойим сандиқ қопқоғини ёпди.

Шунда эшик олдида турган олти-етти ёшдаги тимқора сочли бир қиз қичқириб йиғлаб юборди. Ўзи иккала кафтини ҳам олға чўзди: «Менга ҳеч нима тегмади... Ишонмасанглар, мана қаранглар... Бувим мени сийламадилар». Каттароқ бир бола шунда ўзининг сопол қуёнини узатди. Униси олмади, аммо йиғлашдан тўхтади. Катта ойим улушсиз қолган жажжи қиз учун сандиқни қайтиб очди, қизчани ўз ёнига чақириб келтирди, елкасига қоқиб, бошини силади. Сандиқнинг тағроғига қўлини суқиб, қизил қошияли зангори рўмол чиқарди, уни ёйиб бир қоқиб олди-да, икки буклаб, ўз қўли билан қизчанинг бошига ўради. «Мана сенга ҳам бўлди...» — деб тагин елкасига қоқиб қўйди. Сандиқни энди у бутунлай ёпди.

Совға олган ёш-яланг ҳам, бола-чақа ҳам шовқин солиб қувонмади. «Қани кўрсат-чи... Менга бериб турчи...» — деб, бир-бирига ташланмади. Бундай ғалати ҳол бизнинг овулда ҳам, бошқа ёқда ҳам бўлмагандир, балки. Киши ўз қўли билан ўз ўлимлигини тарқатди. Чинданам ғалати жуда! Қувонарлими бу, ё куйинарлими? Хулоса чиқаришга ошиқмай турайлик, бунинг шундай юксак, шундай кўркем манзара эканини биз кўп умрлар ўтгачгина англаймиз — англашга насиб бўлганларимиз.

Катта ойим ошиқмаёгина пар тўшагига чиқиб ўтирди. Биз катта-кичик болаларни, тагин бир кўздан ўтказди.

— Кўришганимиз, кўз-кўзга қараганимиз яхши бўлди. Модомики кетиш муқаррар экан, ҳаммангизга яна бир қур яхшилиқ тилайман. Ҳаммангизга ҳам... Катталарингиз, балки, менинг қабримга тупроқ ташлагани келарсиз. Бунинг учун олдиндан раҳмат айтиб қўяман. Фақат орангизда бир одамгагина келиш рухсати йўқ.

Еши улугроқлар, бир-бирларига тикилишиб, хавотирланиб қолишди. Хаёлан ўша кишини излаётирмиз. Ким экан, у? Кўп куттирмай жимликни Катта ойимнинг ўзи бузди.

— Тожиддин, — деди у бошини сал эгиб, — сен ёлғизгина онангни тилингга эрк бериб ҳақорат қиларкансан, деб эшитдим. Шу тўғрими?

Жавоб бўлмади.

— Ҳатто, унга қўл ҳам кўтараркансан, деб эшитдим. Тўғрими буниси ҳам?

— Тўғри... Ёвузликдан эмас, қизиққонликдан бўлди...

Катта ойим бошни кўтарди:

— Эшитдингизми? Барчангиз эшитдингизми? Тожиддин ўз муштипар онасини урган. Шу, онасини урган қўллари билан менинг қабримга тупроқ ташлашига унга рухсатим йўқ. — Тиззаси устида ётган ўнг қўлини салгина кўтариб силкиб қўйди. — Майли боринглар энди.

Уйдагилар оҳистагина қўзғалишиб, бир-бирларига йўл бера-бера, эшикка йўналишди. Ташқаридан кимларнингдир ич-ичидан хўрсингани, уҳ тортгани, ҳиқиллаб йиғлагани эшитилди. Ичкаридаги кўпчилик ўзларини босиқ тутишди; шунисига ҳам раҳмат. Мен энг олдин, Тожиддин қочиб кетади, деб ўйлагандим. Йўқ, қочмади. Ҳаммадан кейин, ўша қолди. Келганлар тарқалишгач, қўлидаги кичкинагина хушбўй атирли шишачани сандиқ устига келтириб қўйди. Сўнг, иккиланмай, секингина уйдан чиқиб кетди.

Катта ойим қўзларини юмди. Мудроққа кетди, шекилли. Балки керак бўларман, деб қошида қолдим. Пастлаб бораётган қиш қуёшининг заъфарон нурлари унинг кўрпа устида қолган ориқ қўлларига тушганди. Қўллар алланечук шуълаланиб туришарди. Тикилиб қарасанг, қуёш эмас, Катта ойимнинг қўллари нур сочаётганга ўхшарди. Бамисоли икки қўл эмас, икки қу-

ёш парчаси кўрпа устида ётгандай. Эҳтимолки, шундан дир уларга бошимни қўйсам, қону жонимга илиқлик, меҳр оташи қуюлгандай бўлди. Бир лаҳзада юракдаги ҳасратларим, вужудимдаги дардларим йўқликка кетгандек туюлди. Унинг ўзини чекаётган азоблари, бошига тушган изтироблардан қандай қўллар халос эта олади? Шундай қўллар борми? Бу ҳақда мен қайта-қайта ўйладим. Мен ҳам энди ўйлайдиган ёшга етиб қолгандим, ахир.

Кўп ўтирдимми, билмайман. Аммо ўтган фурсат давомида Катта ойим билан ўтган сўқмоқларни, ялангликларни, ўрмонларни янгидан айланиб чиқдим. Айландимму аммо ҳаммасини кезиб улгурмадим. Унинг билан бирга ичган чашмалардан ётиб сувлар ичдим. Ичдим, ичиб тўя олмадим. Ўн олти ёшимга етгунча мен унинг паноҳида яшагандим. Яшайману ҳамон болалиқдан чиқа олмайман. У энди қароргоҳини алмаштиришга, сўнгги уйига кўчишга ҳозирлик кўрарди. Биламан, у кетгач, мен йиғлайман. Йиғлайман, лекин ҳеч қачон ўтган дамларни қайтаролмайман... Томоғимга тош келиб тикилди...

У кўзларини очди:

— Сен шу ерда экансан, синнай. Яхши.

— Бирор нима керак бўлиб қолар, дедим.

— Ҳеч нима керакмас. Қолганинг лекин яхши...

Сен ёнимда бўлгач, дунё менга бўм-бўш туюлмади.

— Улашган ҳаद्याларинг учун болалар жудаям қувониб кетишди, — деб ёлгон гапирдим мен.

— Қўй, синнай, юпатма мени. Қувонишса унча яхши бўлмасди. Худо шоҳид: қувонишгани йўқ. Мен уларга қувонишсин, деб ҳадя ҳам улашганим йўқ. Хотира бўлсин, деб қолдирдим. Рози-ризалик учун бўш қўл берибгина уйдан чиқариб юборолмайман-ку. Муродимга эришдим. Фақат Тожиддинга қаттиқроқ ҳукм чиқардиммикин-а? Майли, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ибрат бўлар. Ибратсиз — дунёнинг иши юришмайди, ёрлақаб бўлмайдиган гуноҳлар ҳам бор, шунақа. Эсинда тут: онадан муқаддасроқ зот йўқ.

— Биламан, Катта ойи, яхши биламан — иккалангиз ҳам, икки ойимга ҳам мен шундай қарайман...

У яна кўзларини юмиб ётди:

— Умримга ўкинмайман. Укинишга вақт ҳам қолмади. Мана, сени эртароқ қолдириб кетяпман — шу-

нисигагина бир оз ачинаман. Қанотларинг қотиб улгурмаган, эртароқ қайриб қўйишмасайди. Болаликдан чиқиб улгурмадинг! Бахтинг ҳам, бахтсизлигинг ҳам шунда сенинг. Худойимнинг ўзи ёрлақасин! Узим ҳам бугун ер билан осмоннинг ўртасидаман. Узимча толиқмаганман, лекин мадорим ҳам йўқ. Нуқул уйқу босяпти...

У яна уйқуга кетди. Мен чиқиб, овул оралаб айлашиб қайтдим. Халқ Катта оймнинг ҳалиги қилмишига тамом ҳайрон қолганди. Нима дейишини ҳам билишмайди. Турли миш-миш тарқалганди. «Ажал соатини фаришталар кўнглига солган экан...» — деб фолбинлик қиларди бировлар. «Доя холанинг ақли заифлашибди, чоғи...» — деб хафа бўлишарди бошқалари. Учинчилари қандайдир ибратли маъно, сир излашарди. Бир инсоннинг тирик чоғида тириклар билан оддийгина одамчасига рози-ризлашиб кетишни истаганига ақллари бовар қилмасди. Нима учундир, бунга менинг ҳам ақлим етмас эди.

Кечқурун у аввал синглим Салиса билан иним Илёсни чақириб олди. Улардан кейин Солиҳ акам талай вақтгача унинг бошида турди. Менинг Солиҳ акам ниҳоятда юмшоқ кўнгилли. Доим кўз ёшлари шашқатор оқишга шай. Ҳозир ҳам кўзлари жиққа ёш эди. У уйдан чиққач, «нима, оғирлашибдими?» — деб сўради маъюс тортиб Кичик ойм. «Йўқ, — деди акам, — у мендан афв сўради, агар бехос хафа қилган бўлсам, ранжиб қолма, ўғлим, деди...» Менинг ўта босиқ Бика янгам ҳам, тийила олмай, бемор ёнидан ҳиқиллаб чиқиб келди.

Энг охири меҳмонхонага Кичик ойм кириб кетди. У жуда узоқ турди. Болалар кута-кута чарчаб, ухлаб қолишди. Солиҳ акам муюшдаги тўнкада гужанак бўлиб ўтирганди. У ора-сира уф тортиб қўярди. Мен серрайиб турарканман, борган сари кўнглим қоронғилашарди. Охири чидолмадим, эшикни астагина очиб, меҳмонхонага кирдим, еттинчи лампа пасайтириб қўйилган. Шунда ҳам ҳамма нарсани фарқлаб бўларди. Кичик ойм Катта оймнинг ўрни ёнида чўккалаб ўтирарди. У эса, бунинг бошига қўлини қўйганди. Пичирлабгина алланималарни сўзлашишарди. Менга Кичик оймнинг сўзлари эшитилди:

— Неча йиллардан бери мен қарзга олинган қу-

вонч билан яшаётганга ўхшайман. Ора-сира чўчиб-сесканиб кетаман; болаларимни ҳам биров менга қарзга бергандай. Ўзинг ўйлаб қара, ахир шундай эмасми — уларни мен туғишга туғдим, сен қанот остига олиб улғайтириб бердинг. Бунга суюндим ҳам, афсусландим ҳам. Болаларим орқали мени қабул этганинга суюндим. Афсусланганимнинг сабабини айта слмайман. Йўқ, йўқ... Мен янглишиб кетдим. Айтадиганим — бутунлай бошқа нарса. Ҳа-ҳа, мана нима: мен жуда ҳиссиз эмасман, мен учун сен изтиробларга қолганингни кўпдан англаганман. Сендан қарзимни узолмадим. Айтяпман-ку, ҳаммасини — шодликни ҳам, бахтни ҳам, умидни ҳам — қарзга олгандим. Баъзи бир пайтларда чакка томирим таранг тортиб: «Қарзга», «Қарзга», «Қарзга», деб бошимга тўқиллатиб ургим келади. Сен бош кўтаролмай қолгач, азобларим янада ортди. — У жимгина йиғлашга тушди. — Мингжамол опай! Ё гуноҳларимдан ўт, ё ўз тилинг билан қарга мени... Қарзларимни қайтара олмайман.

— Э-э, нодон бола, қарзинг ҳам, гуноҳинг ҳам йўқ сенинг. Мен сенга ҳеч қандай қарз бермаганман. Ҳар кимнинг бахти ҳам, бахти қаролиги ҳам ўзи билан. Сенга шахсан менинг ўзим совчилик қилганман, унутмаган бўлсанг. Эс-ҳушим жойида эди.

— Тўғри, шундай бўлганди. Комил ақл билан ўзинг унаштирдиги бизни. Аммо ақл бошқа, кўнгил бошқа экан. Мен ҳам ўша пайтда орқа-олдини ўйламай, сенинг фотиҳангни қабул қилиб, ризолашдим. Аммо кейин... қай бири кўпроқ бўлганди — кўнгил роҳатими, виждон азобими? Ё гуноҳимдан ўт, ё қарга, опай. Шундай қолдириш ярамайди.

— Гуноҳинг йўқ, — деб такрорлади Катта ойимнинг юмшоқ товуши. — Мен кечирган азобларнинг сабабчиси сен эмас, ёзманинг ўзи, менинг ёзмишим. Ҳозир эса, менинг бирон изтиробим ҳам йўқ.

— Мингжамол опай, илтимос, — деб ёлворди Кичик ойим, — худо ҳаққи, виждон азобидан ўзинг мени озод эт.

— Сенингча бўлсин. Озод этдим. Агар гуноҳинг бор бўлса, уни ўзимга оламан! Сени мен унаштирганман... Бора қол, у ёқда болалар қўрқишади.

Кичик ойим туришга ошиқмади. Мен сездирмайдигина сирғалиб чиқиб кетдим.

Отам ярим кечаси қайтди. Эрта билан Сайрондаги опам билан ҳунарманд поччам етиб келишди. Солиҳ акам бориб чақириб келди уларни. Қўшни овулдан бутун қариндош-уруғлар йиғилишди. Катта ойим, ҳар бири билан ётоғига чақириб, рози-ризолашди, айтар сўзини айтиб видолашди. Шу куни кечга яқин у оғирлашгандан оғирлашиб қолди. Тунда янада оғир тортди. Навбатдаги тонг отганда бутунлай кўз юмди. Жон берганда ёнида бир отамнинг ўзи ўтирганди. Афтидан Катта ойим ўзи шуни тилаганди.

Бу ўлим мени ҳам ярим ўлдирди. Бўғилиб, тўлғанаману кўзимдан қатра ёш чиқмайди. Қотдим-да, қолдим. Уч кун давомида бизнинг кўз олдимизда ажал билан олишиб, Катта ойим бизни бу ҳолга кўнктиришга, иродамизни мустаҳкамлашга тиришгандир балки. Бизнинг гофил қолиб йиқилмаслигимизни тилагандир у. Лекин адашди. Бари бир унинг дунё билан шундай енгил, тез видолашувига биз олдин ишона олмадик. Ҳозир ҳам ишонмаймиз. Мана у гулдор янги кўйлаги, тангалар тақилган яшил камзулини кийиб, оппоқ рўмолини ўраб ётибди. Унинг ранги ҳам сўниқ эмас, фақат жисмида жон йўқ.

Эрталаб қанот қоқа-қоқа, япалоқ қор ёға бошлади. Кун бўйи тўхтамади. Асқад билан Ҳамидхон колхоз отхонасидан икки от олиб миниб келишди. Улар ҳозир овул бўйлаб энг даҳшатли, энг ҳасратли хабарни айтиб, қичқириб ўтадилар. Ана, иккови кўчага чиқиб, икки тарафга от елдириб ҳам кетдилар. Юракларни тилиб, галма-гал икки овоз янгради:

— Жанозага боринглар!

— Жанозага боринглар!

Кун оққанда Катта ойимни тупроққа топширдик. Гўр устида қоп-қора юмшоқ тупроқ қалқиб чиқди. Қор эса ҳамон тўхтовсиз ёғарди. Қора тупроқ уюмини ҳам энди оқлик қоплади. Қабрнинг изи ҳам қолмади... Аммо бирдан ҳаммаси ўзгарди. Айланиб-айланиб, қоп-қора қор ёғишга тутингандек бўлди. Қора момиқ учқунлари гоҳ ерга тортилар, гоҳ яна ҳавога кўтарилар, гоҳ эса еру кўк орасида гирдибод урар эди. Ер юзи зулматга чўмди. Фақат Катта ойимнинг мозоригина, оппоқ тоғ бўлиб қора ер устида қалқиб турибди. Қора қор учқунлари оқ тоғ бошига қўнмоқчи бўлиб келади-да, яна қайтиб кетади, қўнишга кучи

етмайди, қандайдир тилсимли куч ўтказмайди. Ҳайдайди уларни.

Халқ мазордан тарқалиб, кетиб борарди. Кимдир мени елкамдан тутиб силкитди. Солиҳ акам экан:

— Уйга кетайлик...

— Қаерга? Нега?

— ...

Катта ойим бизни шундай қилиб бутунлай ташлаб кетди. Уша мотам кунларида мен тагин бир ўта оғир, ўта азобли фожиани бошимдан кечирдим. Катта ойим тириклигида, Кичик ойим билан уларнинг иккисини ҳам баробар кўраман, деб юрардим. Тўғрироғи, бу ҳақда ўйламай, ўз меҳр-муҳаббатимни бўлиб-ёриб ўтирмасдим. Аммо Катта ойим оламдан ўтгач, Кичигига нисбатан — оқ сут бериб боққан ўз онамга нисбатан — бирдан бегоналашиб кетдим. Ҳатто, ётсирай бошладим. У менинг қайғумни ўртоқлашмоқчи, бошимдан силаб, юпатишга уринмоқчи бўларди. Мен ўзимни четга олардим. У қандайдир майин сўзлар айтарди. Мен эшитмасдим. Ҳеч нима қила олмасдим. Руҳим эса қийналарди. Нима бўлди менга? Наҳотки, Катта ойим ҳаммасини ўзи билан бирга олиб кетди? Нима қилиш керак, нима қилиш керак? Бу феълим учун, Кичик ойимнинг оёрига йиқилиб, афв сўрамоқчи, узр айтмоқчи бўламан. Лекин кучим етмайди. Мен, ахир, ўн олти ёшдайдим. Ўзим овлоқ ерга бориб олиб, тийила олмай, ҳиқиллаб йиғлай бошлайман. Бу мен эмас, Катта ойимнинг камзулини ушлаб кетаётган болалигим эди. Йиғидан тўхташга унинг мажоли ҳам йўқ эди.

Вақт ўз ишини қилди. Катта ойим айтгандай, адашиб юрган руҳим ўз уясига қайтди. Қайтди-ю, қоқ иккига бўлинди. Бир ёртиси хотирот ва садоқатга, иккинчи ёртиси — яшаш дарди ва умидга айланди. Шундай қилиб, ҳар ойимга икки улуш чиқди — хотира ҳам ҳаёт дарди. Шундан бери мен иккига бўлинган бир жон билан яшайман. Умрим шундай ўтпти...

#### ҚУЛИ ОМАДЛИ НАСИБ

Урушдан сўнг қанча йиллар ўтиб кетди. Дунё тинчланиб, элга барака келди. Тан яралари битиб, кўнгил жароҳатлари тузала бошлади. Оёқсизимиз —



оқсаб, қўлсизимиз — енгимизни осилтириб, етимимиз — етимликка, ҳасратлигимиз — ҳасратга кўника бошладик. Кўникмай нима қилардинг. Ёв қиргинидан эсон-омон қайтганларимиз, болалик пайтидаги сингари яқинлашиб, зичлашиброқ яшашга ўргандик. Улим билан ҳаёт орасидаги бирдан бир кўприқдан олиб чиққан умумий тақдир бизни тагин бир ўчоқ атрсфига тўплади. Йигит чоқда қизлар учун можаролашиб қон тўкмоқчи бўлиб юрган эрлар ҳам душманликни унутишиб, бир ўчоққа йиғилишди, бир товоқдан овқатланадиган бўлишди. Ёт элларга кетганлар билан хабар олишдик, саломлар йўлладик. Фақат тенгдошларни қичқириб йўқлашдангина қўрқаман. Чунки улар, илгари қуюқ ўрмон шовуллаган ерда онда-сонда қаққайиб қолган дарахт сингари, сийраклашиб қолишган: бири садо берса, тўрттасидан жавоб йўқ. Ўрмонни бекор тилга олганим йўқ мен. Овулимиз қошида ўта маҳобатли эман ўрмони бор эди. Урушнинг узун тўрт қиши давомида ўша ўрмон тоза бўладигани бўлиб қолган. Унда-бунда дарахт қад кўтариб турибди. Буларни ағдаришга, десангиз, хотин-қиз билан бола-чақанинг кучи етмагандир.

Гоҳо-гоҳо бир кутилмаган мўъжиза ҳам рўй беради: ё хабарсиз йўқолган бирор кимсадан хабар келиб қолади, ё бутунлай ўлиб кетган, деб ҳисобланган одам ўзи қайтиб келади. Шунга кўра кутувчиларнинг кўнглида умид ҳали ҳам босилмайди — безиллаб тураверади у умид...

Думалоқ Толиб ўлиб тирилган йили энди бутунлай унутилиб кетган қўли омадли Насиб қайтиб келди. Агар ўша учрашув бўлмаса, балки, мен унинг ҳикоясини, бу қадар узун қилиб айтиб ўтирмас эдим. «Насибнинг Омадли қўл эканини бутун одамлар билади, тагин нима қўшардинг энди?» — деб сўради иним. Қўшадиган гап бор экан-да.

Насиб қайтганини эшитиб, мен Шарафиддин мўйловларникига кетдим. Насибнинг отасини шундай деб атардилар. Шарафиддинни улуғловчи бойлиги — кирпичга ўхшаган диккайган ана шу қора мўйлови эди. Агар унутмаган бўлсам, ҳовлисининг теварагига шох тутилган, мол боқмас эди, лекин мўйловини умр бўйи эҳтиёт қилар, пардозлагани пардозлаган эди. Айтганимдай, мўйлови илгарилари қора эди, кейин оқар-

ди, бора-бора сарғайди. Шарафиддиннинг бир ғалати қилиғи бор: уй ичидаги кишиларни у ҳақиқий исмлари билан атамай, ўзи тўқиган лақаб билан юритади. Насиб — Кўппак, ўртанча ўғли — Сусткаш, кичик ўғли — Қулоқ, хотини — Артистка. Ямлиха янга артисткага мундоқ сал-пал ҳам ўхшаган эмас. Фақат биргина ғалатилиғи бор: туппа-тузук юриб бораётган ерида у, туйқусдан, оёғи шикастли эканидан, баъзида қинғир-қийшиқ қадам босиб, типирчилаб қўяди. Бор ҳунари шугина, холос. Эри эса, артисткага чиқариб, юқори баҳолайди уни. Ямлиха янга ўғай она бўлса-да, Насибга қаттиқ гапирмайди. Юмшоқ муомала қилади. Шарафиддин эса ёвуз, бадфеъл өди. Уғилларидан бировга ҳам кун бермасди. Айниқса, катта ўғлини обориб-обкеларди. Оғзидан ароқ, тилидан «онангни» узилмасди. У доим четда, ниманидир кесишни мўлжаллаб юрарди. Дурадгорлик қиларди, шекилли. Бирон ёққа бориб қайтган пайтларида уйни остин-устун қилиб юборар, бутун маҳалла-кўйнинг тинчини бузарди.

Коллективлаштиришнинг дастлабки йиллари шундай бўлган. Шарафиддин узоқ давом этган устачилиқдан, мишмишларга қараганда чўнтаги қаппайиб қайтди. Қайтди-ю, нақ ишлар қизиб турган бир пайтда, бутун маҳалла-кўйни бошига кўтариб, ичиб, сўкиниб, дайдий бошлади. Ишдан сўнг, ғира-шира қоронғи тушиб, қўни-қўшнилар супачада хангамаллашиб ўтирганда, япон подшоҳини сўка-сўка, чайқалиб, бирдан у ҳам келиб қолди. У доим шундай қилади. Кимгадир ёпишиш учун аввал, икки сўзнинг бирида уятсиз сўзлар билан япон подшосини сўкишга киришади.

— Мен япон подшоҳининг етти ота-бобосини бутун насл-насабини, бутун авлод-аждодини, биласизми... Тупураман мен япон подшоҳига. Подачи Нуриддин эмас, Исҳоқ мешкайга ҳам алмаштирмайман, мен уни, энасини оч итлар талагурни...

— Кўзингга қараброқ гапир, Шарафиддин, болачақа бор, ахир,— деди менинг отам,— аёллар ҳам өштади...

— Эшитсин! Аёлга нима керак ўзи?— деб кафти билан мўйловини силаб қўйди у.— Эшитсин!

— Бас қил, Шарафиддин!— деб яна огоҳлантирди отам.

— Нега менга буйруқ берасан, ўшшайган чол? Нима ҳаққинг бор? — деди у мўйлови титраб. — Япон подшоҳимсан?..

— Кўпдан жонимга тегиб юрган эдинг... — Олтимиш беш яшар отам жойидан енгил сакраб турди-да, бир уришда Шарафиддинни қулатди. У чалқанчасига тушди. Талай вақт қўзғалмай ётди. Кейин эмаклаб туриб, тесланди, бошини чайқаб, ҳушини йиғди. Оёққа тургач, отамга тикилиб қолди. Мана ҳозир у отамга ташланади. Муштлашиш бошланади. Шарафиддин бир қадам олға юрди. Йўқ, кейин ўзини сал орқага ташлади. Негадир қўл кўтаришга ошиқмас эди.

— Ҳай-ҳай, оғай, подшо қилиб қўярлик киши экансан, — деди у, бошини чайқаб. — Ҳай-ҳай, оғай, томоша кўрсатдинг-ку...

Шарафиддин чайқалмай-нетмайгина тўғри ўз уйига қараб йўл олди. Талай жойга етгач, қўшиқ айтиб юборди:

Ипакмикан, уқамикан.  
Гўзалимнинг сочбоғи?  
Кўнглимда бор сочбоғидан  
Тортқилаш иштиёғи.

Вой! шундай ажойиб сўзларни ҳам билар экан-да, у. Айтгани ҳам ярашиб турибди.

Шу-шу унинг сўкишлари бизга эшитилмайдиган, ҳатто, у бизнинг уй ёнидан маст-аласт ўтмайдиган бўлиб қолди.

Қўллари омадли бўлса-да, ўз уйида, ўз элида раҳмат эшитмай, Насиб болалигидаёқ овулни ташлаб кетиб қолганди. Бу воқеа биз тешиккулча егани шаҳарга борадиган йилимиз юз берган эди. Эрталаб у йўл ёқасидаги тариқ экилган ерга бораман, деб кетганича ғойиб бўлди. Излаб кўришди. Ерда ҳам, кўкда ҳам на ўзи, на жасади топилди. Қичқириб йиғловчиси-ю, хўрсиниб эсга олувчиси йўқ эди. Тариқ ўрими бошлангунча, у унутилиб ҳам кетди.

Икки йил ўтгандан ёнлари қабартма шим, сариқ шап-шап кийиб, Насиб яна овулга қайтди. Бизни энг доғда қолдирган нарса — яшил гардишли ҳарбий фуражка эди. Уни кўрган заҳоти Асқад: «Яшил бошли сўна», — деб атади. Фуражкани кексалар ҳам, ёшлар

ҳам бир-бир қўлларига олиб, бошларига кийиб кўришди. Насиб Шаҳидуллага: «Агар хоҳласанг, ол, тирноқчаям ачинмай бераман»,— деб сахийлик қилиб қўйди. Жўрабошимиз қайтариб берди: «Битта фуражка ҳаммамизга нима бўларди, ўзинг киявер»,— деди. Қайда юрганини, нималар қилганини Насиб биронтамизга ҳам тушунтириброқ сўзламади. Айрим гапларидан унинг, тоза сандирақлаб юргач, етимхонага тушганини, ўша ерда ўқиётганини англадик; яшил гардишли фуражкани бир командир ҳадя қилганини билдик. Қандай ботирликлари учун бундай бўлганини айтиб ўтирмади. «Шунчаки ўзи...» — деди.

Кузга томон у тагин кўздан ғойиб бўлди. Бу сафар уни изламадилар ҳам. «Қорни очган мол — еб ўрганган охурига қайтади...» — деб сал-пал сўкиниб қўйди отаси. Унинг оғзидан чиққан сўздан ит ҳам жирканади.

Бу гал дайди боладан узоқ вақтгача дарак бўлмади. Орадан етти-саккиз йил ўтиб кетди. Бир замон, ёз ўртасида, икки қўлида бир аломат зўр-зўр икки чамадон кўтариб, устига нимчали қора костюм, оёғига тешикли оқ ботинка, бошига қора момиқли шляпа кийиб, бўйнига яшил галстук тақиб, Насиб овулга кириб келди. Турган-битгани нақ картинканинг ўзи! Қўни-қўшнилари айтишига қараганда, бир чамадонига ота-онаси ҳам укалари учун кийим-бош, иккинчисига — тансиқ егуликлар солиб тўлдирган экан. Буниси ростдир. Шу куни ҳарқалай Шарафиддин кўчага бошдан-оёқ ясаиб чиқди. «Ҳаракатларим зое кетмади. Болага тарбиям сингди. Иш чиқди боладан...» — деб мақтанди мўйлови оқарган Шарафиддин, устидаги пиджагининг ўнги-терсини кўрсатиб. Оёғидаги йилтиллаб турган резина калишларни ғижирлатиб, бир-бирига ишқаб ҳам олди: мана, кўриб қўйинглар!

Иккинчи чамадон тўла ғалвирак ёнғоқ, туршак, майиз, турли-туман конфет, қизил пряник, қуририлган қора олхўри эканини ўзим кўрдим. У чамадонини очиб, хонтахта устига қўйди-да, ҳол-аҳвол сўрагани кирган чол-кампирлару бола-чақаларга мевачевалардан улаша бошлади. Жўмард меҳмон ҳақидаги хабар тез тарқалди, охири бутун маҳалла болалари, айниқса, ўғил болалар, Шарафиддиннинг уйига

ёпирилишди. Насиб, ўзининг омадли қўллари билан қисим-қисим мева олиб, ҳар қайси узатилган кафтга, ё тутилган этакка солаверди. Келавердилар, кетавердилар. Бир пайт бетларига қурум суртган ёки оталарининг бўрқларини, кигиз шляпаларини бостириб кийган саёқ болалар кўрина бошлашди. Қандай кимсалар булар? Қаердан келишган?

— Оғай, оғай,— деб фош қила бошлади Насибнинг бир укаси,— анув бола, анув шляпа кийган бола, ўша-ўша, анув, қурум суртган бола ҳам боя бир марта ёнғоқдан олганди.

— Ўзи олса, отасининг қалпоғи олмагандир,— деб қақ-қақ кулди Омадли қўл.— Бош кийимингизни ечингиз-чи, болалар.

Улар буйруқни бажаришди. Қалпоқларга тагин мевалар, ёнғоқлар ёғилди. Насибга митти шайтонларнинг топқирлиги ёқди. Болалар зумда кўздан ғойиб бўлдилар. Улар бошқа кўринмадилар.

Насибни ўта соғиниб, ўта зориқиб кутган кишилар кўпчилик экан. Қоронғи тушгунча одамларнинг кети узилмади. Уни кўрмай қандай кун кечиришган экан, ақл бовар қилмайди. Қари-қартанглар учун самовар тинимсиз биқирлаб турди. «Мана, кўрдингизми,— деди Мансур бобо, тишсиз оғзида қаттиқ туршакни айлантириб,— нону насиба деган нарса тишни синдириб бўлса ҳам бўғзингдан ўтади. Эрталабдан бери танглайим қичишиб турган эди, шу мевани тотиб кўриш учун бўлган экан... Момонг ҳам бенасиб қолмасин...» — У бир қисим майизни бешматининг киссасига солиб қўйди.

Насибнинг меҳмондорчилиги шунинг ўзи билан тугамади. Бир неча кундан сўнг у, маҳалламиздаги бирга ўйнаб ўсган ўзининг тенгдош ошнолари ва қизларни йиғиб, зиёфат берди. У пайтда ҳали ўш-яланглар йиғинида шароб ичиш одати йўқ эди. Аммо гўшту думба ёғи, ош-пош деган нарсалар мўл эди. Бутун оқшом бўйи еб-ичиб, ўйнаб-кулиб тоза чигилимиз ёзилди. Шаҳидулланинг гармони, Асқаднинг лапарлари, қўшиқ ва рақслар тез-тез алмашилиб турди. Балки, ҳамма нарсани унутиб, баримиз бир ерга йиғилишиб кўнгил очган биринчи ҳам сўнгги базмимиз шу бўлгандир. Бу Насибнинг шарофатидан...

Лекин ўзимиз унга нисбатан қаттиқ ҳурматсизлик, адабсизлик, бағритошлик қилдик: биримиз ҳам, уйимизга чақириб, тўрға ўтқазиб, четдан қайтган меҳмонга иззат кўрсатмадик. Насибнинг меҳмондўстлигини, жўмардлигини тентаклик деб ўйлаб, девоналикка йўйиб қабул қилдик, чоғи. Ҳа, шундайроқ бўлди. Ўзимиз бурундан чиққунча едик-ичдик, орқаворатдан гап қўзғаб унинг жиғига тегишдан нарига ўтмадик. Чунки, бу бизнинг тор ақлимизга, тор қулочимизга сиғмайдиган нарса эди. Балки, биздан иззатталайлик унинг хаёлига ҳам келмагандир. Шунда ҳам унинг олдида, эсласам, ҳанузгача уяламан.

Бу қайтганда биз Насибнинг, қайдадир педтехникуми битириб Урта Осиёда болаларга ўқитувчилик қилаётганини эшитиб қолдик. Овулда, чамаси бир ойча юргандан кейин у, қора тройка костюмини дўкончи Зайнушга ярим баҳосига сотиб, яна Урта Осиёга кетди. Бу гал қочиб-нетиб юрмади, сафар олдидан қўни-қўшни, дўст, хеш-ақрабога учраб, бир-бир хайр-хўшлашиб чиқди. Поездга уни икки укаси кузатиб борди. Юки оз эди. Бўшаган сариқ чамадонлар Ямлиха янгага товуқ пати билан пиёз сақлашга қолди.

— ...Ҳай-ҳай, орадан шунча пайт ўтдимми-а?! Ингирма йил-а! Мана, мен Шарафиддинлар уйининг остонасига яна оёқ босаман. Насиб билан кўришишга келаётирман. Бобой энди тупроқ остида ётибди. Мўйловни сарғайгунча яшади-да, қилган ёмонликлари учун бутун маҳалла-кўйни бошига кўтариб, эл олдида тавба қилиб, ўлиб кетди. Дарвоқе, тавбасидан кейин, у ҳамон оқ-қорани айирмай, узоқ азоб чекиб ҳам ётди. Шарафиддиннинг жони узилиши хунук бўлди: печка ёнидаги мағзавали катта тоғорага боши билан йиқилиб, нафаси тикилиб ўлди.

Насиб мени очиқ чирой билан қарши олди.

— Ана, жаҳаннамдан яёв қочган яна бир одам! Сенинг аҳволларингни эшитдим. Яша, Киндик, енгилмабсан!— У томоғиғи жижиллаб кулгандай бўлди. Насибнинг товуши ўзи умр бўйиғи жижиллар эди. Болалигида муз ёруғига тушиб кетиб, шундайғи жиж-ғиж бўлиб қолганди томоғи. Унинг рангпар юзи янада қонсизланган, чакка сочлари оқариб кетган, аммо ҳиссиқ мовий кўзлари ўша-ўша — тип-тиниқлиги йў-

қолмаган, гүё дунёда бу кўзлар битмас-туганмас бахтни кўргану мангу шодлик нурунигина таратадиганга ўхшар эди. Жилмайиб турган болаларча беғубор кўзлари унинг серажин юзида, бутун қиёфасида диққатни жалб этиб турар эди.

У кўришишга қўлини чўзди. Шунда мен икки қўл ўрнига иккита думалоқ иссиқ кулча нонни сиққандай бўлдим. Вамисоли икки қўлнинг ҳам бармоқларини кимдир астойдил тиршиб қайчи билан тагидан қирқиб ташлагандай эди. Фақат қайсидир қўлида бирдан бир бармоқ — жимжилоғи янглишиб омон қолган. Балки, қайчининг учига илинмагандир. Мен сесканганимданми, ачинганимданми қалтираб, титраб кетдим. Лекин кўришиш қувончига чўмган Насиб буни сезмади. Балки, хуш кўнгилли бу бечора ҳозир энди ўзининг ғариблигини ҳам сезмаётгандир. Бармоқлари йўқлигини унутгандир, шўрлик.

— Буни қара-я! — деб, оғиргина «кулча» билан елкамга туширди у. — Насиба тортиб, яна юртимга қайтдим. Соғиниб ўлаёзгандим. Валлоҳи!

— Аҳволларинг қалай? Афт-ангорингдан лекин туппа-тузук кўринасан, — деб ёлғон гапирдим мен.

— Зорланадиган ерим йўқ, — деди у гуноҳсиз кўзларидан нур сочиб. — Эсон-омон қолдим. Соғлиқ жойида, оёқ-қўл бутун дейиш ҳам мумкин. Бармоқлар етишмайди, рост... Лекин ҳечқиси йўқ, мен олтин узуклар тақмайман-ку. Ана от — туғилганидан бармоқсиз ҳам яшаяпти, ахир. Шундай яшаяптики!.. Болаларга эса, дарсни мен қўл билан эмас, тил билан, ақл билан бераман. — Ҳа, бу Қўли Омадли Насиб эди. Нақ ўзи эди. Уша пайтлардаги каби устида нимчали қора костюм. Лекин пиджагининг енглари анчагина уринганди. Яшил галстуги ҳам мойланиб, ялтираб кетган. Оқ кўйлагининг ёқаси ҳам кирлангани кўриниб турарди. Менинг синчков қарашимни у ярим йўлдаёқ пайқади. — Алмаштира с бўладиган кўйлак бор. Костюмим эса, энг бойган чоқларимда ҳам биттадан ортиқ эмас эди. Мен очкўз эмасман. Ҳатто, бахтдан ҳам иккитаси керакмас менга. Биттаси ҳам етиб ортади, тинка-мадорим қуриб қолмасман... — Менинг оғир хаёлларимни бўлиб, эътиборимни тортиш учунми ё шунчакими, у чап қўлидаги (ҳа, чап қўлида эди) эсон қолган жимжилоғи билан

кўксидаги Қизил Байроқ орденини кўрсатиб, силаб қўйди.

Ҳа-я, нега энди мен боя бу киши тўғрисида «шўрлик» деган ўйга бордим. Унга ачиниш, тасалли беришнинг ўзи одобсизлик, виждонсизлик бўлур эди. У ўзининг яралари билан бечора бўлиб ҳам қолмайди, гердаймайди ҳам. Ўз ғариблигини кўз-кўз қилиб сотиб юрмайди, у.

...Лекин бу фоний дунёда ғарибликни ҳам, гўзалликни ҳам сотиб юрадиганлар топилади. 1944 йилнинг сентябрь ойи бошларида мен яқингинада олинган румин шаҳри Констанцени бир кун томоша қилиб юрдим. Шошмасдан беғуборгина томоша қилдим. Бу менинг чет дунё, чет эл ҳаёти-ю, чет одатлари билан илк бор учрашувим эди. Мени русча аранг гапирувчи бир полициячи олиб юрди. У шаҳарнинг ўзини ҳам, одамларини ҳам яхши биларкан. Икки учрашув, кўнгилда безовталиқ уйғотиб, хотирамда чуқур из қолдирди. Асосий кўчалардан бирида бизга ниҳоятда гўзал, ниҳоятда сулув бир қиз учраб қолди. Қараб тўймайсан киши. Полициячи унинг енгидан туртиб тўхтатди. Қўпол беандиша ҳаракатлар билан иягидан тутди. Кўкрагини сийпади, бетини чимчилаб қўйди. Алланималар деб, сурбетларча кулди. Мен бирда ҳайрон қолиб, бирда хафа бўлиб, қараб турдим. Ҳусну жамолининг комиллигига ҳайратландим, кўча тартибчисининг шу гўзал билан одобсиз муомала қилишларига тонг қотдим. Қиз кетаётганда полициячи русчалаб: — «Бор ишла!» — деб унинг орқасига шап этиб, уриб қолди. Бунисига энди ақлим бовар қилмас эди. Лекин мен унинг гўзаллигидан завқланганимни яшира олмадим.

— Во ажабо, мунча чиройли-а бу?.. Бир кўришда ёниб ўларлик, — дедим.

— Сотилади. Бутунлай эмас, вақтинчага, маълум муддатга сотилади, фақат жуда қиммат, — деди йўлдошим хотиржамгина.

— Сотилиши нимаси? Шундай чиройли қиз-а?..

— Чиройли бўлгани учун ҳам қиммат-да... Мен бу «ширин қизлар»нинг бутун таърифини биламан.

Негадир кун қоронғилашиб, кўкни булут қоплагандай бўлди. Укинчли, албатта.

Юра-юра бир майдондан чиқиб қолдик. Майдон



тўла халқ. Уртада каттакон узун аравага қўшилган эшак ҳанграмоқда. Баланд, жун бўрк кийган киши эшакни қулоғидан тортиб силталамоқда. Аравада аломат узунчоқ бошли, каттагина гавдали тўлароқ оёқ-қўлли уч ёшлар чамасидаги қип-яланғоч ўғил бола ётибди. Мен сесканиб, ўзимни четга олдим: даставвал гавдасиз қуруқ калла ўзича ётгандай кўринди. Боланинг олдида тунука тоғорача турибди. Эшак ҳанграмоқда. Тоғорачага ора-сира мис тангалар жиринглаб тушмоқда. Бу кўринишнинг ҳақиқий маъносини суриштирмай ҳам англадим: туппа-тузук ота ўз боланинг мажруҳлигидан фойдаланмоқда.

Буни кўргач, бояги шўх полициячи ҳам шалпайиб қолди:

— Кишини қандай кўйга солади-я, фақирлик...

Шундай қилиб, бир кун ичида сотилувчи гўзаллик билан сотилувчи мажруҳликка гувоҳ бўлдим. Булардан қай бири аянчлироқ, билмайман. Балки, иккови ҳам бирдек аянчлидир.

Насибнинг бармоқсиз қўллари менга энди ғариб бўлиб кўринмас, мутлақо мажруҳга ўхшамас эди. Гўзал ҳам эмас, маймоқ ҳам эмас; бор-борича, одатдагича қўллар. Мен энди мезбоннинг кайфиятига мослашдим.

Ямлиха янга чой ҳозирлади. Қаёқдандир бир шиша «дори» пайдо бўлди. Насиб шишани шартта олиб тизза орасига қистирди. Сўнг кафти билан шишанинг тубига уриб, оғзини эпчиллик билан очди-да, икки қўллаб ушлаганча стаканларга қуйди. Адолат билан теппа-тенг иккига бўлди.

— Кўрдингми, менинг қўлим энг зарурий ишларга яхши ярайди. Қолганини қилиш эса, чўт эмас...— Бошда у қиҳ-қиҳ кулди. Кейин бирдан иккала «кулча»ни ҳам олдинга чўзди.— Шу қўлларнинг Омадли, баракали қўллар эканини ҳеч кимга йиллар бўйи уқтира олмадим. Ҳарқалай, бир марта бўлса-да, ишонтирдим-эй.— Биттадан стаканларни бўшатиб қўйганимиздан сўнг, Насибнинг кўнгли ҳам тоғдек кўтарилиб кетди.

— Бармоқсиз қолган бўлсам ҳам, қўлларимнинг Омадли эканини исбот этдим, — деб яна шу ҳақда сўз бошлади у.— Мен, ахир, болалиқдан... Бола чоғимдан ҳис қилганман бу қўлларимнинг ҳимматини! Сизлар

сира ишонмай, мени масхара қилардингизлар. Эҳ, мана!— у, булқиллатиб, яна стаканларга ароқ қуйди.— Қани, жуфт бўлсин!

— Шундай қилиб, қисқаси қаерда сен бармоқ-пармоғи билан тирноқларингни олдирдинг?— деб унинг гап оҳангига тушиброқ сўрадим мен.

— Агар бирорта кишидан, Насибнинг қўлида катта бомба ёрилган, деб эшитсанг, бунга албатта, ишонма, бу ёлгон бўлади. Узим сенга тўғриси сўзлаб берайин.— Шисшанинг тиқинини маҳкамлади, у.— Мезбон сўзлаётганда кўнгилга васваса солмай, жимгина тинглаб ўтирилсин. Шуниси маъқул.

Насибнинг юзига қизиллик югурди. Демак, икки стакан ароқ зое кетмабди. Фақат кўзларигина бир оз хиралашганди.

— Ундай бўлса, эшит: совуққа олдириб қўйдим бармоқларимни.

— Қандай қилиб?

— Шундай-да. Лекин ўз ишларини бажариб ҳалок бўлишди улар. Ботир жангчи сингари ҳалок бўлишди менинг бармоқларим...

У ҳикояни бундай давом эттирди:

— Мен артиллерияда алоқачи эдим, КП билан ўт жабҳаси орасида ғалтак кўтариб югурардим. 43 йилнинг қиши эди. Чирсиллаб турган изғиринли совуқ бир тонгда қаттиқ жанг бошланиб кетди. Бизнинг тўпларимиз КП дан кўринадиган ерда ўрмон ичкарисига яширинган ва ўша ердан душман жабҳаларини гумбурлатар эди. Полк командири подполковник телефон орқали ўзи команда бермоқда эди. Бай-бай-бай, товушни-ей! Бўғзи бақувват эр киши эди. Бир замон олисда оппоқ қор устида сочилганча аллақандай ҳора нуқталар қимирлаша бошлади. Нуқталар борган сари катталашиб-катталашиб борарди. Қарасак, танклар! Таниш манзара. Тездан улар ўт оча бошлайдилар. «Қани, пинжимизга тиқилиб келаверинглар, қани! Пичан ғарамидай ёнасишлар ҳозир!» Ичимда шундай деган бўламан энг олдиндаги танкка қараб. Уларнинг аввалига сийрак отаётган замбараклари энди тез айтиш ўйнашаётгандай тилга киришди. Кун совуқ, ҳаво товушни ютадиган палла эмасди. Ер-кўк титрар эди. Икки ёқда ҳам ўт гирдоби ўрларди. Худди шу пайт подполковник аччиқланиб, телефон дастасини ташлади. «Узилди! Сим узил-

ди. Улансин!» — деди. Кичик сержант Скворцов шунда ўқдай гизиллаб югуриб кетди. Биз уни кўриб турибмиз. Уч-тўрт юз метр масофадан эсон-омон ўтди. Кейин у портлатиш полосасига чиқиб борди. Бир югуради, бир йиқилиб, бир туради. Портлатишлар борган сари қуюқлашиб борарди. Охири танклар ҳам ота бошлашди. Скворцов тагин бир-икки марта кўринди-ю, йўқликка кетди; бошқа ўрнидан қўзгалмади. Сим уланмай қолганди.

— Рухсат этинг! — дедим мен.

— Рухсат этмайман!.. Сен бора қол! — Подполковник оддий аскар Шихановга буюрди. Шиханов шу ондаёқ кабель бўйлаб Скворцов изидан югурди. Ярим йўлга етар-етмас уни мина тутуни чулғаб олди. Шу кўйи кўздан йўқолди, тутун тарқаганда, у ҳам эриб кетгандек, ғойиб бўлганди. Сим яна уланмай қолаверди.

— Рухсат этинг, ўртоқ подполковник! Менинг қўлим омадли! — деб тагин мурожаат этдим. Аччиқланиб турган командир бирдан хохолаб кулиб юборди.

— Қўлинг омадли бўлса, бор!

Мен ҳам шу йўлдан югурдим. Ҳеч нимани — снарядлар портлашини ҳам, миналарнинг пишқиришини ҳам, ўқларнинг чийиллашини ҳам эшитмасдим. Улар менинг учун эмас эди. Қор устидан чўзилиб борган телефон кабелидан бошқа нарсани кўрмасдим — мен учун дунёда бундан бўлак ҳеч нима йўқ эди. Эгилмадим ҳам, йиқилмадим ҳам. Менинг омадим мени қўриқлаётгандек эди. Югургандан югуравердим. Мина ёриб ташлаган қурумли чуқур ёнида Скворцовнинг катта гавдасига дуч келдим. Жуда қувноқ йигит эди. Кеч кирди дегунча маскхалатга ўраниб лўли қиз қиёфасига кирар, қўшиқ айтиб, рақс тушарди. Энди ер қучиб ётибди; тўхтамадим. Қайтаётганда олиб чиқарман, балки. Шихановни эса кўрмадим, шекилли. Ҳозир буниси эсимда йўқ. Чопиб кетавердим. «Мени ташлаб кетма, омадим, мени ташлаб кетма...» — деб пичирлай-пичирлай югурардим. Омадим ташламади мени. Кабелнинг снаряд тушиб узган жойини бориб топдим. Қўлқопларимни ечиб ташлаб, ишга тутиндим. Симнинг иккала учини ҳам ўз аппаратимга улаб, текшириб кўрдим. Бошда КП билан боғландим. Ишлаётир. Ундан кейин ўт жабҳасига боғландим. Ишлаётир. Шун

дан кейингина симни яхшилаб улаб изоляцион тасма билан ўраб қўйдим. Қўлни совуқ уриб кетибди. Буни иш битгандагина сездим. Қўлқопларимни топа олмай қийналиб қолдим. Боя қизгин иш устида алла бир томонга ирғитиб юборган эканман. Уларни олай, деб икки-уч одим босиб-босмай ерга қуладим. Фақат шошмасдан, узоқ йиқилганимни эс-эс хотирлайман. Мени портлаш гангиратибди — кейинроқ билдим. Бизникилар ҳужумга ўтишибди, мен эса, шу ерда ётиб қолаверибман. Мунчаям бахтли эканман-ей, кимдир менга дуч келиб, тирик эканимни сезибди. Бу орада лекин менинг қўлқопсиз яланг бармоқларим обдан совуққа тўнгиб улгуришибди. Буни кўргинки, менинг омадли қўлим орқасида энди бизникилар қўплаб немис танқларини қириб ташлашибди. Тўққиз бармоқнинг ҳаққини улар ортиғи билан чиқариб олишибди. Иккинчи куни медсанбатга подполковник ўзи келди.

— Қўлларинг чиндан ҳам омадли чиқди, ефрейтор. Раҳмат сенга! Хавфли, хатарли бир пайтда кўз-қулоқсиз қолган полкни балодан қутқардинг,— деди.— Эсдан чиқадиган ботирликлардан эмас бу,— деб қўйди. Улай агар, худди шундай деди у.

— Ҳа, унутишмабди.— Мен Насибнинг кўкрагидаги Қизил Байроқ орденига имо қилдим.

— Буми? Бу олдинроқ бўлган ишлар учун, Ржевни озод қилганимиз учун...

— Кейинги иш учун нима бердилар?

— Бермадилар. Балки, бергандирлар ҳам, мен учраб, ололмагандирман. Мени фронт ичкарасига жўнатдилар.

— Кейинроқ суриштирув хати ёзиб юбормадингми?

— Нима деб ёзардим. «Мен ўзимнинг асосий вази-фамни бажарганда бармоқларимни совуққа олдирдим, шунинг учун мукофот сўрайман» деб ёзаманми?— Бирдан унинг ранги оқариб кетди. Қўллари қалтиради.

— Бошқалар сўрашяпти-ку?

— Мен бошқалар эмасман. Менинг улушимга энг катта мукофот — умр тегди. Йигирма ёшли Скворцов билан ўн тўққиз ёшли Шиханов нима олишди? Бир пайтлар хат ёзмоқчи бўлдим у ана шу икковидан уялдим. Скворцовнинг арслондай гавдаси ҳалиям шундоқ кўз олдимда чўзилиб ётгандек. Мен бўлсам жўжадай гавдам билан омон юрибман.

— Сенингча, у ҳолда, биз тирик қолганларнинг марҳумлар олдидаги қарзи узйлмас бўлиб чиқаркан-да.

— Буниси рост, оғайни, узиш маҳол. Умр бўйи қайтаришга тўғри келади, у қарзларни. Тирикларга, яъни бир-биримизга қайтаришга тўғри келади.

Мен боя бу кишига ичимдан ачиниб, нега уни камситмоқчи бўлдим экан? Қаранг, у қанотлилар зотидан экан-ку! Жўжа эмас, зотли қуш, ғайратли қуш экан-ку!

Насибнинг ўз қўллари омадли эканига шак-шубҳасиз ишониши сирини мен мана энди англадим. Қўллари омадидан унинг ўзи учун фойда ҳам керакмас, унга шуҳрат ҳам, мукофот ҳам, мол ҳам керакмас. Умр бўйи шу қўллари билан у кимгадир қиттай бўлса ҳам эзгулик кўрсатишга, яхшилик қилишга тиришди, ишда, ўйинда, ҳамма касбу корда, ҳамма ерда бахт келтиришни истади. Унинг қўллари кунлардан бир кун бармоқларини йўқотишиб, ўзларининг яшашга, эзгуликка қандай қодир эканлигини исбот қилишди. Ҳозир энди қўллари омадли тилсимли кучи борлигига у ҳеч қандай шубҳаланмаса керак. Чунки қўл — кўнгил хизматчиси. Кўнгил неники хоҳласа, у шуни яратади. Насибнинг қўллари сингари қўл эса — айниқса...

Насиб тиши билан шишанинг пўкагини тортиб олди. Қолган ароғини теппа-тенг қилиб стаканларга қўйди.

— Одамнинг ичида ҳар вақт одамгарчилик билан нафс олишиб ётади, — деди мезбон бамайлихотир товуш билан. — Биз бор-йўғи икки стакандан ичдик, уларнинг баҳсини шунчаки қиздириб қўйдик. Кел, учинчисини ҳам отайлик. Нафсга таскин бериб, одамгарчиликни ўрнига қўяйлик.

Биз қадаҳ уриштириб, нафсни рози-ризо қилдик, одамгарчиликни ҳам маромига келтирдик.

— Мана шундай, оғайни. — деб Насиб кафтини кафтига уриб қўйди. Ниманинг «Мана шундай» эканини изоҳлаб ўтирмади.

Мен ҳам сўрамадим. Хайр, шундоқ ҳам ҳаммаси тушунарли эди. Ҳар шахснинг бир асосий ўзаги унинг руҳий дунёсини тутиб турган тиргаги бўлади. Менимча, энг мустаҳкам, энг ишончли тиргак, бало-қазоларни писанд қилмайдиган ўзак — бу мўъжизаларга ишо-

кишдир. Насиб бунга ишонади, шундан ҳам нима демасин, гапи дуруст, гапи ҳақ.

Ямлиха янга дам-бадам стол ёнига келиб, чой-янгилаб турди, дастурхондаги неъматлардан олиб ўтиришга қистади. Унинг юришлари бутунлай ўзгарган эди. Қадам ташлаганда қийшайиб-майишиб кетмас, типирчилаб ҳам қўймас, тўғри босиб, шашмайгина, сузгандайгина юрарди. Чунки, уни ҳуркитиб, даҳшатга солувчи киши йўқ эди.

— Эшитмаган бўлсанглар керак.— деди Ямлиха янга.— Думалоқ Толиб ажал тўшагида ётганмиш. Наҳотки, шундай гўзал ёз пайтида кетса. Бир кириб, кўриб чиқсанглар, савоб бўлар эди. Унақа-бунақа одам эмас, кўнгли пок одам.

— Қачон ётиб қолибди?

— Беш-ўн кун бўлди-ёв?.. Кетаётиб юрагини чангаллабди-ю, йиқилибди.

Бу хабар менинг кайфимни тарқатиб юборди. Анави кишда, Самиғуллани суд қилишган йили унинг бошидан думалоқ қалпоғи учиб тушганда, оппоқ қор устига қип-қизил қони тўкилганди. Шундан сўнг, у тақир бошини яширмай юраверди. Бора-бора арзимаган баҳона билан ҳам бўлар-бўлмасга қалпоғини олиб йилтироқ бошини намойиш қилишга одатланди. Кимдир унга: «Тепакал — бу олимлик белгиси, ақлнинг муҳри»,— деган эмиш. Бор ақлни, бор илмни одамдан яширишининг нима кераги бор? Уяладиган нарсами бу? У менга совға қилган самокат, ғилдирак-чи? Бутун маҳалла болалари олдида менинг обрўйимни шу ғилдирак кўтармаганмиди? Бир ғилдиратиб келиш учун болалар бир дунё бойлик беришга рози эдилар. Мен текнига ғилдиратардим, темир конькили Шайхаттор каби, бойлик кетидан қувмадим, раҳмат олдим. Бир раҳматда минг балодан қутқарарлик куч борлигини у пайтда мен яхшироқ англар эдим. Бу ҳақда шундай бир ибратли ҳикоят ҳам бор.

Қадим замонда одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куюдиган саҳрода жуда бой карвон адашиб қолибди. Сувсизликдан одамларгина эмас, туялар ҳам қирила бошлашибди. Қазога дучор бўлган ўша карвонга йўл билувчи бир йўловчи учраб, уни сув бўйига етаклаб келибди. Ҳалокатдан қутулгач, карвонбоши бундай депти: «Э йўловчи, сен бизга катта яхшилик қилдинг,

аммо бу бари бир раҳмат айтишга арзигулик эмас. Сен бизни фақат балодан қутқардинг. Бунга раҳмат сўзи кўплик қилади. Ана, ҳазина ортилган туялардан истаганингни танлаб ол. Ҳар бирида умрингга етарли бойлик бор».

Раҳматни шундай юқори баҳолашган бурунгилар. Думалоқ Толибнинг самокат ғилдираги туфайли мен озмунча раҳмат эшитдимми!

Ямлиха янга айтган кўнгилсиз хабарни эшитгач, мана шундай гаплар менинг хаёлимдан кечди. Нима учундир Насиб бўш шишани яна тиқин билан маҳкамлади. Хўрсиниб қўйди.

— У менинг қалбимга тешиккулча байрами баҳонасида сахийлик уруғини селганди. Шу менга етарли бўлди. Мен ўшанда бутун маҳалла болаларини тешиккулча билан сийлашни ўйлагандим. Бу Толиб оғай кўнглида аввалдан эзгулик уруғи бор одам,— деди у ўзи билан ўзи гаплашгандай кўйда.

Шундай қилиб, бирдан кўнгилга бошқа ташвиш, бошқа ғам қўнди. Биз Думалоқ Толиб билан ризовлашишга кетдик. Йўлакай манқа Валиддинга ҳам йўлиқдик. Урушни Берлинда тугатиб, у кўксига Шухрат ордени тақиб қайтганди. Лекин унинг ўзи айтиб берган можароли ботирликлари ўн ордендан ҳам ортиб қоларлик эди. Қўшиб-тўқиш томондан Валиддин Толибдан қолишмайди. У биз билан бирга борса, ўлим тўшагида ётган бемор билан тезроқ умумий тил топишиб кетамиз, деб ўйладик. Чиндан ҳам янглишмаган эканмиз.

#### «АЖАЛГА ДОРИ БОР ЭКАН»

Толибнинг камбағал чоғи, биз Катта ойим йўқимиз эчки тери олиб борган пайтимизда, айтган сўзи ростга чиқди. «Мен бойиб, семириб кетаман, озгина муҳлат беринглар»,— деганди. Унинг айтган муҳлати келди. Семиришга семирди-ку, лекин кўзини ёғ босмади, йиллар ўтган сайин ниҳоятда бойиб, ниҳоятда табаррук кишига айланиб борди. Ўғилларининг омон қолганлари урушдан қайтди, кичиклари ўсиб-улғайишди. Қайсиниси тракторга минди, қайсиниси автомашинага ўтирди. Баъзилари қўлига узун таёқ олиб, мол ҳайдайди.

Ўғиллар ўз турмушларини ҳам яхши йўлга қўйдилар, оталарига нисбатан ҳам итоатли ёрдамчи бўлдилар. Толиб олти муюшли, катта дарвозахонали, тунука томли уй солдирди. Қопқаларни яшилга, томни оч-қизилга бўятди, лекин бошқаларга ўхшаб кўча ёққа баланд девор қурдирмади, пастаккина темир панжара тутди. «Ичимда-ку, гап ётмайди, ташқаримдагини элдан яшириб нима қилдим? Элда бори — менда бор, менда бори — элда бор», — деди у ихота қилаётганда. Қўрғонида моли, товуқ-хўрозлари бор. Уст-бошига сон кирди. Тепакал боши умр бўйи кўрмаган фетр шляпали бўлди. Фақат қаноатли янгагина бу мўлликнинг эгалигини кўп кўра олмади, икки қиш аввал гўрга кирди. Мана ҳозир ўзи қил устида, кампиридан чақирув келган, дейишяпти.

Бизни қайси ўғлинингдир хотини қарши олди. Меҳмонхонада, суянчиқлари ялтиллаган темир каравотда, у юмшоқ тўшакка чўмиб ётарди. Шундай иссиқ, пуф десанг нафас юзингни куйдирадиган кунда устига қалин кўрпа ёпинган. Аҳволи мушкуллиги кўриниб турибди. Қабр аёзи киши вужудини шундай олдиндан со-вутади. Кўрпа остидан унинг тепакал энсасигина кўринар, юзини у дераза тарафга ўгириб олган эди.

Келин учта курси келтириб, ҳар бирига биттадан ёстиқ қўйди-да, биз ўтирганимиздан кейингина қайна-тасига юзланди:

— Ота, сиздан ҳол-аҳвол сўрагани келишди, ша-ҳарлик меҳмонлар ҳам бор.

Толиб индамади, фақат салгина қимирлагандай бўлди.

— Мадоринг келмаса, қўзғалма, Толиб оғай,— де-ди Валиддин,— арслон юрагингнинг тепишини эшитиб, биз сенга қарабгина ўтирармиз.

Бемор инграниб қўйди. Демак, арслон ҳали тирик. Базўр бошини бурди, бир кўзини очди, лекин ғиринг демади.

Насиб эгилиб, рапидадай думалоқ кафтини бемор-нинг манглайига қўйди. Яъни, шу омадли қўли билан уни шифоламоқчи эди. Толиб бошини яна четга буриб олди.

Тинчгина ўтиришдан бошқа илож қолмади. Биз-нинг овозлар жаннатга йўл тутган одамнинг қулоғига йўл топа олмаётган эди.



— Мана шундай, тилдан қолмасалар ҳам, сўздан қолдилар. Икки ҳафтадан бери,— тушунтирди келин.— Борди-ю, бирор гапимизга жавоб қайтармоқчи бўлсалар...

Даҳлизда алланимага қоқилиб-суқилиб, тапир-тупур қилиб, Фахриддин мулла кириб келди. У бу тарафларда машҳур киши, тўрт уруғ, олти авлод оша менга почча бўлади. Фахриддиннинг вақти-вақти билан қўл урмаган иши, тутинмаган ҳунари қолмаганди. Мен танинган пайтда, у нимжон, ориқ мол олиб, мол сўйиб қассоблик қилар эди. У ориқ отига миниб: «Гўштга-ёғга! Гўштга-ёғга!»— деб қичқириб ўтиб кетгач, кичкинтой болалар, унга тақлид қилишиб, ўйин ўйнашарди; хипчин — «от»га минишиб, «Гўштга-ёғга! Гўштга-ёғга!» деб қичқириб югуришарди.

Бу савдони ташлаб, поччамиз латта-путта, суяк-саёқ, мўғуз-туёқ, темир-терсак йиғишга киришди. Қариганда касбни кўп алмаштирди, у. Челақ, қумғон ямади, самовар тузатди, ёй букди, тол новдасидан ғоз уяси қурди. Ғишт қуйди, арқон тўқиди; сувга чўккан, бўронда адашган, девонага айланган кишилар тўғрисида, фурсат бўлганда, аянчли байтлар тўқиди — байт ҳақиға қизиқмади, буюртмачи нима берса, шукр этди. Уруш пайтида айниқса, бу ҳунарни бозори чаққон бўлганлиги тушунарли. Аянчли байтга муҳтожлик зўр эди. Фахриддин тинимсиз ишлади, лекин шудгорга оёқ босмади. Узича у ақл билан, ҳийла билан енгил кун кўраман, деб ўйларди. Ҳийласи қанчага тушишини айтсаммикин — ҳамайли...

Урушдан кейин поччам Уфага йўли тушди дегунча менинг кулбамни четлаб ўтмайдиган бўлди. Тўғри, менга унча оғирлиги тушгани йўқ, бор-йўғи бир йилда икки-уч мартадан ортиқ келмас эди. Еб-ичиб олгач, фақат унинг фикри ўткирлашиб, миясига ажабтовур маккорона гаплар келар эди.

— Опанг самовар қарнай ола келгин деган эди, олай десам сал ҳамён торлик қилиб қолди...

— Неча пул туради у самовар қарнай?

— Унинг асил баҳоси 22 сўм 50 тийин. Эллиқ тийинини ўзим қўшсам ҳам бўлади,— дейди. У пайтларда ҳали пул айирбош қилинмаган эди.

Пул алмашингач, қарнайнинг ҳақи бошда 2 сўм

қирқ тийин бўлди, ундан 2 сўм етмиш тийинга чиқди. Лекин мен нарх-навонинг ортиши билан ҳисоблашмайман, бояги айтганимдай узоқ қариндошим бўлмиш «опам»ни бир марта ҳам карнайсиз қолдирмадим. Поччам:

— Опанг, самовар карнай ола кел, деб ортимдан қичқириб қолган эди. Аксига олиб...— Мазмунидаги гапини тугатмасдан бурун мен чўнтагимни ковлай бошлайман.

— Ҳозир карнай неча пул туради?

— Унинг нархи икки сўм саксон етти тийинга чиққан.

— Ма, уч сўмлигини ол, опам қувонади.

— Биламан, қувонади.

Ҳарқалай, бир куни ҳазиллашиб шундай сўз қотдим:

— Фахриддин почча, ўзингизнинг гулдай қўлингиз бор, нега ўша карнайни ўзингиз ясаб қўя қолмадингиз?..

— Материал йўқ. Қўл тегмайди. Бунда арзонроққа тушади,— деб жуда вазмин жавоб қайтарди меҳмоним. Шундан сўнг, мен унга бошқа бундай аҳмоқона саволлар бермадим.

Мана, энди яқинда шу етмиш ҳунарли киши ҳаваскорлик кўрсатиб, дин вакилига айланди. Уни сайловчи ҳам, тайинловчи ҳам бўлмади. Одамларнинг виждони, имони, гуноҳи-ю, айби учун жавобгарликни ўз ихтиёри билан зиммасига олди. Бундай оғир вазифани олишда, унга, шубҳасиз, диний билим томонидан ғирт нодонлиги ва табиатидаги таваккалчилиги ёрдам берди. Болаликда ўрганган икки-уч парча дуони ҳам у руслар орасида кўп юриб, аллақачон унутганди. Буни бир куни унинг ўзи оллоҳнинг қудратидан ваъз ўқиётиб айтганди. Ҳозир, дарвоқе, ўша дуолари қайтадан эсига тушган. Зеҳни ўткир, тиришқоқ ўзи.

Остонадан ҳатлаб ўтар-ўтмас ҳаваскор ҳазрат чўзиб салом берди.

— Ассалому-алай-ку-ум! Ҳаммангизга ҳам...

У бизга ортиқ эътибор бермади. Ўз даражасини ушлай билар эди. Бемор ётган каравотга ўтириб дуо ўқиди-да, ўз ишини битиришга киришди.

— Қурдош,— деди у унсиз ётган Толибнинг кўрпасини тортқилаб,— ҳой қурдош, худонинг хоҳишини ол-

диндан билиб бўлмайди, ўтиб-нетиб кетсанг, ёсинсиз ўтма тагин. Узим ёсинини ўқиб қўяй сенга.

Толиб кўзларини очмасдан бошини бурди. Фахриддин бунн розилик аломати деб билди, қичқириб тиловат ўқий бошлади.

— Аузу биллоҳи минашшайтонур ражим, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим...

Толиб кўрпа остидан қўл чиқариб силтади. Фахриддин ўқишда давом этди. Шунда буниси — дастлаб муштини, ундан сўнг кўрсаткич ва ўрта бармоқлари орасидан бошмалдоғини чиқариб кўрсатди. Фахриддин ярим мурданинг ғалати қилиғини кўриб, янада қироатлироқ ўқишга тушди. Шунда Толиб иккала қўлини боягидек қилиб кўрсатди. Фахриддин кучаниб эчки товуш чиқариб юборди. Шунда у икки кўзини катта-катта очиб, муллага бақирди:

— Етар дейман сенга, муртад! Тинчгина ўлишга қўйсанг-чи одамни.

Мулла ёсинни тўхтатди, аммо дарров чекинмади:

— Худонинг ҳукмини билиб бўлмайди...

— Сен билмасанг, мен биламан. Ҳукм чиққан, фармон йўлда. Соатинигина кутяпман.— Катта-ю, кичикка нисбатан доим инсофли, ширин сўз, хушмуомала Толибнинг ажали олдидан шундай кескин, совуққон сўзлашуви бизга эришроқ туюлди. Лекин шу ондаёқ руҳимиз ҳам енгил тортди. Модомики, бармоқларини боягидек қилиб, диндор одамни муртад дея расво этишга кучи етган экан, демак ундан умид узишга ҳали эрта-роқ экан.

Валиддин жимиб қолган «ҳазратга» эшик томонни имлаб кўрсатди. У тушунди. Зийраклиги бор, ҳарқалай. «Ихтиёр сенда, қурдош»,— деб қўйиб, эшикка йўналди. Келин уни кузатишга чиқди. Тўрдаги уйда тўрттовимиз қолдик.

— Шундай қилиб, дунё билан ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлибсан-да, оғай,— деди Валиддин.

— Етар энди, биродарлар,— деди у юмшоққина.— Ошимни ошаб, ёшимни яшадим. Қоидани ҳам билиш керак.

— Айтадиган васиятларингни айтиб, берадиган фотиҳаларингни бериб бўлганга ўхшайсан сен,— деб суриштириб қолди Валиддин.

— Васиятим йўқ. Дунё менинг васиятимга муҳтож эмас. У катта ақл эгаларининг васияти билан боради,— деди бир кўзини очиб.— Фотиҳамни эса, мен одамларга таним соғ, ақлим бутунлигидаёқ берганман.

— Биттаям айтадиган сўзинг йўқми, шундай қилиб? Охирги сўзинг?

Толиб узоқ жимиб ётди. Сўнг ёнбошига ўгирилди, икки кўзини ҳам очиб, шундай мунгли, шундай ёлворувчи қилиб қарадики, менинг ҳатто эгим жимираб кетди.

— Бор. Ўтинчим бор,— деди.

— Айт ўтинчингни, оғай. Барини ҳам ўтаймиз,— деб ваъда берди Насиб.

Бемор чуқур хўрсиниб қўйди.

— Менинг жанозамда аёллар йиғлашади, шуларни овутиглар.

— Қимлар? Қандай аёллар, оғай?

— Мен яхши кўргану, лекин мени яхши кўришмаган аёллар ўкиниб йиғлашади. Шуларни овутиглар. Мен уларни афв этиб кетаман. Шуни айтиб, овутиглар. Йиғлашмасин.

— Овутаимиз оғай, овутаимиз,— деб астойдил сўз бердик.

— Раҳмат. Яна... Мени яхши кўришгану, лекин мен яхши кўрмаган аёллар ҳам айрилиқдан ўкиниб йиғлашади. Буларни ҳам овутиглар. Мен бир чоқлардаги буларга нисбатан тошкўнгиллигим учун ҳозир ўзим ўкинчиларимга чора тополмай, йиғлаб кетаётирман. Шуни айтиб, уларни овутиглар. Йиғлашмасин.

— Овутаимиз, оғай, валлоҳи, овутаимиз,— деб онт ичдик.

— Раҳмат, муҳтарам инсонлар. Мен сизга ишонман.

Насиб бирдан бир жимчилоғи билан манглайини қашиб қўйди.

Кейин тилга кирди:

— Анави, учинчиларига нима дейлик?

— Қайси учинчиларига?

— Сен яхши кўргану, сени ҳам яхши кўрганларга.

— Э-э, уларгами? Уларни тийманглар. Йиғлаш-

син. Улар аччиқ-аччиқ йиғлашлари керак.— Толиб тагин кўзларини юмди. Юмди-ю, шу ондаёқ очди. Унинг кўзларида теран бир ҳасрат намоён эди.— Мен умримда кўп орзулардан ошён қурдим, биродарлар, ҳаётда чин билан хаёлни қориштириб юборган пайтларим бўлди. Лекин гўр оғзида турганимда бундай қиллолмайман, тўғриси: ундайлари бўлмади. Мен яхши кўрганлар мени яхши кўриши пешонамга битмади...

Насибнинг ўринсиз саволи Толиб хаёлида қурган шиша саройни чил-чил синдиргандай туюлди. Қулоққа ҳатто жинг-нг-нг этган садо урилгандай ҳам бўлди.

Жуда узоқ индашмай ўтиришдик. Толиб ҳам кўзларини шифтга қадаб, тинчгина ётди. Орада каттароғимиз Валиддин бўлинган гапга тагин қайтди:

— Эртароқ жилаётирсан, Толиб оғай, эртароқ. Дёма оша қурилаётган янги тош кўприкни кўрмай кетаяпсан.

— Кўприк?— Бемор озгина бошини кўтармоқчи бўлди. Валиддин уни қайси томондан нишонга олаётганини биларди. Думалоқ Толиб неча йиллардан бери Дёма оша тош кўприк солдириш тўғрисида ўйлаб юрар, ҳар бир йиғилишда халқни шунга ундаб, шир ташлагани ташлаган эди.

— Ким қурапти?

— Ҳукумат. Шу кунларда қарори чиқди,— деб имонсизларча алдади Валиддин.— Йил ичида қуриб битказиш лозим, дейилган. Муз қирққичлари пўлатдан ишланаркан. Сенинг ниятинг, сенинг тилагинг билан битадиган бўлди шу кўприк. Тилагингни ҳукумат қабул қилиб, турмушга оширяпти, сен бўлсанг, пошнаси нағалли этикларингни кийиб, яп-янги кўприкдан биринчи бўлиб ўтиш ўрнига мазорга кетмоқчи бўлиб турибсан. Яхши эмас, Толиб оғай. У кўприкдан биринчи йўл бошлаб Исҳоқ-мешкай ўтадимми энди, аҳвол бундай бўлгач? Нима учун Исҳоққа бундай иззат-ҳурмат кўрсатилиши керак?

— Иззат-ҳурмат Исҳоққа тагин... Ёстиқни орамга қистириб қўй.— Мен ёстиқни қистирдим, у кўтарилиброқ ётди.— Муз қирққич учун, айтинглар, пўлат ишлатмасинлар. Исроф бўлади. Бетондан қи-

лишса ҳам ярайверади. Юртда бусиз ҳам пўлатга эҳтиёж катта.

— Айтамиз.

— Исҳоқ дедингми-а? Дунё шунақаларга қоляптими?..

— Қолдиргандан кейин, қолади-да,— деб аёвсиз таъкидлаб қўйди Валиддин.

— Кўприк кўприк энди,— деб мен ҳам сўзга қўшилдим,— Толиб оғай тош кўприкдан ҳам, чўян кўприкдан ҳам ўтган неча бора. Дунё кўрган киши, бунинг нимасига ажаблансин? Ана, электр поғоналари Қозонгул тепалигидан ҳам ўтди, овулга етиб желишига зиғирча қолди. Уйида ялт этиб қуёш балқиганини кўрмай кетаётир Толиб оғай. Одам ана шунисига ачинади...

— Биринчи чироқ, албатта, қонун бўйича ҳам, одат бўйича ҳам шу уйда ёниши лозим. Мана бу ерга пуфақдай келадиган лампочкани осамиз, анави ерга майдаларини оссак ҳам бўлаверади,— деб Валиддин ўрнатадиган жойларни ҳам белгилади.

— Баландроқ кўтар ёстиқни!— Бу гал Насиб тўғрилади. Бемор суялиб ўтирди.— Электр — бу мўъжиза. Мен ғира-шира ёруғда кўз очган бандаман.— Электр — бу илоҳий нарса... Қозонгул симёғочларини мен мўлжаллаб танлагандим. Ҳа, ҳосили эса бошқаларга қолаётир...

— Қолдиргандан кейин, қолади-да...

— Нега энди сен қизилиштонга ўхшаб «қолади-да, қолади-да, қолади-да...» деб қарқиллаб қолдинг, Валиддин.

— Мен сенинг сўзингни тасдиқлаяпман, холос.

— Сенинг тасдиқлашинг менга сарёгдай ёқяпти, деб ўйлайсанми?— Толибнинг юзига тер тепчиб чиқди. У чуқур қилиб, улиш олди. Валиддин ҳам хўрсиниб қўйди.

— Оғайнилар, кўприкни ҳам, электрни ҳам гапирришга арзимади. Жонсиз нарса улар. Мана бир тирик жонга ачиниб юрагинг узилади; сўнги кунлари ўзи ғуссага ботиб, мунғайиб ёлғиз ўтган эди, энди бу ёғи ҳам ёлғиз қолди.

— Кимни айтмоқчисан?— унга тикилиб қаради Толиб.

— Кимни бўларди? Оқ юлдузни-да.

— Сал пайровдан чиқиб кетдинг, дўстим,— деб унинг сўзини кесди Толиб.— Кулги учун сўзлаган бўлсанг, кулгили эмас, жиддий сўзлаган бўлсанг, яна келишмаган гап. Оқ Юлдуз — имон бу. Имонни ҳурмат қилиш керак.

Ҳа, Валиддин бу гал ўйламай сўйлаб қўйган эди. Мен уни ноқулай вазиятдан қутқармоқчи бўлдим.

— Оқ Юлдуз янганинг кўрса кўргудек ниҳоятда кўркам, ниҳоятда чиройли тул опаси ҳам бор экан. Икки томчи кўз ёшидай синглисига ўхшайди. Зора бахтим очилиб қолса, деб Дёма тепалиги томондан биз тарафга кўчиб келибди,— деб Кичик ойнимдан эшитган хабарни ўртага солдим.

— Шунчалик ўхшашар эканми бир-бирига?

— Қўйиб қўйгандай деяпман-ку!

— Оқ Юлдузнинг тирноғига тирноғи ўхшаса ҳам, фаришта зотидан бўлади. Исми нима экан?

— Ой Юлдуз,— деб шошиб жавоб бердим мен, ўйлаб ўтирмасдан.

— Исмини бўрттириброқ қўйишган экан. Хайр, номни ўзи танламаган-ку. Тўғриси айтганда, Оқ Юлдузга умр бўйи суқланиб қараб тўймадим. Бир кўрайин-чи, Ой Юлдузи қанақа экан.

— Кўрмай нима, кўрамиз уни. Сен мундоқ оёққа босгин-чи...

— У-уф-ф! Туролмасам кераг-ов...

— Овозингни шамол учирсин, Толиб оғай. Одам ҳам сабан тўйлари олдидан ўз касалини ўйлайдими ҳеч замонда?— деб Валиддин гапни бутунлай бошқа томонга бура бошлади.— Ҳали майдонларни тебратиб юборадиган рақслар олдинда кутиб турибди. Мана сен тепалик ўртасида, бир эгилиб, бир туриб, гир-гир айланасан. Халқ сени ўраб олиб, томоша қилади, шевқин-сурон, қарсак чалади. Оқ Юлдузлар, Ой Юлдузлар ва бошқа Юлдузлар суқланиб, ҳайрон қолиб, кўз отишади сенга. Сен ундан ҳам гўзалроқ, бундан ҳам шўхроқ, бундан ҳам шиддатлироқ рақсга тушасан. Шундай ўтли ўйнайсанки — эҳ-ҳе! Узинг-оқ, сезмасдан, лапар айтиб юборасан:

Минган оти зўр экан,  
Зап азамат эр экан.  
Тушса агар майдонга  
Дарров танишар экан...  
Ҳайт! Ҳайт! Ҳайт!

Толиб қалқиниб қўйди. У, чиндан ҳам овулниг энг ўткир, энг шўх ўйинчиси эди. Унга етадиган одам топилмас эди. Ёшлигида ҳам шундай бўлган, ҳозир ҳам ундан ўтадигани йўқ.

Валидин ҳамон ҳангомасида давом этди:

— Майдондаги хотин-қизлар зориқиб, мунгайиб кутишади. «Мени рақсга тортиб кетсайди», деб термилишади. Сен бўлсанг кимнинг қаршисига келиб рақсга тортишингни олдиндан мўлжаллаб қўйгансан. Оёқларингни типирлатиб келасану тортасан. Нақ ўзини...

— Келин!— деб бақувватгина овоз билан чақирди Толиб. Нариги уйдаги келини шу ондаёқ югуриб кирди.

— Нима, ота?— деди хавотирланиб.

— Келин, қўноқларнинг яхшилари, асиллари келишган экан. Бўзандан мўлгина олиб чиқ.

Келин чаққонгина экан. Бир зумда стол устига катта яшил идиш келтириб қўйди. Сўлғини тишлаган от сингари бўзага ботиб турган чўмич идишнинг четини тишлаб турибди. Безакли сопол пиёла-лар тизилди. Валиддин тўрт пиёлага ҳам чўмичда тўла-тўла бўза қўйди.

— Сабан тўйлари шарафига олайлик,— деди соқиймиз. Бир пиёлани эгасига узатди. Эгаси қадаҳни олмоқчи бўлди-ю, тагин шаштидан тушди.

— Ичмаганиндан кейин, қўл теккизиш ҳаром,— деди.— Ўзинглар марҳамат қилинглар.

Бўза — ичишга енгил бўлса ҳам, тез кайф берди. Биринчи даврадаёқ томирларгача иссиқ югургандай бўлди. Иккинчиси билан учинчиси жонга буткул аро киритди. Биз ичганда Толиб ҳузурланиб, қараб ўтирар, ора-сира «яхши кетсин», деб қўярди. Биз энди бу уйга нега келганимизни ҳам унута бошладик. Тўртинчи қадаҳ кўнгилга мунг келтирди. Валиддин нола қилиб, чўзиб-чўзиб куйлай бошлади:



Ўсган чоқда бирга ўсдик  
Толнинг новдаларидек...

Ярим йўлда унга Насиб жўр бўлди:

Ўсгачгина айрилишдик,  
Қушнинг болаларидек.

Мен куйламадим. Овозим йўқ. Тинглабгина ўтирдим. Пиёлалар бир уриштирилди, бир қўйилди. Қўшиқ энди бутунлай тизгинсиз тус олди: очиқ деразадан чиқиб, элга таралаётган эди. Сал манқароқ бўлса ҳам, Валиддиннинг товуши мусиқий. Қўшиқлари ҳам кўнгилга ёқади — айниқса, чўзиқ куйни қўшиқ қилганида.

Ўнгимда-ку, кўриб тўя олмадим,  
Тушларимга кирса, тўярмиканман...

— Эҳ, мандалина бўлсайди!— деб мандалина чертгандай ҳаракат қилди Насиб.— Ўзим чалиб, ўзим ўйнар эдим...

У йўқ бармоқлари билан йўқ мандалинининг қилларини тебратди. Мен титраб кетдим. Ҳеч қачон унинг чалганини кўрган эмасман, аммо ўша, у бойиб қайтган йили жуда гўзал бир мандалинасн бор эди. Насиб бир неча марта ўйнашга интилиб кўрди. Валиддин унга эрк бермади, енгидан тортиб тўхтатди. Ҳарқалай, биз бир оёғи гўрда турган киши билан рози-ризолошишга келганмиз. Одоб керак.

Учинчи идиш ўртага келганда, Толиб энди яп-янги наMAT махси кийган оёқларини каравотдан осилтириб ўтирар эди. Бу аснода қангома уруш ҳодисалари, фронт можаролари, бизнинг аскарлар топқирлиги, германники эса, аҳмоқлиги тўғрисида борар эди. Толиб ўзи ҳам, биринчи герман урушида қанчадан-қанча милтиқ отган, қанчадан-қанча пайтава йиртган киши. У гвардиячи бўлиб хизмат қилганини бутун

эл-корт биларди. Ҳозир ҳам унда гвардиячилик ўти аланга олиб қолди:

— Йўқ, Валиддин, германни сўз билан яксон қилиб ташлама сен. Улар аҳмоғу биз ақллироқмизми? Улар қўрқоғу биз ботирроқмизми? Сен германни ахлатга чиқарма, Валиддин! Мен уни енгиб гвардиячи бўлганман! Сен ҳам гвардиячисан, бу ҳам гвардиячи, ана Насиб ҳам гвардиячи. Ким қуён овлаб ботир деган ном олибди? Айиқ йиққан — ботир эмасми?

— Гвардия, олға!— Насиб, ёлғиз жимжилоқли кўлини юқори кўтариб, команда берди.

Шундан сўнг, ҳангоманинг ҳоври кетди. Биз учовимиз ҳам, оёққа туриб, қучоқлашдик. Кейин нималар бўлганини тушда кўргандайман. Фақат, Валиддин билан Насиб Толибнинг қошида туриб айтган сўнгги қўшиқнинг ярмиси ҳалиям эсимда турибди:

Ажалга дармон бор экан,  
Муҳаббатга дармон йўқ.

Яна шуниси ҳам эсимда: биз чиқиб кетаётганимизда Толиб қичқириб қолди:

— Эҳ, қандай ажойиб йигитларсиз! Сизлар билан бир ўтиришнинг ўзи бир умрга арзийди.

Биз чиқаётганда Толибнинг уйи олдига маҳалла кишилари тўпланмоқда эди. Улар кулишяптими, йиғлашяптими — аниқ, равшан айта олмайман.

...Толибга келган ўлим — уни олиб кетишга чиқарилган қора фармон ўн йилдан ортиқ қайлардадир адашиб юрди. Бу орада овулда биринчи бўлиб электр чироғини унинг уйида Валиддин ўзи ёқиб берди. Майдонларда унинг бетизгин рақсларини кўрган халқ аввалига ҳайрон қолиб ёқа ушлади, Оқ Юлдузнинг синглиси Марғубани (исми шунақа бўлиб чиқди) унга никоҳлаб ҳам бермоқчи бўлдилар. Кўнгли илиқмади, ҳатто тирноғи ҳам Оқ Юлдузга тортмаган бўлиб чиқди, у. «Хотинга — эр, қайишга — бел керакку», деб суймаганга суйкалмади Толиб. Сўнгги манзилга ёлғиз ўзи кетди.

... Дёма устидаги тош кўприк ҳали ҳам қурилишда давом этмоқда. Кимларнингдир ўйида, умидида, тилида қурилмоқда, у.

Дунё эса, турганча турибди.

## ОҚ ҚОР УСТИДА ҚОРА КҰМИРЛАР

Тўқсондан ошган Кичик ойим бир куни эрталаб жуда ғамгин кўринди. Мен ҳол-аҳвол сўрагач, «шукур, соғман», деб ҳатто жилмайган ҳам бўлди. Лекин бари бир унинг кўнгли паришон эди. Ҳадеб, сўрайверганимдан кейин, айтиб берди.

— Бугун тонгда мен йиғладим,— деди.

— Нега йиғладинг?

— Шунчаки ўзим... Қарилик — телбалиқдир, балки.

Она кўз ёшларига нисбатан ўғлининг бефарқ қолиши мумкин эмас, агар она тўқсондан ошган, ўгли эса, олтмишга яқинлашган бўлса — айниқса...

Мен қайта-қайта сўрайвердим:

— Ё ранжитишдимми? Ё касалингни яширяпсанми?

— Мен ачиниб йиғладим.

— Кимга?

— Жингала сочли ялангоёқ қизга. Саккиз ёшга кирди бор-йўғи.

— Кимнинг қизи?

Кичик ойим бу саволга қулоқ солмади, ўз гапини давом эттирди:

— Учоққа ўт ёқай деса, уйда гугурт йўқ, изгирин турган қиш эртасида, хокандоз тутқазиб, онаси уни қўшнисиникига чўғ олиб келгани юборди. Кўйлакчан, ялангоёқ югуриб кетди, у. Қайтиб ўз остоналарига етгандан кейингина, тойиб кетди-да, тап этиб ерга ўтириб қолди, хокандоздаги кўмирлари қор устига сочилиб кетди. Оппоқ қорни, гўё, қоп-қора кўз ёшлари ачитиб куйдириб олди. Қиз бола шу ўтирган кўйи аччиқ йиғлаб юборди. Яланг оёқларининг панжалари музга ёпишар эди. Уша қизча — мен эдим. Бугун тонгда уйғониб, ана шу жажжи қизга ачингандан йиғладим. Тийилишнинг чораси йўқ. Мумкин

бўлса, унга энг иссиқ кийимларни кийдирар, энг тотли меваларни берар эдим. Йўқ... Мумкин эмас. Қанча ўкинма, мумкин эмас. Яна... шу мумкин эмаслик важдан ҳасратга ботиб, йиғладим мен...

Мана шундай экан. Бахтлими, бахтсизми, бизнинг болалигимиз узун-узоқ йиллар бўйи оптимиздан эрғашиб келади. Тўғрироғи, бизнинг кўнглимиздан кетмайди. Кичик ойимни айтаман, саксон йилдан ортиқ вақт ўтгач, ялангоёқ қор устидан югуриб ўтган болалигига ачиниб йиғлади. Бунинг ўзи гўдаклик эмасми? Гўдаклик бўлса керак. Гўдаклик, менимча, софликдир.

Сочилиб кетган кўмир эса, оқ қорни қорага айлантира олмайди.

1972—1976

## МУНДАРИЖА

---

Муқаддима . . . . .	3
Остин-устун . . . . .	4
Доялар . . . . .	8
Қурбон ҳайит . . . . .	21
«Еш бошимдан қолдим фироқда» . . . . .	39
Менинг дўстим Асқад . . . . .	46
Шармисор шаҳар . . . . .	65
Думалоқ Толиб . . . . .	91
«Гўшти сизники, суяги бизники» . . . . .	98
Икки суд . . . . .	101
Бойваччалар . . . . .	115
Оқ Юлдуз . . . . .	122
Икки мактуб . . . . .	180
Катта ойимнинг рози-ризолашуви . . . . .	211
Қўли Омадли Насиб . . . . .	224
«Ажалга дори бор экан» . . . . .	239
Оқ қор устида қора кўмирлар . . . . .	251

На узбекском языке  
Библиотека дружбы  
Проза народов СССР

Мустай Карим

ДОЛГОЕ-ДОЛГОЕ ДЕТСТВО

Повесть

Перевод с издания издательства  
«Современник», Москва, 1977

---

Редактор *О. Мухторов*  
Серия рассказов *И. Кириакиди*  
Рассом *К. Губайдуллин*  
Расмлар редактори *А. Кива*  
Техн. редактор *В. Барсукова*  
Корректор *М. Насриддинова*

ИБ № 1040

Восмахонага берилди 09.09.78. Восишга рухсат этилди 11.04.79. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Восма л. 8,0. Шартли босма л. 13,44. Нашр. л. 13,28+0,5 (вклейка). Тиражи 30000, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 99—78.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида терглиб, 1-босмахонада № 1 кетозга босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1979 йил. Заказ № 86. Баҳоси 1 с. 20 т.

**Карим Мустай.**

**Болалик йилларим: Қисса /Русчадан О. Ёқубов ва У. Ҳшимов таржимаси.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979С.—256 б.— (Дўстлик кутубхонаси. СССР халқлари прозаси).**

Ўзбек китобхонлари таниқли бошқирд шоири, СССР Давлат мукофоти лауреати Мустай Каримнинг кўплаб шеърлари, «Ой тутилган тунда», «Ойгул диёр» сингари асарлари билан яхши таниш. Адиб сўнгги йилларда ўзининг кечган ҳаёт йўлига назар ташлаб, «Болалик йилларим» деган қисса ёди. Биз шопрога кайфиятда ёзилган шу қиссани китобхон диққатига ҳавола қиламиз.

**Карим Мустай. Долгое-долгое детство. Повесть.**  
С(Бошқ.)

1979—1980 ЙИЛЛАРДА  
«ДУСТЛИК КУТУБХОНАСИ» СЕРИЯСИДАН  
ҚУЙИДАГИ КИТОВЛАР ЧОП ЭТИЛАДИ

СССР халқлари прозаси

- Юрий Бондарев* — «Соҳил». Роман.  
*Мар Войжиев* — «Менинг олтин балиқчам». Ҳикоялар.  
*Ҳасан Ирфон* — «Қосиблар кулбасида». Роман.  
*Пауль Куусберг* — «Андрес фожиаси». Роман.  
*Борис Полевой* — «Нюрнберг қасоси». Кундалиқлар.  
*Ион Друце* — «Кеч куз». Қиссалар.  
*Тўлаган Қосимбеков* — «Синган қилич». Роман.  
*Валентин Распутин* — «Яша ва ёд эт», «Сўнги муҳлат». Қиссалар.

СССР халқлари поэзияси

- Юстинас Марцинкявичюс* — «Миндаугас». Драматик достон.  
*Ибройим Юсупов* — «Раҳмат сенга, замонам». Шеърлар, достон.  
*Анатолий Софронов* — «Жанубда баҳор». Шеърлар, достонлар.  
*Демьян Бедний* — «Шеърим». Шеърлар, балладалар.  
*Николай Грибачев* — Шеърлар ва достонлар.  
*Дамба Жалсареев* — «Буриятлар қўшиғи». Шеърлар.